

# ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ

Биринчи китоб

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**ҲАЛИМБОЙ БОБОЕВ**

**“Ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихи жараёни самарадорлигини  
ва сифатини оширувчи омилларни тадқиқ этиш ва ижтимоий  
механизмлар тадқиқоти” мавзусидаги илмий-тадқиқот иши**

**Биринчи китоб**

**Тошкент-2004**

Ўзбек халқининг давлатчилик тарихи дунёдаги қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой каби давлатлар тарихи билан баробар бўлиб, бундан тахминан уч тўрт минг йил аввал шаклланган. Энг қадимги номи Турон бўлиб, уларни араблар Эрон билан бирга "Ажам" деб юритганлар. Бугунги Ўзбекистон Республикаси ана шу қадимги Турон, кейинчалик Туркистон деган номлар билан дунёга танилган давлатнинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, унинг меросхўридир.

Ўтмишда эронийлар, юнонлар, араблар, мўғуллар ва руслар томонидан ўтказилган босқинлар оқибатида Турон ўз бошидан мураккаб тараққиёт босқичларини ўтказган. Унинг ҳақиқий тарихи баъзан бузиб, баъзан эса камситилиб ҳатто кейинги йилларда умуман унутилишга бориб еган эди. Мустақиллик шарофати билан нафақат ўзбек халқи, озод ва эркин бўлди, балки ўзбек давлатчилиги озод тарихини тадқиқ этиш имкониятига эга бўлди.

Ушбу китобда ўзбек давлатчилиги тарихи энг қадимги даврдан ўрта асрларга қадар мавжуд туркий, форсий, араб, хитой, рус тилларидаги манбалар асосида кўриб чиқилади.

Мазкур китоб Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, аспирантлари, давлат ва ҳуқуқ тарихи билан қизиқувчи китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Масъул муҳаррирлар:** тарих фанлари доктори Ҳайдарбек

Бобабеков. Педагогика фанлари, доктори  
профессор Солижон Ҳасанов

**Такризчилар:** юридик фанлари доктори, профессор

Зиёдулло Муқимов;

юридик фанлари доктори, профессор

Абдужабборов Тўлаганов;

Фалсафа фанлари доктори, профессор

Собитхон Носирходжаев

## Муқаддима

Дарҳақиқат, қадим замонлардан туркий халқларнинг, шу жумладан, ўзбекларнинг Ватани бўлган Туронни эслаш биз учун ҳам қарз ҳам фарз ҳисобланади.

Зотан, Турон ҳақидаги маълумотлар, хабарлар, афсоналар шу даражада хилма-хилки улар баъзан бир-бирларини инкор этади. Айниқса, қадимги Туронда яшаган қавмлар, уруғлар, халқлар ва ташкил топган давлатлар тўғрисидаги фикр - мулоҳазалар ҳам турличадир. Масалани ўта мураккаб ва қадимийлигига қарамасдан биз ҳам ўз фикрларимизни билдиришга жазм этдик.

Биз Турон ҳақида мулоҳаза юритганимизда, кўпроқ бу заминда қадимда ташкил топган, ривожланган давлатлар ва ана шу давлатларда ҳукмдор қилган шоҳлар, хонлар, амирлар ҳамда уларнинг давлат бошқарувининг қонун-қоидалари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, туркий уруғлар ва давлатларни турли замонларда турли номлар билан аталганликларининг сабабларини аниқлашга ҳаракат этдик. Туркий халқлар, давлатлар номлари ички ва ташқи объектив сабабларга кўра хилма-хил, ранг-баранг, узуқ-юлуқ ва тарқоқ ҳолдаги тушунчалар, қарашларни танқидий нуқтаи назардан ўрганиш асосида бир тартибга яъни тизимга келтиришга уриндик.

Ўзбекистон ҳудудида инсонлар тахминан миллион йил аввал қадимги тош асри (Палеолит) давридан яшаганлар. Давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳам дунёдаги энг қадимги Миср, Вавилон, Эрон, Ҳиндистон, Хитой каби Турон давлатчилиги бундан 3-4 минг йиллар аввал мавжуд бўлганлигини ва ўзбек давлатчилиги ана шу қадимги давлатчиликнинг меросхўри эканлигини кўрсатиш масаласи ҳам асосий мақсадларимиздан биридир.

Туронга, яъни бугунги Ўзбекистонга ўзининг жўғрофик жойланиши нуқтаи назардан қаралганда ғарб ва шарқда ўтмишда бўлиб ўтган барча юришлар, силжишларнинг марказида бўлганлиги ва бу ерларда машҳур

жоҳонгир шоҳлар: Афросиёб, Отилахон, Кир, Доро, Александр Македонский, Чингизхон, Амир Темур кабиларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилдик.

XXI асрга қадам қўйган инсоният бугун бир томондан дунё халқларини, давлатларини глобаллашиб қўшилиб бораётганлигига дуч келган бўлса, иккинчи томондан, кучли империяларни дунёни янгидан тақсимлаш учун турли баҳоналар билан кичик, кучсиз давлатларни, бозорларни ўз тасарруфига ўтказиб олиш учун қонли урушларни олиб бормоқда.

Терроризм, диний экстремизм тинчликка хавф солаётган бир тарихий шароитда дунё халқлари, миллатлари тинчлик, фаровон ҳаёт томон етакловчи ягона мафкурага тобора муҳтожлик сезаётганга ўхшайди. Ана шундай тарихий бир шароитда ҳар бир миллат авваламбор ўзининг тарихини билмасдан, ўзгаларни тушуниб етиши мумкин эмас. Авваламбор, биз туронийлар, туркийлар ўз шажара-илдизларимизни, аجدодларимизни билишимиз, танишимиз ҳаётан зарур деб ўйлаймиз.

Биз ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожикларни қадимги Турон заминидан бугун суверен давлат бўлиб ривожланишида, келажакда бу давлатлар халқларини ўзаро тинч-тотув яшашлари учун хизмат қиладиган тил, урф-одат, дин энг муҳими қон-қариндошликларини мустаҳкамловчи, бирликларини кўрсатувчи Тур, Турон, Туркистон, Туркий тушунчаларини ўрганиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Биз, ушбу китобда саволларга Турон, хусусан, Ўзбекистон давлатчилиги тарихи тўғрисидаги масалани батафсил ёритдик деган фикрдан йироқмиз. Зеро, Турон тарихи мисоли бир денгиздир. Биз ана шу қадимий ва улкан тарих ҳақида бизгача ёзилган ва етиб келган манбалар асосида ўзимизнинг айрим фикр ва мулоҳазаларимизни билдиришга журъат этдик, холос.

Албатта, китоб саҳифаларида айрим камчиликлар, ноаниқлар учраши табиийдир. Шу боис, мухтарам китобхон биз томонимиздан билмасдан, йўл қўйилган камчиликлар келажакда сиз томонингиздан тулатилиб тўлдирилади деган умиддамиз.

## Манбалар

Китобни ёзишда асосий манба қилиб энг аввало халқ оғзаки ижодидан фойдаландик. Ўзбек халқи қадим замонлардан бой халқ оғзаки ижодини яратган. Масалан, афсона, достон, эртак, ривоят, мақол, матал, қўшиқ ва бошқа шакллардаги ўзбекларнинг (туркийларнинг) ижтимоий-сиёсий қарашлари мукаммаллаштирилган ҳолда берилган. Бу достон ва эртакларда адолат учун, ўз Ватани, халқи учун курашганлар ҳақида айтилган қўшиқлар тўқилган. Тўмарис, Широқ, Алпомиш қабилар ҳақидаги ҳикоялар бунга мисолдир.

Адолатсиз шоҳларни танқид қилиш, масалан, Хўжа Насриддин ҳақидаги ҳикоялар орқали ифода этилган. Подшо Насриддин Афандидан одамлар орасидан энг аҳмоғини ушлаб келишни буюрибди. Насриддин мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиқиб, ҳеч кимни топа олмай қайтиб келибди. У подшонинг ҳузурига кириб, таъзим қилибди.

Подшо ундан мамлакатдаги энг аҳмоқ одамни топтингизми деб сўраганда Насриддин, ҳа топдим тақсир деб жавоб берибди.

“Хукмингизда бўлган мамлакатдаги энг аҳмоқ одам сиз экансиз!” деб жавоб берган экан Насриддин. “Насриддин Афандининг ақлдан озган куни” латифасида эса адолатсиз шоҳ ва унинг мулозимлари ҳақида ҳикоя қилинади. Шоҳ давлатни бошқаришда қонун-қоидага эмас, балки зўрликка асосланади. Давлат хизматчилари эса шоҳга ўхшаш бўлиб, улар таъмагирлик, порахўрлик билан шуғулланганлар ва аҳолига нисбатан зулм ўтказар эдилар. “Золим шоҳ”, “Ўғри” ва шу каби эртакларда одамлар золим, очкўз шоҳларнинг устидан кулишади. Уларнинг ўрнида адолатли шоҳлар ва амалдор раҳбарлар бўлишни истайдилар.

Туронийлар ҳаётида жуда қадим замонлардан буён халқ оғзаки ижоди инсонларни, айниқса, ёшларнинг онгини шаклланишида, уларнинг ўз халқларини, Ватанларини севишларида яхши-ёмон, адолатли - адолатсиз, савоб - гуноҳ, ҳақ - ноҳақликларни тушунишларида асосий тарбиявий восита

вазифасини ўташда аҳамияти каттадир. Халқ оғзаки ижоди ўзидан кейин яратилган барча ёзма манбаларга асос бўлганлиги шубҳасиздир.

Ёзма манбаларга келганда, албатта, мамлакатимизда илк бор китоб шаклида ёзилган ва Турон, Эрон мамлакатлари халқларининг ривожланишини ўзида мужассамлаштирган. Зардуштийлик дини китоби “Авесто”дир. У тахминан қадимги Хоразмда учминг йил аввал ёзилган эди. Бу ҳақда китобнинг тегишли қисмида алоҳида тўхтаймиз.

“Табарий тарихи” ёки “Тарихи табарий”да Шарқда, хусусан, Эрон ва Туронда Одам атодан то Ўрта асрларгача бўлган давр тарихи ҳикоя қилинади. Айниқса, Ажам давлатининг тарихи, унда ҳукумронлик қилган шоҳлар, шаҳзодалар ҳамда уларнинг сулолари ҳақидаги маълумотлар қимматлидир.

Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки ажам”, “Тарихи амбиё ва ҳукамо” асарлари бевосита бизнинг тарихимизга бағишланган. “Ажам мулуки”, яъни арабдан ташқаридаги мулук тарихидир. Қадимги тарихда бизнинг тарихимиз Турон ва Эрон қўшилиб Ажам номи билан аталган ва “давлат” сўзи ўрнига эса “мулук” сўзи ишлатилган. Навоий ушбу асарида тўрт сулола ва 65 дан ортиқ шоҳларни номма-ном қилган ишларича баҳо берган. Ажамда Қаюмарс Пешдодийлар сулоласини бошлаб берган биринчи шо эканлигини, у одамларга Қаюмарс тошдан темирни ажратиб олишни, Ёғочдан эшиклар яшаш уйлар қуришни ўргатганлигини, кўплаб ёввойи ҳайвонларни уй ҳайвонларига айлантирган тадбиркор шоҳ бўлган. Бундан ташқари мутафаккир Туронда шоҳлик қилган биринчи шоҳ Фаридидуннинг ўғли Тур бўлганлиги ва Турон ва Эрон ўртасидаги муносабатлар, Алп Эр Тўнга (Афросиёб), Александр Македонский юришлари ва шунга ўхшаш муҳим тарихий воқеалар тўғрисида батафсил маълумотлар беради.

Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари ҳам Ажам давлатининг тарихини ўрганишда муҳим манбалар сирасига киради. Фирдавсий ўзининг “Шоҳнома”сида Эрон ва Турондек катта ҳудудда давлат ва қонунни жорий этилиши тарихини ҳамда Рустам каби қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя қилади.

Эронда Фаридидун каби адолатли шоҳ ўтганлиги ва унинг уч ўғиллари: Салим, Тур, Эрожлар ўртасида Ажам мулукини тақсимланиши, Тур эса Жайхун дарёсининг шарқида яъни Туронда мустақил давлатчиликка асос солганлиги ҳақида жуда қимматли фикрларни билдиради. Фирдавсий “Шоҳнома”да Турон сўзини Турнинг исмидан келиб чиққанлигини баён этган.

“Шоҳнома”даги Салим ва Турнинг ўз укалари Эрожга қарши урушлари ва Афросиёбнинг Эронга юриши, Заҳҳок каби золим шоҳлар тўғрисидаги тарихий маълумотлари ниҳоятда қимматлидир.

“Манас”, Маҳмуд Қашқарийнинг “Дувону луғатит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, турк олими Уздекнинг “Туркларнинг олтин китоби”, Зиё Гўкалпнинг “Туркчилик асослари”, ўзбек тарихчи олимлари Н.Раҳмоннинг “Турк хоқонлиги”, А.Абдурахмоновнинг “Алп Эр Тўнга”, археология соҳасида тадқиқотлар олиб борган олимлардан Галина Пугаченкова, М.Массон, В.Шишкин, Я.Фулямов, тарихчи олимлар Эдвард Ртвеладзэ, А.Аҳмедов, Ҳ.Бобабеков, Азамат Зиё ва бошқаларнинг илмий изланишлари, асарлари қадимги Туронда давлатчиликка қачон асос солинганлигини ва тараққиёт босқичларини ўрганишда асосий манбалардан ҳисобланади.

Н.Раҳмонов Алп Эр Тўнга биринчилар қаторида Туронда кучли марказлашган давлатга асос солганлиги ҳақида тарихий далиллар асосида исботлашга ҳаракат қилган. Бу давлатда яшаётган туркий қабилаларни тарихий манбаларда Сак-искит (скифлар) деб юритганлар. Эрамизгача ҳозирги Марказий Осиёда яшаётган халқларнинг аجدодларининг ҳаммаси саклар деб юритилган.

Эрамиздан аввалги V аср ва асримизнинг V асрига қадар Шарқда туркий қабилалар Хун давлати байроғи остида бирлашганлар ва улар ана шу ном билан дунёга машҳур бўлганлар. Адабиётларда бу давлатнинг биринчи асосчиси Модун исмли ҳоқон бўлган. Бу давлат Хитой давлати билан кўшни бўлганлиги сабабли кўп манбалар Хитой тилида чоп этилган. Бу давлат 24 туркий қabila (уруғи)ни ўзида бирлаштирган. Кейинчалик Шарқий ва

Шимолий Хунларга бўлинган, унинг бошлиғини (“Шаньюйи”), яъни улуғ деб юритишган. Н.Раҳмоновнинг тошларга ўйиб ёзилган қадимги битикларга асосланиб айтишича, милоддан олдинги 209 йили Ботир Тангрикут отасини ўлдиради ва тахтга ўтиради. У давлатни мустақамлаш учун қатор тадбирлар ва ислохотлар ўтказди. 24 даражадан иборат давлат мулозимларининг вазифалари қонунда белгиланади. Бу ҳақда тегишли бобда батафсил тўхталамиз. Хитой императори Дун-ху Ботир Тангрикутга элчилар юборади. (Модунна манбаларда Ўғизхон дея юритилади). Милоддан аввалги 51 йилда Хитой хунларга хужум қилади. 46-йилда эса уни босиб олиб, ўзига тобе қилади. Улар Жанубий ва Шимолий хунларга бўлиниб кетадилар. Шимолий хунлар қаршилик кўрсатиб Волга бўйларига силжиб кетадилар (158 йилларда). Улар кейинчалик Гуннлар номи билан танилган ва Римгача етиб борганлар. VI асрда улар бошқа халқларга қўшилиб, Хун этноними деярли унутила бошланди.

Хун давлати ҳақида Хитой манбаларида жуда ҳам қимматли маълумотлар мавжуд. Хитой манбаларини таржима қилиб, бизга етказган олимлардан Н.Я. Бичурин ва А.Ходжаевларнинг хизматлари каттадир.

IV-VI а.а. Цзинь (265-420) сулоласи ҳақида кўплаб тарихий китоблар ёзилган эди. Лекин кўпи бизгача етиб келмаган.

Фан Сюньли номли тарихчи (644-646 й.й.) ўзигача ёзилган манбаларни тўплаб 130 боб (Цзюней) дан иборат тарихий китобни ёзган. Китобни ёзишда у билан 21 киши бирга ишлаган. Кейинчалик эса бу китоб тўлдирилган, қўшилган. Негадир, Н.Я.Бичурин бу китобни таржима қилмаган.

Дайюань (Фарғона) давлати ҳақидаги маълумотлар “Цзинь (Цзинь сулоласи тарихи)”да берилган.

Маълумки, Дайюань (Фарғона) давлати 70 та катта ва кичик шаҳарлардан иборат бўлиб, у шимолда (Кангкия) ёки (Кангуй) ҳозирги Хитой тилида (Канцзюй) деб аталадиган мамлакат (“Канг кия”катта кенглиги) маркази Тошкент атрофидаги Битянь ва Сусие шаҳарлари бўлган. Бу давлат Ил дарёси билан чегарадош бўлган. Бичурин Фарғонани “Давань” дея таржима

қилган Ходжаев “Дайюань” (катта боғ ёки парк) деб хисоблайди. Аммо хитойлик саёх Сюньцзан 744 й. Туркистонда бўлган. Кундаликларида Фарғонани Нинюнь (узокдаги сокин юрт) маркази Кувай-Сань (Гуй-шань ҳозирги Хитой тилида) дея ёзади. Қувасой эса ўзбекча номидир.

Шимолий сулолалар тарихи ВЭИ (386-534) Фарғона –Полона, Тан (618-907) сулоласида эса, Дунцао ёки Шуйдушан, Судуйшан, Цюебуцзюйн, Судучжин дейилган.

Бу даврга келиб хитойликлар Фарғонага Суғдиёнани ҳам кўшиб айтганлар.

Қадимги Хитой манбаларида турониликларнинг номлари: Канюй, Усуней, Яньцай деб номланган. Хитой давлатининг элчиси Янь Цянь (эр.аввалги II аср) Ўрта Осиё шаҳарларида бўлган ва ўзининг кўрганларини кундаликларида ёзиб қолдирган.

Яқинда ушбу мавзуга оид академиклар Б.Ахмедов ва М.М. Хайруллаевлар раҳбарлигида рус тилида чоп этилган манбалардан “Материалы по этнической истории тюрских народов Центральной Азии” (2003). тўпламида Фарғона (Дайюан) давлати, “Цзинь шу” (“История династии Цзинь”) Гаочэ (Канли) “Вей шу” давлатлари ҳақида, тем (Тюрки), “Бэй ши” “История северной династии”, “Нань ши” “История южной династии” Бэйди (северные турки) “Цю Тан шу”- (“Старая история династии” тан ва тем (тюрки и танская империя)- “Тунцзянь Цзиши беньмо” (“Последовательное описание событий, помогающих правлению”) манбаларидан парчалар (А.Ходжаев таржимаси) берилган.

Шу ўринда А.Ходжаевнинг хитой тилидаги туркий халқларнинг давлатчилиги ҳақидаги манбаларни рус тилига таржима қилиб, ўқувчилар оммасини таништиришга муваффақ бўлганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Ушбу тўпламдан жой олган Ш.Зокиров ва Ш.С. Камалиддиновларнинг араб тилидан рус тилига таржима қилган манбалари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Масалан, Ал-Балазурининг “Китоб футух ал-булдан” – “Книга

Завоевания стран” ва бошқалар Ш.Зокиров таржимасида, “Ас-Самъани китоб ал-ансаб” – “Книга генологияни” Ш.С. Камалиддинов таржимасида.

Форс тилида шу тўпламда А.Буриев таржима қилган. “Худуд ал-аламмин ал-машрик илиш-л-мағриб” - “Книга о пределах мира с востока на запад”, Хамдаллах Мустауфи Казвинининг “Нузхат ал-кулуб-улада сердец” ва А.Зияевнинг таржима қилган. Муъин ад-Дин Натанзининг “Мунтахаб ат-таворих-и Муъини”- “Избранная история Муъини” каби асарлардир.

Эски туркий тилдан Б.А. Аҳмедовнинг Ибн-ал-Асирнинг “Ал-Камил фи-т-тарих-польный свод историй”, А.Ҳ.Жалиловнинг “Сведения по этнической истории тюрских народов (по документам архива Хивинских ханов)” ва бошқаларнинг таржимаси ҳам туркийларнинг тарихини ўрганишдаги аҳамияти каттадир.

Абулғози-Баҳодирхон ўзбеклардан бўлган у 1605 (1014) Урганчда дунёга келади. 1644 (1054) акаси Исфандиёрхон вафотидан кейин хон этиб тайинланган. У 1664 й. (1074) вафот этган Хоразмда. Абулғози-Баҳодирхон давлатни идора қилиш ишлари билан машғул бўлишига қарамай турк ва мўғул қавмлари тўғрисида: “Шажараий турк” ва “Шажараи тарокта” асарларини ёзиб қолдиради. У ўз замонининг таниқли давлат арбоби, ёзувчи ва шоири бўлиш билан бирга турк, форс ва мўғул тилларини жуда ҳам яхши билган. У китобни ёзишда Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си ва Чингизхон ва унинг авлодларига тегишли бўлган ўн саккизта тарихий китоблар ва бошқа манбалардан фойдаланганини айтади. Шу сабабли ҳам унинг китоби, “Родословное дерево тюрков” китоби анча ишончли ва қимматли манбадир. Китобдан ушбу парчани келтиришни лозим топдик:

“В русской исторической литературе в числе книг, переведенных с иностранных языков, сделалась известной с 1770 г. И “Родословная тюрков”. Европа узнала это сочинение еще во второй четверты прошедшего столетия. Шведские офицеры, отправленные в Сибирь после Полтавской победы, в Тобольске открыли рукопись Абуль-Гази и, узнав ее содержание, постарались о составлении перевода этого творения. Филиппы Иоанн Табберт Штраленберг

был, как полагают, главою этого научного предприятия. Бухарский акунд, знавший русский язык, диктовал перевод Абуль-Газиева сочинения русскому писцу. С русского перевода Швед Шенстрем сделал перевод на немецкий язык...” Кейинчалик француз ва бошқа тилларга таржима этилган. Китобда Одам Атодан то мўғулларгача биринчи бобда ҳикоя қилинади. Иккинчи бобда эса Мангол-хондан то Чингизхонгача, учинчи боб Чингизхонга шу тартибда тўққизта бобда Чингизхоннинг ўғиллари ва авлодлари ҳақида ҳикоя этилади.

Китобда “Стэнли Лен-Пульвнинг мусулманские династии (хронологические и генепологические таблицы с историческими введениями) перевод с англ. с примечаниями и дополнениями академика В.В. Бартольда”. VII-XIII асрларда араб халифаликлари, шу жумладан, Мовароуннахрни халифаликка қўшиб олиниси ва уни араб халифалигининг бир қисмига айлантилганлиги тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Масалан, 647 (54) Бухоро араблар томонидан босиб олингани ва икки йилдан кейин эса Самарқанд қўлга киритилгани ёзилган. Аммо В.В.Бартольднинг фикрига кўра, Самарқанд 712 й. араблар томонидан босиб олинган. Мовароуннахр шаҳарларини араблар томонидан босиб олиниси саналарида тафовутларнинг бўлиши афтидан араблар томонидан, масалан, Самарқандга бир неча бор ҳужум қилганликларидан бўлса керак. Бу воқеа тафсилоти Самарқанд ҳокимининг Хитой императорига ёзган хатида келтирилган.

“На востоке разложение Аббасидской империи происходил также быстро. Знаменитый полководец Мамуна, Тахир-Зу-л-Яминейн, назначенный в 819 (204) г. Номестником востока, фактически был почти совершенно независимым; его потомки, как и последующая династия Саффаридов, Саманидов, Газнавидов, признавая халифов своими духовными владиками, держали в своих руках всю власть и все даходы в восточных провинциях Персии и в Трансоксиане...” (327 б.). Дарҳақиқат, Араблар Мовароуннахрни ўз тасарруфига қўшиб олган бўлсалар-да, тез орада бошчилик қилган амир ва ҳоким ўз мустақилликларини сақлашга ҳаракат қилганлар. Хоразмда давлатчиликнинг ривожланиши ва марказлашувига шароит яратилади.

Хоразмшоҳлар династиясини ҳукумронлиги то Чингизхон босқинига қадар Ўрта Осиёдаги асосий сиёсий куч сифатида танилган.

Аммо шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, араблар юриши бу ерларга Ислом маданиятини олиб келди. У ўзбеклар ва бошқа туркий халқлар маданиятини ана шу ислом мафқураси ва қонунлари асосида шакллантирди. У ҳатто бугунги кунда ҳам ахлоқ ва одоб қоидаларининг асосий қисмини ташкил этмоқда. Туркия олимлари-нинг китоблари ҳам асосий манбалардир. Жумладан, Зиё Гўкалпнинг “Туркчилик асослари” деган асари алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу китоб туркия туркчасидан ўзбекчага туркчасига ўзбекистонлик таниқли олим Абдуқодир Зоҳидий томонидан 1994 йилда таржима қилинган эди. Зиё Гўкалп Туркия давлатининг асосчиси Ғозий Мустафо Камол Пошшо Ота Турк томонидан илгари сурилган миллий мустақиллик мафқурасининг назариётчиси ҳисобланади.

У туркий халқларнинг бирлиги жонкуяри, ўзининг илғор демократик фикр ва ғоялари учун таъқиб этилган ва сургунда бўлган. Ота Турк уни озод этиб, юқори давлат мансабларига кўтарган.

“Овропада пайдо бўлган иккинчи ҳаракатга Туркият (Туркологии) номи берилади. Ўрусияда, Олмонияда, Мажористонда, Данияда, Францияда, Буюк Британияда бир қанча олимлар эса туркларга, хунларга ва муғулларга оид тарихни ва осари- атиқаларни излаб топиб, тадқиқ эта бошладилар...” (7-б.). Албатта Зиё Гўкалпнинг айрим фикр ва мулоҳазалари музокаралидир. Масалан, “Бугун маданиятига кўра бирлашишлари қулай бўлган турклар, айниқса ўғиз турклари, яъни туркманлардир. Туркия турклари каби Озарбайжон, Эрон, Хоразм ўлкаларининг туркманлари ҳам ўғиз уруғига мансубдирлар. Ана шу туфайли туркчиликдаги яқин мафқураамиз “Ўғиз иттиҳоди” ёхуд “туркман иттиҳоди” бўлиши керак...”

Ўғиз турклари бугун тўрт ўлкада ёйилиб кетишган бўлсалар-да, ҳаммаси бир-бирига яқин қардошлардир. Тўрт ўлкадаги туркман-элларининг номларини қиёсласак, кўрамизки, бирида бўлган бир “ёхуд уруғнинг ташқариларида ҳам шуъбалари бор.

Масалан, Хоразмда такалар билан сариғлар ва қорақалпоқларни кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда такалар бир байроғ этар даражада кўпдир; ҳатто бир қисми ўз вақтида Руминияга кўчирилгандир. Туркиядаги “Сариғлар” хусусан Рим қаъласида яшайдилар. Қорақалпоқлар эса “Қарапапак” ва “Тарокима” дея номланиб, Сиван, қаро ва озорбайжон томонларда ўтроқлашиб кетганлар...” деб ёзар экан келажакда “Ўғизистон” дек мустақил тўрт ўлкада яшаётган туркийлар иттифоқини, давлатини тузишни орзу қилган. Олим ўз орзуларида келажакка умид кўзи билан қараб, туркларнинг асил ватани Турон замини эканлигини унутиб қўйганга ўхшайди.

Айниқса, олимнинг “Турон бу бир мафкурадир” ёки айрим тадқиқотчилар томонидан турклардан ташқари мўғулларни, тунгусларни, финугорларни, можароларни ҳам ўз ичига олган “қабилалар бўтқаси” деган фикрлари, албатта ўта музокаралидир. Унинг Ўғизистон бирлигини талаб қилиб, Туронни Лениннинг коммунизм деганидек бир мафкура, шаъндир дея қиёслаши илмий-назарий жиҳатдан тўғри эмас.

«Ёкутлар, ўзбеклар, қирғизлар мустақил миллатлар бўлганликлари учун “Турон” сўзига муҳтожлик сезилади. “Яна” ким билади? Балки истиқболда “Турон” мафкурасининг амалга оширилиши ҳам мумкин бўлар...” дея олимнинг ўзи ҳам фикрларида иккиланишга йўл қўйган. Бу ҳақда китобнинг тегишли бобида яна батафсил тўхташга ҳаракат қиламиз.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахи, Л.Н.Гумилев. Н.М.Карамзин, Б.Э.Ғафуров ва бошқаларнинг турк қавмлар ҳақидаги фикрлари бизнинг қадимги тарихимизни ўрганишда, айниқса, шу вақтгача тарих саҳифаларида қориштириб юборилган Турон, туронликлар, туркийлар ҳақида объектив маълумотлар олишга имкон беради.

Туронда ибтидоий одамнинг пайдо бўлиши ҳақида тарихга оид китобларда турлича қарашлар мавжуд. Уларнинг ҳаммаси ҳам бу ерлар дунёда илк бор ибтидоий одамлар яшаган заминлиги ҳақидаги фикрдадир. Ибтидоий одамлар жамоалари тахминан Шимолий Африка, Ўрта Ер денгизи

атрофларида 2,5-3 миллион йил аввал пайдо бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуддир.

Туронда-чи? Бу ерда ибтидоий одамлар, уларнинг жамоалари қачон пайдо бўлган? деган қатор саволлар келиб чиқади. Юқорида кўриб чиққанemizдек, асосан, диний таълимотларда “иккинчи одам”, “одами Соний”дан бошлаб яъни буюк сув тўфонидан кейин Нуҳ алайҳиссаломнинг фарзандларидан Туронда ҳам ҳамма мамлакатлардагидек бир вақтда ибтидоий одам жамоаси ташкил топган. Аммо фанда археологик изланишлар, қадимги одамлар яшаган ғорларни ўрганиш натижалари нималарни берган деган масалага келганда шуни айтиш керакки, Ўрта Осиёда, яъни қадимги Туронда ибтидоий одамлар жамоалари палеолит-қадимги тош даври мезолит- ўрта тош даври, неолит-янги тош даври, энеолит-мис-тош даври, бронза ва темир даврларига тақсимланади. Аниқроғи, энг қадимги одам ҳақидаги Туронда аниқланган маълумот бир миллион йилга тенгдир. Бу дегани палеолит-қадимги тош даврига тегишли бўлиб, у Фарғонадаги Селенғур ғорида топилган қадимги одам қолдиқлари. Уни фанда “Фергантроп”, (“Фарғона одами”) деб айтилади.

Мезолит даврига оид топилмалари (мил.аввал. 12-17 минг йилликлар) Ўзбекистон ҳудудида топилган Мачой ғори (Бойсун), обшир ғор (Фарғона), тўрткўл, Аччиқкўл, Янгиқадам, Бекобод, Замбар, Тойпоққўл ва бошқа жойларда топилган қолдиқлардир.

Неолит (мил.аввал 6-4 минг йил) даврига оид топилмалар Жойтун, Калтаминор, Ҳисор маданиятларига оиддир. Жойтун қишлоғи Ашхабод (Туркменистон) яқинида бўлиб, унда тахминан 30 яқин уй бўлган. Одамлар сони 150-180 кишидан иборат бўлган.

Калтаминор С.П.Толстовнинг тахминига кўра Хоразмдаги Жонбосқалъадаги тўртта одамлар яшаган маконни ўз ичига олади. Шу жойдан топилган чайла, камон ўқлари, ҳайвонлар суяклари, сопол идиш парчалари милoddан аввалги 5-4 минг йилликларга тўғри келади ва Калтаминор номи билан юритилади. Ҳисор маданияти билан машҳур бўлган тарих Помир

тоғларидан топилган қадимги қолдиклар, ёдгорликлар мил.аввал. 5-8 минг йилликларга оиддир. Улар Тутқовул, Сайсайёд, Қуйи Булен, Вахши, Кофирникон дарёси, Кулоб шаҳри атрофидан топилган ёдгорликлардир. Энеолит даври эса 4-3 минг йилликларни ўз ичига олади. Бу давр одамлари тош билан биргаликда бронза, темирдан қуроллар ясаш маданиятини кашф этганлар. Амударё, Зарафшон дарёлари бўйларида топилган ёдгорликлар киради. Капитарқуми, Каттатузкон, Панжикент яқиндаги Саразм қишлоғи ва Бухоро вилоятидан топилган ёдгорликлар киради. Бронза асри (мил.аввал. 3-2 минг йилликлар) Панжикент, Хоразм, Тошкент, Андижон, Қарши атрофларидан топилган ёдгорликлар киради.

Хулоса шундан иборатки, қадимги Туронда, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимги одамлар жамоаси жуда қадим замонлардан, яъни миллион йиллар аввал мавжуд бўлган. Турон ерда яратилган цивилизацияга ўша қадим замонлардан ўз ҳиссасини қўшиб келаётган заминдир.

Биз Туронни дунёда одам жамоасининг энг қадимги макони эканлигига қисқача тўхталдик. Энди ана шу маконда қачон, қандай қавмлар, уруғлар ва қадимги давлатлар пайдо бўлган ва ривожланган деган ўта мураккаб, турли қарашлар, фикр ва ғоялар асосида чалкаштириб юборилган масалалар ҳақида ҳам ўз фикр - мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

## Одам ва Ҳаво

Одамзодни яратилиши ёки пайдо бўлиши ҳақидаги карашлар турличадир. Асосийларидан диний ва дунёвий таълимотлардир. Фанда ушбу масала бўйича олимлар аниқ бир фикрга келмаган. “Одам табиатнинг бир қисми.”; “Унинг олий даражадаги фикр этувчи шакли” каби тушунчалардан нарига ўтилмаган. Демак, биз инсонлар ўзимизнинг яратилишимиз ва яратилишдан мақсад каби масаларга ҳанузгача қатъий бир фикрга келолмасдан яшамоқдамиз. Бизнинг фикримизча, инсон тафаккури буни охиригача билишга қодир бўлмаса керак.

Шундай бўлса-да, Турон заминни одамзод фарзандларининг жуда қадимги замонлардан яшаб келаётганликларини эътиборга олган ҳолда масалани бошидан яъни одамнинг ерда пайдо бўлиши ҳақидаги асосий таълимотлар тўғрисида қисқача тўхтаб ўтишни лозим топдик. Табиийки, ушбу масала авваламбор диний китобларда таърифланиб, тафсиқланган. Оллоҳ Ҳазрати одамни-башар отасини тупроқдан яратди ва уни ерда ўзининг халифаси этиб тайинлади. “Инни, жалун филарзи халифатан” (“Ер юзида буйруқларимни ижро этувчи одамнинг яратувчисиман”).

Оллоҳ аввал Жаброил алайҳиссаломга ҳозирги Каъба иморати қурилган ердан (тупроқдан) келтиришни буюрган. Ер фарёд қилиб, унга тупроқдан бермаслигини айтгандан кейин, Жаброил алайҳиссалом бўлган воқеани Оллоҳга тушунтиради. Бу вазифа Мекойил алайҳиссаломга топширилади. Ер уни ҳам кўндириб, қайтаради. Навбат Исрофил алайҳиссаломга келади ва у ҳам тупроқ ололмай қайтади.

Шундан сўнг Оллоҳ Азройил алайҳиссаломни юборади. У ернинг фарёдларига эътибор бермасдан “Худойи таоло амри сенинг қасамингдан устунроқ” дея ернинг турли жойларидан турли ранглардаги турлича тупроқлардан аралаштириб олади ва уни Оллоҳнинг ҳузурига олиб келади.

Одамни тупроқдан яратишда Оллоҳга хизмат қилганлар: Жаброил, Мехойил, Исрофил ва Азройил алайҳиссаломлар бўладилар. Диний - тарихий китобларда ҳикоя этилишича, Одамни яратишдан асосий мақсад Одам эди.

“Лавлокалама холақтил-афлок” (“Сен бўлмаганинда мен фалакларни яратмаган бўлардим”). “Моирсилнакул-рахматил-аламин” (“Биз сени раҳмат ёғдурувчи қилиб бутун оламга юбордик”). Одамни яратишдан асосий мақсад ва мурод ҳам ана шундан иборат эди. Инсон дунёга келар экан, у оламга раҳмат ёғдириши керак. Бу нақадар улуғвор вазифа. Бирорта китобда инсоннинг улуғлиги, унинг учун нафақат ер, балки олам яратилганлиги ва у фақат раҳмат ёғдирувчи эканлиги ҳақида бунчалик доно фикр айтилмаган.

Нима учун уни одам деб атаган деган саволга келсак, бу ҳақда ҳам тарихий китоблардаги фикрлар турличадир. Одам алайҳиссаломнинг камтарин куняси Абулбашар шариф бўлган. Лақаби эса Сафиюллоҳдир. Одам дейилиши эса унинг жисми ердан олинганлиги сабабли (адими Замин) учун айтилган. “Адим дегани” пўст дегани, яъни “Рўйи замин пўсти”ни англатади.

Иккинчи бир гуруҳ олимлар эса Одамнинг бадани буғдой рангли бўлганлиги сабабли уни Одам деб атаганлар. Уларнинг фикрларига кўра Одам “адама” сўзидандир. “Ал-адама” буғдой рангини англатади.

Учинчи бир гуруҳ олимлар эса сув билан тўпроқ аралашмаси Одам дейилган. Хуллас, Одам ва унинг яратилиши кўзланган мақсад ҳақида фикрлар хилма-хил ва турлича. Ҳар ҳолда Одам деб номланиши унинг жисми ердан (тупроқдан) эканлигига боғлиқлигида, деган фикрдагиларнинг ҳақ эканлигини тасдиқламоқчимиз. Китобларда ёзилишига қараганда, “Одам” сузи ибритчадир.

Оллоҳ Одамни яратгандан кейин унга барча исм ва номларни ўргатади. Барча малоиқаларни унга сажда қилишга буюради. Иблисдан бошқаси Одамга сажда қиладилар. Одамнинг яшаш жойи Оллоҳ томонидан жаннат белгиланади.

“... Одам алайҳиссаломнинг яратилишини муҳаррам ул эҳром ашууро ойи ўнинчи куни, жума куни соат 2 да; биринчи толеъ бўйича жади ва Зухал даражасида, Муштарий Хутда, Миррах Ҳамалда, қамар Саратонда, Шамс Асадда, Аторуд Сумбулада, Зухро Мезонда пайтида буғдойранг киши

чеҳрасида баланд қоматли ва жингала сочли қилиб яратади.” (“Тўрт улус тарихи”, 17-бет). Ҳаввони у уйқуга кетганда чап биқинидаги қовирғадан яратди.

Иблис Одамдан ўч олиш пайида бўлади ва йўлини топиб жаннатга киради.

“...Жаннатга кириб олди. Бомдодда товусни кўрди. У беҳишт кўнгураси эди. Илон ёрдами билан беҳишт дарбонлиғини олди. Аввал ёлғондакам саҳобаликни олди. Уни истеъмол қилмасдан, одамга ҳам едирмай дарҳол беҳиштий кийимларини улардан ечтириб олди. Улар яланғоч қолдилар. Кейин ҳар бири бир нечтадан анжир дарахтининг баргидан олиб оврагларини беркитдилар. Ҳар бешаласи ҳам ҳазрати иззат тангриси амри билан жаннатдан чиқиб кетдилар” (“Тўрт улус тарихи” 18-бет).

Одам Ато Ҳавво билан жаннатда биргаликда кўп яшамаганлар. Улар жаннатдан ҳайдалганларидан кейин дунёнинг турли ерларига ташланадилар. Масалан, Одам Ато Ҳиндистондаги Сарандаб тоғига юборилган. Ҳавво эса Жиддага, Маккаи Муаззама худудидаги дарё лабига, товус эса Ҳиндистонга, илон Исфаҳонга, Иблис Симнонга юборилган.

Тарих китобларида ҳикоя қилинишича, Одам Ато Сарандаб тоғида 100 йилгача таот ибодатда, оҳу зор чекиб яшайди. Юз йил ўтгач, ошуро куни унинг тавбаси қабул қилинади ва шу куни Каъба Ҳарами жойлашган жойга байтулмаъмурни беҳиштдан ерга олиб тушдилар. Одам Ато ҳажни ўтказиб, ҳаж асносида Арафат мавзеида Ҳаввони топади. Уларнинг ҳар иккисининг ерда учрашган ва яшаган жойлари Арафот деб номланди.

Оллоҳнинг ҳаёт дарахтининг мевасини ема деган қоидасини бузганлиги учун Одам Ато қилган жиноятига яраша жазо белгилади, ана яъни у жаннатдан ҳайдалади ва ерда Сарандаб тоғида юз йил давомида азобда фарёд чекиб яшашга мажбур бўлади.

Шу тариқа Одам Ато ва Ҳавводан улардан Ҳобил, Қобил ва қиз туғилган. Қобил билан Ҳобил ўртасида, яъни ака-ука ўртасида келишмовчилик келиб чиқиши оқибатида Қобил Ҳобилни ўлдиради. Унинг

мурдасини Қобул кўтариб юриб нима қилишни билмайди. Шунда икки қарғанинг урушаётганини ва ўлган қарғани тирик қолган қарға ерга кўмаётганини кўради. Қобул қарғадан ибрат олиб Ҳобилни ерга кўмади.

Иблис яна ўз найранглариини давом эттириб, Қобулни оловга (ўтга) сажда қилишга ундайди. Натижада у оташга сажда қилади. Тарихдан хабар берилишича, одамни одам томонидан ўлдириш Қобулдан ва оташпарастлик ҳам ундан инсонларга мерос бўлиб қолган дейилади.

Одам алайҳиссалом Ҳобилнинг ўлимига қадар ўлимни билмаган ва кўрмаган эди. У бу воқеадан воқиф бўлгач, сурёний тилида (уламолар уни тозий тилига таржима қилганлар) шундай деган: “Диёр ўлмишдурур бу дам муғаййар, ки ер юзи қабих ўлди-ю муғаййир, уланнинг таъми рангидир ташаййир, фароғат бўлмади бир хўбманзар. Дариғо, қани Ҳобилим-ки, бу дам, ер жисминда ётур то рўзи маҳшар” (19-бет).

Хулоса шуки ерда инсоннинг пайдо бўлиши билан жиноят ҳам содир бўлган. Одамни қатл этиш икки ака-ука ўртасидаги келишмовчилик сабабли Қобул томонидан Ҳобил ўлдирилади. Уни ерга дафн этиш одати ҳам шундан бошланган. Қобил Ҳобилни ўлдириб, энг оғир жиноят содир этган, аммо у жазосиз қолган.

Одам Атонинг вафот этиши ва унинг дафн этилган жойи ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуддир. “... Санан муқаддас мухаррам ойининг жума кунинда Маккаи Муаззамда товарих аҳли баъзисининг сўзига қараганда, Оллоҳ раҳматиға муваффақ бўлди. Кўпчилик фикрича, Абу Қабис тоғида, ривоятга кўра эса Сарандаб тоғида, баъзи бировларнинг фикрича, Нажафда Муртазо Али Карамуллоҳи ва жуху ёнида дафн этилди. Ҳазрати Абулбашар алайҳиссалом вафотидан йил ёки етти йил ўтгач, Ҳазрати Ҳавво розиллоҳу анҳу борлик кўчини оламдан йиғиштирди. Жидда шаҳрида дафн этилган...” (22-бет).

Одам Ато ва Ҳаввонинг туғилиши ва вафоти ҳамда уларнинг фарзандлари ҳақидаги қарашларга кенгроқ тўхташимизнинг асосий сабаби деярли барча диний таълимотларда, хусусан, насронийлардаги фикрларга

деярли яқиндир. Бундан ташқари XX асрда китобларда, айниқса, марксизм-ленинизм таълимотига асосланган китоблардаги инглиз олими Чарлиз Дарвиннинг оддий хужайраларнинг мурраккаб турларга ўсиб ўтиши, маймуннинг одамга айланиш жараёни ҳақидаги таълимотнинг ҳам бугун тўғри эканлигига кўпчиликда шубҳа қолмади. Афсуски, фанда одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида юқорида санаб ўтилган фикрлардан бошқа бирор бир арзигулик гоё йўқ. Ушбу масала ҳанузгача парда орқасида очилмасдан келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Одамни тупроқдан, яъни унинг жисми моддий дунёдан, руҳи эса илоҳийлиги ҳақидаги қарашда шубҳа йўқ. Аммо унинг ўзи танҳо яратилганлиги ва аёл унинг қовурғасидан яратилганлиги масаласи бизнинг фикримизча, музокаралидир. Одам ерда ўзининг азалий уруғидан маълум бир тарихий шароитда яратилганида бир эмас, бирқанча (эркак ва аёллар) пайдо бўлган. Улар кўпайиши натижасида турли мамлакатларга тарқалганлар.

Нух унинг тўлиқ исми Нух Баҳоуллоҳ алайҳиссалом ибн Матушулх ибн Ахнух ибн Бард ибн Маҳлойил ибн Кайтон ибн Ануш ибн Шис ибн Одам алайҳиссаломдир.

Нухни тарихий китобларда Сакиб, баъзилар эса Масокиб дейдилар. Бошқалар эса Мискар деб ҳам атайдилар. У одами Сонийдир. Чунки кучли тўфондан сўнг ер юзида Одам наслидан фақат Нух ва унинг уч ўғиллари - Ёфас, Сом, Ҳом ва уларнинг хотинларидан бошқа ҳеч ким қолмайди. Шу сабабдан ҳам Одамдан кейин дунёда инсон иккинчи ота Нух фарзандларидан тарқалган деб ҳисобланади.

Зеро, Нух одами соний экан у ва унинг фарзандлари ҳақида ҳам қисқача тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Кўпчиликнинг фикрича, Нух қирқ ёшларида пайғамбар даражасига кўтарилган. Умри 1400 га етганда туфон воқеаси содир бўлади. "... Ҳазрати Нух алайҳиссалом ҳозир ҳам Куфада мавжуд бўлган Тануридан бошланди.

Шайхуланбиё алайхиссалом 20 ражабул –муражжабда 80 киши билан 920 йил унинг гаровида бўлдилар...”.

Кема Мағрибдан Машрикқа ва Машрикдан Мағрибгача икки марта бориб келган. Кейин кема мўсул Жасираси тоғларидан Жуди тоғи чўққисига келиб тўхтади. Нух алайхиссалом ўз фарзандлари ва бошқалар билан пайшанба куни кемадан тушдилар. Улар ўша ерда “Мадинатул самонин” шаҳрини бунёд этдилар. Айримлар бу шаҳарнинг номини “Суҳи Самонин” деб атайдилар. Орадан бир неча кун ўтгач кемадан 80 киши тушган одамлардан фақат 7 нафари – Нух, ўғиллари: Ёфас, Сом, Ҳом ва уларнинг хотинлари тирик қоладилар.

Нух алайхиссалом ҳикоя қилишларича, дунёни уч ўғилга бўлиб беради. Уларнинг ҳар қайсиси ўзига топширилган жойга бориб, авлодларидан кўпайтиришни топширади. Ўғиллар бир кеча- кундуз ота ҳузурида қолишиб, меҳмон бўладилар. Кейин топширилган ерларга кетадилар. Нақил этишларича, кунлардан бирида Нух алайхиссаломнинг уйқудаликларидан этаклари очилиб, авротлари кўриниб қолади. Ҳомнинг назари тушиб, у ханда уриб кулади. Ҳомнинг беодоблигидан хижолат тортган Сом отасининг этагини ёпишга интилади. Ёфас эса Ҳомнинг қилиғига яраша унинг адабини беради. Нух уларнинг ғовур-ғувурларидан уйғонади ва Ёфас билан Ҳом ўртасидаги жанжалнинг сабабини Сомдан сўрайди. Аммо Сом уялганидан жавоб бераолмаган. Нух алайхиссалом жанжал сабабидан воқиф бўлганидан кейин Сом ҳақиқага дуо ўқийди. “Ҳақ таоло сени ва фарзандларингни солиҳлар, набилар ва авлиёларга айлантисин!”. Ҳомнинг ҳақиқага эса дуо ўқийдиларки, «Ҳаққи субҳона ва таоло, сенинг авлодингдан қоралар яратиғай». Ёфасга ҳам дуо ўқийдиларки, «Ҳақ таоло сени ва фарзандларингни азиз ва мукаррам тутиб, фазлу аҳсоннинг барокатидан наслингизда барокот бўлғай». Улар уч томонга бўлиниб кетадилар ва ҳар қайсиси мустақил мамлакатлар, давлатларга асос соладилар.

Ҳазрати Нух алайҳиссалом буғдойранг раҳм-шафқатли, баланд бўйли ва ниҳоятда ғайратли, шиддатли бўлган. Китобларда ёзилишича, туфондан то муқаддас ҳижратгача 3984 йил ўтган.

Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихида” Ҳомнинг “Жаҳоннамо” рисоласида туфон бошланиши жумъасидан то ҳижратнинг пайшанбасигача Абурайҳон Беруний ва унинг шогирдлари тағқикотиға кўра, 3725 йилу 348 кун ўтган.

Аловуддин ибн аш-Шотир Димишқийнинг “Китоби нузҳатун-нозир” китобида туфоннинг бошланиш куни пайшанба деб кўрсатилган. Туфон бошланган пайшанбадан то Ҳижрат пайшанба кунига қадар 3725 йил 350 кундир. Бу йилларнинг кунлари 13 лак 59975 кун бўлади.

Ер юзида ягона ҳукмдор Нух алайҳиссалом бўлганлиги сабабли у дунёни уч қисмга тақсимлаб, Сом, Ҳом, Ефасларни алоҳида-алоҳида ҳукмдор этиб тайинлади.

Эрон, араб, аджам мамлакатларида яшаётган халқларни тарихчилар Сомнинг наслидан деб ҳисоблайдилар. Сомга Шом, Жазира, Ироқ, Форс, Хуросон, Озарбойжон каби ўлкалар берилган. Унинг тўққиз ўғли бўлган: Ҳуршид, Арфахшад, Қаюмарс, Усвад, Тураж, Лавуд, Алим, Арам, Навард.

Фирдавсийнинг “Шоҳномасида”, Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” ва бошқа тарихий китобларда Ажам давлатининг Пешдодийлар сулоласига асос солган ва ҳукумронлик қилган шоҳ Қаюмарс бўлган. Бу ерда Шарқ манбаларида қадимги давлатлар ва шоҳлар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларни бир-бирларига яқинлигини кўрамиз.

Ҳомга Мағриб, Хабаша, Ҳиндистон ва Судан мамлакатларидаги ерлар берилган. Унинг ҳам тўққиз ўғли бўлган: Ҳинд, Синд, Занг, Нубаҳ, Канъон, Куш, Қаъсо, Барбар, Ҳабас уларнинг ҳар бирининг номи билан бир вилоят аталган. Зеро, айримларининг номларидаги давлатлар бугун ҳам мавжуддир.

Китобларда Ҳомни кўп жиҳатдан Сом ва Ёфасга нисбатан салбий томонлари ривоят этилади. Оллоҳ Сом авлодларига пайғамбарлик, улуғлик ваъда қилган бўлса, Ҳомнинг авлодларининг юзларини қора қилиб яратди.

Пайғамбарлик унинг наслига бекор этилган. Шу каби Ҳом ҳақида турли танқидий ривоятлар мавжуддир.

Ёфаснинг тўлиқ исми Ёфас ибн Нуҳ алайҳиссалом ибн Ламк ибн Матулух ибн Ахнух ибн Бард ибн Маҳлойил ибн Қайтон ибн Ануш ибн Одам.

Бизнинг аجدодларимиз ундан тарқалганлиги сабабли Ёфас ҳақида кенгроқ тўхтаимиз. Унинг ҳам тўққиз ўғли бўлган: Турк, Ҳиброз, Сақлаб, Рус, Мунсак, Чин, Гумори, Кимол, Мозух. Айрим манбаларда бошқача карашлар ҳам мавжуд. Қўйида олимларнинг Ёфас ва унинг авлодлари ҳақидаги фикрларини келтиришни маъқул кўрдик.

Нуҳнинг тўнғич ўғли Ёфас эди. Туронзамин ва Туркистонни у ўзига асраб қўйган эди. Шу сабабдан уни Абут-турк дейишган, яъни туркнинг бош отаси деб. Ёфас отасининг дуосини олгандан кейин Жуди тоғидан Машрик томон юради. Нуҳ Ёфасга дуо қилганда унга ёмғир ёғдириши дуоси “исми аъзамни” бир парча тошга ўйиб ёзиб берган. Бу ҳақда қадимда бир қанча ривоятлар яратилган.

Ўрта асрларда ҳам туркий халқлар орасида ёмғир ёғдирувчи тош мавжуд бўлган. Уларнинг инсон ҳаётида сувни қанчалик ҳаётий зарурлиги шундан кўриниб турибдики, Ёфас отаси Нуҳдан тошга ёзиб олган дуо - “Исми аъзамни” кейинчалик туркий халқлар ҳаётида асрлар оша сақланиб қолишига сабабчи бўлган. Турклар бу тошни “Жада тоши”, “Яда тоши” дея атаганлар. Араб тилида эса “Ҳажарул мутур” дейилган. Шуниси қизиқки, Жада тошига ҳар қандай тош парчаси олинавермаган. Зеро, Жада тоши ҳайвонларнинг ошқозонидан, жигаридан, юраги, пусти остидан олинган.

Одамлар орасида, тарқалган ривоятларда, китобларда Ёфас томонидан ёмғир чақириш дуосига ва Жада тошига эга бўлиш турлича шарқланади. Масалан, баъзиларнинг фикрига кўра, Оллоҳ токи одамни ато қилгунга қадар мавжудодни яратган. Қорва ёмғир ёғдириш, шамол эдириш, булут пайдо қилиш, туман тушириш ишлари тошга боғлиқдир.

Шу сабабдан Нух алайҳиссалом ўғли Ёфасга тайинлаганки, тошни олгин ва ўз авлодларингга бергин. Улар қачон ёмғир ёки қор ёғишини истасалар «Исми аъзам» дуосини ўқиб тошга дам солсинлар ва уни сувга ташлаб амал қилишларини ўргатгин, деган.

Бошқа бировлар эса Ёфас ўзи пайғамбарлик даражасига кўтарилган ва унга берилган китобда Яда, яъни ёмғир чақириш илми ҳам зикр этилган деб ҳисоблайдилар. Бу ҳақдаги ривоятлар қанчалик турли-туман бўлмасин. Ёфас Турон, Туркистон ерларида илк бор ҳукмдорлик қилган ва ундан тарқалган туркий халқлар ҳаётида асрлар оша одатга айланган ёмғир чақириш тоши ҳам Ёфасдан туркларга қолган бир мерос эди. Ёфас вафотидан кейин ҳамма ўғиллар ва яқинлар келишган ҳолда унинг ўрнига ўзларига ҳоким этиб Ёфаснинг тўнғич ўғли туркни сайлашади ва уни ҳоким деб тан олишади.

Биз бу ерда муҳим бир тарихий музокарали масала ҳақида ўз фикрларимизни билдиришни лозим топдик. У ҳам бўлса, Тур ҳақидаги масаладир. Форсларнинг тарихий китобларида, масалан, Фирдавсийнинг «Шоҳномасида» Қаюмарс сулоласига мансуб бўлган Ажам шоҳи Фаридидуннинг уч ўғлидан ўртанчаси Тур бўлган. Фаридидун мамлакатни учга тақсимлаб, Турни Амударёнинг нариги соҳили- Турон заминни шоҳ этиб тайинлаган, деган фикр мавжуддир. Ушбу фикрнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигининг сабаби, биринчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, Тур Ёфаснинг ўғли, Қаюмарс эса Сомнинг ўғлидир. Зеро, Қаюмарс авлодига тегишли бўлган Фаридидуннинг Тур деган ўғли бўлиши мумкин эмас. Иккинчидан, Қаюмарс ва Тур замондош бўлган, чунки улар ака-укаларнинг фарзандлари. Фаридидуннинг ўғли Тур эса Қаюмарсдан анча кейинги асрларда туғилган деб ҳисобланади. Ниҳоят, учинчидан, форсларнинг тарихий китобларида шундай бир хусусият ва қарашлар кузатиладики, барча машҳур китобларни, шунингдек, давлат арбобларини ўзлариники қилиб кўрсатишга уриниш кўзга ташланади. Масалан, Турни Фаридидуннинг ўғли эканлиги, Александр Македонскийни эса Эрон шоҳининг никоҳида бўлган македониялик аёлнинг ҳомиладор бўлиб, ўз юртига қайтиб кетганлиги ва

Ўғил фарзанд кўрганлиги ва ниҳоят зардуштлиқ динининг муқаддас китоби «Авесто»ни «Ўзларини»ки қилиб кўрсатишга қаратилган кўпдан-кўп қарашлар бунга яққол мисол бўлиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, Тур ва унинг авлодлари форслардан мустақил ҳолда Турон заминида биринчи бор шоҳлик қилган, илк бор давлатчиликка раҳбарлик қилган ва Қонун-қоидага асос солган шахсдир. Зотан, Турон унинг номи билан боғлиқ бўлиб, бугунги Ўзбекистон эса Туроннинг марказий қисмида жойлашган, меросхўр давлатдир.

Турк ҳақида шуни айтиш керакки, халқлар Ёфасни ўғлон дея атаганлар. Тарих китобларида тўғри таъкидланганидек, форс ерларида Қаюмарс шоҳлик қилган бўлса, Туронда Турк шоҳлик этган. Улар замондош бўлганлар. Турк ниҳоятда ақлли, одобли, ғайратли, раҳимдил инсон бўлган. Машрик мамлақатида, яъни Туронда давлатчиликка асос солиб, адолатли қонун-қоидалар ва расм-русумларни ўз қавми орасида ўрнатди.

Турк бизнинг энг аввалги шоҳимиз, раҳбаримиз одил ва комил бўлганлиги ҳақида тарих саҳифаларида зарҳал битилгандир. У ўзига хушманзара жойни топган ва ўша жойда яшаган бу жойни Жоилғон деб аташади. Табиати жуда гўзал тоғли ва ширин оқар сувли дарёлари бўлган. Булоқлари кўп бўлган. Чин мамлақатида уни Хонжу деганлар. Бу ерларга Туркистон, Турон ерлари кирган. Туронда ҳамиша тинчлик ва осоишталик бўлган. Унинг беш ўғли бўлган: Абилга, Тунг, Чигил, Барсхор, Атлоқ. Ҳикоя қилишларича, таомни лаззатли бўлиши учун туз солиш унинг замонидан одат бўлган. Бу ҳодиса шундай ҳикоя қилинади. Туркнинг ўғли Тунг овдалигида кўлидан иссиқ кабоб ерга тушиб кетади. Ер шўр бўлади. Тушган кабобни еганда ундаги мазани сезиб, бу лаззатдан отасини, яқинларини хабардор қилади. Ўшандан бошлаб овқатга туз солиш одатга айланган.

Хулоса шуки, Турон заминида давлатчиликка, қонун ва қоидаларни ўрнатилишига асос солган ва тарихда барча туркий халқларнинг катта бобоси сифатида танилган шахс бу Ёфаснинг тўнғич ўғли Турк исмли шахсдир. Унинг исми, ҳаёти, фаолияти биз туркий қавмлар ва халқлар ҳаётида ўчмас

излар

қолдирганлиги

шубҳасиздир.

## Туронда (Ўзбекистон худудида) давлат ва ҳуқуқни пайдо бўлиши

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи қадимий бўлишига қарамай, яъни эрамыздан аввал тўрт-уч минг йиллар аввал ташкил топганлиги собиқ иттифок даври тарихий-юримдик адабиётларида, ўқув қўлланмаларда атайлаб бузиб, камситилиб кўрсатилган эди. Масалан: "Процесс разложения родового строя и возникновения государства захватывает несколько столетий. Первые дошедшие до нас сведения о Средней Азии –надписи Ахеменидов, высеченные на камне, повествования греческих историков Геродота (V в. до н.э.), Ксенафонта (V- IV в. до.н.э.) и других, а также данные археологических науки позволяют говорить о начавшиеся разложения родового строя и становления рабовладельческого государства на территории Узбекистана задолго до нашей эры".<sup>1</sup> Бугунги Ўзбекистон худудида, аниқроғи, қадимги Туронда давлатчилиқнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги ушбу келтирилган фикрни изоҳлайдиган бўлсак, **биринчидан**, давлат ва ҳуқуқни пайдо бўлиши сабабларини цивилизация, яъни тамаддун нуқтаи назардан даврлаштириш ўрнига марксизм-ленинизм таълимоти асосида уруғчиликни емирилиши ва қулдорчилик давлати ва ҳуқуқини пайдо бўлиши тарзида ўрганилган.

**Иккинчидан**, ўзимизда мавжуд бўлган манбалар ("Авесто", "Тарихи табарий", "Шоҳнома", "Тарихи мулуки ажам", каби китоблар) чуқур ўрганилмасдан, асосан, (V-IV аср э. аввал) юнон тарихчилари: Геродот, Ксенафонт ва бошқаларнинг асарларига ва кўпроқ ғарбий Овropa ва Россияда тарқалган маълумотларга асосланилган. Натижада бир минг йилларни ўз ичига олган, илк бор Туронда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш тарихи ўрганилмасдан, эътибордан четда қолган.

Қадимги Туронда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи бир қанча мураккаб тарихий жараёнларни бошидан кечирган. Баъзан яхлит, марказлашган давлат сифатида намоён бўлган бўлса, баъзан эса парчаланган, тўзиган-хонликлар, амирликларга бўлиниб кетган. Улар ўртасида

---

<sup>1</sup> См. История государства и права Узбекистана, Ташкент-1989 г., стр.10

марказий ҳокимият учун кураш кескинлашган, натижада узок йиллар давомида ўзаро урушлар бўлишига сабабчи бўлган.

Туркий қавмларнинг кўпайиши ва уларнинг атрофга ёйилиши ҳамда тарихда бўлиб ўтган урушлар оқибатида қавмлар, уруғларнинг номлари каби давлатларнинг номлари ҳам кўпайган.

Турон заминида яшаган этник халқлар, қавмлар, уруғлар ҳақидаги фикрлар, қарашлар ҳам турлича бўлиб, баъзан улар бир-бирларини инкор қилиш даражасидадир. Бу ерларда илк бор инсонларнинг яшашлари, урф-одатлари, тиллари, динлари ҳақидаги маълумотлар ҳам шу қадар кўпки, уларнинг барчасини қамраб олиш ва бир умумлаштирувчи хулосаларга келтириш ниҳоятда мушкулдир.

Давлатнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганишдан аввал қисқача Туронда яшаган халқлар тўғрисида, аниқроғи, уруғлар ҳақида маълумотга эга бўлиш керак деб ўйлаймиз.

Туронда одамни пайдо бўлиши тўғрисида юқорида кўрганимиздек қуйидаги йўналишлар мавжуд:

**Биринчидан**, Дунёда, шу жумладан, Туронда ҳам Одам ато ва момо Ҳавводан, аниқроғи уларнинг фарзандларидан тарқаган ягона таълимот мавжуддир. **Иккинчидан**, Нуҳ (а.с.м) ўғиллари: Ҳом, Сом Ёфаслардан тарқалган. Жумладан, Туронда Ёфаснинг Турк деган исмли ўғлидан тарқаган деган таълимотга асосланади. **Учинчидан**, айрим манбаларда эса Фаридидуннинг (Ажам давлати шоҳи) ўғли Тур авлодларидан келиб чиққанлиги айтилади (Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Табарийнинг “Тарихи табарий”, А.Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам”).

Бизнинг фикримизча, Тур, Турон, Туркистон, Турк, Туркий сўзлари бир ўзакдан “тур”дан иборат бўлиб, биринчи бор бизнинг мамлакатимизга шоҳлик қилган шахс Турнинг номи билан боғлиқлиги асосли ва тўғридир. Чунки Турнинг исмидан “Турон”, яъни турнинг мамлакати, ери деган тушунчалар келиб чиққанлиги ҳақиқатга яқиндир. Туркий тилда гапирувчи миллатлар, халқлар илк бор Сирдарё, Амударё, Зарафшон Олтой, Иссиқкўл соҳиллари

бўйларида яшаган деҳқончилик билан шуғулланган ўтроқ қабилалар бўлган. Бу давлат ҳам, шу заминни ҳам халқини ҳам Турон деб аташган. Кейинчалик йиллар ўтиши билан бизнинг аجدодларимиз кўпайиши натижасида шимолий-шарққа, жануб ва ғарб томонга қараб ёйилдилар. Шимолий-Шарқга Ёқутлар Аляскагача, Шарқда эса Хитой ва Япониягача, Жанубда эса Балх, Ҳирот ва Ғарбда Кавказ, Қораденгиз ва Дон дарёлари бўйларига қараб силжиб кетганликлари бизга тарихдан маълумдир. Жўғрофик нуқтаи назардан ана шундай катта ҳудудда тарқалган Турк қавмларининг турли тарихий даврларда турлича номланишлари ва турли давлатларга бўлинишлари, бирлашишлари табиий бир ҳол эди.

Шу нарса аниқки, Турк қавмлари бизнинг туркийлар орасида энг қадимий қавмдир. Турон (Туркистон) давлати барча туркий давлатларнинг энг илк бор ташкил топгандир. Самарқанд (марказида) Амир Темур айтганидек:

Биз ким – Мулки Турон.

Амири туркистонимиз.

Биз ким—мамлакатларнинг,

Энг қадими ва энг улуғи,

Туркнинг бош бўғинимиз.

Дунёга тарқалиб кетган ва жаҳон халқлари цивилизациясига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган туркий қавмлар ҳақида, бугун, ҳудудий жиҳатдан ва этник жиҳатдан ана шу қадимги туркий қавмларни марказда бирлаштирган ўзбеклар, ҳақида тегишли бобларда, таъбир жоиз бўлса, ўз фикр ва мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Туроннинг энг қадимий маркази Самарқанд шаҳри бўлиб, унинг номи тарихда бир-неча бор ўзгарган. Масалан, Мароканда ва бошқа манбаларда айтилганидек Самарқанд аслида Самаркент бўлиши керак. Чунки туркий тилда шаҳар "кент" дея аталган. Бу "Шаҳарларнинг самари" деган маънони англатади.

Турон ҳақидаги қарашлар хилма-хил бўлиб, улар ўртасида тафовутлар ҳам мавжуд. Кўпчилик Туронни жўғрофик маънода бизнинг қадимги

аждодларимиз туркийлар яшаган бир макон сифатида таърифласа, баъзилар уни мафкура сифатида таърифлайди. Туркияда яшаб ижод қилган олим Зиё Гўкалп, масалан, ўзининг “Туркчилик асослари” деган китобида, юқорида айтиб ўтганимиздек, Туронни шунчаки бир мафкурадир дея эътироф этади.

“Туркчиларнинг жуда қадимги мафкуриси “Турон” номи остида бирлашган ўғизларни, татарларни, қирғизларни, ўзбекларни, ёқутларни тилда, адабиётда, маданиятда бирлаштиришдир. Мазкур мафкуранинг бир шаъниятга айланиши мумкинми ёки мумкин эмасми?” деб у савол қўяди яна саволга жавоб беради. “Яқин-яқинлардаги мафкуралар учун бу жиҳат қабул қилинса ҳам, қадимги мафкуралар учун қилинмайди. Чунки қадимги мафкура руҳлардаги завқ-шавқни чексиз бир даражага келтириш учун кўзланган жуда ҳам жозибали бир ҳаёлдир. Масалан, деб сўзни давом эттиради Зиё Гўкалп, Ленин большевиклар учун энг тўғри келадиган мафкура сифатида жамоатчиликни (коллективизмни), узоқни кўзлаган мафкура сифатида эса коммунизмни илгари сурган эди. Коммунизмни қайси вақтда қурилишини сўраганларга: “Коммунизмни қайси вақтда тадбиқ этилишини ҳозирдан аниқлаб бериш мумкин эмас. Бу ҳазрати Муҳаммаднинг жаннати каби қачон ва қаерда рўёбга чиқиши маълум бўлмаган бир нарсадир”, - деган жавобни беради”(21-бет).

Зиё Гўкалп “Турон”ни “Коммунизм” таълимоти билан қаёслайди. Уни мафкура деб ҳисоблайди. Коммунизм қачон ва қаерда амалга ошиши мавҳум бўлгандек туркий халқларни “Турон”га эришишлари ҳам бир ҳаёлий орзудан бошқа нарса эмас, деган фикрда бўлган. Бизга маълумки “Социализм” ва «Коммунизм» ҳақиқатдан ҳам у айтганидек бир таълимот бўлиб, бирор бир ер, замин билан боғлиқ эмас. У ҳамма ерда, мамлакатда тарғиб қилиниши мумкиндир. “Турон” эса бу авваламбор жуғрофик тушунча сифатида аниқ Туронзамин билан боғлиқдир. Эрон каби Турон тушунчаси бизнинг фикримизча, мамлакат, конкрет халқ, давлат ташкил топган ер сифатида ўрганилиши керак. У мафкура эмас, балки у Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия деганидек Турон давлатидир.

Зиё Гўкалп китобида, асосан, ўғиз туркларини тўрт ўлкада мавжудлигини (Туркия, Эрон, Озарбажон ва Хоразм) ва келажакда уларни ягона байроқ, давлат иттифоқига - “Ўғизистон”га бирлашишларини орзу қилади. “Менинг эътиқодимга кўра, барча ўғизлар яқин келажакда ана шу номда бирлашадилар. Бироқ ёқутлар, ўзбеклар, қирғизлар алоҳида-алоҳида маданиятларини вужудга келтирган тақдирларида мустақил миллатлар бўлишлари мумкин бўлганлиги учун фақат ўз номлари билан аталадилар...” (21- бет).

“Ўғиз” туркларини бошқа туркий уруғларидан, яъни ўзбеклардан, қирғизлардан ажратиб ўрганиш ёки алоҳида бир миллат, давлат сифатида кўриш бизнинг фикримизча хатодир. Чунки Ўғиз турклари ҳам бошқа туркий халқлар каби туркларнинг бир ажралмас шоҳидир. Бу ҳақда китобнинг тегишли бобларида яна тўхталамиз. Олим ўз фикрларини жамлаб туркчиликни уч катта қисмга ажратади:

### **Туркчилик**

Ўғизчилик ёхуд туркманчилик

Турончилик

Албатта, туркчиликни бундай тавсифлаш бизнинг фикримизча тўғри эмас. Сабаб, Туркиядаги турклар ҳам, туркманлар ҳам, шу жумладан, ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар ҳам қадимги туронликлар бўлиб, улар алоҳида-алоҳида туркий қавмлар, халқлар номлари билан мустақил ривожланаётган давлатлардир.

Тарихий тараққиёт мураккаб босқичларни босиб ўтди ва натижада қадимги Туронда қатор номлари тарих саҳифаларига киритилган давлатлар, хонликлар, амирликлар пайдо бўлган ва қонунлар, фармонлар битилган. Улар ҳақида ёзишдан аввал “ўзбек” атамаси ва “Ўзбекистон” нинг бу азим тарихга алоқадорлик масаласига тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Зеро, ўзбеклар ҳақида, унинг давлатчилиги ва қонунчилиги тарихи тўғрисида гапирар эканмиз, ҳақли равишда “ўзбек” сўзининг ўзи қачон пайдо бўлган? Давлатчилик тарихи-чи? деган саволлар туғилиши табиийдир. Биринчидан, “ўзбек” сўзи кўпроқ ўрта асрларда этник маънода қўлланилган

бўлишига қарамасдан Ўзбекистон Республикаси давлат сифатида қадимги Турон заминида шаклланган ва ривожланган давлат ва ҳуқуқнинг ўзвий давоми дея қаралади ва у ана шу қадимги давлатнинг марказий қисмида жойлашган. **Иккинчидан**, қадимдан Туронда, кейинчалик Туркистонда давлатчилик ташқи ва ички қарама-қаршиликлар оқибатида баъзан марказлашган бўлган бўлса, баъзан эса парчаланган майда-майда давлатлардан иборат бўлиб, уларнинг номлари ҳам турлича бўлган. Масалан, Александрнинг юришидан кейин Юнон-Бақтрия давлати; Араблар босқинидан кейин эса Мовароуннахр (дарёнинг нариги соҳилидаги) давлат; Мўғуллар истилосидан кейин эса Чигатой улуси; Россия томонидан Туркистон босиб олингандан кейин эса "Туркистон ўлкаси", "Туркистон автоном республикаси"; ўз Октябрь инқилоби "Миллатлар ўз тақдирларини ўзлари белгилайди" назарияси остида бир тилда, бир динда ва бир урф-одатда яшаётган туркий халқларни парчалаб тарқатиб юборди. "Туркистон" сўзи давлатчилик атамасидан тамоман сиқиб чиқарилди. Унинг ўрнида эса "Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон" каби "Миллий давлатларни" СССР давлати таркибида ташкил топишига олиб келди. **Учинчидан**, йигирманчи асрнинг охирида (1991й.) тоталитар тузум барҳам топди. Қадимги Турон заминида юқорида номлари қайд этилган беш мустақил қардош давлатлар ташкил топди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси давлати қадимги Турон (Ажам) давлатининг марказий шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Фарғона, Термиз ва бошқалардан ташкил топган бўлиб, бу шаҳарларда яшаётган туркий ва кўплаб бошқа миллатларни бирлаштирди. Бу ҳақда қўйидаги манбаларда ёзилган.

1. Фарғоналик муаррих Сайфиддин Аксикатий (XVI аср) асарида, "Мажмуъ ат-Товарих" ("Тарихлар мажмуаси")

2. Қўқонлик мулла Аваз Муҳаммад Атор (XIX аср) ёзган асарида, "Тухфат ут-таворихи хоний" ("Хоннинг тарихдан тухфаси")

3. "Насабномаи "ўзбек" ("ўзбекларнинг насаби") Валиуддин Муҳаммад Табризийнинг "Мишнот ул-мусобих" (Токчадаги машъала) асари асосида

Низомиддин ибн домла Шоҳ Саид махдум (1896-1997 й.й.) тузилган асрларида;

4. "Асомийн наваду ду фикрикан ўзбек" асари тўртта бошқа асарлар мажмуаси ичида келтирилган, жумладан: "Мажмуъал-Ғаройиб", "Солномаи Хожа Абулҳаким Термизий", "Тарихчаи Сомий" ҳамда "Тўртинчиси етти иқлим тарихи" ҳақидаги асар (муаллифи номалумида<sup>1</sup>).

Бу манбаларда 92 уруғ саналади ҳамда 189 та қавмларнинг номлари келтирилади.

Т.И.Султановнинг "Средняя Азия в древности и средневековье", (М; "Наука" 1977 ) китобини "опыт анализа традиционных списков 92 «Племен платина» деган қисмида ўзбеклар, аниқроғи туркий қабилаларнинг мавжуд манбалар асосида тузилган жадвал номлари келтирилган.

Машҳур шарқшунос олим В.В.Бартольд бу ҳақда шундай деб ёзади. "Ўзбекских родов" прежде считалось 32, потом 92, причем мы имеем возможность довольно точно установить время этой перемены: в 1756 г., в рассказе о вступлении на престол первого бухарского хана из мангытов, Мухаммад-Рахима, еще говорится и 32 родах; в 1781 г., правитель Бухары уже говорил русскому агенту Бекчурину о 92 «Узбекских родов». В.В. Бартольд бундай ўзбек уруғларини 32 ва 92 номда учрашини 32 уруғнинг аста-секин кўпайиши оқибатида деб билади. Т.И. Султонов эса ўзбек уруғлари ҳақида икки тарихий рўйхатнинг бўлганлигини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, ўзбек уруғлари эмас, балки туркийларнинг аввал 32 уруғлари бўлган бўлса, кейинчалик улар кўпайиб 92 та бўлган. Ўзбеклар ана шу уруғлардан Дашти қипчоқда яшайдиганларини бирлаштириб, ўзларини мустақил бек дея ҳисоблаганларидир. Қуйида турк уруғларининг номларини Т.И.Султонов тузган рўйхат асосида келтирамиз:

Минг, йуз, қирқ, жалоир,  
Сарой, қунғирот, алчин,  
Аргун, Найман, Қибчак,

---

<sup>1</sup> Ахмедов Б. "Сирли олам" журналы, 1992 йил, 3-4 сонлари.

Қалмоқ, чакмак, қирғиз,  
Қарлик, тўрк, туркман,  
Байаут, бурлан, шамирджик,  
Кабаш, Нуджин, киледчи,  
Килекс, бурат, убрат,  
Қийт, хитой, кангли  
Урйуз, жуналахи, кужи,  
Ўтардчи, куладчи, жийит,  
жалджиут, турмаут,  
Цймаут, арлот, керент, онгут,  
Тангут, мангут, жалаут,  
Мамасит, меркит, буркут,  
Кеит, куралас, оклан,  
Кари, араб, илажи, жубурган,  
Қишлик, кирай, дурман,  
танин, тама, рамадан,  
уйшун, бадан, хафиз, уйраджи,  
журат, татар, йўрға, баташ,  
каучин, тубали, тилау, кердари,  
сахтиан, қиргин, ширин, Оғлон,  
Жимбой, черкес, уйғур, атмар, ябу,  
таргил, тургак, таин, кохат,  
фахир, куджалик, шуран,  
дераджат, кимат, Шуджаат, авған.

Ушбу рўйхатга манба этиб «Маджму ат-таварих», (И.В. Л. 17а-18 а), «Маджму ат-таварих», (ЛГУ, Л. 116-12 а; изд.стр 22-23) ва “Маждму ат-таварих”, (Фрунзенский сп., Л. 16-17) лар олинган. Мазкур ишда яна бошқа рўйхатлар ҳам келтирилган.

Рўйхатларда катта тафовут бўлмасдан, уларда туркий уруғларнинг номлари ва уларнинг айримларига тушунча ва шарҳлар берилган.

Туркий уруғларнинг энг тепасида турк уруғи туриши керак деб хисоблаймиз. Чунки барча бошка уруғлар улардан кейинчалик тарқалгандир. Туркийларнинг марказий ўлкаси, мамлакати Турондир. Бизнинг фикримизча, марказий шаҳри Самарқанд бўлган. Албатта, айрим тарихий даврларда Бухоро ва Хива, шаҳарлари бўлишига қарамасдан, Самарқанд давлатчилиги пойтахти сифатида таърифланади.

Туркий қавмларнинг бир нечасини бирлаштирган ўзбеклар ўзининг мустақил давлатига эришиш жараёнида узоқ тараққиёт босқичларини босиб ўтган. Албатта, бу жараён кўп жиҳатдан тарихий шахсларнинг номлари билан боғлиқдир. Ўзбекларни сиёсий майдонда мустақил давлат сифатида майдонга чиқишларида Ўзбекхоннинг (хижрий 712 йилда тахтга ўтирган) роли каттадир. Унинг тўлиқ исми Ўзбакхон ибн Калига ибн Тўғон ибн Ботухон ибн Жўчихон ибн Чингизхондир.

Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" асаридан Ўзбекхон тўғрисидаги айрим фикрларни келтирамиз: "...Тахтга ўтиргандан саккиз йил ўтгач, машоихлар ва мусулмонларнинг шайхи, авлиёларнинг қутби Ҳазрати Занги ота (Оллоҳ унинг қабрини муннавар қилсин) ишорати билан ... Ҳазрати Саййид ота (Оллоҳ унинг сирини муқаддас қилсин) яъни , Занги отанинг ҳалифалари орқали (ҳар икковларига ҳам Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин) туркларнинг дақуқ йилига мувофиқ бўлган 720 хижрий йили исломни қабул қилиш шарафига муяссар бўлди..." Бу тарихнинг тафсилоти "Мақомати Ҳазрати Саййид ота мақомати алайҳир рахма ва р-ризо" ("Ҳазрати Саййид ота унга Оллоҳнинг раҳмати ва розилиги бўлсин") китобида ёзилган ва зикр этилган.

Ўзбекхон подшолигининг саккизинчи йилида Ҳазрати Саййид ота уни элу улуси билан Мовароуннаҳрга исломни қабул қилиш учун олиб келган. Бу ерда Улуғбек яна бир масалага диққатимизни жалб этган: "... Ҳазрати Саййид ота уларга (Оллоҳнинг раҳмати ва розилиги бўлсин) ҳамда Султон Муҳаммад Ўзбекхон билан ҳамкорликда келган кишилардан: "Бу келган ким? Деб сўрардилар. Уларнинг сардорлари ва подшоҳлари Ўзбекхон бўлгани учун

уларни Ўзбек деб атардилар. Шу сабабли келган кишилар “ўзбек” деб атала бошланди. Қолиб кетган кишилар эса “Қалмоқ бўлдилар”. (226-бет).

Улуғбекнинг ёзишича, Дашти Қипчоқда подшолик қилган Ўзбекхон авваламбор ўзбек давлатини тиклаган ва иккинчидан ўзи билан бирга келган одамларга исломни қабул қилдирган. Бу заминга келмаганларни эса “қалмоқ”, яъни “қолганлар” деб атаганлар. Демак, ўзбеклар ва қалмоқларнинг ажралишига асосий сабаб исломни қабул қилиши ёки қилмаслиги бўлган.

Ўзбекларнинг сиёсий мавқеини туркийлар орасида янги босқичга кўтарган шахс Муҳаммад Шайбоний бўлди. У ўз замонининг пухта ва тадбиркор сиёсатчиси бўлганлиги учун аввал Дашти Қипчоқда ҳокимиятни қўлга киритади.

Кейинчалик эса Темурийлар салтанатнинг ҳокимият учун кураш жараёнининг кескинлашиши натижасида инқирозга учраганлигидан усталик билан фойдаланган Шайбонийхон (1499-1507 й.й.) Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳам ҳокимиятни қўлга киритган. Шайбонийхон ҳукмронлик қилган йилларда ўзбеклар нафақат Дашти Қипчоқда, балки бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳам ҳукмронлик қилганлар.

Кейинчалик йиллар ўтиши билан Ўрта Осиёда майда-майда хонлиқлар, беклиқлар, амирлиқлар пайдо бўлиши сабабли ўзбекларнинг мавқеи анча пасайган. Аммо Октябрь инқилобидан кейин (1917 й.) Россияда Ленин раҳбарлигидаги большевиклар партияси миллий ўлкаларни, хусусан, Туркистонни Усмонили турклар (Туркия) таъсирига тушиб қолмаслиги учун, миллатлар ўз тақдирларини ўзлари белгилайди, деган сиёсатни юргизган ҳолда Туркистонни, Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини тугатиб, унинг ўрнига Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси, Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси, Туркменистон Совет Социалистик Республикаси, кейинчалик Ўзбекистон таркибидан Тожикистон Совет Социалистик Республикасини ўрнатилишига муваффақ бўлдилар.

Бу билан биринчидан «Туркистон» атамасини сиёсий харитадан йўқотишга муваффақ бўлган бўлсалар. Иккинчидан, Фарбий Европада ривожланган назария - «бўлиб бошқариш»га эришдилар. Ягона туркий уруғлардан ташкил топган халқни парчалаб, сунъий равишда худудларга, сарҳадларга бўлдилар.

Ўзбеклар яна сиёсат саҳнасида Советлар даврида қардош республикалар билан «тенг» бўлган ягона иттифоққа бирлашган давлат сифатида (Тошкент шаҳри маркази) дунёга социалистик давлат сифатида танилди.

Аммо тоталитар тузум узоққа чўзилмади. 1991 йилда Иттифок тарқалгандан кейин Ўзбекистон мустақил демократик республикага айланди. Бу ҳақда китобнинг тегишли бобида батафсил тўхталамиз.

Ўзбеклар ва уларнинг давлатчилигини келиб чиқиши ҳақида фикрлар турличадир. Масалан, Н.А.Аристов, А.Якубовский, И.И.Иванов, М.А.Чапличка, Хильда Хуккэм ва бошқалар олимлар Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (1312-1342) нинг номи билан боғлайдилар.

В.В. Григорьев, А.А.Семенов ва Б.Аҳмедовлар Ўзбекхон кўк Ўрдада, яъни Олтин Ўрдада хон бўлган. Ўзбеклар (турк-мўғул қабилалар) Оқ Ўрдада Ўзбекхонга бўйсунганлар деб ҳисоблайдилар.

М.Улуғбек ўзининг «Тўрт улус тарихи» китобида Мовароуннаҳрга Ўзбекхон бошлаб келганларни «ўзбеклар», Дашти Қипчоқда қолганларни эса (қолмиқлар) деб ҳисоблайди.

«Ўзбек» сўзи,- деб ёзади Б.Аҳмедов, -XIII-XIV асрларда, Жувайний ва Рашидиддинларнинг асарларида ҳам маълум эди. Бу сўз, Элхон Обоқа (1265-1282) замонида Эронда яшаган Пури Баҳонинг (Тождиддин ибн Баҳоуддин) достонида ҳам учрайди. “Тарихи гузида”нинг Зайниддин Қазвиний томонидан ёзилган девонида “ўзбек” сўзларини (“ўзбекчилар”) “Мамлақати ўзбек” ва “улуси ўзбек” сўзларини учратамиз. Бу ерда сўз Оқ Ўрда кўчманчилари ҳақида эмас, Ўзбекхон ва унинг давлати ҳақида”.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Бўрибой Аҳмедов. Ўзбек улуси. “Нур” 1992 й 11-бет.

Бизнинг фикримизча, Дашти Қипчоқда яшаган туркий қабилаларга мансуб бўлган ўзларини мустақил бек, яъни давлат дея ҳисоблаган қавмларга нисбатан “ўзбек” этноми ишлатилган. Албатта “ўзбек”лар Ўзбекхондан анча олдин бўлганлар. Ўзбекхон дея исм қўйилишининг ўзи ҳам “ўзбек” ларни аввалдан бўлганлигидан дарак беради. Ўзбекхон, сўзсиз ўзбекларни Дашти Қипчоқда, Мовароуннаҳрда мустақил давлатга эга бўлганлигини танитган ва уларнинг орасида Исломни қабул қилдирган давлат бошлиғи бўлган.

Бугунги ўзбеклар, албатта, ўрта асрлардаги Дашти Қипчоқда ўзларини мустақил бек деб юрган уруғ-ўзбеклардан фарқ этади. Миллат даражасига ўсиб чиққан ўзбеклар билан биргаликда яна кўплаб туркий уруғларни ўзида ифодалаган бир миллат сифатида дунёга танилган. Кейинроқ бу ҳақда яна тегишли бобларда кенгроқ тўхташга ҳаракат этамиз.

Манбаларга кўра, Оқ Ўрда, яъни ўзбеклар таркибига қуйидаги қабилалар киради: буркут, қиёт, қушчи, қўнғирот, ушун, ўтачи, найман, жот, чимбой, қарлиқ, кенагас, дўрмон, қурловут, туб, ойи, манғит, нўкуз, уйғур, хитой, тоймас, эчки, туман-минг ва бошқалардир. Бунга қўшимча равишда айтиш мумкинки, мўғул қўшинлари таркибида мўғуллар билан биргаликда кўплаб туронлик туркий қабилаларнинг жангчилари бўлган. Улар Оқ Ўрдада бутунлай қолиб, у ерда ўз оилаларини қурганлар. Демак, мўғуллар ва туркнинг бошқа уруғига тегишли бўлган ҳарбийлар Дашти Қипчоқ ўзбекларининг қизларига уйланганликлари ва улар ўзбекларга қўшилиб кетганликларини шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

Хулоса шуки, ўзбеклар Султон Муҳаммад Ўзбекхонни (1342 йилда вафот этган) Чингизхоннинг чевараси номи билан кўпчилик тарихчилар боғлайди. "Ўзбек" атамаси Ўзбекхонгача бўлган унга Ўзбек деб исм қўйилишининг ўзи ҳам “ўзбек” сўзи ундан анча аввал бўлганлигидан далолат беради. Ўзбекларни бир қавм, халқ даражасидан миллат ва ўзининг миллий давлати даражасига кўтарилиши жараёни узоқ тарихий даврни ўз ичига олади.

Дарҳақиқат, Султон Муҳаммад Ўзбекхон ўзбекларни давлатга бирлашишларида катта роль ўйнаган. Ўзбекларнинг давлатчилиги-нинг

ривожланишида Шайбонихоннинг ҳам ҳиссаси катта. Хуросон ва Мовароуннаҳр ўзбекларнинг тасарруфига ўтади. Собиқ Иттифоқ даврида (1924 й) Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топиши ўзбек давлатчилигини янги босқичга кўтарди. 1991 йилда эса Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши уни дунёга яна қайтадан Ўрта Осиёдаги энг йирик давлат сифатида танитди. Бугун Ўзбекистон Республикаси нафақат туркий қавмларни, балки жуда кўплаб бошқа миллатлар вакилларини бирлаштирган давлат сифатида барча мустақил давлатлар қаторида БМТ да ўз ўрнига эга бўлди.

Ўзбекларни бошқа туркий қабилалар орасида обрў-эътиборининг ошиши ва уларнинг деярли кўпчилиги бугун "ўзбек" номи билан айтилишида юқорида кўрганимиздек давлатга бирлашиши муҳим роль ўйнаган. Мустақил давлатга бирлашганлиги сабабли бугунги юксак мавқеёйга эришди, десак муболаға бўлмайди. Яна шу фикрга қўшимча равишда шуни айтиш мумкинки, қадимги Турон, Туркистон давлатининг марказий қисмида жойлашганлиги, аксарият туркий халқларни ўзида бирлаштиргани ва Самарқанд, Бухоро, Хива ва Термиз, Тошкент, Фарғона, Нукус каби марказий шаҳарларга эга бўлганлиги учун қадимги Турон давлатининг асосий меросхўри ҳисобланади. Амир Темурнинг Чингизхон авлодлари зулмидан озод этиб, улуслар ўрнида ягона марказлашган Туркистон давлатининг бугунги меросхўри ва давомчиси сифатида мустақил Ўзбекистон Республикаси эканлигини эътироф этиш жоиз бўлади. Албатта, бу дегани бошқа қардош республикалар халқлари бунга даҳли йўқ эканда деган хато фикрга келмаслик керак. Улар ҳам ана шу қадимги Турон давлатчилигининг бир ўзвий қисми сифатида бугун жаҳонга суверен давлатлар сифатида танилдилар.

Мамлакатимизда илк бор давлатни пайдо бўлишида энг қадимги манбаларда "Мулуки ажам" атамаси учрайди. А.Навоийнинг "Тарихи мулуки ажам", яъни "Ажам давлатининг тарихи" деган асари бундан ташқари қадимги манбалардан "Тарихи Табарий", Фирдавсийнинг "Шохнома" асари "Авесто" каби ёзма манбаларда "давлат" сўзи кўпинча "мулк" дея аталган. "Ажам

мулки" дегани эса арабларда арабдан ташқаридаги мамлакат деган маънони англатади. "Ажам мулки" - "Ажам давлати" деганда ҳудудий жиҳатдан жуда катта бўлган Турон ва Эрон мамлакатлари кўшиб айтилган.

Хулоса шуки, энг қадимги манбаларда Турон ва Эрон давлатлари кўп ўринда Ажам давлати номи билан аталган. Ажам давлати тўрт минг йил аввал ташкил топган ва ривожланган.

Ажам давлати тўрт сулоладан иборатдир:

Пешдодийлар, Каёнийлар, Ашконийлар ва Сосонийлардир. А.Навоий бу давлатларни 4336 йил 10 ой ҳукмронлик қилган деб ҳисоблайди. А.Навоий ўз асарларида тарихий маълумотларни «Низомут-товрих», «Гузи», «Девонун-насаб», Муҳаммад Ғаззолийнинг «Насихатул-мулук», Табарий, Жалолий, Банокатий асарларига ва Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сига асосланган ҳолда ёзган.

Пешдодийлар энг бурунги сулола бўлиб, улар ўн бир кишидан иборат. Энг биринчи шоҳнинг исми Қаюмарс, шунингдек, Афросиёб ҳам ана шу Пешдодийлар сулоласидаги шоҳлардан бўлган. Пешдодийлар давлати Шарқ давлатларига хос шаклда – монархия давлати бўлган. Шоҳларнинг давлатларни идора қилишдаги ҳуқуқлари чекланмаган. Ҳуқуқнинг манбаини одат нормалари ҳамда шоҳларнинг фармонлари, буйруқлари ташкил этган. Пешдодийлар даврида Турон ва Эронда жуда кўп йирик-йирик шаҳарлар ташкил топди. Чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик ривожланди.

«Ўзга қавмлар билаким, Қаюмарс дебтурлар. Маъниси ҳайи нотикдур, яъни тиргики сўз айтқай. Аммо «Низомут-таворих» ва «Жомеут-таворих» Жалолий ва Банокатийда дағи иттифоқ била ҳужжатул-ислом имом Муҳаммад Ғаззолий қуддуса сирруху «Насихатул-мулук» да ани Шис алайҳиссаломнинг қардошидур деганни таън қилибтурлар, нединким, Шис алайҳиссалом Заҳҳоки Алаввони замонидадур. Ва тарих аҳли иттифоқи била Қаюмарс замонидин Заҳҳок замониғача минг йилға яқин бор. Ҳар тақдир била подшоҳлик қоидаси андин бурун йўқ эрди. Бу қоидани ул тузди. Дағи аввал кишиким, шаҳр бино қилди ул эрди. Дамовандни бино қилди, аммо анда гоҳи

бўлур эрди. Дағи Истахрни бино қилди, аммо кўпрак авқот анда бўлур эрди. Минг яшади ва лекин умрининг охирида қирқ йил салтанат қилди. Дағи Сиёмак ўғли Хушангниким, набираси эрди, валиахд қилиб, вафосиз жаҳонға видоё этти. Шеър:

Бурунроқ кишиким тузуб руду жом  
Жаҳондорлиқ тахтин этти мақом.  
Каюмарс эди, лек даврони дун  
Анга берди бози боридин бурун.”

Хушанг исмли шоҳ даврида Балх, Сус, Бобил шаҳарларига асос солинди. Китоб ёзиш йўлга қўйилган. Масалан, ҳикмат илмида “Жовиди хирад” номли китоб ёзилди. Хушангнинг ўғли Тахмурад даврида мамлакатда азим қаҳатчилик бўлган, одамлар бир кунда бир маротаба (Чош)да овқатланишни одат қилганлар. Рўза тутиш ана шу замондан одатга айланган. Яна ўша йилларда мамлакатда вабо касаллиги тарқалди ва кўплаб кишиларнинг ўлимига сабаб бўлади. Тирик қолганлар ўлган яқинларининг ҳайкаллари ясаб, бутпарастликка асос солинганлиги тўғрисида ҳам хабар берилади.

Заҳҳакдек золим шоҳ ҳам ана шу Пешдодийларга мансуб бўлиб, унинг тўғрисида кўплаб афсоналар тўқилган. У оғир касалликка учрайди. Унинг касалигини даволаш учун ҳар куни икки одам қурбонлик қилиниб, фақат миясини еб даволанар эди. Навбат Кова исмли темирчининг иккинчи ўғлига келганда кўзғолон кўтарилади. А.Навоий сўзлари билан айтганда, бағоят қалин эл жам бўлиб, Заҳҳокдек золим шоҳни тахтдан ағдаришади.

Фаридидун шоҳлик қилганда муҳим тарихий воқеалар содир бўлади. Унинг уч ўғли бўлган: Салим, Тур, Эрож. Бу тўғрида кейинчалик алоҳида тўхтаймиз. Афросиёб Эронга Манучеҳр подшолик қилаётганда юриш қилади. Аввал сулҳ тузилади. Лекин кейинчалик Афросиёб Эронни босиб олади ва 12 йил ҳукмронлик қилади. Турон ва Эрон ўртасидаги уруш тарихи “Шоҳнома”да батафсил баён қилинади. Турон давлати Эронни ўзига қўшиб олгач, Афросиёб замонидан бу икки йирик давлат ўртасидаги кураш кескинлашади кейинчалик

(Доро) эронийларнинг Туронга юришлари ва бу ерлардаги ҳукмронлиги тарихи бошланади.

Турон Эроннинг бир қисмига (Сатрап) ига айлантирилади. Сиёвуш, Рустам ҳақидаги хабарлар, ҳикоялар, афсона ана шу даврларда ривожлантирилади.

Иккинчи табақа Каёнийлар эди. Улар тўққиз кишидан иборат бўлиб, баъзи манбаларда Искандарни ҳам ана шу Каёнийларнинг ўнинчиси деб ҳисоблашади. Уларнинг салтанатлари етти юз йилдан кўпроқ ҳукм сурган Каёнийлар сулоласига асос солган шоҳнинг исми Кайқубод эди. У Жайхун атрофида юрганида Афросиёб Эронга юриш қилади ва Пешдодийлар сулоласини тугатилишига сабабчи бўлади. Кайқубод вазиятдан фойдаланиб, Рустамни Афросиёбга қарши юборади. Рустам Афросиёб жангидан кейин жаҳонпахлавони лақабини олади ва уни сипоҳсолар вазифасига таинлайди. Кайқовус, Кайхисрав (Турондан), Лухрасп, Гуштасп (Зардушт замонида ҳокимият тепасига келган. “Зинд” китобини тасниф қилган. Элни ҳам шу зурдуштийлик динига киришга даъват қилган. Румга одам юбориб, уларни ҳам шу динга киришларини таклиф қилган), “...Самарқанд қўрғони ва девориким, Эрон ва Турон орасига тортилибдур...” (197-бет). Доро Румга юриш қилади. Файлакусни енгиб, минг байза олтунким, ҳар бир вазин қирқ мисқол бўлғай, хирож тайн қилиб, қайсарнинг қизига уйланади ва у қиздан нохуш ҳид келади деб ватанига қайтаради. У ҳомиладор бўлади ва Искандар ана шу аёлдан туғилади. Доро ибн Дороб у кўп золим шоҳ эди. (Искандар Дорога қарши юриш қилади. Уни енгади. Доро унга уч васият қилади. Равшанакни, яъни қизини ўз никоҳига олиш, қотилларини ўлдириш ва ўз яқинларини ўлдирмасдан ҳурмат қилиш. Искандар хоинларнинг барчасини қатл қилади). “Ҳамса”ни бешинчи достони “Саддий Искандарий”да Искандар ҳақида баён қилинишича, Искандар (унинг насаби тўғрисида турли-туман фикр ва мулоҳазалар келтирилади: Искандар (ҳам ҳаким эрди, ҳам вазир. Тўрт юз ҳаким хизматида бўлган, Арасту вазири бўлган, сакиз минг шоҳ ва шаҳзода хизматида эди. Марв, Ҳирот, Самарқанд, Исфаҳон шаҳарларини бино қилди.

(Искандарус ўғли давлатни қабул қилмай ибодатга берилади). Искандарнинг юриши Эрон ва Туронда ҳукмронлик қилган иккинчи табақа Каёнийлар сулоласини тугатилишига сабаб бўлади.

Учинчи табақа Ашконийлар эди. Искандар Арасту маслаҳатига кўра Ироқ, Рай ва Хуросонгача ерларни Абтахши Румий исмли одамга беради. Тўрт йилдан кейин Аша исмли Доронинг яшириниб юрган ўғли уни ўлдиради ва Ашконийлар сулоласига асос солади. Шопур бинни Ашк (Исо алайҳиссалом унинг замонида яшаган дейишади), Баҳром бинни Шопур, Ялош бинни Баҳром, Хурмуз бинни Ялош, Нуш бинни Плош, Гударз бинни Уйғур, Эрон бинни Ялош, Гударз бинни Эрон (жухудларни ялпи қирғин қилган), нарса бинни Гударз, хурмуз бинни Ялош, Фируз бинни Хурмуз, Ҳисрав бинни Фируз, Ялош бинни Фируз, Ардувон бинни Ялош (Ашконийларнинг сўнги подшоҳи эди улар 15 кишидан иборат эдилар).

Тўртинчи табақа Сосонийлардир. Баъзилар уларни ўттиз икки, баъзилар ўттиз бир, баъзилар йигирма саккиз кишидан иборат, деб ҳисоблашади.

Ардашер Бобак исмли шоҳ Сосонийлар сулоласини бошлаб берган шоҳдир, Шопур бинни Ардашер, бинни Шопур, Баҳром бинни Хурмуз (Моний наққошнинг Зиндиқ динида эди. Одамлар унинг динига кирдилар. Монийни уламолар билан суҳбатлаштириб уни динсизликда айблашади. Моний Инсоннинг руҳи унинг танасида мисоли қафасдадир деганлиги учун Баҳром унинг терисини шилдириб унга самон тикдиради.). Баҳром бинни зулмкор шоҳ эди. Шунда одамлар ҳаммлари маслаҳатга борганларида шундай қарорга келдилар. Эрта тонгдан саройда ҳеч ким шоҳга кўринмасин. Шоҳ тавба қилади ва одамларга муомиласини ўзгартиради, Баҳром бинни Баҳром бинни Баҳром (одил шоҳ эди) нарса бинни Баҳром, Хурмуз бинни Нарса, Шопур, Ардашер бинни Хурмуз, Шопур бинни Шопур, Баҳром бинни Баҳром (адолатсиз шоҳ эди), Баҳром бинни Яздижурд (Ёдгор Муҳаммад мирзо) Хуросонда мулк вориси эди. У билан тўқнашади (Хуросондан Ҳиндистонга боради. Қутурган филни енганлиги сабабли подшо уни чақириб, қизини унга беради. Баҳром Синдан тўрт минг уйлук созанда ва раққосаларни

Ҳиндистондан ўзи билан бирга Ажамга кўчириб олиб келади. (Лўлилар улар наслидандир дейди А.Навоий), Яздигурд бинни Баҳром, Хурмуз бинни Яздигурд, Фируз бинни Яздигурд (одил шоҳ эди етти йил ёмғир бўлмаётган очарчилик бўлган. Халқдан хирож олишни бекор қилди. Туронга юриш қилган. Бу ердаги ҳукмрон подшоҳ унинг йўли катта-катта чуқурлар қазиб, устига хас-чўп ташлаган чуқурларга кўп одамлари билан ўзи ҳам тушиб ҳалок бўлади, Ялош бинни Фируз, Қубод бинни Фируз (Маздак унинг замонида пайдо бўлди пайғамбарликни даъво қилди. Халққа бир-бирларининг молимулкига, хотинларига шерик бўлишига рухсат берди. Унинг мўъжизаси “Ўт манинг билан такаллум (сухбат) қилур” эди. Бир одамни танлаб ўзи ўтга қарата нима деса ўтдан баланд овоз билан сўз қайтарилган. Одамлар, жумладан Қубод-шоҳ ҳам унинг динига кирадилар), Нуширвонулодил биннул Қубод (Маздак ва унинг тарафдорларини ўлдирган, таъқиб остига олган шоҳ тахтининг тўрт поясига тўрт сўз битилган эди. “Ҳар кимда пошоҳлик йўқ-комкорлик йўқ. Ҳар кимда Хорун йўқ - ғамхусорлик йўқ. Ҳар кимда фарзанд йўқ – дўстдорлик йўқ. Ҳар кимда булар ҳеч қайси йўқ – беморлик йўқ.”), Баҳроми Чўбини, Хисрав Парвиз бинни Хурмуз, Шеруя бинни Хисрав (тахт учун отасини, ўн етти оға-иннисини ўлдирган). Ардаш бинни Шеруя. Ҳаммасини ўлдирган сабаб Ардашер етти ёшлигида шоҳ этиб тайинланади. Шаҳрирад тахтга ўтиради. Турондўхт, Озармидўхт, Кисро Меҳрижис ва ундан кейин яна бошқа кишилар тахтга ўтирадилар. Аммо бу даврга келиб арабларнинг юришлари бошланган эди. Ҳокимият арабларга ўтади. Ислом кириб келади. Яздигур араблардан қочиб Марвга келади ва бир тегирмонда яширин. Оти ва моли учун тегирмончи уни ўлдиради.

Хулоса шуки, Ажам мулки (давлати) узоқ йиллар давомида яшаб бир табақа ўрнига иккинчиси келиши натижасида тўрт табақа алмашади. Тўрт минг йилдан кўп ҳукмронлик қиладилар. Олтмиш бешдан ортиқ шоҳларнинг номлари тарих саҳифаларида битилган ва уларнинг ҳар бирининг ишларига баҳо берилган. Пешдодийлар, Кайвонийлар, Ашконийлар, Сосонийлар эди.

Биринчи шоҳ Қаюмарс, яъни “Ҳайи нотик” деган маънони англаган. Энг сўнггиси эса Яздигурдир.

Ажам мулкининг тўрт табақага бўлиниши сабаби битта у ҳам бўлса тахт учун ўзаро курашдир. Биринчи табақа Пешдодийларнинг тугатилишига Афросиёбнинг Эронга қилган юришлари сабаб бўлса, иккинчи Каёнийларнинг узилишида Искандарнинг (Александр Македонский) юришлари сабаб бўлди. Учинчи табақа Ашконийларнинг тугатилишига эса Ардашер Бабакнинг юришлари сабаб бўлди. Тўртинчи табақа Сосонийларнинг тугатилиши эса Исломни Ажамга кириб келиши эди.

А.Навоий, Фирдавсийларнинг Тур, Турон давлати ҳақидаги фикрлари асосан Эрон давлати, аниқроғи Ажам давлати тарихига оиддир.

“Турон” сўзи биринчи бўлиб қадимда шоҳлик қилган одамнинг исми Тур бўлиб, “Турон”, “Туркистон”, “Турк”, “Туркий” каби сўзлар ана шу Турдан келиб чиққан десак хато бўлмайди.

Тўқсондан ортиқ туркий қабилаларнинг энг қадимийси турк бўлиб, бошқалари ана шу қабила асосида келиб чиққан ва ривожланган. Туркийларнинг шимол, жануб, шарқ ва ғарбга қараб ейилиши ҳамда ҳокимият учун ички ва ташқи курашларнинг кескинлаши натижасида қадимги Туронда давлатчилик баъзан жуда катта ҳудудда марказлашганлигини Афросиёб, Хунлар, Амир Темур давлатлари, баъзан эса парчаланиб хонликлар, бекликларга бўлиниб кетганлигида кўришимиз мумкин. Шимолда Ёқутларни Аляскагача етиб бориши, шарқда Хитой ва Япониягача тарқалиши, Ғарбда финлар, қипчоқликларни Дон, Днестр, Дунай дарёлари бўйларида ҳам ўз давлатларига эга бўлганликлари ва Жанубда Хуросонда тарқалишини тегишли тарихий даврлар ва давлатлар мисолида кейинги бобларда батафсил баён этамиз.

Шунингдек, қадимги Туронда ҳуқуқ масаласида шуни айтиш керакки, туркий қавмларда амал қилган одат қонунлари авваламбор халқлар ўртасида асрлар давомида шаклланган одат нормалари ҳамда “Авесто” каби бизгача

етиб келган диний – ҳуқуқий манбаларни алоҳида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

## “Авесто” - ҳуқуқ манбаи

Ўзбекистон илк давлатчилик тарихи билан бирга ҳуқуқ тарихини яратган ва жаҳон цивилизациясининг ривожланишида, айниқса, давлатчилик ва қонунчилик маданиятининг тараққиётида ўзининг ҳиссасини қўшган мамлакатдир. Бунга далил “Авесто” ёзма ҳуқуқий манбадир.

Зардуштийлик дини Хоразмда бундан 2700 йил аввал шаклланган бўлиб, ўз даврида жуда кенг тарқалган ва Будда, Яхудо, Насроний, Ислом динларининг шаклланиши ва ривожланишида ўз таъсирини ўтказган диндир.

Зардуштийлик дини муқаддас китоби “Авесто” маънавиятимиз сарчашмаси. Бинобарин, зардуштийлик дини пайдо бўлган замин ва унинг муқаддас китоби “Авесто” ҳақидаги баҳс узоқ асрлардан буён давом этиб келмоқда. Фарб олимларидан А.Мейе ва П.Тедесколар зардуштийликни илк ватани Парфия (ҳозирги Туркменистон), Даристерер, Жексонлар зардуштийлик Атропатенада, Харпфельд эса Мидияда, И. Маркварт, Б.А. Тўраев, Х.Нюберг, Э.Бенвенист, Е.Э.Бертельс, Гайгер, Шпигелларнинг фикрига қараганда-Бақтрияда; Э.Герцфельд, В.В.Струве, К.В.Тревер, Ю.А. Рапорт, С.Ф.Ольденбург, Н.Прохоров, М.Бойс, И.М.Дьяконов, М.Е.Массон, В.В.Бартольд, Г.А.Пугаченкова, И.О.Брагинский, С.П.Толстов, В.М.Луконин, Э.В.Ртвеладзе, Б.И.Авдиев, Я.Фуломов, А.Қаюмов, В.И.Зоҳидов, И.Жумабоев, Ф.Сулаймонова, М.Исҳоқов, Н.Маллаев, Ҳ.Ҳомидов, А.Абдуллаев, А.Асқаров, А.Ирисов, Т.Саъдуллаев, Е.Березиков, Ф.Бойназаров, Ж.Йўлдошев, О.Мусурмонова, И.Жаббаров, Н.Норқулов, А.Саъдуллаев, Р.Раҳимов, Т.Қиличов, А.Саидов, С.Ҳасанов, Т. Дўстжонов, З.Муқимов, Т.Каримов ва бошқа олимларнинг фикрича, зардуштийлик Хоразмда пайдо бўлиб, сўнгра Бақтрия, Сўғдиёна, Паркана, Хуросон, Форс, Ироқ, Мўғул, Балхдан тортиб, Сурия, Хитой, Рум, Турфон, Ҳабашистон, Хиндистон ва бошқа мамлакатлар ҳудудида кенг тарқалган.

Тарихий манбалар, археологик қазилмалар ва лингвистик маълумотларга биноан немис шарқшунос олими В.Альтхайм “Зардушт бешиги Оксус соҳилларида бўлган, унинг номи билан аталган зардуштийлик дини ҳам ўша ерда пайдо бўлган”<sup>1</sup>, деб таъкидлайди. Зардуштийлик дини ҳақида 4 жилдлик фундаментал асар яратган инглиз олимаси Мэри Бойс ҳам зардуштийлик дини ва муқаддас китоб “Авесто” қадимги Хоразмда пайдо бўлганини қайд этади.

“Авесто” ҳам бошқа кўплаб муқаддас китоблар сингари мураккаб ва кўп-қатламлидир, -деб ёзади С.П.Толстов, -бирок унда, шубҳасиз, Ўрта Осиё (энг қадимги бобида эса худди Хоразм) тарихининг архаик даврига бориб тақалувчи маълумотлар устунлик қилади, ҳозир бизнинг кўлимизда бор материалларга асосланиб, бу даврни милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмига мансуб деб ҳисоблаш мумкин”<sup>2</sup>. Е.Э.Бертелс, Зардуштийлик дини муқаддас китоби “Авесто”нинг Хоразмда ёзилиши учун қулай шарт-шароитлар мавжуд эди. Бу муқаддас китобнинг илк саҳифалари “Тоҳлар” пайғамбар Зардушт томонидан Хоразмда ёзилган, деган қатъий хулосага келади.<sup>3</sup> Академик Б.Ф.Фафуровнинг фикрича ҳам “Авесто”нинг энг кўҳна қисми “Тоҳлар” (“Тоҳ” сўзини олимлар “Госа”, “Гота” европоликлар уни “Тимн”тарзида атайдилар -муаллифлар) Амударёнинг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган Хоразмда яратилган “Авесто”да тасвирланган Айрйана –Вайжа (Ийрон Виж) ўлкаси бу Хоразм давлатидир”<sup>4</sup>. Б.И.Абдиев зардуштийликнинг Хоразм билан боғлиқлигини қуйдагича изоҳлайди: зардуштийликнинг биринчи муқаддас олови Хоразмда ёқилган. “Авесто”да тасвирланган “Айрйана-Вайжа / Ийрон Виж/ деган мамлакат Хоразмдир, Ахура Мазда шу мамлакатда Зардуштга кўриниш берган.<sup>1</sup> Ҳақиқатдан ҳам, “Айрйана-Вайжа” номли мамлакатнинг “Авесто”даги тасвири Хоразмнинг жуғрофий шароитига тўғри келади ва юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

<sup>1</sup> В.В.Бартолд. Сочинения. Т., “Наука”, 1965, с.554.

<sup>2</sup> Тилаб Масмудов. “Авесто” саеида. “Гулистон”, 1999, 4-сон, 26-бет.

<sup>3</sup> Е.Э.Бертельс. История персидско-таджикской литературы. М., 1960, с. 49.

<sup>4</sup> Б.Г.Гафуров.Таджики. Книга первая.Душанбе, изд-во “Ирфон”, 1989. с. 62.

<sup>1</sup> “Гулистон”. 1999 йил, 4-сон, 26-бет.

ЮНЕСКО бош Конференцияси 1999 й. ноябрь ойида Парижда ўтган 30 сессиясида “Авесто” яратилганлигини 2700 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилган эди.

Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов ташаббуси билан Хоразмда халқаро илмий конференция ўтказилди, боғ яратилди, ёдгорлик ўрнатилди, “Авесто”нинг ўзбек тилидаги тўлиқ нашри чоп этилди, бир қатор илмий мақолалар ва асарлар яратилди.

Зардуштийликнинг бош қахрамони Сипийтмон Зардушт ҳақида ҳам фикрлар, қарашлар хилма-хилдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Сипийтмон Зардуштнинг туғилган санаси ва жойи хусусида, у азбаройи машҳур бўлганидан кўпгина халқлар уни ўзиники, деб билишга ҳаракат қилмоқда ва ҳануз мунозарали баҳслар давом этмоқда. Жумладан, Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ва Табарийнинг “Тарихи Табарий” асарларида кўрсатилишича, Сипийтмон Зардушт озарбайжонлик Сафид Тумон деган кишининг фарзандидир. Бу ўринда ўша даврда Озарбайжоннинг кўпгина ҳудудлари Катта Хоразм давлати таркибида бўлганлигига алоҳида эътибор беришимиз лозим. Ибронийлар, Зардушт Илёс пайғамбарнинг шогирдларидан эди, деб даъво қиладилар. Абу Райҳон Берунийнинг маълум қилишича, ҳақиқатдан ҳам, Зардушт ўз битигида болалик вақтида Хуфронда ҳикматшунос Илёсдан илм ўрганган.

Румликлар даъвосига қараганда, Зардушт Мувсулдан бўлган. Юнонларнинг айтишига кўра, Файлакус деган бир киши Болига борган. У билан Поршуспнинг ўғли Зардушт учрашиб, ундан таълим олган. Файлақуч вафот этгач, Зардушт Саблон тоғининг ғорида бир неча йил яшаган. Ниҳоят, муқаддас “Авесто” китобининг энг қадимги “Тоҳлар”ини битиб, у яккахудоликни юзага чиқарган. Шу тарихий маълумотларга асосланиб, бир гуруҳ олимлар Зардушт Озарбайжон ҳудудида, яна бир гуруҳ олимлар у Бақтрияда туғилган (ҳозирги Ўзбекистоннинг Сурхондарё воҳаси, Тожикистоннинг жануби, Шимоли-ғарбий Афғонистон ёки Шимоли-шарқий Эрон) ёки кўпчилик олимлар Зардуштнинг ватани Хоразм деб ҳисоблайдилар.

Жумладан, академик Б.Ф.Фафуров, авестошунослардан И.Жабборов, Т.Каримов, Т.Махмудов, М.Умарзода, Т.Саъдуллаев, Б.Эшонов, Г.Друсьянская, Б.Абаев, И.Дьяконов, Н.Норкулов, И. Хўжамуродов, С.Ҳасанов, Т. Дўстжонов, К.Норматов, Р.Ёқубовларнинг “Авесто”даги ривоятлар ва тарихий-этнографик маълумотларни қиёслаб, адолатли ёзишларича, зардуштийлик дини ва унинг пайғамбари Сипитмон Зардушт асли туркий миллатига мансуб бўлиб, Хоразмга қарашли ҳудуд Амударё соҳилида чорвачилик билан шуғулланувчи Сипитма уруғидан бўлган Порушасп ва Дағдуга оиласида таваллуд топган.

“...Шунинг учун бўлса керак, деб ёзади З.Муқимов, одат ҳуқуқни - “одатларга асосланган нормалар тизими” сифатида таърифланади. Аммо турк-ўзбекларда, аслида ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган одатлар бир-биридан фарқланмаган...”<sup>1</sup>

Бизнинг фикримизча одат нормалари ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаганлари қанчалик бир-бирларига яқин бўлмасинлар уларни фарқлаш керак. Шу маънода ҳамма одат нормалари ҳуқуқий бўлаолмайди. Фақат давлат томонидан мақулланган, тан олинган ёки санкцияланган одатларгина ҳуқуқийдир.

Яна қадимги Туронда ҳуқуқ масаласига қайтсак, бу ўринда шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, бизгача сақланган ҳуқуқий манба – бу “Авесто”дир. Албатта “Авесто” бир кунда ёки бир ойда, йилда ёзилган китоб эмас, у кўп асрлар давомида қадимги Туронда, аниқроғи Катта Хоразмда шаклланган диний, сиёсий, ҳуқуқий манбадир.

Ҳуқуқ масаласини ана шу қадимги ҳуқуқий манба асосида ўрганилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳиссоблаймиз. Зеро, Туронда ҳуқуқ масаласи яхши ўрганилмаган. Манбаларни кўпчилиги бизгача сақланмаганлиги, сақланганлари ҳам ўрганилмаганлиги масалани янада мураккаблаштиради.

---

<sup>1</sup> Саранг: З.Муқимов. Ўзбекистон давлати ва суёуи тарихи. Самарқанд. 1998 й. 31-бет.

Давлат ҳуқуқсиз, ҳуқуқ эса давлатсиз яшай олмайди. Зеро, давлат ўзининг тузулишидан бошлаб ички ва ташқи сиёсатини қонунларга асосан амалга оширади.

Зотан, ҳуқуқ давлат фаолиятида ўта муҳим мустақил ижтимоий воқеийлик экан. У қадимги Туронда, бизнинг мамлакатимизда қандай пайдо бўлган ва ривожланган экан деган саволнинг туғилиши табиийдир. Одамлар ўртасида содир бўладиган муносабатларни азалдан одат нормалари (меъёрлари) тартибга солиб келган. Улар ёзма бўлмасдан балки, халқлар ҳаётида авлоддан-авлодга одат нормаларида ўтган ва такомиллашган. Давлат пайдо бўлишида ана шу манбалардан одат нормаларидан фойдаланилган. Давлат томонидан одат нормаларининг энг муҳим ва зарурларини фармон, қонун тарзида ёзма равишда расмийлаштиришган ва уларни барча фуқаролар учун бажарилишини қатъий қилиб белгилашган. “Ҳуқуқий одат” тушунчаси эса ана шу маънони англатади.

“Авесто”да меҳнат ҳуқуқига, деҳқонлар, чўпонлар ва ҳунармандлар ҳуқуқларига бўлган эътибор жуда юксак даражада бўлган.

Зардушт таълимотида инсоният тараққиёти учун энг муҳим жиҳатлар яна шу эдики, у доимо оддий чорвадорлар ва деҳқонларга мурожаат қилиб, инсон чорванинг кўпайишига, яйловларнинг гуллаб-яшанашига ёрдам берган тақдирдагина, деҳқончилик ва суғориш ишларида иштиёқ билан меҳнат қилгандагина Аҳура Мазданинг иноятига ноил бўлгай, дейилади. Бу билан Зардушт оддий меҳнаткаш инсоннинг ҳуқуқини улуғлаб, уларни ҳукмдор ҳокимлар, зодагонлар, оқсоқоллар, қоҳинлар, саркардалар табақасига тенглаштиради ва ҳатто “Авесто”да уларга атаб махсус боб ҳам ажратади. Бу бобда шундай дейилади:

-“Эй, дунёни яратган Зот!

Мазда динини қандай таом тўйғизади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

-Эй, Сипийтмон Зардушт!

Буғдой эқмоқ ва яна буғдой эқмоқ”.

Рухонийлар бу варжованд мансарасини<sup>1</sup> одамларга ўргатсинлар:

“Ҳеч ким хўраксиз Оша қонунларига амал қилиш қудратига эга эмас.  
Фарзандлар дунёга келтирмоқ қудратига эга эмас.

Моддий оламда халқ қилинган ҳар бир мавжудот емак билан тирикдир,  
емаксиз ўликдир”.

-Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат! Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ  
бахтиёр қилган бешинчи шахс ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

-Заминни яхшилаб шудгор қилган ва уни бир Ашаванга топширган Зот!

-Эй Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни шудгор қилиб, уни меҳрибонлик, парҳезкорлик  
билан бир Ашаванга топширса, Спандармаз уни замин қаърида, ҳасрат ва  
паришонлик оламида, тубанлик ва шўрбахтлик сарзаминида девлар макони-  
дўзах тубига улоқтириб ташламайди.<sup>2</sup>

Китобда табиатга, атроф муҳитга, ўсимликлар оламига, ҳайвонларга  
бўлган эътибор инсоннинг диққатини ўзига тортади. Бугунги тил билан  
айтганда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқига эътибор қаратилган.

“Вандидод” да талқин этилишича. Қуёш худоси Митра ёвузлик ва  
эзгулик ўртасида курашнинг интиҳосида ҳакамлик вазифасини бажарадиган  
зотдир. Боболаримиз ҳар куни кўриб, ундан баҳра олиб турган Қуёшга  
сиғиниш билан соддадилликларини эмас, балки зардуштийликка эътиқодини  
кўрсатишган. Чунки Қуёш – тириклик, поклик ва яратувчилик манбаидир. Шу  
боисдан ҳам ҳар бир зардуштнинг Қуёшга сажда қилиб покланишида, чорвани  
кўпайтириш ва уни асраб-авайлаш учун хонаки ит асраш ва уни уй  
ҳайвонларига озор бермасликка ўргатиш қонун-қоидаларида теран мазмун  
мавжуд.

“...Кимки қаттиқ суякни ёхуд бениҳоя иссиқ хўракни ит галаси ёки  
хонаки итга берса;

---

<sup>1</sup> Варжованд Масараси-илосий каломлар.

<sup>2</sup> “Авесто”. А.Маскам таржимаси. “Гулистон”, 1999 йил 2-сон.

Агар ўша суяк ит тишлари ёхуд томоғига тикилиб қолса ёки қайноқ хўрак унинг тил ва оғзини куйдириб, оқибатда ит нобуд бўлса, бундай кишининг гуноҳи пишавтану, яъни арзон ўлимдир...” (“Вандидод”, 15-фаргард, 3-банд).

Халқимизнинг соч толалари ва тинғрноқларини дарҳол оёқ остидан супуриб олиш, дуч келган жойга ташлаб юбормасдан, йиғиб бир жойга кўмиш, боланинг тиши тушса уни тозароқ жойга ёки “суяк тишингни ол, темир тишимни бер” деб томга отиб юбориш одатлари ҳам зардуштийликка бориб тақалади.

“Зардушт Аҳура Маздадан сўрайди:

-Эй, Аҳура Мазда! Эй, коинот нури. Эй оламларни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Одамларнинг девларни хушнуд ва сарафроз қиладиган энг қабих ва азим гуноҳлари нималардан иборат?

Аҳура Мазда жавоб берди:

-Кимки соч тараса, ёхуд уни олса, ёхуд тирноғини олгач, уни ҳеч қандай расм-русмсиз бирор чуқурга ё кавакка тўкиб юборса, бу қабих амал девларни дуо билан олқишлаб, кучлантирган, уларга нусрат бахш этган билан баробардир”. (“Вандидод”, 17-фаргард, 1-2-бандлар.)

“Авесто”да мулк ҳуқуқига нисбатан битилган қоидалар бугунги кунда ҳам аҳамиятлидир:

“Авесто”да кишиларнинг ўзаро муамала ва муносабатларида лафздан қайтмаслик, берилган сўз (ваъда)нинг устидан чиқиш, мажбурият ва қасамга содиқ бўлиш, савдо-сотик ишларида мажбурият ва шартномаларга қатъий амал қилиш омонатни, яъни қарзни ўз эгасига вақтида қайтариш каби имонлилик ва диёнатлиликни англатувчи эзгу ҳисларни кўрамиз. Ичган қасамни бузган одамнинг бу жинояти, яъни гуноҳи учун албатта жазога гирифтор бўлишидан ҳам огоҳ бўламиз:

“Кимда-ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади. Қарз олган киши омонатни уйида сақласа,

хар кун ва хар тун унга қўл урса ва ўзиники, деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта ўғирлаган билан баробардир.

-Эй, дунёни яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Қасамларни саноғи неча?

Аҳура Мазда жавоб беради:

-Менинг қасамларим олтитта:<sup>1</sup>

биринчиси-сўз қасамидир;

иккинчиси-қўл қасамидир;

учинчиси-қўй қасамидир;

тўртинчиси-сигир қасами;

бешинчиси-одам қасами;

олтинчиси-экин қасами; бу-энг яхши, энг обод, энг серҳосил заминдаги экин.

Кимда-ким сўз қасамини ёлғиз сўзнинг ўзи деб тасвир этса, уни қўл қасами билан тузатиши ва қул қасамининг товонини тўлаши керак.

Қўл қасамини қўй қасами билан тузатиш ва сигир қасамини унинг ўрнига бериши керак.

Қўй қасамини сигир қасами билан тузатиши ва сигир қасамини унинг ўрнига бериши керак.

Сигир қасамини одам қасами билан ўзгартириши ва унинг ўрнига одам қасамини бериши керак.

Одам қасамини экин қасами билан ислоҳ қилиши ва экин қасамини унинг ўрнига бериши керак.

-Эй дунёна яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Кимда-ким ўз қасамини бузса, бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

---

<sup>1</sup> Ушбу вандидодий қасамларни 4-нчи фаргарда ўсеймиз. Одатда қасам келтирган томон ўз сўзининг товони сифатида кейинги қасамни келтиради. Чунончи, сўй қасамининг басоси бир сўй сайматига баробар. “Буюк ривоят” китобида “сўл-қасам” саеида сўйидагиларни ўсеймиз: “Бу солда сар икки томон сўл сиеиш йўли билан шартлашадилар”- муаллифлар.

Аҳура Мазда жавоб беради:

-Унинг ва энг яқин қаришдошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг уч юзтасига тенгдир.

-Эй дунёни яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Кимда-ким кўл қасамини бузса, бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

-унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг олти юзтасига тенгдир.

-Эй дунёни яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Кимда-ким кўй қасамини бузса, бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

-Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг етти юзтасига тенгдир.

-Эй дунёни яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Кимда-ким сигир қасамини бузса бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб беради:

Унинг ва энг яқин қариндошларин гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг саккиз юзтасига тенгдир:

-Эй дунёни яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Кимда-ким одам қасамини бузса бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб беради:

Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг тўққиз юзтасига тенгдир:

-Эй дунёни яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Кимда-ким экин қасамини бузса бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб беради:

Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг мингтасига тенгдир:

-Эй дунёни яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб беради:

-Уч юз қамчин аспаҳиҳ-ҳашатра билан, уч юз қамчин саравушу-чарана<sup>1</sup> билан саваланиди.

-Эй дунёни яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Кимда-ким қўл қасамини бузса бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб беради:

-Олти юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра<sup>1</sup> билан, уч юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

-Эй дунёни яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Кимда-ким қўй қасамини бузса бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб беради:

---

<sup>1</sup> Саравушу-чарана-муайян гунозлар содир бўлганда еўлланиладиган жазо суроли.

<sup>1</sup> Аспасис ашатра – гунозкорни жазоловчи асбоб.

-Етти юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, уч юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

-Эй дунёни яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Кимда-ким сигир қасамини бузса бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб беради:

-Саккиз юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, уч юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

-Эй дунёни яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Кимда-ким экин қасамини бузса бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

-Минг қамчин қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, уч юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади”<sup>2</sup>.

Ана шуларга асосланиб, профессор З.Муқимов берилган сўз, олинган мажбурият ва қасамни қатъий туриб бажариш зардуштийлик эътиқодлари бўйича ниҳоятда қадрланганлигини жуда тўғри кўрсатган: “Қонун яратувчилар ва қоҳинлар аҳамият берган нарса, бу берилган сўзнинг муқаддаслиги эди. Сўз, “Аша”-Ҳақиқатнинг ҳаётий сифатида ҳурматга сазовордир, Икки хил мажбурият олинади. Биринчиси – тантанали равишда қасам ичиш варуна, бирон ҳаракатни содир этиш ёки шартнома ҳисобланиб, у Митра деб аталган, бунга кўра, томонлар ўзаро бирон нарса тўғрисида келишилган. Иккинчи ҳолда ҳам куч ичилган қасамда яширинган бўлиб, бу куч илоҳий деб ҳисобланган. Бу куч одамларга ҳамкорлик қилади, ўз сўзида қатъий бўлган кишини қўллаб-қўвватлайди. Сўзида турмаган кишини жазолайди”<sup>1</sup>.

---

<sup>2</sup> Авесто. (Ассар Маскам таржимаси), “Тулистон”, 1999 йил, 2-3-сонлар, 28-48-бетлар (бундан кейингилари сам шу манбадан олинди)

<sup>1</sup> З.Муёимов “Авсето”нинг суеусий сарашлар. “Сонун симоясида”, 1997 йил, 3-сон, 32-бет.

“Авесто”да баён этилишича, қасам ичиб аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган ёки уни бузган ҳолларда ҳақиқатни исботлаш учун процессуал нормалардан Ордалия (синаб кўриш, ёки жазо бериш) қўлланилган. Инглиз олимаси Мэри Бойс ва А.Г.Переханян ҳамда З.Муқимовнинг таъкидлашича, Сипийтмон Зардушт таълимотида адолатли суд қилиш учун Ордалиянинг 33 усули мавжуд бўлган<sup>2</sup>. Агар сўз қасам тўғрисида борса, сув билан синаш, агар шартномага оид бўлса, ўт билан синаш ўтказилиб, айбдор ёки гумондорга ўзининг ҳақлигини исботлашга имкон берилган. Мэри Бойснинг таърифлашича, дарё сувига улоқтириб Ордалия ўтказишнинг турларидан бири Яжини валкаяга биноан, айбланувчи ўз ёнида турган кишининг оёқларини ушлаб турган ҳолда сувга шўнғиш. Шўнғиш вақтида: “Варуна, ҳақиқатан мени ҳимоя қил” деб айтган. Ана шу лаҳзада камондан ўқ узилган ва чопқир киши ўқ кетидан югурган, агар ўқни айбдор сув тагида ўлиб қолмасдан келтирса, бу –амал-қасам худоси Варуна айбдорни авф этди ва оқлади, деб ҳисобланган<sup>1</sup>.

Шунингдек, ўт билан синаш усулларида бирида айбдор ёнаётган икки чалаён (ўтли чамбарак) орасидаги тор йўлакдан югуриб ўтиш лозим бўлиб, агар тирик қолса, шартнома тангриси Митра уни айбсиз деб ҳисоблаган. Бундан ташқари, ўт билан синашда айбдорни ялонғоч кўкрагига эритилган мис қуйиш усули ҳам қўлланилган. Мэри Бойснинг ёзишича, Олов тангриси Атар тоғларидаги темирларни эритиб, оловсимон суюқликни ёки алангали дарёни ер юзига оқизади. Ҳар бир киши бу дарёдан кечиб ўтиши лозим бўлади, ҳақиқатгўй (пок)лар учун олов янги соғилган сут дарёсига ўхшаб қолади, гуноҳкорларнинг ичи эритилган темир билан тўлдирилиб ёнғинга айланади. Гуноҳкорлар ва жаҳолат ер юзидан тамоман йўқ бўлади. Бундан кейин жамият (ер)да фаровонлик, бахт-саодат, адолат ва яхшилик устунлик қилиб, одамларнинг ўзаро муомала ва муносабатлари, сўзлари, ишлари тинчлик ва осойишталик муносабатлари билан боғланади.

---

<sup>2</sup> Бойс Мэри. Зороастрийцы. Верование и обычаи. 2-е издание. (Пре. С англ. И.М.Стеблин -Коменского). М., Наука, 1988, с 16; Переханян А.Г.Общество и право Ирана в Парфянский и Сасанидские периоды-М., Наука, 1983, с. 175; З.Мусимов. Ўзбекистон давлати ва сууси тарихи (Энг садимги даврдан XX асргача). “Зарафшон” нашриёти, Самарсанд, 1998, 39-бет.

<sup>1</sup> Бойс Мэри. Зороастрийцы. Верование и обычаи. М., 1988, с. 153.

Ордалиянинг қайнаб турган суюқлик (ёғ ёки қайноқ сув) билан синаш, муз билан синаш, диний маросимларда қўлда тутиб туриладиган металл ёки дарахт новдаларидан ясалган хивичлар боғлами билан ва Барсман билан уриб синаш, мудом яшил бутасимон ўсимлик-эфедра ширасига сут аралаштириб тайёрланган инсонни руҳлантирадиган, яъни бардам тутадиган Хаома ичимлиги ичириб (маст қиладиган даражада эмас) синаш ва бошқа усуллари ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, “Авесто”нинг Митра мадҳиясида қуйидагиларни ўқиймиз:

“Хаома ичгандан кейин  
Ҳақиқат изма-из келур”.

- Мамлакатни ўз сўзида турмайдиган бадкидорлар бузади. Улар эзгуликка мойил кишиларни ҳалок этадиган сотқинлардан. Сипийтмонга бериладиган сўзга содиқ бўл, шартнома сўзлари иккала томон учун ҳам бирдир<sup>1</sup>, дейилади.

Ордалия суд жараёнлари ниҳоясида Митра ҳам Варуна ҳам ўзлари қатл этадиган ёки авф этадиган кишилар устидан ҳақиқатан оқилона ҳукм чиқарганлар. Шу боис ҳам барча одамлар, Митра ўт тангрисига, Варуна эса сув тангрисига айланиб, аҳдномага содиқ бўлганларни ҳам, уни бузганларни ҳам кузатиб борурлар ва жазога тортурлар, деб ҳисоблашган. Одамлар назарида Митра ва Варуна аста-секинлик билан ҳақиқат ва адолат тангриси тимсолига айланиб борган. Бу илоҳлар номи билан ўтказиладиган Ордалияларда олий қоҳинлар ёки уруғ ё жамоа бошлиқлари қатнашиб, қонунларни биладиган донишманд қоҳин суд жараёнини олиб борган. Адолатли ҳукм чиқаришда донишмандлик тангриси Ахура Мазда (Ахура-Олий тангри, Мазда-донишмандлик хожаси, подшоси маъноларини билдиради) мадаккор деган тасаввур мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

---

<sup>1</sup> З.Муеимов Ўзбекистон давлати ва суеуси тарихи (энг еадимги даврдан ХХ асргача). Самарқанд, 1998, 40-бет.

<sup>2</sup> Оширипта - олмоё маъносида. "Вандидод" таъбирича, бир кишини урмоё еасдида еулга еурол олган шахс гуноси шундай деб юритилади ("Вандидод", 4 - фаргард, 17 - банд)

<sup>3</sup> Авауираншта - "айлантирмоё" маъносида. Кулга еурол олиб бировни урмоёеа жасд еилиб уни айлантирган кимса гуноси шундай юритилади ("Вандидод", 4 - фаргард, 17 - банд)

Жиноят ва жазо масалаларида эса қўйидаги ҳуқуқий нормалар ўрнатилган эди:

"Авесто"да баъзи бир жиноятларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолашда уларнинг объектив, яъни ҳаққоний томонини аниқлашга катта аҳамият берилган. Жумладан, қасддан одам аъзоларига тан жароҳати етказилганда айбдор (гуноҳкор)ларга қўйидаги жазолар қўлланилган:

Кимда-ким бировни урмоқ қасдида отланса, унинг гуноҳи "оширипта"дир<sup>2</sup>.

Кимда-ким бировнинг боши устига урмоқ қасдида бос-тириб кирса, унинг гуноҳи "авауйрайшта"дир<sup>3</sup>.

Кимда-ким ғараз билан бировни урмоққа қасд қилса, унинг гуноҳи "аридуш"дир<sup>1</sup>.

Кимда-ким беш марта ушбу гуноҳга қўл урса у "пишавтану"<sup>2</sup> булади.

Эй оламини яратган Зот!

Эй, ҳақиқат!

Кимда-ким "оширипта" гуноҳи билан булганса, гу-ноҳининг жазоси не бўлади? Ахура Мазда жавоб беради:

-Беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва беш қамчин саравушу - чарана билан саваланади.

Иккинчи марта ўн қамчин аспаҳиҳ - ашатра билан ва ўн қамчин саравушу - чарана билан саваланади.

Учинчи марта ун беш қамчин аспаҳиҳ - ашатра билан ва ун беш марта саравушу - чарана билан саваланади.

Туртинчи марта ўттиз қамчин аспаҳиҳ - ашатра билан ва уттиз қамчин саравушу - чарана билан саваланади.

---

1. Аридуш - еўлига еурол тутиб бировни урмоёеа еасдланган киши гуносининг номи. Бунда еасд еилган золим урмаиди, бордию урган таедирда сам унинг асорати уч кун ичида тузалиши керак.

<sup>2</sup> Пишавтану - "уз гуноси учун танасини ба'ишлаган одам" маъносини англатади. Унинг бошса бир номи "арзон улим", яъни гунослари эвазига улим жазосини топган шахс

Бешинчи марта эллик қамчин аспаҳиҳ - ашатра билан ва эллик қамчин саравушу - чарана билан саваланади.

Олтинчи марта олтмиш қамчин саравушу - чарана билан саваланади.

Еттинчи марта туқсон қамчин аспаҳиҳ - ашатра билан ва туқсон қамчин саравушу - чарана билан саваланади.

Кимда - ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлагач, саккизинчи марта "оширипта" ёзуга билан булғанган бўлса, унинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб беради:

- Унинг кирдикори "дишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигарма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Кимда-ким "оширипта" гуноҳи билан булғанса ва ховон тўлашдан бош тортса, унинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб беради:

- Унинг кирдикори "дишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ- ашатра билан ва йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

- Эй, оламини яратган Зот? Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким "аваруйрайшта" гуноҳи билан булғанган бўлса, унинг жазоси нечук? Аҳура Мазда жавоб беради:

-Ўн қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва ўн қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи марта ўн беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва ўн беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи марта ўттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва ўттиз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Туртинчи марта эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Бешинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Олтинчи марта тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

- Эй оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат?

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тулагандан кейин ҳам еттинчи марта "аваруйрайшта" гуноҳи билан булганса, унинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб беради:

- Унинг амали "пишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин саравашу-чарана билан саваланади.

- Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким "аваруйрайшта" гуноҳи билан булганган булса ва товон тулашдан бош тортса, унинг жазоси чечук?

Аҳура Мазда жавоб беради:

- Унинг амали "пишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва олтмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Эй оламини яратган Зот!

Эй, ҳақиқат!

Кимда-ким "аридуш" гуноҳи билан булганган бўлса, унинг жазоси нечук!

Аҳура Мазда жавоб беради:

- Ўн беш қамчин аспаҳиҳ ашатра билан ва ун беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи марта ўттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва ун беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи марта эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Тўртинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Бешинчи марта тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Эй, оламини яратган Зот!

Эй, ҳақиқат!

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тулаганидан кейин ҳам олтинчи марта "аридуш" гуноҳи билан булганса, унинг жазоси нечук?

Ахура Мазда жавоб беради:

- Унинг амали "пишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигарма қамчин аспаҳиҳ - ашатра билан ва олтмиш қамчин саравушу- чарана билан саваланади.

- Эй, оламни яратган Зот!

- Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким "аридуш " гуноҳи билан булганса ва товон тўлашдан бош тортса унинг жазоси нечук?

Ахура Мазда жавоб беради:

- Унинг амали "пишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ- ашатра билан йигирма қамчин **саравушу-чарана билан саваланади.**

Бировни уриб, унга қаттиқ тан шикасти етказилганда шахсга нисбатан қилмиши учун қуйидаги жазо чоралари қўлланилган:

"-Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким бировни уриб, унга қаттиқ шикаст етказса жазоси нечук?

Ахура Мазда жавоб беради:

- Ўттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва утгаз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи марта эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Туртинчи марта туксон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва туксон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлаганидан кейин ҳам бешинчи марта ушбу гуноҳ билан булганса, унинг жазоси нима?

Ахура Мазда жавоб беради:

- Унинг амали "пишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Кимда-ким гуноҳ билан булганса ва товон тўлашдан бош тортса, унинг гуноҳи нечук?

Ахура Мазда жавоб беради:

- Унинг амали "пишавтану" дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Бировни уриб, унинг қонини оқизган шахсга нисбатан қилмиш (жиноят)нинг оғир-енгиллигига қараб жазо белгиланган:

"Эй, оламни яратган Зот!

Эй" Ҳақиқат!

Бировни уриб, унинг қонини оқизган кимса ёзуғанинг жазоси нечук?

Ахура Мазда жавоб беради:

- Эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи марта тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тулагани ҳолда туртинчи марта ушбу гуноҳ билан булганса, унинг жазоси қандай?

Ахура Мазда жавоб беради:

- Унинг амали "пишавтану" дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин саравушу-чарана ва йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

- Эй, оламни яратган Зот!

- Эй, Ҳақиқат!

Бировга шикаст етказиб, унинг қонини оқизган ҳолда товон тулашдан бош тортган кимсанинг жазоси қандай?

Ахура-Мазда жавоб беради:

- Унинг амали "пишавтану" дир. Гуноҳининг мукофоти йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Шунингдек, агар кимки бировни уриб суягини сикцирса гуноҳкор (жиноятчи) га нисбатан, қуйдага жазо қулланилган:

- Эй, оламини яратган Зот!

- Эй, ҳақиқат!

Бировни уриб, суягини синдирган кимса ёзуғининг жазоси нечуққир?

Ахура Мазда жавоб беради:

- Етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи дафъа туксон қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва туксон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

- Бурунги ёзуғлари учун товон тўлаган ҳолда учинчи марта ҳам мазкур гуноҳ билан булганган кимсанинг жазоси қандай?

Ахура Мазда жавоб беради:

- Унинг қилмиши "пишавтану" дейилади. Гуноҳининг сийлови йигарма қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва йигарма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

- Эй, оламини яратган Зот!

- Эй, Ҳақиқат!

Бировни уриб, унинг суягини синдирган ҳолда товон тўлашдан саркашлик қилган кимса гуноҳининг жазоси нечуққир?

Ахура Мазда жавоб беради:

- Унинг кирдикори "пишавтану" дейилади ва аспаҳиҳ-ашатра ҳамда саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма марта саваланади".

Агар бир шахс бировни калтаклаб, уни ҳушидан кеткизса ёки ушбу жиноятни қайта содир этса, жиноятлар жамаи бўйича қуйидаги жазо тайинлаш қондаси мавжуд бўлганлигани кўрамир:

"- Эй, оламини яратган Зот!

Эй, ҳақиқат!

Бировни калтаклаб, уни ҳушидан кеткизган кимсанинг жазоси нима бўлади?

Ахура Мазда жавоб беради:

"Аспаҳиҳ-ашатра қамчини билан туқсон марта ва саравушу-чарана қамчини билан олтмиш марта саваланади.

- Дастлабки гуноҳининг товонини тулаб туриб ҳам қайта ушбу гуноҳни содир этган кимсанинг жазоси ҳақида хабар бер!

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Унинг қилмиши "пишавтану" деб юритилади ва бу гуноҳи учун аспаҳиҳ-ашатра қамчини билан йигирма марта ва саравушу-чарана қамчини билан йигирма марта калтакланади.

-Эй, оламни яратган Зот!

Эй, ҳақиқат!

Бир кимсани уриб, хушидан айиргани оқибатида товон туламоқдан саркашлик қилган зуравоннинг топқуси жаэосидан мени огоҳ эт!

Аҳура Мазда жавоб беради:

- Унинг кирдикори "пишавтану" деб юритилади ва топқуси оқибатида аспаҳиҳ-ашатра ҳамда саравушу – чарана қамчилари билан йигирма мартадан калтакланади!<sup>1</sup>

Бундан ташқари “Авесто”да оила ҳуқуқи, ота, она ва оила аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари, уларнинг вазифалари, бурчлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган.

Хулосаки, “Авесто” китоби қадимги Турон, Эрон ва бошқа мамлакатларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ўрганишда асосий ҳуқуқий манбадир. Масалан Фарб цивилизациясининг бешиги бўлган юнонлар жумладан, Афлотун, Арасту, каби мутафаккирларнинг сиёсий ҳуқуқий қарашларининг шаклланишида ҳам унинг аҳамияти катта бўлган десак хато бўлмайди.

"Авесто"да қайд этилишича, зардуштийлик таълимоти дастлаб Аҳура Мазда яратган Ийрон Виж (Хоразм), Гава (Суғдиёна), Моуру (Марғиёна), Бахди (Бақтрия), Нисоя (Нисо - Парфия пойтахти), Ҳаройва (Хирот), Воиха Гирта (Қобул), Аврава (Тус вилояти - ҳозирги Эроннинг Хуросон вилояти - маркази Машҳад),

---

<sup>1</sup> “Авесто” (Асепар Маскам таржимаси). “Гулистон”, 1999 йил, 3-сон, 48-50 бетлар.

Хнинта (Гургон, Навоий давридаги Астробод), Хийрманд (Гилмавд - Афғонистоннинг шимолий-вилоятларидан), Рай (ҳозирги Техрон атрофлари), Чахра (Хуросон ҳудудлари), Варина (Каспий денгизи жануби), Хафтруд (Ҳинд дарёси бошланиш қисми - Панжоб), Ранха (Ганга дарёси соҳили) улкаларида тарқалган. Кейинчалик шимолда Хоразмдан жанубда Шимодий Хиндистонгача, ҳозирги Эроннинг шимоли-шарқидан Фарғона водийси, Етписув ўлкасигача, Афғонистон ва бошқа минтақа миқёсида шакллланган зардуштийлик таълимоти аста-секин ўз ҳудудларини кенгайтириб, Месопотамия (Дажла ва Фурот дарёлари оралиғи), ҳозирги Ироқ ва Сурия, қадимги Бобил ва Аншур, Арабистон ярим-роли, Кичик Осиё (ҳозирги Туркия, қадимда Византия), ҳатто қадимги Юнон ва Рум (ҳозирги Италия) минтақасига етиб бориб, илм-фан ривожига ва маданий-маънавий муҳитга, айниқса, донишмандларга ўз таъсирини кўрсатди. Инглиз олимаси Мэри Бойснинг таъбирича, "Таъсир фақат бир томонлама, зардуштийлик томонидан бўлган"<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб шуни айтиш маълумки, "Авесто" бундан уч минг йил аввал дунёдаги энг машҳур ва буюк диннинг ёзма манбаи сифатида яратилган. Зеро, шундоғ экан, бизнинг аجدодларимиз – туркийлар "Авесто" дан ҳам олдин ривожланган маданиятга эга бўлган халқдир.

"Авесто"да диний-ҳуқуқий ғоялар, таълимотлар асрлар давомида (исломга қадар) Турон, Эрон ва бошқа мамлакатлар халқларининг ҳуқуқий онгларини, маданиятларини шакллантириб келган.

Шундай қилиб, қадимги Туронда "Авесто" ғоялари, қонун - қоидалари асосий давлат мафқураси ва ҳуқуқий тизими сифатида қимматлидир.

---

<sup>1</sup> Ф.Сулаймонова. Шарҳ ва тарб "Ўзбекистон", Т., 1997, 23-бет.

## Алп Эр Тўнга (Афросиёб) давлати ҳукмдори

Туронда марказлашган давлатни Афросиёб, яъни туркча исми Алп Эр Тўнга эрамиздан аввал VII асрда (уни эронийлар Афросиёб деб атаганлар) ташкил этган ва унга раҳбарлик қилган. Афсуски ана шу давлат ҳақида ҳуқуқшунослар ҳукмрон ҳозирга қадар бирон-бир илмий изланишлар олиб борилмасдан қолмоқда. Бу давлатнинг харобалари ҳозирги Самарқанд шаҳри ҳудудида сақланмоқда.

Алп Эр Тўнга ва унинг давлати ҳақида М.Қашғарийнинг «Девону луғату турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», А.Навоийнинг «Тарихи мулуку ажам», «Тарихи Табарий», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Н.Раҳмоновнинг «Турк хоқонлиги», А.Абдурахмоновнинг «Алп Эр Тўнга», Хасан Ато Абушийнинг «Туркий қавмлар тарихи», Рафиқ Уздекнинг «Туркларнинг олтин китоби; Абулғози- Боҳодурхоннинг «шажараи турк», Зие Гўкалпнинг «Туркчилик асослари», «Материалы по этнической истории тюркских народов центральной Азии» ва бошқаларга асосландик. Алп Эр Тўнга қадимги манбаларга биноан, шу жумладан, А.Навоийнинг тарихий асари - «Тарихи мулуки ажам» яъни (Ажам давлати тарихи)га биноан Пешдодийлар сулоласига тегишли бўлган. У Эронга қарши урушлар олиб бориб, Эрон давлатини (Манучехр давлатини) бўйсиндирган эди. Алп Эр Тўнга Эронда ўн икки йил ҳукмронлик қилган. Унинг ўғли эса Арижасп Каёнийлар даврида шоҳлик қилган.

Эронийларнинг машҳур қаҳрамони Рустам билан бўлган жанглар тарихи «Шоҳнома»да баён қилинган. Эрон шоҳининг ўғли Сиёвушнинг Туронга келиши ва уни Афросиёбга куёв бўлиши ҳамда Туркистонга ҳоким этиб тайинланиш тарихи ҳам Алп Эр Тўнга фаолияти билан боғлиқдир. «У турк бекларининг сараси эди, деб ёзади Юсуф Хос Ҳожиб, оти Алп Эр Тўнга эди, овози оламни тутган эди. Алп Эр Тўнганинг билими улуғ, хунари талай эди. Унинг тенги топилмас эди.» Ҳақиқатдан ҳам ўша замонда Шарқ ва Ғарб мамлакатларида унинг тенги йўқ эди. У ўта доно, тадбиркор давлат арбоби

бўлганлиги учун милoddан аввалги VII асрда Ўрта Осиё, жанубий Сирдарё, Энасой ва Иртиш дарёлари бўйларида яшовчи, Фарбда эса Эрон, Ироқ, Сурия каби мамлакатларни бирлаштириб катта империяга асос солди. У туркий қабилаларни бирлаштирган биринчи турк марказлашган давлатининг асосчисидир. Тарихда бу Сак-Искит (Искифлар) номи билан ҳам танилган давлат эди.

Алп Эр Тўнганинг олиб борган сиёсати ва маданий ишлари билан турк халқининг маданиятини ривожланишида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган. Масалан, Хоразмда Зардуштийлик динининг китоби “Авесто” ёзилиши, шунингдек, кейинчалик Хунлар империясининг ривожланишига муқаддас асосий туртки берган десак хато бўлмайди.

Алп Эр Тўнга, Александр Македонскийдан ҳам олдин дунёга ҳукмронлик қилган Эрон шоҳларидан ҳам аввал жуда катта марказлашган давлат яратишга муваффақ бўлган жоҳонгир шоҳларнинг биринчиларидан ҳисобланади.

Алп Эр Тўнга давлати якка ҳокимлик – монархия давлати бўлиб, у давлатни идора қилишда қатъий қонун-қоидага, тартиб –интизомга, кенгаш ва тадбирларга катта эътибор берган. Давлат тепасида якка ҳукмдор бўлиб турган бўлса-да, Туронда ўз сиёсатида, ўрнатган қонун-қоидаларида кўпчилик раиятнинг манфаатларини ҳимоя қилган.

У давлатни идора қилишда олимлар, шоирлар, сарой аёнлар мутахассислар билан кенгашган, маслаҳатлашган ҳолда иш юритганлар. Қадимги Шарқда ҳукмдорларнинг ана шу фазилатларига қараб уларни

маърифатпарвар, адолатли шоҳ ёки аксинча у кўпроқ ўз манфаатини ўйлаб халққа зулм-зўрлик сиёсатини олиб борган бўлса адолатсиз шоҳ дея фикр юритганлар.

Ҳокимият масаласида шуни айтиш керакки, Шарқда бугунги Ғарб давлатларидек демократия бўлган эмас. Ушбу масалаларда матбуотда “Ғарб демократияси”, “Шарқ демократияси” деб ёзаётганлар ҳам йўқ эмас. Бизнинг фикримизча, демократияни Шарқ ёки Ғарб, яна қандайдир америкача дея ажратиб кўрсатишга уриниш тўғри эмас.

Шарқда азал-азалдан ҳокимият аниқроғи шоҳ ва шахзодаларга тегишли бўлган. Тожи-тахт отадан болага мерос биноан ўтган. Сайловлар ёки сиёсий партияларга эҳтиёж бўлмаган. Шу сабабдан ҳам давлат бошлиғи шоҳнинг тарбияси, хулқ-атвориغا катта эътибор қаратилган. “Авесто”, “Зафарнома”, “Шоҳнома” “Қобулнома”, “Хамса” каби кўплаб асарларда шоҳларга қўйиладиган талаблар, давлат ва қонуннинг инсон учун унинг ҳаётида адолат қилиш учун, зарурлиги ҳақида кўпдан-кўп фикрлар ва насиҳатлар битилган.

Фаробий асарларида, Амир Темурнинг “Тузуқлари”да бўлажак давлат раҳбарларига нисбатан ўн икки талаб ва принциплар аниқ белгилаб қўйилган. Хўжа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” каби асарларида вазирлар, давлат мулозимларига қўйиладиган талаблар аниқ қилиб белгилаб қўйилган.

Хулоса шунки Шарқда ҳокимият масаласи, давлат бошқарув ва қонунлар ҳақидаги тасаввурлар, қарашлар Ғарбдан кўра анча олдин шаклланган. Давлат идора шакли яқка ҳокимиятчиликка, мерос тариқасида отадан фарзандга ўтишига асосланган ҳолда ривожланган.

Бу ўрнатилган анъанавий тартиб тарихда ички ёки ташқи омиллар таъсирида ўзгарган. Масалан, Афросиёбнинг юриши минг йиллар давомида ҳукмронлик қилиб келаётган Пешдодийлар сулоласини тугатилишига олиб келган эди. Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши эса Мўғуллар ҳукмронлигини (улуслар) тугатилиши ва унинг ўрнида Темурийлар

сулоласини ташкил топишига сабабчи бўлган эди. Бундай мисолларни тарихдан кўплаб келтириш мумкин.

Ҳокимиятни бир сулоладан бошқасига ўтиши кўп жиҳатдан зўрлик, яъни урушлар, кўзғолонлар воситасида амалга оширилган. Уни бошқаришда маслаҳат, кенгаш, қурултойлар каби институтлар орқали кенг кўламда амалга оширилган. Давлатни идора қилишда раият (омма) бевосита ёки билвосита иштирок этмасдан (демократик республикаларда сайловлар ўтказилиши) қавмлар ва уруғлар бошлиқлари, беклар хонларнинг иштирокида ички ва ташқи сиёсатга тегишли муҳим масалалар Кенгаш ва Қурултойларда кўрилган. Масалан, Амир Темур “Тузуқлари”да Кенгаш ва қурултойлар ҳақида кўплаб мисоллар келтирилган. Бунга Афғонистондаги “Луи Жирға” институтини ҳам мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Шарқда демократиянинг муҳим элементлари Кенгашлар ва Қурултойлар маърифатпарвар шоҳлар раҳбарлик қилган давлатларда мунтазам равишда ўтказилган ва улар принцип даражасига кўтарилган.

Давлат бошлиғини танлаш ва уни бошқариш масаласида Ўрта асрларда Ислом (Қуръон) таълимотига асосланилган. Қуръоннинг Шўро сўраси, 38-оятда “Аллоҳга, пайғамбарга ва амир эгаларига (сизларга ҳоким бўлган кишиларга) бўйсунинглар”, “Ва (Эй Муҳаммад), улар билан кенгашиб иш қилинг”, “Улар ўзаро кенгаш асосида иш олиб борадилар” деб битилган.

Ҳадисларда эса “Менинг саҳобаларим юлдузлар сингаридурлар. Улардан ҳар бирига иқтидо қилсангиз, изидан борсангиз тўғри йўлдан борган булурсиз” ва “Имомлар Қурайиш (қабиласи)дан бўлурлар.” Шу тариқа Қуръонда ҳам Кенгаш қатъий этиб белгилаб қўйилган. Ҳадисларда эса Саҳобаларга эргашиш ҳамда имомлар Қурайиш қабиласидан бўлишлиги кўрсатилган. Аммо “улул амир” (амир эгалари) давлат бошлиқлари қайси тартибда сайланиши ёки танланиши масаласи очиқ қолган эди. Пайғамбар вафотидан кейинги тажриба шуни кўрсатдики, Абу Бакир ва Умарлар Кенгаш асосида сайландилар. Умар халиф Абу Луълуъ исимли қул томонидан пичоқлангандан кейин, Саҳобалардан ўзининг ўрнига халифа этиб бир кишини

сайлашни сўрайди. Саҳобалар унинг ўрнига халифа этиб Усмонни сайлаганлар.

Шундай қилиб, Ислом асрлар давомида одат бўлиб келган отадан болага ҳокимиятни мерос ҳуқуқига биноан ўтишини бекор қилиб, унинг ўрнига Саҳобалар томонидан халифа (давлат бошлиғи)ни сайлайдиган бўлдилар.

Суннийлар таълимотига кўра имом, халифа бўлиш учун қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Шариатни яхши билиш ва ижтиҳод қилиш қобилиятига эга бўлиш;
2. Олий ахлоқ ва юксак фазилатли бўлиш;
3. Ҳокимиятни бошқариш санъатини яхши билиш;
4. Қурайиш наслидан бўлиш (ибн Халдун бунга қарши бўлган).

Демак Ислом таълимоти ва шариатига биноан Имом ёки Халиф бўлишга ҳар қандай шахс мансуб бўлмасдан, балки юқорида саналган талабларга жавоб берадиган ва Саҳобалар томонидан сайланган шахс бўлиши лозим.

Давлат ва дин бошлиқларини Саҳобалар (вакиллар) томонидан сайланишининг жорий этилишини давлат ва ҳуқуқ назариясида олдинга қўйилган муҳим қадам дея ҳисоблаймиз. Шарқда тўрт минг йил аввал ташкил топган ва Ўрта асрларда, ундан кейинги даврларда ҳам ривожланган Кенгаш, Қурултой каби демократик институтлари албатта Фарбда, аниқроғи, қадимги Афинада, Румда ривожлантирилиб, полислар (шаҳар давлатлари) бевосита демократия билан биргаликда Тирания, олигархия, Монархия аристократия каби давлатнинг “тўғри” ва “нотўғри” шакллари кашф этилганлиг шубҳасиздир. Кейинчалик эса бу Франция, Италия, Германия, бугунги кунда эса Америка, Япония каби демократик давлатларда ривожлантирилди.

Шарқда Кенгаш, Қурултой, Луи Жирға каби институтлар асосида давлатни идора этишда Алп Эр Тўнга авваламбор ўзаро низоликда ҳаёт кечираётган майда-майда туркий қавмларни ягона давлатга бирлаштирган ва ўзининг қонун-қоидаларини ўрнатган. У кейинчалик атрофида жойлашган қўшни мамлакатларни (Эрон ва бошқаларни) бирлаштирган биринчи

марказлашган Турон давлатини (Маркази Самарқанд, Мароканда)ни барпо қилган маърифатпарвар шоҳдир.

Қонунийлик принципи Туронда жуда қадим замонлардан ўз ифодасини топган эди. Бунга ёрқин мисол қилиб Алп Эр Тўнга давлатини келтирсак бўлади. Масалан Алп Эр Тўнга ўз укаси – Агрораспни Эрон шоҳи Манучеҳрни (у жангда аср олинган эди) қўйиб юборганлиги учун ўлим жазосига ҳукм қилган эди. Чунки асрликдан озод этилган Манучеҳр Турон давлатининг душмани эди. У Турон халқининг бошига оғир кулфатларни олиб келишини яхши билар эди. Иккинчидан, Турон давлатида ўрнатилган қонунлар ҳамма учун шу жумладан шоҳнинг яқинларига ҳам бир хилда қатъий қучга эга эканлигини кўрсатади.

Тарихда ҳикоя қилинишича тадбиркор, мард турк Алп Эр Тўнгани Эронийлар жангда енгаолмаганларидан кейин хийла ишлатишга ўтадилар. Эрон шоҳи Алп Эр Тўнгани ярашиш мақсадида ташкил этилган шоҳона зиёфатга таклиф этади. Алп Эр Тўнга ўз яқинлари, қўмондонлари билан таклифни қабул қилиб, зиёфатга ташриф буюради. Эрон шоҳининг бу ёвуз ниятини, яъни Турк хони ва унинг яқинларини заҳарлаш орқали қўлга олиш ниятини ҳеч ким билмас эди. Кайхусрав шоҳ қадаҳни қудратли Турон Хоқонининг куч-қудрати шарафига таклиф этганда унинг қадаҳига заҳар солинган эди. Алп Эр Тўнга заҳарланади ва вафот этади. Унинг ўлиmidан фойдаланган Кайхусрав хоқон армиясини тор-мор этиб, туронликлар устидан ғалабага эришади.

Алп Эр Тўнганинг вафотидан кейин унинг олиб борган сиёсати, давлати, ишлари ҳақида туронликлар орасида дostonлар, ҳикоялар, эртаклар, афсоналар яратилди. Улар бизларгача етиб келди. У ҳарбийларга қарата душманларга шафқат қилмасдан эл-юрт тинчлигини, осоишталигини сақлаш кераклигини уқтиради:

Яшнаб қилич баши,

Ўза қаққил йара.

Бичлиб анинг бўйни,

Тақи қалқон тўра.  
(Қиличингни ўйнатиб,  
Ёвнинг разил бошин кес.  
Яна қалқонини эз<sup>1</sup>)

Достонда Алп Эр Тўнга Кайхисравни қоралаб, уни меҳмондустлик, инсонийлик қоидаларини бузиб хоинлик қилганликда айблайди. Унга ишонмасликка ўз тарафдорларини чақиради. Алп Эр Тўнга захарланганига қарамасдан, мардларча Кайхисравга қарата от беришини ва уни жанг майдонида яккама- якка жанг қилишга чақиради.

Қардуни йғнйў сақинман,  
Тузғуни манйу сэзинманг.  
Бўлмадиқ ненга чесинманг,  
Билгалар ани йирар.

**Таржимаси :**

(Музни жавоҳир деб билманг,  
Ҳадя ошни еб қўйманг.  
Беҳуда севинманг,  
Билиб қўйинг, эй, афсус).

Турон халқи Алп Эр Тўнгага ишонган ва уни севган. Унинг фожиали ўлими бутун мамлакатда мотамга айланади. Унинг ўлимини мисол тоғни қулашига ўхшатадилар. Омма ва шоҳнинг бир-бирига яқинлиги, уларнинг ўзаро бирлиги. Шоҳнинг қанчалик адолатли ва халқпарвар бўлганлигини кўрсатади. Унинг ўлими ҳақиқатдан ҳам Турон халқига қайғу олиб келган эди.

Алп Эр Тўнга ўлдими,  
Ёмон дунё қолдими.  
Замон учин олдими,  
Энди юрак йиртилур.  
Ёки:  
Бузилди бу Замонлар,

---

<sup>1</sup> А.Абдурахмонов. Алп Эр Тўнга (Афросиёб)га оид адабий-тарихий манбалар. Т.: 1997, 22 б.

Авж олди кўп ёмонлар.

Камайиб билимдонлар,

Илму ҳикмат йўқолди<sup>1</sup>.

Алп Эр Тўнга қадимги Туронда тарихда скифлар (сак-искит) номи билан машҳур бўлган давлатга асос солади. Унинг давлати марказлашган, кучли якка ҳокимлик шаклидаги дунёдаги биринчи ташкил этилган қудратли Туркийлар давлати эди. унинг харобалари Самарқанд шаҳрида бизгача етиб келди ва кўплаб тарихчи-археологларнинг қизиқиб ўрганаётган объектига айланган.

---

<sup>1</sup> Фитрат. Энг эски турк адабиётининг намуналари. Тошкент-Самарқанд; 1927; Алп Эр Тўнга ёки Афросиёб жангномаси – Нашрга тайёрловчи А.Абдурахмонов. Т., “Чўлпон”, 1995, 29-30 бетлар.

## Турон Ахамонийлар давлати таркибида (сатрап)

Туронда давлатчилик ўз тараққиётида турли даврларни босиб ўтган. Қадим замонларда кучли, марказлашган давлат (Афросиёб) ташкил топган бўлса антик даврга келиб, майда давлатлар ташкил топгани ҳатто ташқи душманлар томонидан босиб олинганлиги кузатилади. Бунинг сабаблари бор, албатта. **Биринчидан**, ички ҳокимият учун турли қавмлар ва табақалар, шахзодалар ўртасидаги кураш бўлса. **Иккинчидан**, Туроннинг жўғрофик жиҳатдан Марказий Осиёда жойлашганлиги ва **учунчидан**, унинг беҳисоб бойликлари ҳамма вақт ташқи душманлар, давлатларнинг бу ерларда босқинларига сабаб бўлган. Эрон ва Турон ўртасидаги юришлар бунга мисол бўлади. Юқорида кўрганимиздек, Турон (Афросиёб) Эронни босиб олган бўлса, кейинчалик Эрон шоҳларининг Туронга қарши юришлари бошланган.

“... Ва Каёнийлардан аввал кишиким, салтанат қилди Қайқубод эрди. Ва ани Зоб Таҳмасп ўғли Манучеҳр наслидин деб турлар. Кўпроқ авқот Жайхун қироғинда бўлуб, атроқ била урушуб юрур эрди. Ул вақтқачаким, пешдодийлар туганда, доғи Афросиёб, яъни Турондин Эрон қасдиға сипоҳ тортиб юруди. Ва Қайқубод Албурзқухда эрди, Зол Рустамни йибордиким, ани келтурди ва бошиғи тож кўюб, Эрон салтанатин анга мусаллам тутуб, юруб Афросиёбни қайтардилар...”<sup>1</sup>. Рустам Афросиёб билан урушда жаҳон паҳлавони лақабини олади.

Кайхисрав Афросиёбга қарши бир неча марта юриш қилади. Ва, Афросиёбнинг ўғлини ўлдиради. Афросиёбни Эрондан ҳайдаб чиқаради. А.Навоий “Тарихи мулки ажам” асарида ва Фирдавсий (Шоҳнома)да бу замонни Сулаймон алайҳиссалом даври деб ҳисоблайдилар. Эронда Гуштасп (Зардушт динини давлат дини даражасига кўтарган) шоҳлик замонида Туронда Аржасп бинни Афросиёб (Афросиёбнинг ўғли) турк подшоҳи, дейди А.Навоий Балхга юриш қилади. Ҳоким-Лухраспни ўлдириб, қизларини Гуштаспнинг сингилларини асир қилиб олади. Гуштасп ўз ўғли Исфандиёрни Аржаспга

<sup>1</sup> Саранг: А.Навоий. Асрлар. Ўн тўртини том. Тарихи мулуки Ажам. 193-бет.

қарши юборади. Исфандиёр жангда ғолиб чиқиб, сингилларини озод қилади, Аржаспни ўлдиради ва Туронни босиб олади. Ана шу замонда, яъни Эрон ва Турон урушлари йилларида Самарқанд кўрғони ва девори икки мамлакат ўртаси, тортилган. Насо ва Байзо шаҳарларига асос солинган. Ана шу даврдан бошлаб Турон Эрон таъсирида бўлади. Ахамонийлар сулоласи даврида эса (VI-IV асрлар) Турон Эроннинг сатрапига, яъни бир қисмига айлантирилган эди.

Эрон ва Турон ўртасидаги табиий чегара Жайхун (Амударё) ҳамда Қора кум саҳроси муҳим роль ўйнаган. Қадимги Турон давлатчилигининг пойтахти Самарқанд бўлган. Шу боис бугунги Ўзбекистон давлатчилиги тарихи ҳам ана шу шаҳардан бошланади. Кейинчалик Туронда этник гуруҳларнинг кўпайиши ва уларни атрофдаги ҳудудларга ёйилиши натижасида кўплаб жўғрофик номларда давлатлар пайдо бўлади. Улардан энг қадимийси тарихда Катта Хоразм (Дашти Қипчоқ ва Қора денгиз соҳиллари Қонха (қант) давлати. Бу давлат эрамиздан аввал VI аср. Ахамонийлар давлати таркибига кўшиб олинган давлат эди. У Эрон давлатининг XVI сатрапи ҳисобланган. Доро ҳукмронлиги йилларида йилига 300 талант тўлов тўлаб турган.

Проф. С.П.Толстовнинг фикрига кўра, “Қанха” (Хитой манбаларида бу давлатни “Қангюй” деб атаганлар) ҳудудий жиҳатдан жуда катта давлат бўлган ва у Хоразмни ўзида ифодалаган. Аниқроғи, Хоразм унинг асосий ҳудудини ташкил этган.<sup>1</sup> Шунингдек, бу давлатнинг худидига ҳозирги Тошкент вилояти ҳам кирган ва унинг марказий шаҳри ҳозирги Оқкўрғон туманидаги (Қанқа тепа) Сирдарёга яқин жойда жойлашган. Тарихчиларнинг фикрича (С.П. Толстов) бу давлат туркийларнинг энг қадимий марказлашган давлатларидан бири бўлиб, эрамизгача IV аср ва эрамизнинг I асрини ўз ичига олган. Қонха давлатининг худуди Шарқий Туркистонда тез суръатлар билан кенгайиб, аҳолисининг сони ошиб боради. Мўғулистон ва Хитойга тез-тез юришлар ўтказишда туркий халқлардан хунларнинг бу ерлардаги мавқеи

---

<sup>1</sup> Саранг: Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. М., МГУ., 1948, 22-бет.

эрамиздан олдин III асрларда юксалган. Хунлар давлатида ички ҳокимият учун кураш кескинлашиши натижасида Жанубий худудлардагилар “оқ хунлар” ва Шимолидагилар эса “кўк хунлар”га ажраладилар. Кўк хунлар оқларини Қашқар ўлкаларидан хайдаганлар ва улар Мовароуннахр, Хуросон томон юриб, Бактрия давлатини ҳам босиб олган. Қанға давлатининг таъсири Ўрол олди халқлари (Сарматлар, Угарлар) билан қўшилишиб Гуннларни ташкил этган. Ниҳоятда катта худудда жойлашган хунлар давлати эрамиздан аввалги III ва эрамизнинг I асрларда Ўрта Осиё марказида шаҳарлар қурилишида, шаҳарларнинг мудофа истехкомларини тиклашда, савдо-сотиқни ривожлантиришда катта роль ўйнаган. Улар ўзига хос маданиятга асос солган. Хитой манбаларида Қанғли давлатига ноиблар томонидан бошқарилади, деб ёзади З.Муқимов<sup>2</sup> унга бешта мулк бўйсинган. Хитой манбаларида уларни Сусей, Фуму, Юнис, Гие, Юсчян деб номланган. Кан (Самарқанд)нинг таъсирли хонадони Қанғли хонадонининг тармоғидир.

Қанғли давлати Шарқ давлатларига хос яқка ҳокимлик – Монархия давлати бўлган. Унинг тепасида эса шоҳ туриб, уни бошқарган. Шу билан бирга бу давлатни бошқаришда Шарқона, ўзига хос маслаҳат, кенгаш институтлари ҳам мавжуд бўлган. Худудий жиҳатдан алоҳида-алоҳида вилоятларга бўлинган бўлиб, уларни Жабғу (жабу), хитойликлар эса (чжаовулар) деб атаганлар. Ҳар бир вилоятга давлат томонидан ҳоким тайинланган ва унинг идора ишларида оқсоқоллар кенгаши муҳим роль ўйнаган. Шарқ, Шимол ва Жанубда туркий халқларнинг мавқеини ўсишида Қанға давлати эрамизгача бўлган даврда ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Бу давлатнинг тузилишини, олиб борган сиёсатини, ҳуқуқий тизимини ўрганишга, айниқса, Хитой манбалари асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор берсак мақсадга мувофиқ бўлади. Эрамиздан аввал II ва эрамизнинг III асрларида Фарғона водийсида хунлар билан қўшни, Давон давлати ташкил топади. Бу давлатда яшаётган халқлар асосан туркийлар бўлиб, турк тилида гаплашганлар. Хитой манбаларида Ти Юань (Да Вань) Да-

---

<sup>2</sup> З.Муёимов. Ўзбекистон давлати ва суеуеи тарихи. Самарқанд-1998 й. 30 б.

катта, Ван-подшо маъносини англаган. Демак “катта подшолик” Фарғона водийсида ташкил топади. Н.Я.Бичуриннинг маълумотларига кўра бу давлат 70-дан ортиқ шаҳарларни бирлаштирган. Уларни ҳокимлар бошқарганлар. Бошқаришда оқсоқоллар кенгаши муҳим роль ўйнаган. Улар давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда. Уруш ва тинчлик, қўшни мамлакатлар билан дипломатик муносабатларни ўрнатиш каби масалаларни ҳал этишда бевосита иштирок этганлар. Давлат тепасида Вань (подшо) чекланмаган ҳуқуққа эга бўлган. Унинг икки вазири бўлган. Оқсоқоллар Кенгаши маслаҳатлар, тавсиялар бериш ҳуқуқига эга бўлган.

Бу давлатларда авваллари дин турли табиат кучларига, ҳодисаларга сиғиниш билан боғлиқ бўлган бўлса, кейинчалик асосий давлат дини зардуштийлик (“Авесто”) эди. Қонун –қоидалар ҳам ана шу дин билан боғлиқ қонунлари бўлган.Эрамизнинг I-IV асрларида Ўрта Осиёда йирик давлат сифатида Кушонлар давлати ташкил топган. Унинг пойтахти тахминан Каттақўрғон шаҳри ҳисобланади. Кушонлар давлати Афғонистон ва Ҳиндистон, Эрон давлатларининг бир қисмини ўзида бирлаштирган марказлашган туркий халқларнинг давлати эди. Кушонлар давлатида турли тилда гаплашувчи ва турли динларга эътиқод (зардуштийлик, буддавийлик) қилувчи халқлар яшаганлар. Кушонлар давлатида асосан беш қавмнинг мавқеи баланд бўлган улар орасида кушонлар (гуншунлар) етакчилик қилганлар. Кушонлар ҳамда Бактрияда кенг тарқалган, бизгача сақланган хатда қуйидагича сўзлар (V аср) битилган: “Қуйсан (Кушон) тилинтин тухри тилнга паратмиш анаткак (санскрит) тилинтин тухри тилинча паратмиш”.<sup>1</sup> Бу кушонларнинг ҳам туркий қавмдан бири эканлигини далилидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин, қадимги Турон заминида гоҳ марказлашган кучли давлатлар ташкил топган бўлса, гоҳида эса майда-майда шаҳар давлатлари, бекликлар, хонликларга бўлиниб кетган. Аммо шу нарса аниқки, Амударё, Сирдарё оралиғида, Иссиққўл, Етти сой (сув) бўйларида, Сибр ва Қипчоқ Даштларида яшаган туркий халқлар давлат, ҳуқуқ, дин ва

---

<sup>1</sup> Саранг: Созоебой Масмудов. Туркий савмлар таъдири. Фан ва турмуш, 1990 й., 2-сон, 3-бет.

маданиятини дунё халқлари орасида биринчилар қаторида ривожлантириб дунё цивилизациясига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган.

Марказий ҳокимиятни ташкил этган Турон давлати Хоразм, Фарғона водийси, Хуросон, Дашти Қипчоқ ва Сибир каби катта-катта ўлкаларда навбат-навбати билан силжиб юрганини юқоридаги мисоллардан кўрдик. Аммо, бизнинг фикримизча туркийларнинг давлатлари қаерларда ва қачон ташкил топмасин, Самарқанд марказини ташкил этган Турон кейинчалик Туркистон давлати асосида ривожланган десак хато бўлмайди. Советлар даврига келиб, атайлаб, “Туркистон” атамаси давлатчиликдан сиқиб чиқарилди ва унинг ўрнида бир нечта республикалар ташкил топди. Бу ҳақда китобнинг тегишли саҳифаларидан яна батафсил тўхтаймиз.

Иккинчидан, қадимги Туронда илк бор дунё аҳамиятига эга бўлган зардуштийлик (“Авесто”) ва Будда (Далвирзан тепада топилган будда хайкали, Авғон ёдгорликлари ва бошқалар) динлари пайдо бўлган ва ривожланган. Исломнинг Ўрта Осиёга кириб келганига қадар ҳукмрон, давлат дини зардуштийлик дини бўлганига ҳеч кимда шубҳа йўқ.

Учинчидан, ҳуқуқнинг асосий манбаи бу мамлакатларда давлат ва унинг идоралари томонидан тан олинган ёки тасдиқланган одат нормалари ва “Авесто”даги қоида-қонунлар бўлган.

Тўртинчидан, эронийларнинг Туронийларга қарши юришлари туркий халқларни Шарқ томонга силжишларига олиб келган. Хитой тилида улар Хунлар, Гунлар, Хонлар номидаги давлат сифатида танилганлар ва ривожланганлар.

## **Александр Македонскийнинг Туронга юриши**

Македониялик Искандар, яъни Александр Македонский (356-323) эрамизга қадар Македония шаҳрида. У дунёда биринчилар қаторида катта империяга асос солган. Эронийлар ҳукмронлигини тугатиб, Самарқандни олган ва Суғд вилояти (Хўжанд)гача келган ва бу ерларда ўзининг шарқий пойтахтини қурган. Унинг ўзи ҳақида, давлати ва юришлари тўғрисида Шарқ ва Ғарбда жуда кўплаб, ҳикоялар, эртаклар, афсоналар ва дostonлар битилган. Айниқса, Шарқда у адолатли шоҳ сифатида таърифланади. Низомий, Деҳлавий, Жомий ва Навоийлар ўз “Хамса”ларида алоҳида бир дostonни ана шу Искандар ва унинг давлатига бағишлаганлар. Албатта, бу дostonлардаги Искандар тарихий шахс эмас, балки идеал шоҳ тимсолидир.

Ғарб давлатларидаги манбаларда у Филиппнинг ўғли, устози Аристотель (Арасту) деб таърифланади. Шарқ манбаларида фикрлар жуда кўп ва улар хилма-хилдир. Навоий “Тарихи мулуки Ажам”да Искандар нисбатида ихтилофлар кўплигини айтади. Масалан, баъзилар уни Дороб ўғли десалар, Бонокотий “Девонун-насаб” асарида эса бошқача дейилган. Искандар Хирмиси Румий ўғли дейилган. Хирмис отаси Лафти бинни Юнон бинни Тархон бинни Ёфас бинни Нухдир. Унинг умрини минг олти юз йил бўлган дейдилар. Унинг лақаби Зулқарнайин ул замонларда дейди. А.Навоий минг йилни бир қарн дер эканлар. Банокотий ктобида эса унинг отаси Бозур бинни Албондир. Искандария подшоси ва отаси Афлотун бинни Нуко қизи эди. Бозур билан Афлююн ўртасида доимо низо бўлган. Улар давлатни мустаҳкамлаш мақсадида ярашганлар ва уни мустаҳкамлаш учун Афлююннинг қизига Бозур уйланади. У хотун Бозурдан ҳомиладор бўлади ва айрим сабабларга кўра у отасига қайтарилади. Йўлда кўп воқеа ва ҳодисалар содир бўлади. Искандар бошидан кўп қийинчиликларни сарсон-саргардонликда ўтказади. У сипоҳийлик ва баҳодирликда тенги йўқ инсон бўлиб вояга етади. Ва сарой хизматига киради. Файлакуснинг ўғли эканлигини Низомий ўзининг “Искандарнома” сида айтган. А.Навоий ўзининг “Хамса” сининг охиригидан достонини - “Садди Искандарий” дея номланган ва уни Файлакуснинг овда топган бир онаси вафот этган ўғил бола эди у аввал Арастунинг отаси ва кейин унинг тарбиясида катта бўлганлигини баён этган.

А.Навоий уни ҳам Ҳаким ва ҳам Вали эди дея таърифлайди. Тўртюз Ҳаким Искандар хизматида бўлган. Арасту ҳам устоз, ҳам вазир эди. Саккиз минг шоҳ ва шаҳзодалар унинг измида эдилар. Бугунги кунга қадар дея ҳисоблайди. А.Навоий бирорта ҳам шоҳ унинг қилган ишларига тенг келадиган иш қилаолмаган дея ҳисоблайди. Искандарни баъзилар Шахризурда баъзилар эса Бобилда вафот этган деб ҳисоблашади. Уни Искандарияга дафн этганлар. У Марв, Ҳирот, Самарқанд ва Исфаҳон каби шаҳарларни барпо этган деб ёзади А. Навоий.

Искандар вафотидан кейин тахтни унинг ўғли Искандарус қабул қилмайди. У кўп вақтини ибодат қилишга сарфлайди. Римда Батлимусни қайсарликка тайинлайдилар. Эрон ва Турон ҳам бу империянинг бир қисмига айлантирилган эди. уч юз олтмиш йил давомида Римга ҳеч ким бостириб киришга журат этмаган.

Искандар эронийлар – Ахаманийларга қарши юриш қилиб, иккинчи табақа Каёнийлар сулоласини тугатишига ва янги учинчи табақа Ашконийларни ҳукмронлик қилишларига асос солди.

Хулоса шунки Искандарга қадар Рим давлати Эрон измида бўлган. Искандар ана шу ўрнатилган тартибни бузган ва Рим давлатини мустақил этган.

Искандарнинг юриши жуда катта тарихий оламшумул аҳамиятга эга бўлди. Биринчидан, Эрон давлатининг Ғарб ва Шарқдаги ҳукмронлигини тугатади. У Эрон таъсирига тушиб қолган Турон заминидаги давлатлар ва халқларни (сак, скиф, массагетларни) озод этади.

Шарқда Искандарнинг ҳукми ва тартиб-қоидалари билан биргаликда қадимги Юнон илм-фани, маданияти кириб келади. Геродот каби кўплаб машҳур тарихчиларнинг қадимги туркий халқлар маданияти, давлати ва урф – одатлари, жўғрофик номлар тўғрисидаги асарлари бугунги кунда ҳам асосий манбалардан ҳисобланади.

Хуросон ва Мовароуннаҳр худудида кўп йиллар давомида ҳукмронлик қилган Юнон-Бақтрия давлатининг пайдо бўлиши ва ривожланишига асос солинади.

А.Навоий “Садди Искандарий”да Искандарнинг насли-насаби ва унинг тахтга ўтириши, Дорога қарши уруши ҳамда дунёда адолатли тартиб ўрнатганлигини шундай тарифлайди: Искандарга қадар Ажам давлати

“Ки давронлари тўрт минг уч юз йил,

Яна ўттиз олтию ўн ой бил”,

яшаган эди. Искандар дунёга келганда эса иккинчи табақа-Каёнийлар сулоласи тугатилган ва подшолик Дорой Баҳмонга қолган вақт эди.

“Бу фурсат аро волийн Руму Рус,  
шахс эрди оти молик Файлакус”.

Файлакуснинг фарзанди йўқ эди. У бир кун овдан қайтаётганда йўлда бир вайрона кўринади ва унинг ичидан гўдакнинг йиғлаган товуши эштилади.

“Ўзи тифилни олди эъзоз ила,  
Қилур эрди парварда юз ноз ила

Скандар атаб, ўғли билди ани,  
Уларда валиаҳд қилди ани”.

А.Навоийнинг фикрига кўра, Искандарнинг насл-насаби ноъмалум. Уни атайлаб шоҳ-файлакусга фарзанд қилиб берадики, бўлажак адолатли шоҳ давлат тепасига мерос ҳуқуқига кўра келиши керак. Унинг тарбияси билан аввал Арастунинг отаси, унинг вафотидан кейин эса Арастунинг ўзи шуғулланган.

А.Навоий ўзининг одил шоҳ, қонунчилик, адолатли давлат ва жамият ҳақидаги орзу-умидларини “Садди Искандарий”да ифодалаган ва уни инсониятга, авваламбор, шоҳ ва шаҳзодаларга ўрнак қилиб кўрсатган. Давлат бошлиғлигига даъвогарлик қилган шахсни ундан ўрнак олишга даъват этади.

Рум подшоҳи Файлакус кексайгандан кейин тахтни ўғли Искандарга валиаҳд этади. Искандар отадан Рум тахтини қабул қилгандан кейин бу вазифани қанчалик масъул эканлигини англаб, Рум халқини тўплаб уларга кўра мурожаат нутқини сўзлади:

“... Вале мен эрурмен бағоят ҳақир,  
Доғи салтанат амри беҳад хатир.  
Бу ишга керакдур тавоно киши.  
Эмас мен киби нотовоно иши.

Эрур тортмоқ шер чекконни мўр,  
Юкии пилнинг айламак пашша зўр.

Не бор шоҳлик айларга ният манга,  
Не айлай десам қобилият манга.

Бу таклифдин чунки ранжурмен,  
Агар айласак тарк, маъзурмен...”

А.Навоий Рум демократиясини ёқлаб шоҳ билан улус (халқ) ўртасидаги муносабатни дostonда таърифлар экан, Искандар, яъни Рум шоҳини халқ олдида чиқиш қилиб, мен каби натовон киши қандай қилиб шоҳлик қилиши мумкин. Шернинг ишини қандай қилиб чумоли бажариши мумкин. Филнинг юкини қандай қилиб пашша кўтариши мумкин, деган фикрларини келтиради.

Давлатчилик тарихидан бизга шу нарса маълумки, бирон – бир шоҳ халқнинг олдида Искандардек камтарлик билан халқ фаровонлигини таъминлайдиган адолатли ва қонуний асосда иш кўра оладиган кишини ўз ораларингдан топиб менинг ўрнимга сайланг, деган эмас. Сайланган шоҳ:

“... Рантга қилса қаламзан ситам,  
қаламзанинг илгини қилсун қалам.  
Мусофир йўли риштасин узмасун,  
Қароқчи қаросини кўргузмасун.  
Қилиб забт ила маҳкам ўғри йўлик.  
Улус молидин қисқа қилсун қўлин...”

Искандарнинг бу сўзларини этишган улус унинг ўзини бошқадан ҳам кўра шоҳликка муносиб эканлигини айтади:

“... Сен ўлғунга бу эл бошидин йироқ,  
Йироқ бўлганлар жонидин яхшироқ...”

Бугун олам ичра сен ул шоҳсен,

Ка афлок сирридин огоҳсен.

Жаҳон ичра сен билмаган йўқ улум,

Билур олам аҳли, неким аҳли Рум!

А.Навоий шоҳ ва улус ўртасидаги муносабат ана шундай очиқ, ишонч, ҳурматга асосланган бўлишлигини истайди. Шарқ подшоҳларига қарата сизлар ҳам Искандардек бўлинглар. Халқ ишончини, ҳурматини қозонган шоҳ маърифатли бўлиши лозим дея хитоб этади.

А.Навоий Искандарни Рум халқи томонидан шоҳ этиб сайлангандан кейин дostonда уни ер юзидаги зулм ва зўравонликка асосланиб қурилган давлатларни, хоин, сотқин хонларни ва бекларни давлат ёрдамида зарур деган ғояни илгари суради. Искандар нафақат ўз Ватани-Румда, Эронда, Туронда, Ҳиндистонда ва бошқа мамлакатларда ҳам адолатли тартибни, сиёсатни ўрнатиб, денгизнинг тубигача тушади ва ҳамма ерда адолат бўлганлигидан хотиржам бўлиб, оламдан ўтади.

А.Навоийнинг Искандар давлати орқали баён этган дунёда ягона адолатли давлат тузumi ҳақидаги башорати инсоният демократия, адолатли давлат ва жамият учун кураш олиб бораётган буюк келажакка қаратилган.

## Юнон-Бақтрия (Парфия) давлати

Искандарнинг вафотидан кейин Ўрта Осиё худуди Селевкид I. (Искандарнинг қўмондонларидан бири) номи билан машхур бўлган Селевкидлар империясининг таркибий қисмига айлантирилган эди. Эрамизга қадар III асрнинг ўрталарида Бақтрия мустақил давлат сифатида ажралиб чиқади. Тарихда бу давлат Юнон-Бақтрия давлати деб танилган. Бу давлатнинг таркибига Бақтрия, Суғдиёна, Марғиёна, Паркан (Фарғона) ва бошқалар кирган эди. Бу давлатнинг тазилиши, уни идора қилишида грекларнинг таъсири катта бўлган. Аммо унинг таркибига кирган халқлар, мамлакатларнинг турли-туман бўлганлиги сабабли давлат мустақкам эмас эди. Марказдан қочувчи кучлар, яъни ҳар бир кичик давлатлар ўз мустақилликларини қайтадан қўлга киритиш учун ҳаракат қилишган ва натижада зўрликка асосланган бу империя ҳам ичидан нурай бошлаган.

Узоқ йилар давом этган мустақиллик учун кураш натижасида биринчилар қаторида суғдлар Соғдиёна давлатини куришга муваффақ бўладилар. Бақтриянинг бир қисмини эса (Марғиёнани) парфияликлар босиб оладилар. Бақтрияга қарши туркий қавмлардан массагетларнинг тез-тез ҳужумлари бўлиб турган.

Тохарлар томонидан Бақтриянинг қолган худудларини босиб олиниши Тохаристон номи билан машхур (Канха давлати) давлат барпо этилади.

Бу давлат қадимги Хоразм давлатига қўшни давлат бўлган. Эрамиздан аввалга II аср ва эрамизнинг бошларида Ўрта Осиёда янги давлатларга асос солинади. Масалан, Фарғона (Давань) давлати вужудга келади. Хитой манбаларида бу давлатни Та Юань (Да Вань) деб атаганлар. “Да” катта, “Вань”- подшоҳ деган. Бу давлатда ўша вақтларда 70 дан ортиқ шаҳарлар мавжуд бўлган.<sup>1</sup>

Ўзбекистон тарихчи олимларининг фикрига кўра, бу давлатнинг марказий шаҳри Эрши бўлган ва у эрамиздан аввал II асрдан эрамизнинг III асрига қадар

---

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, -М.

яшаган.<sup>1</sup> “У шимолда Қанғли, жанубда катта Юъчжелар-Кушонлар, шимолда (уйғурлар) билан чегарадош эди”, деб ёзади З.Муқимов ҳақиқатдан ҳам бу давлат кўплаб туркий қавмларни ўзида бирлаштирган давлат бўлган.

Давлат тепасида Вань-шоҳ ва унинг икки ўринбосари бўлиб, давлатни олий Кенгаш органи оқсоқоллар йиғини орқали бошқарган. Оқсоқоллар давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига оид бўлган мураккаб масалалар бўйича бир қарорга келган ҳолда давлат бошлиғи-Ваньга ёрдам берганлар. Шаҳарларни эса ҳокимлар бошқарганлар. Ҳуқуқ масаласида одат нормаларига билан бирга диний нормалар амал қилинган. Бундан ташқари давлат бошлиғининг фармонлари, қарорлари ва буйруғлари бўлган.

Юнон тарихчилари Ўрта Осиёда яшаган туркий халқларни массагетлар деб атаганлар. Массагетлар Каспий денгизининг Шарқида жойлашган Бактрия ва Суғд давлатлари билан чегарадош ҳудудда яшаган туркий қабилаларни тарихда, юнон тарихчилари массагетлар деб аташган. Айрим тарихчилар Александрнинг юришларидан кейин (IV-III а.а.) Ҳиндистон билан кўшни халқларни ҳам массагетлар дейишган. Бизнинг фикримизча, массагетлар Қипчоқ кенгликлари ва Хоразм атрофида яшаган туркий қабилалар деб айтилган.

Массагетлар ҳақидаги маълумотлар Мегасфеннинг Ҳиндистон ҳақидаги асаридан бизгача етиб келган парчалар (IV а. ), Страбон ва Аррианнинг асарлари орқали етиб келган. Масалан Страбон, “Арохатлар ва массагетлар биргаликда Бактрияликлардан Фарбда Окс бўйлаб яшайдилар. Геродот эса массагетларни Окс бўйларидан то Каспийгача борганликларини айтади. Птоломейнинг ёзишича Саклар мамлакатини Аскатанка тоғи этакларида яшаётганларни массагетлар деб аталади.

Александрнинг Эронга юриши ва Туроннинг марказий қисмини эгаллаши бу ерларда катта тарихий воқеаларни юз беришига сабабчи бўлди. Биринчидан, Эронда Аҳмонийлар ҳукмронлигини тугатиб Пешдодийлар

---

<sup>1</sup> Асеев А.А. –Л., ч.1., 253 с. Матбобоев Б.Х., Садиқми Фарўона Давань давлати (ёки давлатчилигимизнинг кўхна илдиэлари саёида масом.

сулалосини якунланишига олиб келди. Иккинчидан, Рум, Турон ва бошқа қўшни мамлакатларни сатрапликдан, яъни қарамликдан озод этди. Учинчидан, Рум маданиятини, хусусан, полислардаги тартиб ва қонун-қоидаларни қисман бўлса-да бу ерларга кириб келишига олиб келди ва тўртинчидан, Александр ва унинг ҳарбийлари маҳаллий қизларга уйланишиб ерли халқлар билан қўшилиб кетишади. Туронда ва Эронда Юнон-Бақтрия давлатини ташкил этадилар. Александр Эрон шоҳининг қизи Раксанага уйланган бўлса, унинг қўмондони ва кейинчалик Юнон-Бақтрия давлатининг раҳбари Селевик эса Суғд қаҳрамони, Александрга қарши озодлик курашига раҳбарлик қилган Спитаменнинг қизига уйланган. У аёлнинг исми “Апама” дейилган. Ва унинг номига атаб Сирияда Апамея шаҳрини барпо этади. Бу шаҳарнинг бугун харобалари сақланиб қолган, холос. Уларнинг ўғли Антиох I отасидан кейин давлатга раҳбарлик қилади. Турон, Эрон ва араб ерларида ҳукумронлик қилган жойларни “Ойкумен” деб атаганлар. Туронда эллинизм даврида давлат марказлашади. Қонун-қоидалар ўрнатилиб, тангалар жорий этилади.

“Ойкумена”да Маҳаллий ва Юнон маданияти аралашган Юнон-Бақтрия маданияти ташкил топди.

Александр ва ундан кейин Селевкид раҳбарлик қилган давлат юнонларда машҳур бўлган шоҳлар ва унинг атрофидаги қишлоқларни бирлаштирган ҳудудий жиҳатдан унча катта бўлмаган полислар шаклида турли монархия, аристократия шаклида қурилган. Ижтимоий-сиёсий тартиб, фақат озод бўлган шахсларгина ҳуқуқи муносабатларнинг субъектлари бўлиб, ерга эгалик қилиш ҳуқуқидан фойдаланганлар.

Бизнинг фикримизча, юнонлар бу ерларда ўзларидан анча аввал ташкил топган кучли марказлашган ва ҳудудий жиҳатдан катта империяни қурадилар. Турон ва Эрон ҳудудларида зардуштийлик (“Авесто”) асосида ривожланган маданият, бепоён еру бойликларга эга бўлганлар.

Табиийки, Селевкидлар ҳукумронлиги остида қурилган давлат ва ҳуқуқ такомиллашган, асосан, маҳаллий тартиб-қоидаларга асосланган, эди десак хато бўлмайди.

Юнонларнинг ҳукмронлиги ва инқирозидан кейинги дунё бир неча қисмга бўлиниб кетишига олиб келди. Энг катта давлат-Рим империяси Атлонтадан то Эронгача бўлган мамлакатларни бирлаштиради.

Парфия давлати эса Турон ва Эроннинг катта қисмини қамраб олади.

Кушонлар империяси эса ҳозирги Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон давлатлари ҳудудларининг асосий қисмини ташкил этади.

Ва, ниҳоят Шарқда то Тинч океанига қадар Хунлар империясининг ташкил топиши ва ривошланишига олиб келади.

## Хунлар давлати

Хунлар туркий халқларга мансуб бўлиб, энг қадимий уруғлардан бири. Хитой манбаларида бундан учминг йил хунлар ҳақида хабарлар, маълумотлар берилган. Уларни, яъни хунларни “Хйун-йу”, “Хйун-ну” дея Ўрхун дарёсига қуйиладиган сувнинг номи билан атаганлар. Кейинчалик қисқартирилиб “Хун” ёки “Хен” дея атаганлар. Улар жойлашган жой Олтой тоғларидан бошланиб, Тибет, Чин, Мўғулистон, Туркистон ва Урол тоғларига қадар чўзилган эди.

Туронда юнонлар, аниқроғи Селевкидлар ҳукумронлиги тугатилгандан кейин Хунларнинг маъкеи Туркистон, Мўғулистон ўлкаларида юксалди ва улар ўзларининг буюк давлатларига эга бўлдилар. Улар ўз таъсир доираларини Шарққа-Хитой томонга, Фарбга Урол ва Волга бўйларига ҳамда Жанубий мамлакатларни босиб олиш учун кўпдан-кўп ҳарбий юришлар ўтказадилар. Хитой томонидан таъқиб этилиши натижасида Хунлар учта бўлакка бўлиндилар: Жанубий (Оқ Хунлар, халқлар орасида ҳозир ҳам охунлар номи билан машҳурдирлар), Шимолий ва Фарбий хунларга.

Кейинчалик оқ хунлар Амударё (Жайхун, Сайхун дарёларнинг қадимий номлари ҳам хунлар билан боғлиқ бўлса керак), форс ва озарбайжон томонларга кўчиб кетишади. Юнонлар уларни Эфталитлар, форсийлар “Об талет” араблар эса “Ҳаетл” дея атаганлар. “Массагет”, “Олон”, “Ҳарқон”, “Ҳазар”, “Туркман” каби номлар ҳам тарихда ана шу Жанубий Хунлар билан боғлиғлиги кўрсатилган. Шу сабабдан ҳам Каспий денгизи китобларда туркий уруғлар номлари билан: “Ҳарқон денгизи”, “Холис денгиз” шахрига нисбатан “Наҳра қазбин” дея аташган.

Шимолий Хунлар эса Манголия ерларида жойлашиб, қароит, наймон, манғул каби уруғлар номлари билан аталган. Ушбу маънода айрим тарихий китобларда мўғулларни ҳам туркийларга қўшиб ёзадилар. Албатта, Мўғуллар кейинчалик мустақил ривожланган ва ўзларининг давлатларига, маданияти ва тили, динига эга бўлган мустақил бир миллат даражасига кўтарилган.

Фарбий Хунлар “Уйғур”, “Ун уғир”, “Саёнчи” ва бошқа туркий қавм, уруғларни бир давлат байроғи остида бирлаштириб, Бухоро ерларидан то ёйиқ, Этил (Волга) дарёси бўйларигача (иккичи асрда) бўлган ҳудудни эгаллаган.

Фарбий Хунлар ўз ерларидан узоқлашиб, эрамизнинг иккинчи асрларидан бошлаб янги ерларни ишғол этадилар ва Европа томон Дон, Динестр, Днепер дарёлари соҳилларидаги ерларга томон силжийдилар. Улар от-араваларда юришни яхши ўзлаштирган, чиниққан жангчилар эдилар. Улар ўз оилаларини аравалар устида сақлар, ўзлари эгар устида овқатланиб, дам олишни ҳам яхши ўзлаштирган эдилар. Бир сўз билан айтганда улар доимо йўлда эдилар.

Милоднинг тўртинчи асрида Хунлар Дон дарёси соҳилларини эгаллаб бўлган эдилар. Бу ердаги олонлар, сақлар, сормонларни енгиб ўзларига бирлаштирадилар. Уст-ғутлар, Вест-ғутлар ҳам улардан енгилиб, европаликлар Хунлардан жон сақлаб турли томонларга тарқаганлар. Улар Римгача етиб бориб, баъзан-баъзан хужумлар уюштириб турганлар.

Фарбий Хунлар 432 йилда Отила Хон раҳбарлигида (уни адабиётларда “Этило”, яъни Этил (Волгага нисбат беришади) Волгадан то Рейин дарёси бўйигача, Македониядан то Болтиқ бўйидаги халқларгача ўз тасарруфига олишга, уларга ўз фармонларини тадбиқ қилишга муваффақ бўладилар.

Отилахон хун, ғут ва славянлардан иборат кўп армияни жамлаб, Мағрибга қараб юради ва Францияга киради. Рум қўмондонларидан Ояченус исмли шахс катта қўшин жамлаб Отилахонга қарши чиқади ва икки ўртада катта жанг бўлиб ҳар икки тарафдан бир юз олтмушмингдан ортиқ жангчи халок бўлган. Отилахонга нисбатан румлилар қаттиқ қаршилик кўрсатадилар. Кўп қирғиндан кейин душман чекинишга мажбур бўлади.

Биз 70-йилларда Тошкент Давлат Университети ҳуқуқшунослик факультетининг бир гуруҳ талабаларини София Университетига олиб борганимизда (ўша вақтда икки университет ўртасида тажриба алмашув муносабати ўрнатилган эди) булғориялик проф. Яновский билан

сухбатларимизда ҳамда София тарихий музейларида бўлганимизда жуда катта кизиқиш билан булғорларнинг биринчи давлат бошлиқлари Аспарух, музейдаги сақланаётган идишлар, кўзалар туркий, яъни ўзбекларникига айнан ўхшашлигини сўзлаб берган эдилар. Дарҳақиқат, туркий халқлар қадимда ана шундай катта масофани босиб ўтиб, оиласи билан кўчиб Волга, Дон, Днестр, Дунай, Эльба дарёлари сохилларигача келишлари ва бу ерларда кучли, марказлашган давлатлар қуриб Овропа маданиятига таъсир ўтказгани кишини ҳайратга солади.

Отилахон империясининг парчаланишидан кўп вақт ўтмасдан Овропада Ўғир-Булғор уруғлари ташаббусни олиб, ўзларининг давлатига эга бўладилар. Ўғир ва Булғорлар ҳақида уларнинг -насаблари тўғрисида тарих саҳифаларида турли фикрлар мавжуд. Масалан, машҳур немис тарихчи, этнограф олими Юлий Клопрут (1785-1835 йил) уларни “фин” қавмидан деб ҳисоблайди. Аксинча, кўпчилик уларни турк уруғидан деб ҳисоблайди. Ҳасан Ота Абуший эса Уғир- Булғорларни хунларнинг бир қисми деб ҳисоблайди.

Бизнинг фикримизча, Орол, Каспий ва Қора денгиз бўйларида қадимда яшаган Ўғир - Булғорлардир. Улар асосан ўзларининг келиб чиқишлари билан Дашти Қипчоқда қадимда яшаган туркларга мансубдирлар.

Ўғир, бошқирд мишор-мажорлар Булғор асосини ташкил этганлиги ва уларнинг қадимги ватанлари ҳақида Ҳасан Ато Абушийнинг “Туркий қавмлари ҳақидаги” китобида батафсил маълумотлар берилганлигини эътиборга олган ҳолда шу ерда тўхтаб, масалани кейинги рус тарихчиларининг асарларида қўйилиши ҳақида ҳам тўхтаб ўтсак.

Н.М.Карамзин ўзини машҳур “История государства Российского” деган китобининг биринчи бобида юнон ва рим тарихчиларининг маълумотларига асосланган ҳолда Россиянинг Жанубий вилоятларида яшаган энг қадимги халқларни массагетлар томонидан қувғунга учраб бу ерларга хижрийдан анча аввал замонларда келиб қолган Киммержанлар деб ҳисоблайди. “...Географическая сведения о России южный и Геродот писавший за 445 лет до рождество христово, предал нам о них в своем любопытном творении” .

Киммержане, дея давом эттириб у, древнейшие обидатели ныншних Губерний Херсонской “Екатеринославской – вероятно, единоплеменные с Германскими Цимбрами...” Карамзин Киммерларни Германлар кабилаларидан бўлса керак дея ноаникликка йўл қўяди. Геродот эса ўзининг (4-китобида) Киммерлар давлати Азов денгизи билан Қора денгизи қўшилган ерларда яшаганлар, улар Кримдан бўладилар, деган фикрни аниқ ёзган. Демак, Киммерлар ҳам туркий қавмлар бўлган.

Н.М.Карамзин саклар ҳақида ёзар экан жуда бир муҳим факт тўғрисида хабар беради: “... На левой стороне Днепра в 14 днях пути от его устья, (вероятно, близ Киева) между Скифдами- земледельцами и кочующими было их Царское кладбище, священное для народа и неприступное для врагов. Главная Орда или Царственная, качевала на Восток до самого Азовского моря, Дона и Крыма, где жили Тавры, может быть единоплеменники древних Кимириан: убивая иностранцев, они приносили их в жертву своей богине-дидвицив, и мысь Севостопольский, где существовал храм ея...!”(3стр.)

Н.М.Карамзин Аланлар, Аорслар, Сиракилар ва бошқа халқлар ҳақида ёзиб IV аср охирида муҳим воқеа яъни Гунлар (Хунлар)ни бу ерларга келганлиги ҳақида шундай ёзади: “Конец четвертого века ознаменовался важнейшими происшествиями. Гунны, народ качующий, от полунощных областей Китая доходят через неизмеримая степи до юго- восточной России, нападают-около 377 года-на Алан, Готфов, владения Римския, потребляя всё огнём и мечём”... Н.М.Карамзин қадимги тарихчиларнинг фикрига асосланган ҳолда Гунларни босқинчиликда, вахшийликда айблайди.

“...Царв Гунский, Баламбер, вступился за утесненных, и победив Винитара освободил их от ига Готфов. – нет сомнения, что Анты и Венеды признавали над собой власть Гуннов; ибо сии завоеватели во время Аттилы, грозного Царя их, повеливали всеми странами от Волги до Рейна, от Македонии до островов Бальтийского моря...” (10 стр.) Н.М.Карамзин Аттило (Отилло)ни 454 йилда вафот этганини ва Гунларга қарши халқларни қўзғалганликлари ҳақида гапирар экан, Аттилонинг ўлимидан кейин Гунлар

бир неча вақт Днестр ва Дунай дарёлари орасида яшаганликларини хикоя қилади. Унинг фикрига кўра VI асрнинг ўрталарида “Уже лет 30 Славяне свирепствовали в Европе, когда новый Азиатский народ победами и завоеваниями открыл себе путь к Черному морю. Весь известный мир был тогда театром чудесного волнения народов и непостоянстве в их величии. Авары славились могуществом в степях татари; но в шестом веке побежденные турками, ушли из земли своей. Сии Турки, дея давом эттиради у, по свидетельству Историков Китайских, были остатком Гуннов, древних полуношенных соседей Китайской Империи; в течение времени соединились с другими Ордами единоплеменными и завоевали всю южную Сибирь. Хан их, называемый в Византийских летописях Дизавулом как новый Атилла покарив многие народы, жил среди гор Алтайских, в шатре украшенном коврами шелковыми и многими золотыми сосудами; сидя на богатом троне, принимал Византийских Послов и дары от Юстиниана; заключался с ними союзы и счастливо воевать с Персами...”

Н.М.Карамзин Турк уруғини азалдан Шарқий Туркистонда бошқа туркий қавмлар билан биргаликда Сибирда яшаганликларини афтидан билмасдан уларни VI асрда Олтойда яшаганлар деб ёзади. Бу ерда энг муҳими Византия билан Юстиниан даврида Хунларнинг подшолари Хитой, Эрон, Юнонлар билан дипломатик муносабатлар олиб борганликлари ва улар билан элчилар алмашганликлари тўғрисида ёзади:

“Вместе с другими Ордами зависели от Дизавула Киргизы и Гунны-Огоры. Быв прежде данниками Аваровь и тогда угнетаемые Турками, Огоры перешли на западные берега Волги, назвались славными именем Аваров, некогда могущественных и предложили союз Императору Византийскому. Народ Греческий с любопытством и с ужасом смотрел на их послов: одежда сихъ людей напоминала ему страшных Гуннов Атилы, от каих мнимые Авары отличались единственно тем, что не брили головы и заплетали волосы в длинныя косы, украшаемые лентами... Хань Аварский, свирепный Баянь, разбил их войско, умертвилъ Посла, знаменитого Князя Мезамира; ограбил

землю, пленил жителей; скоро завоевал Моравию, Богамию, где обитали Чехи и другие славяне; победил Сигеберта, Короля франков, и вызвратился на Дунай...”

Н.М.Карамзин туркий уруғлар ўртасидаги ҳокимият учун кураш тарихини ёзишда уларнинг ҳаммаси ҳам қадимги Туронийлар эканлигини яхши англайолмасдан турк уруғларини қирғизлар, аварларга қарама-қарши курашган алоҳида халқ сифатида таъсирлайди. Масалага бундай юзаки ёндошиши албатта тўғри эмас эди. Чунки, Н.М.Карамзиннинг келтирган тарихий далилларининг қиммати шундаки, юқорида кўрганимиздек, масалан Ота Абуший айтганидек Гунлар Отилахон вафотидан кейин тарқаб, бошқа туркий қабилаларга қўшилиб, йўқ бўлиб кетмаганлар. Улар Н.М.Карамзин кўрсатганидек, VI асрнинг ўрталаридан янгидан куч тўплаб, турк уруғлари раҳбарлигида Европага юриш уюштирганликлари, Конистантинопол шаҳарларини қамал қилганликларини ҳикоя қилади.

Аспарух охириги хонлардан Болгарияда кучли марказлашган Турк – Словян давлатини ташкил этишга муваффақ бўлган эди. Милоддан аввалги VII асрда Хун ҳукумдорлар:

Туман (240-210), Батур Тангри Қут (210-174) (Ўғизхон дейилади 9 хон саналади охиригиси элхон), Каюк (174-161), Кунчин (161-126), Увай (126-114), Уйшилур (105-102), Қулуғи (102-101), Кутиғу (101-96), Фулику (96-85), Фуендун (85-68), Шулуй қанқуй (68-60), Уенқути (60-58), Қуғушар (58-31), Қутиюш (31-20), Сучиянкти (20-12), Учулнути (8-1, миллодий 18-46), Удатғу (46-1).

Шарқий Хун ҳукумдорлари: (миллодий сана) Шилушюти (48-56), Чиюкути (56-57), Илға Пулуту (57-59), Хитунгши (59-63), Фуши Шукути (63-85), Илту Улуту (85-88), Шулан Шукути (88-93), Арғу (93-94), Тиндур Шукути (94-98), Ванчи (Банчи) Шисути (98-124), Учғу Шисути (124-128), Қутуни Шисучути (128-140), Фуланнуши Сучу (143-147), Иллиниси Сучу (147-172), Утинуши Сучу (172-178), Фучин (178-179), Қанқуйи (179-195).

Фарбий Хун тангрикутлари: (милодий сана) Пану (46-83), Санму (83-84), Улуғ (84-89), Шималай (89-91), Панку (93-118), Европада ҳукумронлик қилган Хунлар: Биламир (374-400), Юлдуз (400-410), Қаратун (410-415), Бунчук (415-422), Руё (422-434), Атилла (434-453), Тиллик (453-454), Дангизбач (454-469)

Қўлимизда С.А. Плетневанинг “Половцы” асари (Москва “Наука” – 1990 г.)

“Половцы”- так называли их русские современники в XI-XIII вв. Византийцы, а за ними и вся Западная Европа именовали этот народ команамии. Об этом хорошо знали русские летописцы, которые иногда считали нужным разъяснить в своих записках:

“... Половцы, рекше команамии, т.е. половцы именуемые еще и команамии...” деган сўзлар билан бошланган китоб.

Китобда Хазар ҳоконлиги, яъни Хазарларнинг IX асрда давлатининг инкирозга учрагани ва натижада Шарқий Овропа кенгликларида – кўчманчи Турк-Печинлар иттифоқини вужудга келганлигидан бошлаб рус тарихшунос олимлари ва археологлари Печинлар ва улар билан рус князлари ўртасидаги уруш ва тинчлик тарихини баён эталади.

Рус тарихчиларининг турк – печинлар ҳақидаги фикр, мулоҳазаларини қадирлаган ҳолда ўзимизнинг эътирозимизни ҳам билдирмоқчимиз. Россияда XX асрда, ёзилган тарихий китобларда, жумладан С.А. Плетневанинг асарида негадир туркийларнинг юқоридаги Овропа томон юришлари ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Бизга маълумки, Шарқ тарих хоритасида Қадимги русь, яъни Киев князлиги ташкил топишидан бир неча юз йиллар аввал Гунлар (Хунлар) аждодлари Венгриягача етиб бориб, у ерда ўзларининг кучли марказлашган давлатини қурган эдилар. Бунинг исботи Отилахон давлатидир. (V а.).

Катта тарихий воқеалар тафсилотларига эмас, балки IX асрдан туркий уруғларни Шарқий Овропа чўлларида ҳаракат бошлаганликларига урғу берилиши тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди.

Тарихий ҳақиқат шундаки, туркийлар жуда қадим замонлардан Урол тоғлари этакларида (Ро, Этил, Волга дарёсининг қадимги номлари) яшаганлар

ва улар Ғарб ва Шимол ерларига ёйилганлар Турк-Печинлари эса уларнинг қонуний меросхўрлари эди.

Славянлар, кейинчалик руслар Шарқ, Шимол томонга юришлари натижасида туркий қавмлар билан тўқнашадилар, бу ҳақда юқоридаги китобда ва русь йилномаларида Печинлар билан Руслар ўртасидаги тўқнашувлар, тарихи берилади.

Араб тарихчи – саёҳи Ибн Халдун финларни ҳам турк қавмига тегишли деб ҳисоблайди. Ва, уларда, яъни финлар орасида турк тилидаги дostonлар борлигини ҳикоя қилади.

Печинлар эмас, руслар Шарққа юриб Печинларнинг ерларини эгаллай бошлаганлар.

Эфталитлар номи билан машҳур бўлган давлат қадимги Турон заминида эрамининг биринчи асрнинг биринчи ярмида шакллана бошлаган. IV ва V асрларда эса улар Кушонлар империясини тамоман тугатиб, жуда катта ҳудудда ўз ҳукмронликларини ўрнатганлар. Уларнинг сулоласига асос солган шахс-Кунхон бўлган. Ўрта Осиёда яшаган массагетлар ва хунларга мансуб бир неча туркий қавмларнинг иттифоқидан иборат эфталитлар (оқ хунлар) сулоласига асос солинди. Улар Бадахшон, Чағониён, Суғд ва Таҳористон каби ўлкаларни босиб олганларидан кейин V асрда (457 й.) кучли марказлашган давлат сифатида танилади. Уларнинг қудрати 484 йилда Сосонийлардан бўлган Перуз раҳбарлигидаги кўшинларни енганларидан кейин янада юксалади. Эфталитлар Ўрта Осиёда ягона ҳукмрон кучга айланадилар. Уларнинг давлатлари Қашғар, Ҳиндистон мамлакатлари билан чегарадош эди. Улар ўз ҳокимларини “Ихшид” деб атаганлар. Эфталитларнинг қайси қавмлардан ташкил топганликлари ҳақида тарихий китобларда турли-туман фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Айрим муаллифлар уларни Эроний қавмлардан эдилар деган фикрда бўлсалар, айримлари уларни Ўрта Осиёда яшаган ўтрок ва кўчманчи туркий қавмлардан эдилар деб ҳисоблашади. Масалан, С.П. Толстовнинг фикрига кўра, улар Орол бўйида яшаган массагет, сак, Хунларнинг аралашувидан ташкил топганлар. Эфталитлар ҳалқларимиз

ҳаётида ўзидан аввал ўтган марказлашган давлатлар каби ўчмас излар қолдирди. Улар даврида Иштихон, Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳарлар ривожланди. Жайхун, Сайхун, Оқхун каби номлар, атамалар уларнинг тарихи билан боғлиқдир.

Эфталитлар давлатидаги асосий, етакчи қавмлардан, албатта, Хунлардир. Шу сабабли Хунлар ҳақидаги, аниқроғи, Хунларни Фарб томон юришлари тўғрисидаги Ҳасан Ато Абушийнинг фикр ва мулоҳазаларини келтирамиз.

“Турк қавмидин бир шўъба, Олтой тоғларидан бошлаб тибет ва чин шимолий Фарб саҳроларина, Торим шаҳри ва Лубнур қўллари теграсина ва ҳозирги Манғулия саҳроларина, Туркистони қабр ва Қирғиз саҳроларини ва Ўрол тоғларини қадар сочилдилар. Хун қавми чинлилар (хтойлар)га хижратдин уч минг йилга қариб илгари маълум эди. буларни хитойлар аввалда “Хйун-йу ” сўнгра “Хйун-ну” отадилар. Сўнгра тахфид ила “Хун” ва баъзи вақт “Хен” отадилар”.

Хунлар кўпайиб улар уч катта уруғга бўлинганлар “Жануб хунлари” (оқ хун), “Фарб хунлари” ва “Шимол хунлари”га Оқ хунлар “Тий-ла” номи билан Амударёнинг жанубида, Озарбаёжон ва Юнон худақларига қадар жойларни ўзида бирлаштирган. Уларни фарсийлар Амударё бўйларида яшайдиганларини “Об талет”, йўнонийлар эса “Ҳаетла” дея атаганлар.

Шимол Хунлари Монголия кенгликларида қолганлар (Қарант, Ноймон, Манғун ва Сопра каби номлар билан атаганлар).

Фарбий Хунлар “Уйғир”, “Уй уғир”, “Саёнчи” ва “ғайр” каби туркий қабилаларни йиғиндисидан ташкил топиб, Бухородан бошлаб, Қирғиз саҳролари ва Урол тоғларига қадар катта бир давлатга бирлашади. Иккинчи асрларда Жойиқ-Этил (Волга) сувларидан ўтганлар.

IV асрнинг охирларида Охунлар Оврупа томонга юриш қилишлари натижасида улар Днепр дарёсидан кечиб ўтиб, Дунай дарёсининг соҳилларига етиб келган эдилар. Ҳасан Ато Абушайнинг тақидлашича, улар бир замонларда Хитойнинг Шимолий Фарбида истиқомат қилган бўлсалар IV

асрда улар ўз ватанларидан узоқлашиб, Оввропага етиб келган эдилар. Улар асосан кўчманчи булар, жангавор ва баходир эдилар. Улар отларда яхши юрадиган, турмушлари эгар устида ва араваларда ўтар эди. Уларнинг хотинлари ҳам эркаклар қатори отларда яхши юрадиган ва зарур бўлганда эркаклари билан биргаликда душманга қарши жанг қилганлар.

Хунларнинг Фарбга юриш тарихлари яхши ўрганилмай қолган. Биз Ҳасан Абушийнинг бу тўғридаги фикрларига асосланган ҳолда шуни қайд этмоқчимизки, Этил (Волга) дарёсидан Дунай дарёси ўртасида Хунлар кўп йиллар давомида ўз ҳукмронликларини ўтказиш учун курашадилар. Олон турклар билан Фарбда ғутлар билан тўкнашадилар. Уларни енгиб ўзларига тобе қилгандан кейин, Хунларнинг Фарбга қараб юришлари давом этади. Ғутлар Фарбда ҳукмронлик қилган турк қавмларидан III асрларда саклар ва сормат қабилаларининг кучсизланишларидан фойдаланиб, Болтиқ, Рейн, Волга соҳилларида яшовчи Искандинавиядаги юрман уруғларидан бири ғутлар Қора денгиз бўйларини турклардан тортиб олиб, Болтиқ бўйларига қадар жуда Катта ҳудудда давлат ташкил этган эдилар.

Улар икки гуруҳга бўлинган эдилар. Уст Ғут (Шарқий Ғут) ва Вест Ғут (Фарбий ғутлар)га. Шарқий ғутларни Хунлар енганидан кейин Фарбий ғутлар Румга қочадилар ва улардан бошпана сўрайдилар.

“... 432 санаи милодияда ҳукмдор улмуш машҳур хонлари отига (Отла ва ё Этил наҳрина нисбат ила “Этилли” муҳради улуви гумон этиладир) замонида Этил (Волга) наҳриндин Рейн (Оврупо шимолинда Форс ила Гирмония орасинда) наҳрина қадар, Македунёдин Болтиқ денгизи жазоирини қадар нерларга молик ўлуб, ҳалқларини фармон йўритиб ўзларини итоат қилдирдилар...” (65-бет). Отилахон Дунай соҳилларидаги кўплаб давлатларни босиб олган. Ўзи Докия ва Панунияда (ҳозирги Венгрияда) эски турклар расм-русмига биноан чодирлар қурдириб ҳукмронлик қилди. Константия (Рум) императори ҳам унга хирож тўлайдиган бўлди. Абушийнинг фикрига кўра, Отилахон камтарин ҳаёт кечирган. Олтин ва бошқа қимматбаҳо нарсаларга

ҳирс қўймаган шоҳ бўлган. Бундай табиатига кўра у душманларини қўрқувга солар эди.

Хунлар славян қабилалари билан бўлган муносабатлари ҳақида Ҳасан Ато Абуший шундай фикрни билдиради: “Хунларнинг ислован қавми ила не равишда муамала этувлари тарихларда забт этилмашидир. Ёлғиз буларга таъллуқли бўлган бир воқеа ёзилмишидир:

Армонорехнинг вориси тахти ўлан Фут кинози Венишар ўз хунларга тобеъ ўлса-да, аммо ҳамон бошқа қавмларни тахти итоатинда киритмака ҳавас этуб, ислован ва венедлар ила бир уруғ ўлан онтларга ҳужум этди. Ғалаба этуб, уларга қўрқув бермоқ учун кинозлари Буқисни, болалари ҳам нетмиш бу ер – исторшиналари ила ваҳишена ўлтуртди”. Онтлар хун подшоҳи Боломбир хонга сиғиниб, ғуллар асирликдин қутулдилар. Буқис ва атбочилари интиқоми учун Боломбирхон Венишиорни ўз қўли ила ейдин отди”.(66-бет)

Туркий қавмлар билан славян қавмлари ўртасида илк бор муносабатларни тинчлик ва ҳамкорлик асосида қурилганини кўраимиз. Боломбирхон туркийлар хони Футлар томонидан жабрланган, ҳақоратланган славянларни ҳимоя қилганлигини ва уларни озод этганлигини кўраимиз. Худди шунга ўхшаш тарихий воқеани биз Амир Темур томонидан мўғулларнинг сўнгги ҳукмдори Тўхтамишхонни енганлиги ва Москов князлигигача юриш қилиб русларни мўғуллар истилосидан озод этганлигини кўраимиз. Бу ҳақда яна тегишли бобда тўхтаймиз. Афсуски, биз туркий қавмлар билан славянлар, хусусан руслар билан орамизда қадимги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари тарихчи олимлар томонидан одилона баҳоланмасдан келган. Айрим ҳолларда эса буни тескариси, яъни Амир Темурни жоҳилликда, босқинчиликда, саводсизликда айблашни кўраимиз.

Отилахоннинг Римга сафари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Отилахон Алп тоғларидан кўп мингли армия билан ўтиб Италияга ҳужум уюштиради. Император Волинтин (424 й. император бўлган) қўрқувга тушиб Рим папаси Левнийни Отилахон ҳузурига сулҳ тузиш ниятида юборади. Отилахон уни қабул қилади ва ҳурматлаб сулҳ тузади. Ўзи эса Мажористонга қайтиб кетади.

У 454 йилда вафот этган. Ривоятларга кўра у заҳарланган. Унинг тобути (учта тобит бўлган) бири дарёни тўсиб қуритиб, унинг тубига кўмилган.

Отилахоннинг вафоти хунларнинг Оврупадаги хукмдорларининг тугатилишига олиб келди. Унинг фарзандлари орасида марказий ҳокимият учун кураш кескинлашади. Ўртада тўқнашишлар ва келишмовчиликлар юз беради. Натижада буларга тобе бўлган халқлар бўйсунмай қўядилар. Хунлар Мажористондан чиқиб кетишга мажбур бўладилар. Улар Дунай ва Днестр дарёлари оралиғида Хунниворлар давлатини ташкил этадилар. Бу даврга келиб, Булғор, Уғир, овор туркий қавмларининг обрў эътибори юксалади. Хунлар эса ана шу уруғдошларига қўшилиб, кейинчалик “Хун” номи унитилди. Унинг ўрнига бошқа туркий қавмлар номлари сиёсат майдониغا кўтарилди.

## Кушонлар подшолиги

Эрамизнинг бошида аниқроғи I-IV асрларда тахминларга кўра аввал маркази Каттакўрғон шаҳри бўлган, кейинчалик марказ Хиндистонга кўчирилган Кушонлар империяси ташкил топган. Бу давлат худудий жиҳатдан Ўрта Осиё, Афғонистон, Эроннинг бир қисми, Покистон, Хиндистон каби мамлакатларни бирлаштирган, кучли марказлашган давлат эди. Ўзга давлатларни босиб олиш ва у ердаги бойликларни, айниқса, минглаб асирга тушган ҳарбийларни, ҳунармандларни Суғдга, Фарғонага, Хоразмга олиб келинган ва бу ерларда йирик-йирик шаҳарларни барпо этишда уларнинг кучларидан фойдаланилган.

Кушонлар даврида Ўрта Осиёда маданиятни ривожланади, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик тараққий этади. Кушонлар (Гуйшунлар) империяси асосан туркий қавмлардан иборат бўлиб, улар орасида Кушонлар етакчилиги қилганлар ва давлатнинг номи ҳам ана шу ном билан аталган. Бизгача етиб келган қадимги ёзма манбалар (V аср) турк тилида ёзилганлиги улар туркий қавмлар эканлигини исботидир. “Куйсан (Кушон) тилинтин тухри тилнчаяратмиш анаткак (санскрит) тилинтик тухри тилинча яратмиш”<sup>1</sup>.

Давлат бошқариш шакли яқка ҳокимлик монархия давлати бўлган. Хитой манбаларида ёзилишича, кушонлар давлатига Кужула Кадфиз бошчилик қилган (1-асрнинг 50-60 й.й.) ва ўзининг тангаларини зар қилган. Тангаларда туркча “Жабғу” давлат бошлиғи деган сўз ёзилган. Авваллари бу давлатнинг бошлиғи подшо деб юритилган бўлса, кейинчалик унинг мавқеи кучайгандан кейин “Подшоларнинг подшоси” деб юритилган. “Тханшу-хитой манбасида юъчжелар давлати кўчманчилар давлати дея таърифланиб, унинг таркибига бешта нисбий мустақилликка эга бўлган бекликлар (Хсоми, Шуанми, Гуйшуан, Хейтун, Гаофу)” кирган.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Созоебой Масмудов. Туркий савмлар таъдири фан ва турмуш, 1990, II-сон, 3-бет.

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собр. Сведений., 2-жилд, 315 б.

Кушонлар турли тилда гапирувчи, турли динларга эътиқод қилувчи ва турли маданият даражасида ривожланаётган кўплаб Шарқ давлатларини бирлаштириб, ўзига хос маданиятни яратадилар. Уларнинг давлатида савдо-сотиқ, деҳқончилик, ҳунармандчилик ривожланади. Айниқса, ерни жамоа бўлиб шарқона тартибда ишлаш ривожланади. Қадимги савдо қарвони йўлида жонланиш юз беради. Бу ишларнинг тепасида подшо турган. У барча бойликларнинг, шу жумладан, ерларнинг ҳам ягона эгаси ҳисобланган. Марказий ҳокимиятга барча бекликлар хирож тўлаганлар ва бошқа ўз зиммаларидаги мажбуриятларни сўзсиз бажарганлар.

Ҳар қандай зўрликка асосланган империяларнинг тақдирлари бир хил бўлгани каби Кушонлар давлати ҳам қанчалик марказлашмасин IV-асрнинг 70-80 йилларига келиб инқирозга учрайди ва унинг айрим ҳудудлари бошқа давлатлар таркибига қўшиб олинади. Масалан, Шимолий ҳудудларни Сосонийлар, Ҳиндистонга тегишли қисми гуптлар давлати таркибига киритилади. Ўрта Осиёда Хоразм давлати мустақилликка интилади. Фарғона, Бухоро, Шош каби шаҳар давлатларининг мавқеи юксалади.

Кушонлар империяси парчаланиб, ўз ўрнини майда –майда бекликлар, ва давлатларга бўшатиб беради. Бу давр IV асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Ўрта Осиёда Кушонлар ҳукмронлиги тугатилиб, сиёсий инқироз йиллари бошланади.

Ҳуқуқ масаласига келганда шуни айтиш керакки, бу даврда Хоразмда Эрон ва Туронда зардуштийлик дини кенг тарқалган бўлиб, унинг қонунлари ҳаётга тадбиқ қилинган, албатта. Бундан ташқари Юнон-Бақтрия давлатида ривож топган ва ўрнатилган Рим ҳуқуқининг таъсири ҳам бўлган бўлиши керак. Энг муҳими, ерли халқларнинг одат ҳуқуқлари ва беклар, хонларнинг фармон ва қарорлари ҳам муҳим роль ўйнаган, албатта. Бунинг исботи биринчидан, зардуштийлиу ҳуқуқини «Авесто» китоби бўлса, иккинчидан Эронда Аҳмонийларнинг Бехстун битикларидаги босиб олинган мамлакатларда қатъий қонунлар ўрнатилганлиги тўғрисидаги ёзувлардир.

Кушонлар империяси тарихан ўз умрини яшаб, ўрнини майда бекликларга бўшатиб берган бизнинг халқларимиз ҳаётида, жаҳон цивилизациясининг тараққиётида, жумладан, давлат ва ҳуқуқни ривожланишида ўзининг ўчмас изларини қолдирган. Кушон давлатида Будда динига асос солинади ва ривожлантирилади.

## Арабларнинг Мовароуннахрга юриши ва ислом ҳуқуқи

Ислом дини арабларнинг ривожланишларида маълум бир тарихий зарурият сифатида вужудга келган. Ал-Ислом ёки Ислом дегани «Оллоҳга ўзини бахшида этган», «художўй», «итоаткор» деган маъноларни англатади.

Ислом ўзидан аввал шаклланган дунё динлари - зардуштийлик, християнлик, ва иуда динларининг бевосита таъсирида шаклланганлиги шубҳасиздир. Унинг қонун-қоидаларида асосан арабларнинг урф-одатлари, қоидалари ва қонунлари ўз аксини топган. У монотеизм, яъни Оллоҳнинг бирлиги ва унинг расули Муҳаммад эканлигига имон келтиришдир.

Маълумки, V-VI асрларда арабларнинг иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий ҳаётларида катта ўзгаришлар, силжишлар юз беради. Қадимдан яшаб келган Шимолда ва Жанубда жойлашган араб давлатлари: Набатей, Пальмира, Саба ва бошқалар инқирозга учрайди. Савдо йўлларида қийинчиликлар ва тўсиқлар кўпаяди. Кўчманчи қабилалар ҳаракатга келиб, ҳарбий жиҳатдан ниҳоятда кучаядилар, шаҳарларга тез-тез хужум уюштирадидилар. Натижада ички зиддиятлар: араб уруғлари ўртасида, турли тоифадаги синфлар ва ўтроқ халқлар билан кўчманчилар ўртасидаги кураш кескинлашади.

Эрон ва Византия томонидан эса арабларнинг чегарадош ерлари босиб олинади. Шу билан бир вақтда арабларнинг орасига насроний ва бошқа динлар кириб келади. Ва уларнинг тарафдорлари пайдо бўлади. Арабларнинг ўзларини ораларида шаклланган ислом динига нисбатан ишончсизлик, иккиланиш кайфиятидагилар ҳам пайдо бўлган эди.

Арабларда ижтимоий ҳаётларида содир бўлган инқирозлардан қутулиш йўлларини ахтаришда кўчманчи ва ўтроқ арабларни ягона бир марказлашган давлатга бирлаштириш ғояси туғилади. Барча тарқоқ бошқа динлар, давлатлар таъсирида қолаётган арабларни ягона давлатга бирлаштиришдан аввал унинг ғоявий, маънавий асосини яратиш керак эди. Кўплаб ўзларини Оллоҳ билан бевосита алоқада эканлигини билдирувчи ёлғон пайғамбарлар ҳам пайдо бўла

бошлаган эди. Аммо араблар ҳаётидаги бу тарихий жараёни кўра билган ва кейинчалик пайғамбар деб тан олинган шахс - Муҳаммад бўлди.

Ислом инсоният тарихи цивилизацияси, жумладан, Ўрта Осиё халқлари маънавий ҳаётида катта роль ўйнаган ва бугун ҳам халқлар орасида сезиларли таъсир кучига эгадир. Унинг диний, сиёсий-ҳуқуқий ғоялари, таълимотларини ўрганишда асос манбалари: Қуръон, Хадис, Ижмо, Қиёсларни дунё халқлари тилларига таржима қилиш ва уларга тафсирилар ёзиш борасида кўплаб олимлар ишлаган ва бугун ҳам шундай бўлмоқда.

Араблар исломни Мовароуннаҳрга ёйиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, шаҳарларида Ислом таълимотларини тарғиб қиладиган мактаб, масжид ва мадрасаларни ташкил қилиш тарихини ўрганишга бугунги кунда катта эътибор берилмоқда.

Дарҳақиқат, XX аср охири ва XXI аср бошида дунё жамоатчилиги Ислом масаласида бир қатор муаммоларга дуч келди. Айниқса, АҚШда 11 сентябрь воқеасидан кейин террористларга қарши кураш, шу жумладан, Исломдаги ўта урушқоқ оқимлар, жамоалар, партияларга бўлган кураш кескинлашди.

Бугун бизнинг олдимизда аждодларимиз эътиқод қилиб келган Ислом ва унинг қонун-қоидаларини инсонлар ҳаётида поклик, ҳалоллик, соғлиқ ва тинчлик олиб келадиганларини миллатлар, давлатлар, тизимлар ўртасида низо чиқараётган оқимлардан яхшилаб аниқлаш, ажратиб олишдек вазифа турибди. Соғлом фикрларини ҳурматлаш, қўллаб-қувватлаш билан бирга, инсоният учун хавфли оқимларга қарши демократик кучларни, сафарбар қилиш керак деб ўйлаймиз.

Зеро, Ислом ҳақида гап борар экан, биз энг аввало унинг илдишлари, асосчиси ва унинг таълимотларини халқлар орасида тарқатган намоёндалари айниқса, “Ислом ва ҳокимият”, “Ислом ва ҳуқуқ”, ҳозирги замон сиёсий-иқтисодий ва ҳаракатлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишимиз керак.

Ислом динининг асосчиси Муҳаммад Абу Аллоҳ (570-632) Хошимийларнинг Қурайш қавмидан бўлиб, у Маккада унча бой бўлмаган оилада дунёга келган. У дунёга келгунга қадар отаси вафот этган. Кейинроқ

бир неча йилдан сўнг онаси вафот этади. Муҳаммаднинг болалик йиллари бобоси Абу ал-Муталибнинг оиласида ўтади. У ёшлик йилларидан ҳаётнинг иссиқ-совуқларини бошидан кечиради. Савдо қарвонида шаҳарларни кезиб, шу турли халқларнинг урф-одатлари, динларидан хабардор бўлади. Унинг ҳаётида муҳим қўйилган биринчи қадамлардан бири Маккалик бой бева хотин-Хадича бинт Хувайлиднинг савдо ишларига бошқарувчи бўлиб ишлаши бўлди. Муҳаммад 25 ёшида ўзидан анча ёш катта бўлган Хадичага уйланади. Хадичадан Қосим ва тўрт қиз - Рукайя, Умм Кулсум, Зайнаб ва Фатималар исмли фарзандлар туғилади.

Пайғамбарнинг 11 хотини бўлиб, Хадича вафот этгандан кейин бошқаларига уйланган.

Муҳаммад насроний ва бошқа динлардан хабардор, арабларнинг урф-одатларини яхши билган шахс эди. Араб қавмлари, уруғлари ўртасида кўпхудолик ва ҳокимият учун курашлар, тортишувлар келажакда бартараф этилиб, ягона Худога, мафкурага, динга, арабларни бирлаштириш орқали улар ўртасидаги адоватга чек қўйиш ғояси унинг сиёсий-ҳуқуқий дунёқарашининг асосида ётар эди. У хилватда фикр этишни яхши кўрар эди. Қирқ ёшга тўлганда ғорда бўлганда Қуръоннинг дастлабки ояти унга ваҳий бўлган. Макка жамоаси орасида Оллоҳ ҳақидаги яқка Худолик ғоясини тарғиб қилади. Даставвал маккаликлар унинг янги диний ғоялари устидан кулишади, уни масхара қилишади. Аммо кейинчалик унинг тарафдорлари пайдо бўлиб, унга эргашувчилар кўпаядилар.

Абу Толибекдек обрўли уруғ бошлиғи уни ўз ҳимоясига олади. Кўплаб камбағаллар, ўртаҳоллар Пайғамбар томонига ўтадилар. Лекин Макканинг кўпчилиқ зодагонлари Муҳаммад ва унинг тарафдорларини таъқиб остига оладилар. Хадича ва Абу Толибларнинг вафотидан кейин Муҳаммад ва унинг тарафдорларига Маккада анча оғир бўлади. У ташқаридан ўзининг тарафдорларини ахтаради. Анча уринишларидан кейин Маккадан тахминан 400 км масофадаги Йасриб аҳолиси билан иттифоқ тузади.

Йасрибликларнинг бир қисми яхудийларнинг динини қабул қилган, бошқа бир қисми эса эски урф-одатлар, худоларга сиғинар эдилар. Улар ўртасида қарама-қаршилик кучайиб, бир холис одамга мухтож эдиларки, у ўртадаги жанжалларни ҳал қилиши керак эди. Муҳаммад ва унинг таълимотлари Йасриб арабларига маъқул келади ва уларни ғоявий тушкунликдан олиб чиқадиган асосий йўлга айланади. Муҳаммаднинг обрў-эътибори янада юксалади. Муҳаммад 622 й. аввал ўзи, кейин унинг тарафдорлари кўчиб ўтишади. Ана шу йилдан хижрий йил бошланиб, Йасриб Мадина ан-Наби (пайғамбар шаҳри) ёки Мадина деб номланади. Пайғамбарга эргашиб келганлар Маккадан - Мухожирлар ва Мадиналиклардан Муҳаммаднинг тарафдорлари - ансарлар унинг таянчлари эди.

Мадинада биринчи Ислом масжиди қурилди. Пайғамбар унда ўзининг таълимотларини тарғиб қилади ва ўзини охириги Пайғамбар эканлигини мусулмонлар орасида ва атрофга одамлар юбориб, улар орасида ҳам ташвиқот этади.

Шундай қилиб, Мадинада Исломнинг асосий таълимотига асос солинади. Мусулмонлар жамоаси ташкил топади. Маккаликларга даъват этиш ва кейинчалик уларга қарши юришлар бошланади. 624 йилда машҳур Бодра жангида мусулмонларнинг қўллари душманлардан баланд келади. Аммо 625 йилда маккаликлар мадиналиклар устига юриш қиладилар.

Муҳаммад ва унинг тарафдорлари жиддий тадбирлар ўтказишга мажбур бўлдилар. Улар авваламбор ўз ораларидаги иккиланаётган ва қайтганларни, жумладан, яхудийлар динига оғган қавмларини Мадинадан ҳайдаб чиқарадилар.

628 й. куч тўплаб мусулмонлар жамоаси Маккага юриш қиладилар. Маккаликлар билан музокаралар тинчлик келишуви билан якунланади. Бир йилдан кейин мадиналиклар Маккага кичик Хаж-Умра қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. 630 йилда мусулмонлар қўшини қаршиликсиз Маккага кириб келиб, Кабада тозалаш ишларини амалга оширадилар.

Пайғамбар ҳаётлигида Ислом дини қўшни мамлакатларга ҳам тарақатиледи. Муҳаммад 632 йилда кутилмаганда вафот этади ва унинг қабри Мадинадаги масжиддадир.

Пайғамбарнинг вафотидан кейин давлат бошлиғи халифалик жорий этилди. Араблар ва мусулмонлар халифа раҳбарлигида Қуръон, Ҳадис асосида давлатни идора қилдилар ва исломни тарғиб этишни давом эттирадилар.

Пайғамбар ҳақида турли қарашлар мавжуд. Мусулмонлар уни Оллоҳнинг расули деб биладилар. Унинг ҳаёти, қилган ишлари, айтганлари ҳамма учун ўрнак, намунадир.

Овропаликлардан айримлари уни қаттиққўлликда, динни ўз манфаатлари учун ишлатганликда айблашади. Айримлари уни инқилобий ўзгаришлар яратган буюк ислохотчи мусулмонларнинг дохийси даражасида таърифлашади.

Марксистлар эса уни ўз таълимотларига содик, мусулмонлар дунёсида кучли давлатчиликка, мафкурага асос солган тарихий шахс деб биладилар.

Ҳозирги замон «Ислом давлати» концепцияси мазмун-моҳиятига тўхталадиган бўлсак, у бугунги мураккаб бир халқаро вазиятда Ислом мафкурачилари томонидан турлича шарҳланмоқда. Масалан, Саудия Арабистони давлат мафкурачилари уни идеал сифатида давлат тизими Исломга биноан мукамалликка эришганлигини кўрсатишга уринадилар. Аслида эса инсоният давлатчилик масаласида анча илгарилаб кетган. Дунёвий демократик давлат назарияси дунёда кенг тарқалиб бормоқда.

Зеро, ҳозирги замонда амалда мавжуд Ислом давлатларида диний ва дунёвий давлатчилик ғояларини турлича тушуниш ва тавсифлаш рўй бермоқда. Саудия Арабистони, Эрон каби Ислом давлатларида (улардан бири сунийлар таълимотига асосланган, иккисиси эса шиалар таълимотида бўлсада) Ислом ва унинг шариат тизими жорий этилишига кўра, улар ўзларини “Соф”, «Ҳақиқий» ислом давлатлари деб ҳисоблашади.

Бошқа бир гуруҳ давлатлар, масалан, Туркия, Индонезия ва бошқаларда Ислом асосий мафкура, шариат қонун-қоидалари ҳуқуқ даражасида бўлса-да,

олдингиларига караганда дунёвий масалаларга ҳам диққат-эътиборларини қаратган давлатлардир. Масалан, Туркия Овropa Иттифоқига аъзо бўлиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказди. Масалан, ўлим жазосига мораторинг ўрнатиш, Парламентаризм институтини ривожлантириш, очиқ савдо ва жамият сиёсатини ўтказиш ва бошқалар.

Сирия, Алжир, Тунис, Миср каби мамлакатлар эса ўзига хос йўл танлаганлар. Улар дунёвийликни тан олган ҳолда давлатни идора қилишда демократик институтларга эътибор қаратиш билан бирга ўз Конституцияларида давлат вакиллик органларида Исломни тан олмайдиганлар сайланмаслиги белгилаб қўйилган. Худди шунингдек, бу давлатлар сиёсий фаолиятида Исломни асосий манба ва мафкура деб тан олмайдиган партияларга ҳам рухсат йўқдир. Айримларида мусулмон уломларининг кенгаши бўлиб, улар давлатда қабул қилинаётган қонун ва қонун остидаги актларни Ислом манбаларига (Қуръон, Ҳадис, ва бошқалар) тўғри келишлигини кузатиб боради.

Айрим Ислом давлатларида Фарб демократияси билан Ислом таълимотларини бир-бирларига яқинлаштириш, аниқроғи, уларни муросага, келишувга олиб бориш ҳаракатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, Покистонлик М.Иқбол XX асрнинг биринчи асрида “Ислом демократия”си ғоясини Покистонда тарғиб этди. Унинг ғоялари Покистонда Али-Хон, Айюб-Хонлар даврида қонунчиликка жорий этилди. Кейинчалик Иқболнинг ғоялари Покистонда И.Х.Курайши каби исломшунос олимлар томонидан янада ривожлантирилди.

Бизнинг фикримизча, XX аср охири XXI аср бошида Исломдан ажраб чиққан ва дунёда “ягона халифалик” давлатини орзу қилган “Алқайд”, «Хезби таҳрир» каби қўплаб оқимлар ўзларининг зўравонликка, терроризмга асосланган ҳаракатлари билан анъанавий исломга катта путур етказдилар.

Афғонистонда илдиз отган “Толибон” лар ҳаракати ва бошқа барча террорчиликни қўллаган “Исломчилар” Овropa ва Америка мамлакатлари

халқлари орасида Исломга нисбатан эҳтиёткорлик, ҳадиксираш билан қарашга сабаб бўлди.

Ньюрк шаҳрида 2002 йил 11 сентябрда юз берган қонли террорчилик (бугунга қадар кимлар ва қайси кучлар томонидан содир этилгани аниқ бўлмасда) АҚШ бошчилигида антитеррорчилик халқаро ҳаракатни Афғонистон, Ироқда ҳарбий куч орқали давлат тўнтариши ўтказилди ва бу давлатларда демократик давлат ўрнатиш учун ҳаракат қилинмоқда.

Демократия билан авторитар режимлар ўртасидаги кураш глобаллик хусусиятига эга бўлди. Бир томонда дунёда демократияни ҳимоя этиб, унинг ёйилишига ҳомийлик қиладиган куч бўлса иккинчи томонда унга қарши террорчилик ҳаракатини қўллаб қувватловчи кучлардир. Улар ўртасида мурасага келтириб бўлмайдиган антогонизм бугун дунёнинг айрим давлатларида беғуноҳ одамларнинг қонларини тўкилишига сабабчи бўлмоқда.

Бугун буюк давлатлар ўртасида дунёни қаётадан тақсимлаб олиш учун кураш кескинлашган ҳамда келажакда қайси йўлдан боришларини аниқ таъсаввур қила олмаган кучлар АҚШ, Россия каби давлатлар шаҳарларида қонли террорчилик ҳаракатларини содир этаётган бир шароитда барча давлатларнинг бошини бир жойга бирлаштирган БМТнинг фаолиятида ҳам оғир кунлар келганга ўхшайди. Унинг қарорларига, талабларига юқоридаги қарама-қарши кучлар баъзан қулоқ солсалар, баъзан солмай қўяётганга ўхшайди.

Бизнинг фикримизча, прогрессив кучлар олдида дунёда, тинчликни таъминлаб қолишдек улуғвор ишда барча катта-кичик давлатлар ва халқларни ўзаро бир мурасага келтириш учун ягона бир мафкурага бирлаштиришдек муштарак масала ҳар қачонгидан ҳам зарур кечиктириб бўлмайдиган вазифа бўлиб, турибди.

Бу мафкура албатта, инсонлар томонидан турли цивилизациялар жараёнида яратилган кўпнинг фаровон ҳаётига хизмат қиладиган ғоялар, таълимотлар мажмуасидан иборат бўлиши керақдир.

## Ҳоразмшоҳлар сулоласи

Султон Муҳаммад Ҳоразмшоҳ Чингизхонни юриши ҳақидаги хабарни у Ироқи Ажам-мулкида эшитади. У энди давлатининг Шарқий ўлкаларида тартиб ўрнатиб, Жанубий-Фарбий ўлкаларда бебошлик қилаётган бекларни, хонларнинг қаршиликларини бостириб, давлатни мустаҳкамлаш билан машғул эди. Душмандан хабар топгандан кейин у тайёргарлик кўришга киришади. Нишопурга келиб бир ой туриб қолади. У ердан Бухорога боради. Бухорода ҳам бир неча кун тўхтаб дам олиш баҳонасида майишат билан машғул бўлади. Бухородан Самарқандга боради. Самарқандда ҳам дам олиш билан машғул бўлади. Мўғулларнинг келаётганликларидан хабар топиб, Самарқанддан чиқиб, Жанд томон юради. Йўлда Жўжини катта лашкар билан келаётганлигини эшитиб, яъни орқага Самарқандга қайтади. Самарқандликларни огоҳлантириб, қолган лашкарларни тўплаб, яна Жанд томон юради.

Султон мўғулларга қараб юрар экан йўлда сон-саноксиз ўлдирилган одамларни, вайроналарни кўради. Улар ўликлар орасида тирик қолган бир кишини топадилар. Ундан маълум бўладики, Жўжи Макрит подшоҳи Тўқбуғон ибн Тўқтобеги билан жанг қилган ва ғалаба қилган. Султон Жўжи ортидан юриб, эртаси куни унинг билан тўқнашади.

Султон Муҳаммад Ҳоразмшоҳ ўз лашкарларига Жўжи устига хужум қилишни буюради. Жўжининг лашкарлари Султонникига қараганда анча оз бўлади. Жанг қаттиқ бўлади. Кеч бўлганда Жўжи Чингизхон томон қочади ва бўлган воқеани унга сўзлаб беради.

Тарихий маълумотларга қараганда, Султон Муҳаммад Ҳоразмшоҳ лашкарларининг сони тўрт юз мингдан кам бўлмаган. Султон душманнинг йўлини тўсиш ўрнига лашкарлардан ўнг минг ўтрорга Фойирхонга мудофа қилиш учун, 30 минг лашкарни Бухоро мудофасига, 110 минг лашкарни Самарқандда қолдириб, ўзи Нахшаб томон кетади. Бир чопарни Ҳоразмга жўнатиб онаси Туркон хотунга бошқалар билан ҳазина-ю қамматбаҳо

нарсаларни олиб Мозондаронга кетишини топширади. Бу хабардан барча одамлар хабардор бўладилар. Онаси Туркон хотун ўғиллари ва хазинани олиб, Мозондоронга кетади.

Султон мўғулларнинг юришлари жиддийлигини тушунган бўлса керак. Унинг кўнглига ғўла-ғула тушади. Чингизхон билан учрашишга афтидан юраги дов бермаган. У яқин амирлари билан маслахатлашганда фикрлар турлича эди. Аксарияти Мовароуннахрни қўлдан кетганлиги ва қолган кучларни Амударёдан нариги соҳилга ўтказиб, мудофага ҳозирлашини таклиф этади. Бир гуруҳ кишилар Ироқ томон кетиб, тайёргарлик кўриш керак деса, бошқа бир гуруҳ Ҳиндистон томон кетиш кераклигини маслахат берадилар. Султон Ироқ томонга боришни маъқул кўради. Ироқда унинг ўғли Султон Рукниддин бошчилик қилар эди. Ўша вақтда иккинчи ўғил Жалолиддин Султон Муҳаммад шохнинг ўзи билан бирга эди. Отасининг Ироқ томон кетишидан хабар топган Жалолиддин бу фикрга қўшилмаслигини билдириб шундай деган: “Агар Султон Ироққа кетадиган бўлса, лашкарларини менга қолдирсин. Мен эса Жайхун дарёси бўйида тургум. Дарёнинг ул томонини (мўғуллар) эгаллаган бўлса, бу томонга ўтказмагайман, монёлик қилурман. Энг тўғри йўл шу”. Султон ёш ўғлининг гапларига эътибор бермади. Уни қўллаб қувватламади.

Султон амирлари орасида иккиланиш ҳатто сотқинлик, хоинликлар бошланади. Масалан, Султон хизматида бўлган Бадриддин Мирж Султон Чингизхонга махфий хат ёзиб юборганди. Хат қўлга тушади ва ошкор бўлади. Бир тўда амирлар кечаси Султонни ўлдиришга қасд қиладилар. Султон хабар топиб тирик қолади. Жанг бўлмасданоқ Султон тарафдорлари, лашкарлари орасида парокандалик бошланган эди.

Биз Султоннинг тушкунликка тушган йиллари ва аввалда Турон, Эрон ва Ироқда энг катта обрўга сонсиз-саноқсиз лашкарга, бойликка эга бўлгани ҳамда халқлар орасида Искандарий Соний лақабини олган умрининг охирида кўркувда, ваҳима ва восвосларда Ватандан, бойликдан, фарзандлардан жудо бўлиб, қувғинда ўзга юртларда кафангадо бўлиб ўлганлиги тарих

саҳифаларида ҳикоя қилингани учун масалани шу ерда тўхтатиб, ўз хулосаларимизга ўтамиз.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг давлати, лашкари, обрўси Чингизхонниқидан устун бўлса бор эдики кам эмас эди. Султоннинг фожиаси шунда эдики, у охириги йилларда шухратпарастликка, майишатга, манманликка берилган эди. У Ғойирхон каби бегуноҳ савдогарларнинг молларини талон-тарож қилган мансабдорлар маслаҳатига эргашган. Содик Жалолоддин каби фарзандлари ва амирларининг таклифларига кулоқ солмаганлиги оқибатида унинг саройида соғлом фикр ўрнига фитна, иғво, сотқинлик, хоинлик авж ола бошлаган эди.

Султон Шарқдан бегуноҳ савдогарларининг хунини талаб қилиб, барча кучларни жаму-жам қилиб, Жўжи, Чикатой каби ўғилу, амирларини лашкарларига бошлиқ қилиб, Шердек Турон томон ҳамла қилиб келаётган душманни кучига ҳам баҳо бераолмади. Уни даф этиш учун барча кучни марказлаштириш ўрнига уларни бўлиб, тарқатиб, ўзи мамлакатини тарқ этди. Бу эса ўз навбатида душманга осонлик билан барча қала, шаҳарларни босиб олиши ва уларни талон-тарож қилиб, одамларини ўлдириб, қуллик асирга олиш учун имкон берди.

Бу нафақат Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ, унинг оила аъзоларининг бахтсизлиги, балки бутун туронийларнинг бошларига келган фожа эди.

## Чингизхонни Туронга юриши ва Чигатой улуси

Мўғулхон. Мўғулхон ибн Алмужаннахон ибн Куюкхон ибн дибадкуйхон ибн Ёфас ибн Нуҳ алайҳиссалом.

Тарихий китобларда мўғулларни туркийларга боғлаш ёки тотар-мўғуллар ёки Бобур, Амир Темурларнинг ҳам мўғулларга, уларнинг маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақида фикр мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Бугунги кунда Чингизхоннинг туғилган кунини нишонлаш билан боғлиқ Россияда чоп этилган мақолаларда, ахборотларда у ўзбеклар, аниқроғи, туркий халқларга алоқадорлик масаласи кўтарилаётганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам биз мўғуллар, Чингизхон ва унинг Ўрта Осиёга юриши ҳақида тарихий манбаларга асосланган ҳолда ўз фикр ва мулоҳазаларимизни билдиришга журъат этдик. Айтиш лозимки, ушбу мураккаб масалани холисона ёритишда асосий манба сифатида Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асос этиб олинди. Мўғулларнинг шўъбаси тўққизтадир. Шунинг учун ҳам мўғуллар ҳаётида тўққиз сони муҳим аҳамият кашф этган. Уларнинг биринчи шўъбаси Мўғул исмли шахсдан бошланган ва сўнгги тўққизинчиси эса Элхон исмли шахс бўлган. Мўғул, Қорахон, Ўғизхон, Кўнхон, Ойхон, Юлдузхон, Менглихон, Тенгизхон, Элхон.

Мўғулхондан тўрт ўғил қолади: Қорахон, Урхон, Кўзхон, Авурдахон. У дунёдан ўтгандан кейин ака-укалар ўзаро келишган ҳолда катта акалари Қорахонни ўзларига хон этиб сайлашади. Қорахон ота тахтига ўтирганда унинг қавми (мўғул юрти) Қорақурумда икки тоғ: Артоқ ва Қартоқ оралиғида жойлашган эди.

Ривоятларга қараганда, мўғуллар ўз фикрлари ва яқинларига нисбатан шафқатсиз, қаттиққўл бўлганлар. Уларда дин деярли бўлмаган. Унинг хотини бир ўғил кўради. Айтишларича, чақалоқ онасини уч кеча-кундуз эммаган. Она туш кўради ва тушида ўғли уни мусулмон бўлмаганича, Оллоҳни танимагунингча эммаслигини айтади. Она унинг талабини бажарганидан кейин у овқатланган. Мўғулларнинг одатларига кўра, болага бир ёшгача исм

қўймаганлар. У бир ёшга тўлганда Қорахон меҳмонларни таклиф қилиб, зиёфат беради. Хотинидан боланинг исмини нима деб қўямиз деб сўраганда, бешикдаги бола менинг исмим “Ўғиздир” дейди. Буни эшитганлар таажжубланиб, бир ёшдаги чақалоқни гапирганидан ҳайратланади-лар. Ўғизхон балоғат ёшига етганда отаси уни иниси Ўрхоннинг қизига уйлайди. Ўғизхон қизни мусулмон бўлмаганлиги сабабали ёқтирмайди. Уни отаси иккинчи амакиси Кўзхоннинг қизига уйлантиради. У қизга нисбатан ҳам Ўғизхон аввалгидек муносабатда бўлади. Ўғизхон ўзи севиб учинчи амакиси - Ўрхоннинг қизига уйланади ва тинч-тотувликда ҳаёт кечиради.

Қорахон ўғли Ўғизхон овдалигида тўй тантаналарини бошлаб юборади. Тўйга келган келинлари (Ўғизхоннинг хотинлари )кўз ёш этиб Қорахонга келин бўлиб, унинг урф-одатидан бошқасини, яъни мусулмончилигини қабул қилмаганликлари учун ўғли Ўғизхон қарши эканлигини тушунтирганларида Қорахон дарғазаб бўлади. У аскарлари билан овдаги ўғли Ўғизхон билан жанг қилади. Жанг жуда қаттиқ ва шафқатсиз бўлади. Ота ва ўғил ўртасидаги шафқатсиз жанг отани ўлими билан тугайди ва Мўғул элига Ўғизхон хон бўлади.

Ўғизхон Султонлик сулоласига асос солди. У хитойдан, татар-Мўғулларгача, Самарқанд, Бухоро шаҳарларигача бўлган катта ҳудудда давлат қуради. Бу ерларда яшаган халқларни мусулмончиликка даъват қилди. Қонунчилик ва давлат интизомни ўрнатди. Кейинчалик у Эрон ва арабга ҳам юриш қилади. Кўплаб мамлакатларни ўз тасарруфига киритган. Давлатни марказлаштирган давлат бошлиғи эди. Унинг номи билан кўп воқеалар боғлиқ бўлиб, олиб борган ишлари ҳақида халқлар орасида кўплаб афсоналар, ривоятлар мавжуддир.

Чингизхон (Темучин) нинг отаси Ясугай баходир эди. Унинг Темучиндан бошқа яна тўрт ўғли бор эди. Жўжи, Қасор, Қочғун, Ўнчи бундан ташқари бошқа хотинларидан ҳам ўғиллар бўлган.

Ясугай 562 ҳижрийда оламдан ўтади. Темучин 13 ёшда бўлади. Ота ўлгандан кейин татар ва мўғул қавмлари гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўзаро низода

бўладилар. Натижада давлат заифлашади. Марказий ҳокимият учун кураш кескинлашади.

Тойчуит, Қўнғирот, Барлос, Урхон, Жожирот қавмлари бирлашиб, вояга етган мўғулларнинг сардорлигига даъвогарлик қилаётган Темучинга қарши жанга отланадилар. Темучинга ўз тарафдорларини охтариб, ўша замонда машхур бўлган Кериит қавмининг хони Ўнхон билан яқинлашади, унинг ишончини қозонади.

Ўнхон қавмлари бошчилигида Темучин тарафдорлари бир тараф бўлиб, уларга қарши эса Тойжуит, Салжуит, Қўнғирот, баҳрин, Дўрмон, Макрит, Жожирот, Жалойир, Тотор, Уйрот, Буркин, Қайкин ва бошқалар ўз одатларига кўра жанг қилишга қасамёд қиладилар. Улар қасамларида От, Хўкиз, Ит келтириб сўйишади ва барчаси агар жангни тарк этсалар ана шу ҳайвонлар каби сўйилишга (қурбон) бўлишга тайёр эканликларини кўрсатадилар.

Ўнхон билан Темучин уларнинг урушга тайёрланаётганларидан хабар топадилар ва жангга отланадилар. Ўртада қаттиқ жанг бўлиб, ҳар икки томондан талофотлар катта бўлади. Оқибат-натижада Ўнхон ва Темучиннинг қўллари баланд келиб уларни ўзларига бўйсундирадилар.

Темучин Ўнхон хизматида 18 йил бўлади. Унинг душманларига қарши мардоновор жанглар олиб боради. Ўнхон уни ўз фарзанди қаторида кўради. Кўп илтифотлар кўрсатади. Аммо саройдаги айрим кўчлар ёш Темучиннинг обрў-эътиборининг тобора юксалишидан хавотирланадилар. Улар турли иғво ва уйдирмалар тўқиб, Ўнхоннинг ўғли Шингунни Темучинга қарши бўлишига муваффақ бўладилар. Натижада Ўнхон ва Темучин ўртасида низо келтириб чиқарадилар. Иғво натижасида ота-бола тутунганлар Ўнхон билан Темучин ўртасида жанг бўлиши муқаррар бўлади. Жангда Темучиннинг асосий маслаҳатчиси Қарочор Нуён эди. У кўп доно, тадбирко ва билимдон киши бўлган. Масалан, Қарочор Нуённинг таклифига биноан жангда қатнашганларнинг рўйхати тузилади. Уларнинг кўрсатган қаҳрамонликлари тақдирланади. Тархонлик жорий этилади. Тархон эгаси шундай одам бўлганки у барча солиқлардан озод ва эркин. У қандай ўлжага эга бўлса тўлиғича уники

бўлган. Жиноий жавобгарликка тортилмаган, эркин бўлган. Дастлабки Тархон унвонини олган ёш Темучин ва унинг Ўнгхон ўғли ифвосидан огоҳ этганлар бўлган. Жангда Ўнгхон ўлдирилади. Ўғли эса Шингун қочиб Кошғар томонда хорлик ва зорликда ўлиб кетади. Темучин Кериит юртини ўз тасарруфига ўтказди ва унинг номи янада улуғланади.

Темучин ўз ватанига зафар билан қайтганда барча мўғул қавмлари уни табриклаш ва ўзларининг шоҳи этиб сайлаш учун Найман мавзеёига тўпландилар. 49 ёшлик Темучин барча мўғуллар шоҳи этиб сайланди. Найман ҳокими Найманхон бундан хабардор бўлиб, норози бўлади. Темучинга қарши иттифокдошларни излашга ва лашкар тўплашга киришади. Ҳижрийда 600 й. Наймонхон билан Темучихон ўртасида жанг бўлади. Наймонхон ва унинг тарафдорлари жангда енгилиб қатл этиладилар.

Темучихон Наймонхонга қарашли барча қавмлар ва ерларни ўзига қўшиб олгандан кейин Макрит қавми шоҳи Тўқтобеки билан жанг қилишга тўғри келади. Унинг ерларини ҳам ўзига қўшиб олади.

Ўғизхондан Элхонгача яна бирқанча хонлар ҳукмронлик қилганлар. Ва, ниҳоят Элхон хонлик қилган вақтда Фаридидуннинг ўғли Тур жуда катта сонли армия билан Туронга юриш қилади ва Элхон билан тўқнашади. Натижада оғир курашлар, жанглардан сўнг Элхон давлати Тур томонидан босиб олинади. Бу ерда айрим тарихий манбаларда наоникликка йўл қўйилганга ўхшайди. Тур барча туркий халқларнинг отаси ўзидан анча кейин подшолик қилган Элхон билан жанг қилган дейилган. Барча ғалабалардан кейин Темучинхоннинг номи, шуҳрати атрофга тарқалади. Уни барча яқин ва узоқдаги қавмлар тан оладилар. Бундан мағрурланган Темучи хижрийнинг 602 йил ражаб ойида Қурултой чақиришга фармон беради. Қурултойга катта тайёргарлик кўрилади. Яқин атрофдан кўплаб меҳмонлар, вакиллар келадилар. Қурултой куни Темучин хон тахтда шоҳона ўтиради ва барча келганлар ўз мансаб ва мавқеларига кўра тахт остидан жой оладилар. Катта тантана маросими бўлиб ўтади. Мирзо Улуғбек ушбу Қурултойни тавсифлар экан бир қизиқ воқеани келтиради. Ўша замонда бир киши бўлган экан уни мўғуллар

“тибб тангри”, ўзбеклар эса “Ялонғоч ота” деб атаганлар. У Ялонғоч ҳеч ким билан алоқа қилмасдан яшар экан. У ҳам Қурултойга кириб келиб, бундан буён сени Темучин эмас Чингизхон деб аташ керак дейди. Ва, унинг таклифи қабул қилинади. Чингизхон дегани туркийда хонларнинг хонидир. Демак 602 йил (Ҳижрийда) биринчи Қурултойда Чингизхон деган улуғ унвонга сазовор бўлди. У жаҳонгарлик ҳис-туйғуларида ўз давлатининг чегараларини кенгайтириш орзуларида бўлгани шубҳасиздир.

Жаҳонгирлик шавқ-завқи орзусида Чингизхон кўп ўтмай кўшни мамлакатлар томон лашкар тортишга қарор қилади. Буёруқхон Наймонхоннинг укасига қарши уруш бошлайди. Ундан кейин Макритликларнинг подшоҳи Тўхтобеки, Наймонхон ўғли Кушлуххон ва Уйрот, Қорлиқ, Уйғор қавмлари устига юриш уюштиради ва уларнинг ҳаммасини ўз тасарруфига киритади.

Уйғурларнинг шоҳи Идиқут деган исмли шахс бўлади. Тарихда унинг доно сиёсати, яъни Чингизхон тарафини олиб, унинг душманларига қарши курашганлиги ва уни Чингизхон хузурида кўп иззат ва ҳурматга сазовор бўлгани ҳақида ёзилган.

Идиқут шунчалик Чингизхоннинг ишончига сазовор бўладикки, хон уни ўзига Курагоний, яъни куёв қилади. Қирқ кечаю-кундуз тўй беради.

Чингизхон икки йил давомида Хитой мамлакатининг шаҳар ва ерларини босиб олади. Хитой шоҳи Олтонхон бўлиб, унинг пойтахти Хонбалиқ шаҳри эди. Олтонхон аввалида ўз яқинлари билан маслаҳатлашиб, Чингиз билан тинчлик сулҳини тузади. Кейинчалик Хитой билан мўғуллар ўртасида яна жанглар бўлиб ўтади. Олтонхон танглик аҳволдан илож топа олмасдан заҳар ичиб ўлишга мажбур бўлади. Хитой мамлакати ҳам Чингизхон империясининг бир қисмига айлантирилди.

Чингизхон империясининг сарҳадлари Хоразмшоҳ давлатининг чегараларигача етиб келган эди.

Чингизхоннинг оиласи катта бўлган. Унинг ички ўрдасида беш юздан ортиқ хотинлари, чўрилари бўлган. Уларнинг аксарияти хонлар, беклар ва

қавм бошлиқларининг қизлари, хотинлари бўлган. Улар орасида беш нафар хотинлари алоҳида ўрин эгаллаганлар. Қўнғирот подшоҳининг қизи Бўрта Кўчин, тўнғич ўғлининг онаси. Олтонхон Хитой шоҳининг қизи Ганжур, Найман подшоҳининг қизи Гўтари Сузун, Човуктунинг қизи Бесулун ва ниҳоят, Тойир усуннинг қизи Қўлонлар эди. Аммо шу беш хотинлари орасида энг каттаси ва мартабалиси Бўрта кучин эди. У Шоҳдан беш қиз ва тўрт ўғил кўрган. Туркий қавмлардан бири ҳисобланган Қўнғирот подшосининг қизи Бўрта кучи Чингизхон хотинлари орасида етакчи роль ўйнагани ва унинг энг тўнғичи ўғлининг онаси ҳам Бўрта кучи эканлиги характерлидир.

Чингизхоннинг жами ўғиллари тўртта бўлган: Жўжихон, Чиғатойхон, Ўқтойхон, Тўлихон. Уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида вазифалар тайинланган эди. Масалан, Жўжихон базму шикорни (овни) ўтказишга, Чиғатойхон эса Ясов ва бурғу чолишни ташкил этиш, лашкар иши билан шуғулланиш, Ўқтойхон эса мамлакатда ўтказиладиган тадбирларни амалга оширган, Тўлихон эса сарой аҳли ва амалдорларнинг муҳофазаси масалалари билан шуғулланган. Бу тўрт ўғилдан бошқа яна бошқа хотинлардан беш ўғли бўлган.

Чингизхон мамлакатни ўғиллари, набиралари ва яқинлари орасида тақсимлаб, уларнинг барчасини ҳукмдорлик даражасига кўтарди. У ўз фарзандлари, қариндошлари ўртасида муроса ва мадора билан ўзаро ҳурмат қилиш қоидалари ва муносабатларини ўрнатади. Уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор беради. Нақл этишадикки, Чингизхон кексайган йилларида ҳокимиятни ўғилларидан бирига топшириш мақсадида ҳаммасини бир ерга тўплаб, уларнинг кўз ўнгида бир ўқни олиб синдиради, яна иккинчи ўқни ҳам олиб синдиради. Шундан кейин бир нечта ўқни жамлаб синдира олмайди. Уни ўғилларига ҳам берганда улар ҳам синдира олмайдилар. Шунда ўғилларига қараб шундоғ деган экан: “Бу ўқлар мисли сизларнинг ҳар бирингиз. Агар сизлар ҳам иттифоқ, бир-бирингизга суянчиқ бўлсангиз, ҳеч кимнинг қўли сизлардан устун бўла олмайди ва енга олмайди. Яна сизлардан бирингизни подшоҳликка тайинламоқчиман. Унга ҳаммангиз яқдиллик, бирсўзлик,

якжихатлик билан фармонбардор ва тоъбелик кўрсатмоғингиз лозим. Токи орангизда душманлик йўл топмагай, душманлар устингиздан зафар топа олмагай. Ким подшоҳингиз бўлишига келганда, ҳар бирингиз бўла оласиз. Ҳақиқат юзасидан барча фарзандлар ва хешлар молу мулкига шерик бўлмайди”. Ушбу сўзлардан Шарқда асрлар давомида шаклланган монархия шаклидаги давлат шаклини отадан болага мерос тариқасида ўтишини кузатамиз. Ўғилларининг ҳаммаси ҳам тахтга эгаллик қилиш ҳақиқага эга бўлишидан қатъий назар улардан бири бўлиши керак бўлади. Чингизхон ҳам ташвишланиб, ўғилларини бирликка, ҳамкорликка даъват қиладики, кўплаб империяларнинг фожиаси ана шу фарзандлар орасидаги ҳокимият учун кураш эди. Чингизхон буни тажрибада кўплаб синаб кўрган шоҳ эди.

Албатта, Чингизхон дунёда ҳукумронлик қилиш мақсадида кўплаб мамлакатларни, айниқса, Туркистонни унинг шаҳарларини хонавайрон қилган, минглаб одамларни қатли ом қилган ҳукмдор эди. Аммо унинг номи тарих саҳифаларида енгилмаган буюк саркардалар қаторидан жой олганлиги ҳам ҳақиқатдир. Унинг қанчалик биз ўзбекларга ёки қозоқларга яқинлик масаласига келганда шуни айтиш керакки, агарда биз Одам Ато ривоятига асосланадиган бўлсак у ҳолда Чин ва Мочин халқлари каби мўғуллар ҳам туркийларга келиб тақалади. Аммо биз жўғрофик жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак мўғуллар жуда қадим замонлардан ўзлари алоҳида бўлиб, мустақил турмуш тарзига, тилга, динга ва қонун-қоидаларга асосан яшаган қавмлардир.

Чингизхон ва унинг Туронга юриши масаласида шуни айтиш керакки, унинг ўзи ҳам Қўнғирот подшоҳининг қизига уйланганлиги ҳамда унинг кўплаб аскарлари Олтин Ўрда туркий халқларнинг қизларига уйланганликлари ва уларнинг динларини (исломни) қабул қилганларини эътиборга олиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари унинг кўп сонли лашкарларининг аксарияти туркий халқлар, қавмлар фарзандларидан иборат эканлигини ёддан чиқармаслик керак.

Чингизхон Бухоро, Самарқанд каби Моварауннахр шаҳарларига бостириб келганда Туркистонда Мўғулистондан кўра юқори маданият билан юзма-юз бўлади. Ва, кейинчалик мўғул ҳарбийларининг аксарияти маҳаллий маданиятни қабул қилиб, ерли халқларга қўшилиб, чатишиб кетган эди.

Чингизхон даврида мўғуллар асосан кўчманчи ҳарбийлашган ҳаёт кечирган. Уларда кўпроқ оғзаки ижод ривожланиб, ёзма хат ривожланмаган эди. Шу сабабли Мирзо Улуғбек ўзининг “Тўрт улус тарихида” қонун-қоидаларни ёзма баён этиш учун уйғурларнинг ёзувини ўрганадилар деган фикрни тўғри баён этади.

Чингизхон жуда катта ҳудудда ўз ҳукумронлигини ўрнатгандан кейин Империяни идора қилиш масаласида ўзининг қонунларини жорий қилди. Уни тарихда “Ясо” қонунлар мажмуаси деб юритадилар. Амир Темур ҳам тузукларида ана шу “Ясо” дан ўғриларни, қароқчиларни жазолашда фойдаланганлигини ёзган.

Чингизхоннинг улуғлиги шунда эдики, у барчани фарзандлари, лашкарлари, хонлару-беклардан “Ясо” нормаларини оғишмай бажаришларини талаб қилди. Ким бўлишидан қатъий назар ўзи жорий этган “Ясо”ни бузса қаттиқ жаъзолаган. Бугунги тилда айтадиган бўлсак, қонун устуворлигига амал қилган ва ўзи бунда ўрнатилган бўлган. Тарих саҳифаларида хабар берилишича, Чингизхон бирор-бир диннинг таъсирида ёки қарамоғида бўлмаган. Бирор бир миллатни бошқасидан устун ҳам билмаган. У ҳамма халқларнинг Олиму-уламоларини, динларини ҳурмат қилган, уларни ўз эътиқодларича яшашларига қаршилиқ кўрсатмаган.

Чингизхон улкан мамлакатда маъмурий тартиб қоидаларини ўрнатди. Ҳар бир қишлоқ, шаҳар, маҳалла, вилоят бошқарувлари, идоралари жорий этилди. Солиқлар олиниши тартиби қатъий белгиланди.

“Ясо” ушбу қоидалар қонун даражасига кўтарилган. Фармон ва фармоишлар, мактублар ниҳоятда қисқа бўлиб, мавҳум сўзларга ўрин берилмас эди. уларда қисқача мақсад ва ундан кўзланган муддаолар баён

этилган. Чингизхоннинг ушбу хислатлари албатта, буюкликдан далолат беради.

Мўғулларда урф-одат нормалари ҳам кенг кўламда амал қилган. Масалан, улар ов қилишга катта эътибор берганлар. 20 кун, 30 кун ҳатто ундан ҳам узоқ муддатларда кўп сонли мўғуллар катта ҳудудда ов ўтказганлар. Халқасимон тартибда ёввойи ҳайвонлар марказ томон ҳайдаб, бир-бирларига яқинлашганларида қўлларини ушлаб, елкаларини туташтириб, ораларидан ҳайвонларни ўтказмаганлар. Кимда-ким ўтказиб юборса у жазоланган. Ҳайвонлар бир ерга тўпланганда аввал уларнинг улуғлари, раҳбарлари отларда овга киришган. Шу тартибда бошқалари ҳам навбат билан иштирок этган. Овдан кўзланган мақсад фақат ов бўлмасдан ҳарбий мақсадларда одамларни чиниқтириш, ҳушёрликка ўргатиш. Отларда йиртқич ҳайвонларга ҳужум қилиш орқали аскарларни жасоратли, чакқон бўлишга ўргатишдан иборат бўлган.

Чингизхон шундай тартиб ўрнатдики, ҳар бир жангчи камончи, шамолдек ҳамла қилувчи, унинг кўмондонларининг топшириқларини бажариш қатъий бўлган. Эҳтимол ана шу тарбия ва тартиб Чингизхон ва унинг лашкарларига зафарлар олиб келгандир. У шундай қаттиқ интизом ўрнатадики, бирор киши рухсатсиз бир жойдан бошқа жойга ўз билгича ўта олмаган. Ўзига юклатилган вазифадан бошқасига аралашмаган. Мабода қоидага, тартибга ҳилоф иш қилинадиган бўлса кўпнинг ўртисида жазоланган. Жиноятга нисбатан жаъзо муқарар ва шафқатсиз бўлган. Шунинг учун ҳам бирор бир кимса ўзидан каттага қўл кўтаришга журъат этолмаган.

Чингизхон Мўғулистон, Хитой мамлакатларини қўлга киритиб, Шарқда ягона ҳукумрон даражасига кўтарилганда Шарқий Туркистонда Болосоғун шаҳри атрофида Самарқанд қамали (536 хижрийда) Қорахитой подшоҳи ҳаракат қилади. Қорахитойлилар ўз подшоларини Гурхон деб атаганлар. Гурхон, Балосоғун, беш балиқ, қирғизлар мамлакатини қўлга киритиб Самарқандни қамал этган эди. Бу пайтда нафақат Туркистон араб, Эронда номи чиққан Ҳоразмшоҳ Султон Муҳаммад эди. Унинг доврўғи,

лашкарларининг сони, бойлиги, қудрати Чингизхонниқидан кўп бўлса бор эдики, кам эмас эди. Шарқий Туркистондаги вақеалар, айниқса қорахитойлиларнинг Самарқандгача келишлари уни ташвишлантирар ва давлатининг Шарқий сарҳадларини мустаҳкамлаш мақсадида қорахитойлиларга қарши юриш қилади.

У сон-саноксиз лашкар билан Бухорога ундан Самарқандга келади. Самарқанд валийси Султон Усмон уни кутиб олади. У Султон Муҳаммаднинг Хонсултон исимли қизига уйланиш мақсадида фотиҳа ўқитади. Биргаликда Гурхонга қарши юриш уюштиришади.

Гурхон тароздан туриб, лашкарларининг бошлиғи, сардори Тоянгуга жангга ҳозирланишини буюради. Жанг бўлади ва Муҳаммад Хоразмшоҳнинг кўли баланд келади. Ана шу жангдан кейин у Искандарий Соний лақабини олади. Ўтрорда ҳам тартиб ўрнатиб, ҳокимини алмаштиради. Муҳаммад Хоразмшоҳ Шарқий сарҳадларни мустаҳкамлаб, Хоразмга қайтади.

Қорахитой Муҳаммад Хоразмшоҳ давлатининг Шарқиға хафв солиб, Самарқандга хужумлар уюштиради. Қорахитой (Гурхон) билан Муҳаммад Хоразмшоҳлар ўртасидаги ҳал қилувчи жанг муқаррар эди. Икки томондан кўп сонли лашкарлар ўзаро тўқнашиш ҳолатида турганда. Султоннинг хизматидаги Кобуджома Испаҳбеги ва Самарқанд шихнаси Бўртана бир-бири билан келишиб, Султонга қарши курашга аҳд қиладилар. Улар яширин Гурхонга чопар юбориб, жанг куни Султон Муҳаммад Хоразмшоҳга қарши чиқишларини билдирадилар. Эвазига Гурхон Хоразмни Бўртанага, Хуросонни эса Испаҳбегга беришни ваъда қилди. Жанг бошланади. Ҳар икки томон ҳам катта талофатлар кўриб, лашкарлар тузиб кетади. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ душман кийимини кийиб, улар орасида қолиб кетади. Султон бир амаллаб Хоразмга қайтиб келади. Қорахитой ҳам қолган лашкарларини тўплаб Балосағунга қайтади. Аммо балосағунликлар Қорахитойликлардан кўп зулм кўрганликлари сабабли шаҳар дарвозаларини беркитиб, уни шаҳарга киришга қўймайдилар. Натижада шаҳар қамал ҳолида қолади. Шаҳар аҳолиси Қорахитой билан олти кун қаҳрамонона жанг қиладилар. Аммо кучлар

нисбати тенг бўлмаганлиги сабабли душман шаҳарга бостириб киради. Уч кечаю кундуз шаҳар аҳолисини қатли ом қилиш билан машғул бўладилар. Тарихдан хабар берилишича, Болосоғун аҳолисининг етти мингдан зиёди қатл этилган. Кўп ўтмай Кушлук найман Гурхон устига бостириб киради ва уни тахтини, молу-дунёсига эгалик қилади. Қорахитой мағлубиятга учрайди. У 95 ёшида вафот этиб, Султоннинг Шарқий сарҳадларига хавф солиб турган душмани Қорахитой ҳукумронлигига чек қўйилади.

Найман подшоҳи Кушлук кўп зулумкор шоҳ эди. У одамларни мусулмончиликдан қайтиб, будпарастликка ўтишни талаб қилган. У кўп сонли лашкар билан Қашғар томон юриш қилган ва у ердаги мусулмонларга жабр-зулм ўтказган. Хутан мулкини ҳам қўлга киритиб, уларни таъқиб остига олади. Қотилхонга қарши Олмалиғ томонда бир Ўроз исмли шижоатли паҳлавон чиққан. У Чингизхонга элчи юбориб Қотилхоннинг қилмишларидан хабардор этади. Ундан ёрдам сўрайди. Кейинчалик ўзи Чингизхон саройига таклиф қилинади. Чингизхон Ўроз билан дўстлашиб, унинг қизини Жўжи ўғлига сўрайди. Ўроз сафардалигида Кушлухон Олмолиқлар устига хужум уюштиради. Ўрознинг ўзи эса овда юрганида ўраб олиниб душманлари томонидан ўлдирилади. Чингизхон унинг ўғли Арслонга бир қизини никоҳлаб берган ва уни Қиёлиғ шаҳрига ҳоким этиб тайинлаган.

Мўғулистонда атрофдаги барча мамлакатлар, халқларни ўз тасарруфига ўтказган, чексиз ҳокимият эгаси Чингизхоннинг доврўғи оламга тарқалган бўлса, Мовароуннаҳрда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг доврўғи, унинг обрў-эътибори араб, ажамда машҳур эди. Султон давлатида шундай тартиб ўрнатилган эдики, деб ёзади Мирзо Улуғбек агар кўзи ожиз кампир қизил олтун тўла тошни бошига қўйиб Машриқдан Мағрибга жўнайдиган бўлса бирор жонзод унга даҳл қилмаган.

Ҳар иккала жаҳонгирнинг ҳам доврўғи оламга тарқалганда уларнинг давлат сарҳадлари туташган, бир-бирига яқинлашган эди. «Икки кўчқорнинг калласи бир қозонда қайнамас» деганларидек уларнинг ўзаро тўқнашишлари

муқаррардек бўлиб қолган эди. Бир баҳона билан ҳар икки империя ўртасида уруш олови аланга олиб кетиши ҳеч гап бўлмай қолганди.

Мўғул Ўрдаларига Мовароуннаҳр савдогарлари Турон ва Эрон шаҳарларидан турли-туман молларни, айниқса, газмолларни олиб бориб, сотишар ва катта фойда кўрар эдилар. Шундай савдогарлардан бир тўдаси Чингизхон Ўрдасига кўп газмол, буюм ва матолардан олиб келадилар. Чингизхон бундан хабар топганидан кейин улардан бирини олиб келган молларидан бир бўлакдан олиб келишини буюради. Олиб келганида ундан буюмларнинг нархини сўрайди. Савдогар ҳар бир нарсасини ўнбаробар қиммат баҳода айтади. Шунда Чингизхон ғазабланиб, бу савдогар бизларда бундай моллар йўқ деб ўйлайдими дея хизматчиларига ўз хазинасидаги буюмларни олиб чиқиб кўрсатишини буюради. Савдогарни молини бўлиб олиб, ўзини зиндонга ташлашади.

Савдогарларнинг иккинчи сардорини таклиф этади. Ундан буюмларини нархини сўраганда у камтарона шоҳ хазратлари ўзлари биладилар деганида унга кўп илтифотлар кўрсатади. У Сардорнинг исми Омад Хўжандий эди. Шундан кейин Чингизхон савдогарларга кўп илтифотлар кўрсатади.

Корачор Ноуен авлод ва хешларидан беш юз нафарини савдогарларга кўшиб Туркистонга юборади. Уларга уч нафар элчи бошчилик қилади. Муҳаммад, Умар, Юсуф эдилар. Элчиларнинг қўлига қўйидаги мазмундаги мактубни беради: “Ул тарафдан бозоргонлар бу диёрга келишди. Уларга қай тарзда эъзоз икром кўрсатилганини ўзлари айтиши мумкин. Улар ўзлари мушоҳада, баён қилсалар керак. Бу томондан ҳам бир мусулмон жамоаси турли молу газлама, мушку чиний тансиқ буюмлар, зару нухра, кўплаб жун кийимлар, жавоҳиру тансуҳот билан ул диёр сари йўналдилар. Бу аҳду паймонда осмону замин эгаси рўйи замин мамлакатларини бизга ва сенга тортиқ қилди. Худо бандалари бориб келишиб, ободончилик билан машғул бўлмоқликлари лозим. бизу сенинг, улар даври султонларининг саховатидан хурсанд ва баҳравор бўлурларки, замон мардуми бизу сенинг дуойи жонимизни қилиб яшайдилар”. (125-бет).

Карвон Туркистоннинг Ўтрор шаҳрига етиб келганда. Бир воқеа юз берадики, у истикболда ҳар икки томон орасида уруш келиб чиқишига сабаб бўлади. Тарихчиларнинг ҳикоя қилишларига қараганда, Ўтрор ҳокими Инолчуқ исмли шахс бўлиб, у Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотунга қариндош бўлганлиги учун Файрихон лақаби билан айтилар эди. Савдогарлар орасида аввалдан Файрихон билан таниш бўлган бир Ҳинди уни одатдагидек Инолчуқ деб атаган. Ҳокимга унинг бундай муомиласи ёқмаган. У ғазабланади ва бегуноҳ савдогарларнинг молларини талон-тарож қилади. Уларнинг ўзларини эса банди қилади.

Файрихон элчиси савдогарлар ҳақида Султонга хабар қилиш учун келганида Султон саройдаги фитналар ва айрим вилоятларда унга бўйсунмаганларни бостириш ва тинчйтиш билан овора эди. Шу сабабдан бўлса керак, у элчини тинглаб кўп мулоҳаза қилмасдан, уларнинг барчасини қатл этишга буюради. Савдогарлар, элчилар қатл этилади. Улардан биттаси бандиликдан қочиб омон қолади ва у бўлган воқеаларни Чингизхонга етказди. Натижада Чингизхон дарғазаб бўлиб, ҳар томонга чопар юбориб, лашкар тўплайди. Бегуноҳ савдогар ва элчиларининг қасосини олиш учун Хоразмшоҳга қарши урушга тайёргарлик кўради.

Чингизхон Туронга юришидан олдин Султон Муҳаммад Хоразмшоҳга қуйидаги мазмунда мактуб ёзиб жўнатади: “Ғазаб тиғини ғилофдан олгин, зеро сен жабру зулм тўхмини экдинг. Олганинг юз қоралик, ўткир қилич захми. Сени ўз юришимдан огоҳ қилмоқчиман. Сен ҳам жанг асбобини ростлагин. Шуни билгинки, мен етиб борурман, кейин ғофил қолибман, деб айтмагин”. (131-бет).

Чингизхон 615 йилда (ҳижрийда) лашкар тўплаб Турон ва Эрон томон юриш бошлайди. Теварак атрофдан хабар топган хонлар, беклар ўз йигитлари билан Чингизхон Ўрдасига оқиб кела бошлайдилар. Улардан Арслонхон қорлиқ қавмининг раҳбари, Идикут бешбалиқ уйғурлари ўз тарафдорлари билан, Шайқуноқ Тегин Олмалиғ укаси билан қўшилишади. Аммо қирғиз

лашкарлари мухолифлик йўлини тутиб, Чингизхонга қўшилишдан бош тортади.

Жўжихон бошчилигида катта лашкар уларга, яъни қирғиз қавмига қарши юборилади. Қирғиз дарёси музлаганлиги сабабли аскарлар осонлик билан ўтади. Қирғизлар яшаётган ўрмонга етадилар ва уларни бўйсиндириб, Жўжихон отаси Ўрдасига ғалаба билан келади.

Ўқтой ва Чифатойлар катта лашкар билан Ғойирхонга қарши юрадилар. Идиқутни улкан лашкар билан бошқа томонга, Улоқ Нўён ва Сангтур ва Букойни бошқа томонга анашундай тартибда амирлари ва ўғилларини турли ўлкаларга юборади. Чингизхоннинг ўзи Тулихон билан биргаликда Бухорога юриш қилади. Бухоро сўзи “Бухоро” (Илм мажмаа) дегани. Бу сўз будда динида будлар хонаси, ибодатхонасига яқин деб юритишади. 617 йилда Чингизхон Бухорога етиб келди ва қаъла атрофида тўхтади. Бухоро амирларидан Кўкхон, Ҳамид ва Севинчлар кечқурун уч минг армия билан мўғулларга қарши жанг қилишга қаъладан чиқадилар. Улар тез орада қриб ташланадилар. Шундан сўнг бухороликлар тинчлик билан таслим бўладилар.

Чингизхон Бухорога кириб келар экан, масжиди жамоа олдида тўхтаб, отдан тушади ва атрофдагилардан султоннинг саройи шуми? деб сўраганда унга бу Оллоҳнинг уйи дейишгани зинада ўтириб, аскарларига қарата саҳрода ўт йўқки, отларни тўйдирсак дея сандиқларни бўшатиб, уларни охир ўрнида ишлатади. Отларнинг жиловини уламоларга ушлатиб қўяди.

Кейин у ердан отда чиқиб, шаҳарликларни тўплаб, уларга қарата гуноҳкор эканликларини, Ҳоразмшоҳ тарафдорларини ҳайдаб, топширишларини ва кимки ушбу фармонга итоат қилмаса ўлишлигини айтади. Бухорони зодагонлари ўз жонларини хонга тиллоларини топшириш билан сотиб оладилар. Аммо бухороликлар орасида ўзаро аҳиллик бўлмасдан бир-бирларини Ҳоразмшоҳ тарафдорларини яширишда айблаб мўғулларга хабар қиладилар. Натижада Бухорода мисли кўрилмаган қатли ом ўтказилади. Шаҳарга ўт қўйилиб, тамоман вайрон этилади.

Чингизхон Туроннинг марказий шаҳри Самарқанднинг доврўғидан, унинг деворларининг мустаҳкамлиги, одамларининг кўплиги ва соқчиларию, лашкарларининг кўплигидан хабардор эди. Бухоро кўлга киритилгандан кейин асосий ҳаракат Самарқандни камал қилиш ва уни кўлга киритишга қаратилади. У катта армия тўплаб, икки-уч Самарқанд шаҳри атрофини айланиб кўради. Учинчи куни Имтиёзхон, Шайххон, Дехлохон, Олотхонлар кўпсонли лашкар билан шаҳардан чиқиб жанг қиладилар. Жанг қаттиқ бўлади. Ҳар икки томондан талофатлар катта бўлади. Кечқурун самарқандликлар бир тўда мўғул жангчиларини асирга олиб, шаҳарга олиб кириб кетадилар. Эртаси куни Чингизхон ўз аскарларига шаҳар дарвозасига яқин бориб ҳужум уюштиришни буюрадики, шаҳарликларнинг ичкаридан ҳужум қилишларига йўл қўймаслик керак, дейди. Шаҳар ичкарасига манжаник, камон, тошлар отиб, ўққа тутдилар. Шаҳарликлар мардонавор жанг қилишларига қарамай, мўғуллардан қутулишнинг иложи йўқ эди. Султон Муҳаммад шоҳ асосий кучлар билан мамлакатни тарк этиб кетган эди. Самарқандликларга ташқаридан ёрдам йўқ эди.

Вазиятни тўғри тушунган шаҳар қозиси ва шайхулислом бир тўда кишилар билан шаҳардан ташқарига чиқиб, Чингизхон ҳузурига борадилар ва ундан шафқат қилишни сўрайдилар. Намозгоҳ дарвозаси очилади, мўғуллар дарвозадан шаҳар ичкарасига кириб келадилар. Кечаю-кундуз шаҳар аҳолисини ташқарига ҳайдаб талон-тарож ўтказилади. Қаршилиқ кўрсатганлар ўлдирилади. Қози тарафдорлари ўлимдан қутулиб қоладилар.

Эртаси куни Олатжон сардорлардан бири шиддат билан жанг қилиб, ўртани ёриб мингдан ортиқ жангчини олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлади. Самарқанд бойлари пул ва тилло билан ўз жонларини омон сақлаган бўлсалар, ўттиз мингдан ортиқ эркаклар танлаб ажратилиб, мўғулларнинг фарзандлари ва қариндошларига қул қилиб бўлиб берилади. Бу воқеалар 617 йилда содир бўлган эди.

Шу аснода мўғуллар Турон шаҳарларини вайрон қилиб, ўт қўйиб, одамларни ўлдиришади. Қолганларини қулликка асир қилиб оладилар.

## Сарбадорлар ҳаракати

Сарбадорлар ҳаракати Хуросон ва Сабзаворда пайдо бўлиб, кейинчалик Мовароуннаҳр ва Самарқандда кенг тус олади. Сарбадорларнинг ҳаракати энг аввало мўғул босқинчиларига қарши қаратилган бўлиб, тарих саҳифаларида миллий озодлик ҳаракати тариқасида қаралади. Мовароуннаҳрда уларнинг озодлик учун ҳаракати Амир Темурнинг ҳокимиятни қўлга киритиш учун олиб борган йилларига тўғри келади. Аниқроғи, Соҳибқирон Самарқандни мўғуллардан қаҳрамонларча ҳимоя қилган ана шу сарбадорлардан олади. Шунинг учун ҳам сарбадорларнинг ҳаракати ва уларнинг сиёсий талабларини ўрганиш сиёсий таълимотлар тарихида жуда катта аҳамиятга моликдир. Аммо, бахтга қарши сарбадорлар ҳаракати тўғрисида маздакчилар, муқанначилар ҳаракати ҳақида ёзилган китоблар, тарихий маълумотлар материаллар бизгача жуда кам етиб келган. Шунинг учун ҳам, уларнинг фаолияти ҳақида батафсил ёзиш мушкулдир. Шу боис мавжуд манбалар асосида, Ўрта Осиё халқлари ҳаёти, уларнинг озодлик, мустақиллик учун олиб борган кураш тарихларида энг муҳим даврни белгиловчи ҳаракат тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларимизни билдирамыз.

Сарбадорлар ҳаракати ҳақидаги манбалардан, энг муҳими бу Фасих Ҳавофийнинг “Мужмали Фасихий” асаридаги маълумотларнинг, ишончилиги ва муҳимлиги шундаки, биринчидан, муаллиф ўша даврда яшаган ва ёзма, оғзаки манбаларни яхши билган. Иккинчидан, Фасих Ҳавофий тарихий воқеликларни жуда катта аниқлик билан ва холис тасвирлаган.

Фасих Ҳавофийнинг фикрига кўра, сарбадорлар ҳаракати Хуросонда, аниқроғи, Сабзаворда (1335-1336 йилларда) бошланади. Бу ҳаракатнинг бошланишини муаллиф қуйидагича тасвирлайди. Сабзавор вилоятининг Боштин қишлоғида икки ака-ука – Ҳасан Ҳамза ва Ҳусан Ҳамзаларнинг уйига чопар мўғуллардан бештаси тунаш учун тўхтаганлар. Улар ака-укадан ўзларининг шаҳвоний нафсларини қондириш мақсадида шароб ва хотин-қизлардан топиб келишни буюрганлар. Ҳасан ва Ҳусанлардан бири амаллаб

шароб топиб келади. Мўғуллар шаробни ичиб, маст бўлишади ва хотин-қизлардан ҳам топиб келишни талаб қилиб, акс ҳолда Ҳасан ва Ҳусаннинг хотинларига тажовуз қилажакларини билдирадилар. Шунда Ҳасан ва Ҳусан бу бебош босқинчилар меҳмондўстлик қоидаларини оёқ ости қилишларига ортиқча чидаб бўлмасликларини билдириб, “Бундай шармандачиликдан кўра, бизнинг бошимиз дорга осилгани яхшироқ” деган хулосага келдилар. Улар қилич билан кириб, маст-аласт бўлиб ётган беш мўғулнинг ҳаммасини чопиб ташлаб, кўчага чиқадилар ва ўзларини бундан буён мўғулларга қарши курашувчи сарбадорлар эканликларини ошкор қилдилар. Боштин қишлоғининг беш ака-ука баҳодирлари бўлиб, уларнинг орасида Абдураззоқ паҳлавон бор эди. Яна бири Масъуд Амин ад-Дин Султон Абусаид хизматида эди. Кунлардан бирида Абусаид ўз саройида хизмат қилаётган бир паҳлавоннинг ёйини торта оладиган яна бирор-бир паҳлавон топиладими, деган саволига Амий ад-Дин "Боштин деган қишлоқда менинг Абдураззоқ исмли акам бор, у бунинг уддасидан чиқа олади", деганда, Абдураззоқ саройга таклиф қилинади. Ва ҳалиги ҳеч кимнинг тортишга кучи етмаган ёйни тортади. Султон Абусаид бундан хурсанд бўлади. Унга кўп мукофотлар бериб, илтифотлар кўрсатади. У кейинчалик яна қишлоғига қайтиб келади. Шу вақтда Хўжа Али ад-Дин Муҳаммад деган ҳукмдорнинг юборган бир одами келиб, мўғул чопарларини ўлдирган ва ўзларини сарбадорлар деб эълон қилган Ҳасан ва Ҳусанларни беришни талаб қилади. Шунда Абдураззоқ унга бориб, ўз ҳукмдорига мўғул чопарларининг ўзлари ахлоқсизлик қилганлари учун ўлдирилганлар, деб тушунтиришини тайинлайди. Лекин унинг ортидан яна Ҳасан ва Ҳусанларни талаб қилиб 100 нафар отлиқ келади. Шунда Абдураззоқ уларга қарши жанг қилади ва бу жангда унинг қўли баланд келади. Фасих Ҳавофийнинг фикрига кўра, Хуросонда сарбадорлар ҳаракати оммавий тус олади. Ва бўлажак жангларга тайёргарлик кўрилади.

Сарбадорлар ҳаракати ва уларнинг сиёсий талабларини яхши ўрганган ва билган шарқшунос олим И.П.Петрушевский ўзининг асарларида (“Движение сербедеров в Хорасане”, с.108). Фасих Ҳавофийнинг сарбадорлар

ҳақидага маълумотларига ва мулоҳазаларига юқори баҳо берган. Унинг китобидаги сарбадорлар ва уларнинг раҳбарлари, давлатлари тўғрисидаги айрим маълумотлар бошқа манбаларда йўқ. Масалан. Фасих Ҳавофий "Сарбадорлар" ҳаракати 1335 йил 21 августдан 1336 йил 9 август ўрталарида Боштинда бошланганлиги ҳақида хабар беради. Абдураззоқ эса Сабзаворни 737 (1336-1337) йил, Абусаид вафотидан кейин эгаллайди ва ҳ.к. Фасих Ҳавофийнинг сарбадорлар тўғрисидаги маълумотлари ниҳоятда қимматли бўлиб, шу масалага оид бўлган бошқа манбалар Ҳофиз Абрунинг "Зубдат ат-таворих" асари ва бошқаларга муҳим қўшимчадир. Мўғул истилочилари томонидан вайронага айлантирилган шаҳарларнинг аҳолиси ҳам доимо озодлик ва мустақиллик орзусида яшар эди. Бу шаҳарларда ҳам вақти-вақти билан босқинчиларга қарши оммавий курашлар бўлиб турган. Айниқса, Самарқанд (1365 й.) мўғулларга қарши кураш марказига айланади. 1365 йилда Самарқанд мўғуллар билан яккама-якка қолдирилиб, унинг ҳукмдори чекинганда шаҳар аҳолиси мадраса талабаларидан бирининг раҳбарлигида шаҳарни душмандан ҳимоя қилади. Ва ҳокимиятни сарбадорлар ўз қўлларига оладилар.

Шарқ давлатчилиқ тарихида жуда кам учрайдиган, яъни мутлоқ монархия давлати ўрнида Самарқандда биринчи бор (1358-1370 йилларда) Темур ҳокимият тепасига келган даврда демократик тамойилларга асосан халқ ҳокимияти ўрнатилди. 12 йил умр кўрган бу ҳокимият биринчидан, мўғуллар асоратидан Самарқандни озод қилган бўлсалар, иккинчидан, омманинг мамлакатни демократияга биноан идора қила олишини исботлади. Сарбадорларнинг Самарқандни ҳимоя қилишларини Абдураззоқ Самарқандий шундай ҳикоя қилади. 1365 йил 22 майда Темур ва Ҳусайнлар Тошкент яқинида мўғуллар билан учрашиб, жанг қилдилар. Улар мўғуллардан талофат кўриб чекинадилар. Амударёдан ўтиб кетадилар. Самарқанд ҳимоясиз қолади. Шунда Мавлонозода исмли мадраса талабаларидан бўлган йигит ўртага чиқиб, атрофдагиларга мурожаат қилади. Унинг сўзларидан сарбадорларнинг сиёсий талаблари кўйилади. У одамларга мурожаат қилиб айтадики, кофирлар

самарқандликларнинг уйларини, молларини талашга келмоқдалар. Одамлардан ўз вақтида солиқларини йиғиб оладиган ва уни ўз билгича харажат қиладиганлар шаҳарни тарк этиб, қочиб кетди. Мусулмонларни кофирлар олдида ҳимоясиз қолдириб қўрқоқлик қилдилар. Сизлар душманга қанчалик ўзларинг учун мол-дунё бермангиз, улар барибир ҳаммангизни кириб ташлайди, қулликка дучор этади. Шундоқ экан, орангиздан ким бизга бош бўлиб, шаҳар ҳимоясига раҳбарлик қиларкин, бизлар ҳаммамиз унга итоат этсак, деганида ҳеч ким индамайди, Шунда у, сизларга раҳбарлик қилсам, менга эргашасизларми? – деб сўраган эди. Барча тўпланганлар рози эканликларини билдириб, шу онда минглаб одамлар қасамёд қиладилар. Ўзларининг сарбадорлар эканликларини билдирадилар. Мавлонозода раҳбарлигида шаҳар аҳолиси ўзини-ўзи қуроллантириб, тажрибали мўғуллар лашкарлари ҳужумидан мудофаа қилишга ўтади.

Аҳду-паймон қилган шаҳар халқи мудофаа ишларини бошлаб юборадилар. Бостириб келаётган мўғуллар эҳтиёт чораларини кўрмасдан, тўғри шаҳарга кириб келадилар. Шунда ҳамма томондан тошбўронга учраган душман 2000 дан ортиқ аскарини йўқотиб, шаҳардан ташқарига чекинишга мажбур бўлади. Эртаси куни шаҳарни эгаллаш учун яна ҳужум бошланади, аммо натижа бўлмайди. Самарқандлик сарбадорлар қаҳрамонларча шаҳарни мудофаа қилишиб, душманни унга яқинлашишига йўл қўймайдилар.

Сарбадорларнинг бу қаҳрамонликлари ҳақида Амир Темур хабар топиб, Хусайнга Самарқанд томон боришини тайинлайди. Улар сарбадорлар раҳбарларини мулоқотга таклиф қилиб кўпчилигини Хусайннинг буйруғига кўра ҳибсга олишади ва ўлдиришади. Амир Темурнинг илтимоси билан Мавлонозода ўлдирилмасдан қолдирилади. Бу ерда биз кучли душмандан Самарқандни сақлаб қолган халқ халоскорларининг пойтахтни тарк этиб кетган ҳукмдорлар томонидан хоинона ўлдирилишини кўрамиз. Бизнинг давлатчилик тарихимиздан бундай мудҳиш хоинликларни кўплаб келтириш мумкин. Афсуски, юқоридагилардан бошқа деярли сарбадорлар ҳақида

маълумотлар йўқ. Улар ҳақида маълумотларнинг жуда кам етиб келганига қарамасдан, халқ халоскорларининг қаҳрамонликлари Мовароуннаҳр ва Хуросон халқларининг ташқи душманларига қарши, адолат ва ҳалоллик учун курашда сиёсий онгларининг ўсишида, ривожланшида аҳамияти беқиёсдир. Уларнинг ҳаракатини ўрганиш Ўзбекистон сиёсий таълимотлар тарихининг энг муҳим бобини ташкил этиши керак, албатта.

## Амир Темур ва темурийлар сулоласи

Ўзбекистон 1991 йил 1 сентябрдан мустақил демократик давлат сифатида дунёгк танила бошланди. У ўзининг Конституцияси (8 декабрь 1992 й.) ва қонунларида авваламбор давлат қурилишини миллий давлатчилик тарихига асосан ва жаҳон халқлари эришган сиёсий-ҳуқуқий таълимотларга биноан қуражагини билдирди. Зеро, миллий давлатчилигимиз тўғрисида фикр юритар эканмиз. Ўзбекистон ўрта асрларда мўғуллар истилосидан озод этган, дунёда энг кучли ривожланган, марказашган давлат қурган “Тузук”лар тузган Амир Темур ва унинг давлати ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклаш керак эди.

Ўзбекистон Амир Темурга Шаҳрисабз, Самарқанд ва Тошкентда ҳайкаллар ўрнатилди. Амир Темур музейи Тошкент шаҳрининг марказида қурилди. Шаҳарларда кўчалар, майдонлар Амир Темур номи билан аталди. Амир Темур “Тузуқлари” чоп этилди. Китоблар, илмий мақолалар, диссертациялар ёзилди. Семинар, конференциялар ўтказилди. Ана шу хайрли, савобли ишларнинг ташаббускори Президент Ислам Каримов бўлди.

Амир Темурнинг номини, унинг давлатини дунёга кенг танитишда ЮНЕСКО томонидан 1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Қарорга кўра Амир Темурнинг 660-йиллиги Парижда ўтди. Амир Темур ўрта асрларда дунёда энг катта ва кучли давлат қурган, дунё халқларини Тўхтамиш ва Боязиддек Жаҳонгирлар зулмидан қутқариб қолган маърифатпарвар шоҳ сифатида таърифланди.

Советлар даврида Амир Темур шахси қораланди, уни босқинчиликда, адолатсизликда айблашди. Хатто унинг қабрини 1941 йилда очиб, машҳур рус олими Герасимов ёрдамида Соҳибқироннинг бюстини диктатор, золим шоҳ сифатида партия тиклади. Бу ҳақда, халқ орасида турли қарашлар (1941 йилда Темурнинг гўрини очганликлари учун уруш бошланган деган фикрлар), ҳикоялар, ривоятлар кўпдир. Ўша кезларда ҳам ўзбек халқи бобокалонини эсан чиқарган эмас. Масалан, XX асрнинг олтмишинчи йилларида И.Мўминов,

Алихон тўра (Соғуний), Ўринбоев каби олимларимизнинг Темур ҳақидаги ишларини келтирсак бўлади.

Амир Темур ва Темурийлар давлати ҳақидаги манбалар тўғрисида гапирадиган бўлсак, уларни биз қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин. Биринчидан, Амир Темурни кўрган ва бевосита унинг юришларидан хабардор бўлган тарихчилар ва уларнинг асарлари. Иккинчидан, кейинчалик турли давлатларда ёзилган тарихий китоблар ва учинчидан, Амир Темурнинг ўзи ёзган тузукларидир.

Биринчи гуруҳдагиларнинг ўзлари учга бўлинадилар. Амир Темурнинг қилган ишларини ижобий баҳолаганлар, унинг ҳаракатларини тўғри деб топганлар, булар: Фиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, айниқса, Шарафуддин Али Яздий каби муаррихлар бўлса, шу билан бирга ибн Арабшоҳ, Фома Мецопский (арман), рус солномаларини ёзган тарихчилар Амир Темурнинг шахси ва сиёсий фаолиятига салбий, душманлик кўзи билан қараганлар, ва ниҳоят, учинчи гуруҳдагилар Руи Тонсалес де Клавихо, Ионна Франциск каби элчилари Амир Темур ҳақида холисона фикр ва мулоҳаза юритадилар.

Араб, форс, турк тилларида ёзилган тарихий китобларда Амир Темур шахси улуғланиб, соҳибқирон, яъни шоҳларнинг шоҳи, жаҳонгир деб аталган бўлса, рус олимлари ва тарихчилари асарларида уни камситиш мақсадида бўлса керак, кўпроқ “Темур-аксак” номи билан эсланади. Энг муҳими, рус солномаларида, хусусан, “Повесть о Темур аксаке” деган асарда 1395 йилда Князь Василий Дмитриевич ҳамда архиепископ – Киприанларнинг Амир Темурга қарши ташвишга тушиб, мудофаага тайёргарлик кўрганлари батафсил ҳикоя қилинади. Амир Темурни кўрқоқликда айблаб, Москвага юриш қилолмасдан, орқага қайтиб кетди, дейилади. Аммо унинг Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхонни енгиши ва натижада Рус тупроғининг мўғуллар зулмидан озод этилишида қўшган ҳиссаси тўғрисида бир оғиз сўз ҳам айтилмаган.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, Франция қироли Карл VI ва Англия қироли Генрих IV Амир Темур ва унинг фаолияти ҳақидаги китобларда турк

султони Боязид устидан қозонилган тарихий ғалабани Оврўпа давлатлари халқлари учун аҳамияти юксак баҳоланганлигини ўқиймиз.

Рус йилномасида Амир Темурни “ўғри”ликда айблаш ва уни мўғуллардан деб ёзилиши, биринчидан йилнома муаллифларининг Амир Темур ҳақидаги маълумотларни сунъий равишда мўғул босқинчиларига нисбатан муносабат нуқтаи назаридан баён қилишган. Иккинчидан рус шарқшунос, тарихчи олимлари хусусан, А.Якубовский, В.Бартольд ва бошқаларнинг Амир Темур тўғрисидаги сиёсий қарашларининг шаклланишига таъсир этган. Шунинг учун ҳам Шарафуддин Али Яздий ва маҳаллий темуршуносларни улар аптоёт деб, уларнинг Темур тўғрисидаги фикрларига шубҳа билан қарайдилар.

Хуллас, Амир Темурнинг ҳаёти, амалий фаолият кўп қиррали ва қарама-қаршиликлардан иборат бўлганлиги учун у ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам турличадир. Баъзан эса улар бир-бирларини инкор қилувчи фикрлардан иборатдир. Бизнинг вазифамиз ана шу ёзма манбаларни бир-бирларига таққослаш ва ўрганиш асосида имкони борича тўғри хулосалар чиқаришдан иборатдир.

Амир Темур Шарафуддин Али Яздийнинг фикрига кўра, хижрий 736 йил шаъбан сешанба 25 куни (мелодий 1336 йил 9 апрель) туғилган. Унинг отаси Тарағай Баҳодир Қашқадарё водийсидаги барлос уруғининг бошлиғи бўлиб, Хожа илғор қишлоғидан эди. Онаси эса Такина хотун исмли аёл эди. Отаси Тарағай Баҳодир ўз замонининг обрў-эътиборли зиёли ўзига тўқ шахслардан бири бўлган. Табиийки, демак, Темур ёшлигида оиласида яхши таълим ва тарбия кўрган. Кўпчилик адабиётларда атайлаб уни “саводсиз”, фақат “қонхўр”, “золим” шох сифатида тасвирланиши ҳақиқатга тўғри келмайди<sup>1</sup>.

Темур ёшлик йилларидаёқ билим олишга киришади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: “Етти ёшга тўлганимда мени мадрасага олиб боришди ва қўлимга сўзлар жадвалини беришди. Мен ўқий бошладим ва эришган муваффақиятларимдан беҳад хурсанд бўлдим”. Тўққиз ёшга тўлганда эса намоз ўқиганлиги, 12 ёшда ўз тенгқурлари билан суҳбатлар ўтказганлиги ва ниҳоят 21

---

<sup>1</sup> Якубовский А. Темур. Вопросы истории. 1946 № 8-9. с. 42-74.

ёшда отасининг мол-мулкни бошқарганлигини ҳикоя қилади: “Отам амир Тарағай ва унинг фуқароларининг экини шу йил мўл ҳосил берди, қорамол ва йилки ҳам жуда кўп туғилди. Ҳар ўн хизматкорга бирини бошлиқ қилиб қўйдим; ҳар йигирма отни алоҳида подага ажратдим; ҳар ўн подани бир хизматкорга топширдим. Менга қарашли молу-мулкни бошқаришни махсус ишончли хизматкорга топширдим”. Бундан кўриниб турибдики, Темур ёшлигиданоқ жуда тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган, айниқса, бошқарувнинг нозик, кўпчилик учун тушуниши қийин бўлган сирларини яхши ўзлаштиради. Мулк масаласини, уни эҳтиёт қилиш, қўриқлаш ҳамда унга эгалик қилиш каби мураккаб ишларнинг уддасидан чиққан. Албатта, Темурнинг шахси мураккабдир. У бир томондан, душманлар учун қаҳр-ғазаби кучли бўлган, ўғрилар, қароқчиларга нисбатан дарғазаб шоҳ бўлган бўлса, иккинчи томондан эса, меҳнатқаш, оддий инсон учун мурувватли, хайр-эҳсон қилувчи, маърифатпарвар подшоҳ бўлган. Биз, модомики, Амир Темур ҳақида, унинг сиёсати, қарашлари тўғрисида сўз юритар эканмиз, албатта, унинг характеридаги ана шу икки томонга яхши эътибор беришимиз керак.

Амир Темурнинг дунёқарашида давлатга, ҳарбий ишларга бўлган қизиқиш жуда эрта уйғонади. У бу ҳақда шундай деган: “Мен ўн ёшимда ўзимда фавқулодда ҳукмронлик ва улуғлик аломатларини ҳис қилдим. Ўз олдимга келувчи ҳар бир кишини сезиларли даражада ғурур ва лаёқат билан қабул қилдим. Ўн саккиз ёшимда ўзимнинг суворийлик ва овчилик хунарим ҳақида кўп ўйладим. Умримни Қуръон ўқиш, шатранж ўйнаш ва от миниш машқларига сарф этдим”<sup>1</sup>. Демак, ёш Темур вақтини кўпроқ суворийлик ишларини яхши ўрганишга сарф қилади. Ана шу вақтдан бошлаб, Темур ҳарбий машғулотларнинг сирларини эгаллаб келажакда ҳукмдор бўлиши учун тайёргарликни бошлаб буюради.

Амир Темур ўз давлатини тузишга киришар экан, у Самарқанддан бошқа шаҳарлар ва мамалакатларни бирма-бир ишғол қила бошлайди. Бу ҳақда “Темур тузуклари” ва “Зафарнома”да унинг зафарли юришлари битилган. Амир

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т., 1991, 6-бет.

Темурнинг зафарлар қозонишида “уч йиллик юриш”, “беш йиллик юриш”, “етти йиллик юриш”лари машҳурдир. У давлатни идора қилишда кучли ва кўп сонли кўшинга таянади. У ўз империясини бошқа кўшни давлатларни босиб олиш йўли билан кенгайтиради ва мустаҳкамлайди. Амир Темур салтанатининг чегаралари шимолда Волга дарёсидан, яъни Москов князлигидан, жанубда Ҳиндистондаги Ганга дарёсигача, Шарқда Хитой девори ва Ғарбда Ўрта ер денгизигача катта ҳудудни ўз ичига олади. Бу империяга кирувчи давлатлар қуйидагилар эди: Турон, Эрон, Рум, Мағриб, Сурия, Ироқи Араб, Ироқи Ажам, Мозандарон, Қейлан, Ширвон, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Жидда, Буюк Татаристон, Хоразм, Хўтан, Қобулистон, Бохтар, Зомин, Ҳиндистон, Дашти кипчоқ, Оқ Ўрда, Гуржистон, Арманистон ва Олтин Ўрта.

Амир Темур шоҳларнинг шоҳи бўлганлиги учун Қутбиддин ва Соҳибқирон каби унвонларга сазовор бўлган. Амир Темур давлати “тузуклар”да ёзилишича, тўққиз улуши кенгаш ва бир улуши эса шамшир (қилич) ёрдамида барпо этилган. Бундан кўриниб турибдики, Амир Темур ўзга мамлакатларни ўз давлатига кўшиб олишда аввал кенгаш маслаҳат тинчлик йўлини таклиф этади. Агарда тинчлик билан масала ҳал бўлмаса ундан кейин зўрлик ишлатган. Бу жиҳатлари билан у босқинчи шоҳлардан, ҳукмдорлардан фарқ қилади.

Амир Темурнинг бошқа давлатларни ўз салтанатига кўшиб олиш учун қилган юришлари асосида куч ётар эди. У кўп сонли яхши қуролланган кўшин ёрдамида мамлакатларни забт этишда минглаб кишиларнинг ҳалок бўлишига сабабчи бўлди. Бу жиҳатлари билан у олиб борган сиёсат тарихда ўтган жаҳонгир шоҳлар сиёсатидан фарқи йўқ эди. Масалан, Афросиёбнинг Эрон мамлакатига қарши уруши, Искандарнинг юришлари ва ҳ.к. Аммо Амир Темурни баъзи тарихий китоблардаги, бир томонлама, фақат “қонхўр”, “босқинчи” шоҳ деб тасвирлаш адолатдан бўлмайдди. Бундай ҳолда унинг энг муҳими, яъни Самарқандни пойтахт этган кучли марказлашган Турк давлатини тиклаганлигини мамлакатда юз берган тарқоқлик, ўзаро жанжаллар, тартибсизликларга чек қўйганини ва шаҳарларда қурдирган ҳашаматли иморатлар, зиёратгоҳларни барпо этганини унутган бўламиз. Ўрни келганда

шуни айтиш керакки, Улуғбек, Бобур, Хусайн Бойқаро каби шоҳлар ва А.Навоийга ўхшаган шоир, Мирхонд, Хондамир, Шарафуддин Али Яздий каби олимларнинг ўрта асрларда етишишларига моддий, сиёсий, ғоявий заминни яратишда Амир Темурнинг ҳиссаси улкандир. Биз юқорида номлари зикр қилинган давлат арбоблари, шоирлар, тарихчиларнинг фаолиятлари ҳақида гапирганимизда энг аввало Амир Темур ва унинг олиб борган маърифатпарварлик сиёсати ҳақида эсламасдан, гапирмасдан ўта олмаймиз. Амир Темурнинг бошқа босқинчи шоҳлардан фарқи ҳам ана шундадир. У урушлар натижасида қўлга киритилган бойликларни, усталарни, олимларни, халқдан келаётган солиқларни жамлаб, шаҳар ва қишлоқларнинг ободончилиги ва осойишталиги учун сарфлади. Бунга далил қилиб, Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Тошкент, Туркистон ва кўпгина бошқа шаҳарларда қурдирилган ҳашаматли иморатларни келтирсак бўлади. У ўз халқини, миллатини севган шоҳлардан эди. Соҳибқирон 1405 йил 18 февраль куни вафотидан олдин ўғилларига шундай васият қилади:

“Ўғилларим!

Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдирвётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсун... Орангизга нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумлари сочмоққа, бундан фойдаланмакка чалишажакдурлар. Фақат васиятимда сизга идора шаклини, унинг илқуларини кўрсатдим. Буларга содиқ қолсангиз тош бошингизга тушмас...”<sup>1</sup>

Амир Темурнинг шахси ниҳоятда мураккаб бўлган. У ёшлигидан диний таълим таъсирида тарбияланган бўлса-да, ҳокимиятни фақат қонун ва қилич билангина ушлаб туриш мумкин деган фикрда бўлган. У Исфохон, Гуржистон ва бошқа жойлардаги аҳолини унинг тарафдорларини, вассаларини

---

<sup>1</sup> Амир Темур ўғитлари. Т., 1992, 60-61-бетлар.

Ўлдирганликлари учун ҳаддан ташқари қаттиққуллик қилган бўлса, давлат хазинасидан етимлар, бева-бечораларга ёрдам қилишга фармон беради. Ёки бўлмаса, Ҳирот ва Ҳалоб уламолари билан турли масалалар юзасидан мунозаралар қилган. Мунозаралар жуда қизик, кескин, баъзан эса қарама-қарши қарашлар остида ўтади. У ўзгача фикрлар билдиради-ган имомларни, олимларни жазоламасдан, уларга юксак илтифотлар кўрсатгани маълум. Масалан, Амур Темур Шарафуддин Ҳалобий билан кескин мунозара қилган. Ҳалобий кўрилаётган масалалар бўйича Амир Темурга қарши гапирган бўлсада, Соҳибқирон ҳурматлаб уни унга ва унинг тарафдорларига қимматли ҳадиялар берган. Шамсиддин Қози, Жазарий ва Шайх Бухорийлар аввалда унинг душманлари саройида хизмат қилган. Улар Темурга нисбатан душманлик кайфиятида бўлганлар. Амир Темур уларга қимматли совға-саломлар бердириб, уларни ўзи томонга оғдириб олишга муваффақ бўлган. Амур Темур қайси мамлакатни забт этмасин, энг аввал шу шаҳардаги моҳир уста, рассом, олимларни, кутубхонадаги ноёб китобларни ахтартирган ва Самарқандга юборган. Шундай Соҳибқиронни биз бошқа босқинчилар, хусусан, Чингизхон билан бир қаторга тенг қўя олмаймиз. Амур Темурга ўзининг таъбири билан айтганда унинг яхши ва ёмон томонларини адолат тарозисига қўядиган бўлсак албатта яхши тарафи босиб кетади. Амур Темур зўрлик ва урушларга йўл қўйган, ўзга халқларнинг ерларини катта сипоҳ ёрдамида забт этган. Лекин у ўзга мамлакатларни ўзи айтганидек, ўндан тўққиз улушини тинчлик ва фақат бир улушини шамшир билан олган. У ҳамма вақт бухуда қон тўкилишига йўл қўймакликка ҳаракат қилган. Имкони бўлмагандагина шамширни ишга солган.

Самарқандга туплаган бойлик ҳақида испан элчиси Клавихо ҳикоя қилиб, унинг битмас-туганмас эканлигини, аммо бу бойлик хайрли ишлар, қурилишларга тежамкорлик билан ободончилик учун сарфланаётганлигини ҳикоя қилади.

Клавихо Самарқандда Конирил майдонида чодирлар қурилиб катта тўй ўтказилаётганлигини кўрган ва таъсирланиб самарқандликларнинг урф-одатларини батафсил ҳикоя қилади. Туркларнинг чодирлари ва ана шу

чодирлардан ташкил топган шаҳарчанинг гўзалигини тасвирлашдан ожиз эканлигини айтади. Конибил чўли турли ранглар ва шакллардаги ўн-ўн беш минг чодирлар тепасидаги байроқчаларнинг хилпирашидан гулхонага айланган деб ёзади.

Чодирлар марказида жойлашган Амир Темурнинг тўрт бурчакли чодирини у шундай тасвирлайди: бу тўрт бурчак шаклидаги чодирни баландлиги уч найза. Уни одам танаси йўғонлигидаги ўн икки дона олтин устун кўтариб турган. Чодирнинг ҳар тарафида катта эшик бўлиб уларнинг ҳар бири махсус кесакига беш юз иллар билан маҳкам боғланган эди. Ташқи томонига қора, сариқ, оқ ранглар берилган. Унинг ичидаги қизил гиламлар, безаклар беҳисоб эди. Тўй дастурхонларига тортиладиган овқатлар, мевалар, гўштлар ниҳоятда сероблиги ҳикоя қилинади. Шароб фақат шоҳнинг ижозати билан тортилиб, ўйин-кулгилар, томошаларнинг, санъаткорларнинг кўплиги уни ҳақиқатдан ҳам ҳайратда қолдирган эди.

Амир Темур Кеш (Шаҳрисабз) га катта эътибор берган. У Кешни дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айлантириш ниятида қурилиш ишларини бошлаб юборади. У бу шаҳарни Осиёнинг маънавият марказига айлантирмоқчи бўлади. Шунинг учун ҳам бу шаҳар “Қаббатул илм вал адаб” деб ҳам юритилган. Гўзал Оқ саройни 12 йил давомида Эрон меъморлари қуриб битказадилар. Иморат ниҳоятда гўзал бўлиб, унинг пештоқида доира ва қуёш аломатини тасвирлаган эдилар. Амир Темурнинг аломат белгиси ушбу тарзда қўйилган уч халқадан иборат эди, яъни Шимол, Жануб, Ғарб ҳукумдори маъносида. Шиори эса “Рустирости”. Яъни “Қуч-адолатда” маънасини билдирган деб ёзади испан элчиси. Бу сўзларнинг ҳақлигига ўқувчида шубҳа йўқдир. Чунки Клавиҳо буларни ўз кўзи билан кўриб ёзган<sup>1</sup>.

И.М.Мўминов “Рустирости - друсти”, “Зафарнома”да “ҳақиқат-тартиб”, “ҳақиқат-адолатлик”, “ҳақиқат-саломатлик” деган маънода ёзилган деб ҳисоблайди. Тўғриси “Рустирости-друсти” бўлиши керак, дейди. Бизнингча ҳам “Рустирости-друсти” дегани тўғри. Чунки таржимасиз ҳам ўз-ўзидан кўриниб

---

<sup>1</sup> Шаре юлдузи. 1972 йил, 5-сон, 72-бет.

турибдики, рост бўлса тўғри, яъни дурустдир. Амир Темур ибораларни, мақолларни кўплаб ишлатган. Масалан, “Камар бар миён ва Сино бар забон” (сўз билан иш бир маъносида). Ёки “Агар Сардор баддил ва бежигар бошад бар лашкар шикоят ояд” (Агарда лашкарбоши раҳмсиз, шавқатсиз бўлса, лашкарнинг талофати муқаррардир). У ана шу сўзларга амал қилиб давлатни идора қилади.

Бундан кўришиб тўрибдики, Амир Темур буюк давлат арбоби, донишманд ҳар томонлама маълумотга эга бўлган шоҳ эди.

Ахмад Кирмоний деган шоир доимо Амир Темур билан мулоқотда бўлиб, баъзан Темурга қарши хажвиялар ҳам ёзишга журъат қилган. Масалан, улар ўртасидаги шундай суҳбатни ривоят қиладилар. Амир Темур Кирмоний ва бошқалар билан ҳаммомдалиги чоғида, сўз одамларнинг шахсий кадр-қимматлари тўғрисида кетганда Темур шоир Кирмонийга шундай савол берган: “Агар мени сотсалар, қанча баҳо берган эдингиз?” Кирмоний жавоб берибди: “Йигирма беш динар”. Шунда Амир Темур ажабланиб, ахир менинг белимдаги камаримнинг баҳосининг ўзи йигирма беш динарку, шоир айтган эканки мен ҳам ана шу камарингизни назарда тутган эдим. Сизни ўзингиз бир пул ҳам турмайсиз деган экан. Бундай сўзлар учун бошқа шоҳлар шоир у ёқда турсин, ўз яқинларини ҳам ўлдиртириб юборар эдилар. Лекин Амир Темур ана шундай буюк бир зот бўлганки, ҳамма нарсани тўғри тушунган. Афсуски, темурийлар шундай улуғ зотдан кейин қолган давлат иморатини сақлаб қололмадилар. Ҳокимият учун жангларда уни вайронага айлантириб, оқибат натижада кучли марказлашган давлат ўрнида майда-майда кучсиз хонлик ва бекликларнинг пайдо бўлишига олиб келдилар.

Темурийлар орасида Шохрух, Улуғбек, Хусайн Бойқаро, Бобурлар давлатни марказлаштириш ва мамлакатда тинчликни таъминлаш, маърифий ишларни ривожлантиришга ҳаракат қилдилар. Аммо бошқа шаҳзодалар орасидаги қонли курашлар Шайбонийхон қўлининг баланд келишига ва темурийлар салтанатининг Туронда тугатилишига олиб келди. Ундан кейинги

Чор Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олганча бўлган давр майда хонлик ва амирликларни ўзаро келишмовчилиги ва тарқоқлик билан характерланади.

Шарофуддин Али Яздий ҳақидаги китоб унинг бу “Зафарнома” асари. У “Зафарнома”ни Соҳибқироннинг набираси Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим ўғли Султон топшириғига биноан ёзган. Бу асар 1419 йилда бошланиб, 1425 йилда тугатилган. У бевосита муаллифнинг кўрган билганлари, эшитганлари, Амир Темурнинг сўзлари ҳамда ўша вақтда ёзилган китоблардаги фикрларга асосландики ҳар бир сўзи ҳақиқатга яқин ва унда Соҳибқироннинг ижобий ҳамда салбий томонлари объектив тасвирланган.

Бу асар яратилганлигига қадар Амир Темур ва унинг империяси ҳақидаги маълумотларни берувчи манба Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”си эди. Бу асар Темур ҳаётлигида битилган бўлиб Шарофуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сини тўлдиради. Шарофуддин Али Яздий “Шараф” таҳаллуси билан дунёга битган ўзининг ана шу асари билан машҳур бўлди.

Шарафуддин Али Яздийнинг 6 йилдан ортиқ ижодий меҳнатининг маҳсули бўлган Амир Темурнинг юришларига ва унинг буюк империясига бағишланган ушбу нодир асар 986 бетлик ноёб китоб битмас-туганмас хазина бўлиб, Соҳибқироннинг давлат ва сиёсатига тегишли қимматли фактик материаллар ва ғояларни асраб келмоқда. Модомики, шундай экан уни ўрганиш, тадқиқ этиш ва омма орасида кенг тарғиб қилиш, биз ҳуқуқшунослар ва сиёсатчилар учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Ўз замонасининг етук тарихчи, файласуф олимларидан бўлган Шарофуддин Али Яздийнинг ҳаёти ҳақида бизга қуйидагилар маълум. У Язд шаҳридан унча узоқ бўлмаган Тафтда туғилган. Унинг туғилган йили номаълум. Отасининг исми Шайх Ҳожи Яздий. 1414-1416 й ва 1435 йилларда темурийлар, аниқроғи Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Султон хизматида бўлади. Иброҳим Султон Эроннинг форс ўлкаси ҳукмрони эди. У “Зафарнома”ни ана шу Иброҳим Султонга бағишлайди.

Шарофиддин Али Яздий Иброҳим Султон (1435 йил) вафот этгандан кейин, Шоҳрухнинг набираси Мирзамухаммад Султон саройига хизматга ўтади.

Мирзо Султон Қазвин, Рай ва Қум шаҳарларини ичига олган вилоятга ҳоким этиб тайинланган эди. Аммо у кейинчалик Муҳаммад Султон Шохрухнинг кексайиб, касалланиб қолганини баҳона қилиб, ўз тасарруфига ўтказиш учун Исфаҳонга қараб юради ва уни эгаллайди (1446 йил). Бу унинг Шохрухга қарши марказий ҳокимиятни эгаллаш учун кўтарилгани эди. Исёнчилар орасида Шарофиддин Али Яздий ҳам маслаҳатчи тариқасида иштирок этган. Исёндан хабардор бўлган Шохрух касаллигига ҳам қарамасдан юриш қилади. Шохрухнинг катта лашкар билан келаётганини эшитган Муҳаммад Султон истагига қўшилган ва тарафдор бўлганларни аниқлаб, жавобгарликка торта бошлайди. Жавобгарлар орасида Шарофиддин Али Яздий ҳам бор эди. Шохрух уни сўроқ қилиш ихтиёрини Улуғбекнинг ўғли Абдулатифга топширган. Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаус Саъдайн” асарида ёзишча Абдулатиф уни Хиротга жўнатган.

Шохрух 1447 йил вафот этганидан кейин у ўз ватани Тафтга қайтган. Шарофиддин Али Яздий умрининг сўнги кунигача шу ерда ижод қилади. Алишер Навоий ўзининг “Мажолисун нафоис” асарида (34-35 бетлар) у олти ёшлигида (Шохрух Султон бузуғлигида) кўпчилик билан Хуросонни тарк этиб, Ироққа кўчиб кетаётганларида йўл Тафт шаҳридан ўтар экан. Шарофиддин Али Яздийнинг олдига отаси билан борганлиги ва уни кўрганлигини ҳикоя қилади. Абдураззоқ Самарқандий ҳам ўзининг “Матлаус Саъдайн” асарида 1452 йилда Ироқдан Хуросонга қайтаётганида Шарофиддин Али Яздийнинг хонақоҳида бўлганлиги ва у билан бевосита мулоқот қилганлигини ёзади. Ўша вақтларда машҳур олимлар, санъаткорлар, шоирлар, имомлар билан учрашиш ва улар билан суҳбат қуришдек яхши одат бўлган. Шарофиддин Али Яздий билан Абдурахмон Жомий ва бошқаларнинг учрашганликлари ҳамда улар ўртасидаги мунозара ва мулоқотлар ҳақида тарих саҳифаларида қимматли фикрлар мавжуддир. Сўзсиз, бундай учрашувларнинг аҳамияти, таъсири айниқса ёшлар учун беқиёс бўлган. Шарофиддин Али Яздий умрининг охиригача, яъни 1454 йилгача Тафти Яздда яшаб, ижод қилган ва у ўз хонақоҳда дафн этилган.

“Зафарнома”нинг яратилиш тарихи асар муқаддимасида қуйидагича баён қилинади. Амир Темур ҳақида тўлиқ маълумот берадиган бу асарни яратиш ғояси Иброҳим Султонда туғилади. У ана шу ниятини амалга ошириш учун хижрий 822 (1419-1420) йилда китоблар-бахшийлар, муншийлар томонидан Амир Темур тўғрисида форс ва турк тилларида ёзилган барча манбаларни тўплашга фармон беради. Китоб тўплангандан кейин уни ўрганишга буйруқ берган. Китобларда баён қилинганларни ўз кўзи билан воқеийликларини кўрган кишилар суҳбати билан солиштириб, ўқилгандан кейин Шарафуддин Али Яздийга Иброҳим Султонга ахборот қилишдек муҳим иш топширилади. Бу ерда биз “Зафарнома” нинг ёзилишида, унда тарихий - сиёсий воқеийликларни холис тасвирланишида Иброҳим Султоннинг роли ҳақида гапирмасдан ўтишимиз мумкин эмас. Чунки унинг фармонида биноан, Амир Темур ва унинг юришлари ҳақида жуда катта ёзма ва оғзаки материал, манбалар тўпланади. Шарафуддин Али Яздийга “Зафарнома”ни ана шу бой манбалар асосида ёзиши учун имконият, шароит яратилади. Агарда “Зафарнома”нинг ёзилиши олдида олиб борилган ана шундай катта тайёргарлик кўрилмаганда, сўзсиз бизга “Зафарнома”нинг ҳозиргидек тўлиқ ва ундаги сиёсий фикр ҳамда воқеийликларнинг шу қадар аниқлик билан ёзилган нусхаси етиб келмаган бўлар эди.

“Зафарнома” асосан икки қисмдан иборат бўлиб, батафсил муқаддима – Темур шажараси, туркий тилда гапирувчи халқлар тарихи, Чингизхоннинг тўрт улуси ҳақидаги муҳим маълумотларни ўз ичига олади. Амир Темурнинг тарихига оид асосий қисм ҳам мавжуд. Кириш, яъни муқаддимада белгиланганидек, Шарафуддин Али Яздий олдида қуйидаги талаблар қўйилган эди: жонли ва тушунарли қилиб ёзиш, ҳужжатларга қатъий риоя қилиш, бевосита Иброҳим Султон назорати остида, воқеийликларни бўямасдан кўрсатиб ёзишдек вазифалар юкланган эди. бундан кўриниб турибдики, асарга жиддий ёндошилган ва талаб ниҳоятда юксак бўлган. бу ҳол албатта, ўз навбатида “Зафарнома”нинг мукамал бўлишига сабаб бўлади.

XV ва XVI асрлар давомида “Зафарнома” икки мартаба шеърий усулда ўзбек ва тожик тилларига таржима қилинади. Масалан, Лутфий (1492 йилда Хиротда вафот этган) ва Ҳатифий томонидан (у Абдурахмон Жомийнинг жияни, 1521 йилда вафот этган) тожик тилида кўйланган. XVI аср бошларида эса Кўчкинчихон (1510-1530, Шайбонийхонлар сулоласининг дастлабки хукмдорларидан бири эди) буйруғига биноан Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ибн Бухорий томонидан “Зафарнома” ўзбек тилига таржима қилинди. Ҳофиз Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ажамий деган шахс томонидан “Зафарнома” турк тилига таржима этилган. XVIII асрга келиб, “Зафарнома” қискартирилиб Фарбий Европа давлатлари тилларига таржима қилинади. Масалан, Француз ва инглизтилларига, кейинчалик айрим қисмлари рус тилига таржима қилиниб, чоп этилади. Бундан кўриниб турибдики, “Зафарнома” га Шарқ ва Фарб давлатларида катта қизиқиш бўлган. У энг ишончли манбалар қаторида ўрганилади. Унинг айрим нусхалари турли мамлакатлар кутубхоналарида, Калькуттада, Техронда, Тошкентда, Лондонда музейларда сақланмоқда.

Шарафуддин Али Яздий Амир Темурнинг давлат тепасига келиши ва унинг олиб борган ташқи ва ички сиёсатига юқори баҳо беради. Муқаддимада Темурнинг салтанатга эришиш учун ҳомийлик қилган ижтимоий-сиёсий омилларни кенг кўламда таърифлайди. Масалан, Амир Темурнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон хукмдори бўлишида мамлакатдаги ички жанжалларнинг кучайиб кетиши, маҳаллий аҳолининг алоҳида кўрсатади. Унинг фикрига кўра, Қашқадарё ҳокими Амир Хожи Барлос Туғлуқ Темурхон лашкарларининг бостириб келаётганидан кўрқиб, Хуросон томонга, яъни Жайхун дарёсининг нариги соҳилига ўтиб кетади. Темур унинг кузатувчиларидан бири эди. Темур Амирга, сиз бораверинг, мен Шаҳрисабзга қайтиб, мамлакатнинг вайрон бўлишининг олдини олиш ва ҳокимиятни ўзимизда сақлаб қолиш учун хон хизматига бораман, дейди. Бу тўғрида “Зафарнома”да Амир Темурнинг қуйидаги сўзлари келтирилган:

Бошсиз мулк жонсиз танга ўхшайди

Жонсиз тана ҳалокатнинг ўзидир.

“Зафарнома”да ёш Темурнинг давлат тепасига келиши, Амир Ҳусайн билан дўстлашиши ва унинг синглисига уйланиши ҳамда Илёсхўжага қарши курашди, сарбадорларни ўз тарафига оғдириши, Амир Ҳусайн билан Амир Темур ўртасидаги ҳокимият учун кураш ҳикоя қилинади ва бу курашда унинг Амир Темур томонидан ўлдирилиши, Темурнинг ягона ҳукумдор бўлиб қолганлиги тўғрисида ёзилади. Асарда сарбадорлар раҳбарларининг Самарқандда Амир Ҳусайн томонидан қатл қилиниши; Мавлонозодани эса Темур томонидан асраб қолиниши батафсил баён қилинади.

И.М.Мўминов ўзининг Амир Темур ҳақидаги рисоласида Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши учун курашда сарбадорлар билан муносабат анча аввалдан бошланганлигига ишора қилинади. У тасодифан Мовлонозоданинг ҳаётини сақлаб қолмаган, чунки сарбадорлар Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши учун курашида хайрихоҳ бўлганлар. Ана шу нуқтаи назардан сарбадорлар ҳаракати ҳам тарихчилар, сиёсатчилар томонидан ўрганилмаган-лигини алоҳида қайд этади.

Шунинг учун ҳам “Зафарнома” даги сарбадорлар ва улар билан Амир Темур ўртасидаги муносабат масаласига оид фикрлар қимматлидир. Биз уларнинг маъносини аниқлаб, Сарбадорлар ҳаракатининг Мовороуннаҳр ва Хуросон давлати халқларининг сиёсий онгини ривожлантиришдаги ролини кўрсатиш керак деб йўлаймиз. Афсуски, бундай ишлар деярли ҳанузгача олиб борилмасдан келинмоқда.

“Зафарнома” да Амир Темур давлати идора қилинишида Қурултойлардан кенг фойдаланганлиги ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар мисоллар ёрдамида тушунтирилган. Масалан, Қаршида, Қорабўғда, Самарқандда Амир Темур томонидан катта Қурултой ўтказилган.

Амир Темур ўтказган Қурултойларда амирлар, шаҳзодалар, вазирлар, баҳодирларнинг иштирок этганларини ва бу Қурултойда муҳим сиёсий, ҳарбий масалалар муҳокама қилинган. Ҳақиқатан ҳам Қурултойларнинг чақирилиш

тартиби уларда иштирок этувчилар, кўриладиган масалалар ва ниҳоят Амир Темур Қурултой иштирокчиларининг фикр ва мулоҳазаларини тинглаб, кўрилаётган масала бўйича ҳал қилувчи қарор қилувчи қарорни қабул қилишида унинг ҳокимиятни бошқаришда шарқ деспотик давлатларидан фарқ қиладиган ижобий томонларини кўрамиз. Бу ерда Монархия шаклидаги давлатлар билан демократиянинг кенгаши, қурултой каби демократик кўринишлар ишлаган.

“Зафарнома”да Амир Темур салтанатининг пойтахти Самарқанд ҳақида, унда Соҳибқирон томонидан жуда катта тўй ўтказилганлиги ёзилади. Тўйда Хўжа Абдуқодир раҳбарлигида санъаткорлар туркча, форсча, мўғулча, хитойча, арабча, ҳиндча ашула ва ўйинларни моҳирлик бажарганлар. Тўй икки ой давом этади. Муаллиф тўйда ноз-неъматларнинг сероблигини таърифлар экан, тилло кумуш идишларда турли таомлар одамларга узатилишини ҳикоя қилиб қимиз, шароб, мусаллас сероб бўлди. Афросиёб, Фаридун даврларида ҳам бундай бўлмаган деб ёзади.

Амир Темур мана шу тўйдан кейин махсус фармон билан шароб ичишни ман қилади. Сабаб шароб одамларни ишдан қолдиради, мумкин бўлмаган ҳаракатларни содир қилади, деб ҳисоблаган. Қасддан қилинадиган ҳаракатлар натижасида жиноятлар содир этилади, деб билган. Давлатни идора қилишда Амир Темур олимлар, мутахассисларнинг маслаҳатига асосланганлигини Шарафуддин Али Яздий таърифлаб айтдики, жуда катта ҳудудда жойлашган Мовароуннаҳр, Хуросон, Олтин Ўрда, Оқ Ўрда, Ҳиндистон, Ироқ, Эрон, Туркия ва бошқа мамлакатларни ўз ичига олган давлатни бошқариш осон бўлмаган. Шунинг учун ҳам Амир Темур кўп жиҳатдан одамларнинг фикрларини билиш учун кенгашлар, қурултойлар ўтказади.. масалан, 806 йили (ҳижрий) Темур Баилхон шаҳрида олимлар ва дин арбобларини тўплаб, уларга қарата нутқ сўзлайди. Темур ўз нутқида, ўтган замонларда ҳам олимлар, имомлар шоҳларга давлатни бошқариш учун ўз маслаҳатларини бериб келганлар. Менинг мақсадим, - дейди у йиғилганларга қарата, - давлат ишларида адолат ва тартиб, қонунчилиқни тиклашдир. Фуқаролар тинч- тотув яшасинлар, дейман. Сизлар эса менга маслаҳат бериб туришингиз керакки, камбағаллар, бева-бечоралар

золимлар томонидан камситилмаётибдиларми, ҳукумдорлар, амирлар томонидан оддий халққа зулм ўтказилмаётибдими? Ана шулар ҳақида менга хабар бериб туринглар. Мен ўрнатай. Эндиликда менинг мақсадим мамлакатларни забт этиш эмас, балки, қўлга киритилган давлатларни идора қилишдан иборатдир дейди. Мажлис иштирокчиларидан бу улуғвор яратувчилик ишида фаол бўлишларини сўрайди. “Зафарнома”да берилган Амир Темурнинг сўзлари ва ундаги сиёсий ғояларнинг муҳимлиги, уларнинг ҳозирги вақтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги ҳуқуқий давлат учун кураш кетаётган бир фурсатда уларни ўрганиш, билиш ниҳоятда муҳимдир.

Амир Темур саройида олимлардан, имомлардан Абдулжаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунший, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Ниъматуддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Мовлоно Алоуддин Коший, Жалол Ҳоки ва кўплаб бошқалар хизмат қилдилар.

“Зафарнома”да ёзилишича, Амир Темур илм аҳлига катта ғамхўрлик кўрсатган, уларга ҳар томонлама ёрдам берган. У мамлакатда ислом, шариат билан бир қаторда илмнинг бошқа соҳалари, жумладан, риёзиёт, ҳандаса, меъморчилик, астрономия, адабиёт, шеърят, тарих, мусиқа ва соҳиб хунарларни ривожлантиришни истаган. Амир Темурнинг ўзи эса, адабиёт, тарих ва шеърят билан жуда қизиққан экан. У турк ва форс тилларидаги асарларни, шунингдек, Атоий, Саккокий, Лутфий шеърларини севиб ўқиган. Бу ҳақда А.Навоийнинг фикрлари характерлидир:

“Мулк шажараларининг бўстони ва салотин гувҳарларининг уммони, ҳақони, жаҳонгири, соҳибқирони, яъни Темур Кўрагон... – агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқуъда ўқубдурларким, анингдек бир байт айтғонча бор”<sup>1</sup>. Алишер Навоий ўз фикрларини давом эттириб, бир мисол келтиради. Ҳожи Абдуқодир исмли шахс ўлимга ҳукм қилинган эди. У шаҳарма-шаҳар ўзини дарвешликка солиб, қочиб юрган бўлади. Кунлардан бир кун у тутилиб, Соҳибқирон ҳузурига олиб

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Танлаган асарлар. IV жилд. Т., 1972, 28-бет.

келинади. Ҳожи Қуръонни ўқишни яхши билган қори эди. У Амир Темур олдида Қуръон сураларидан ўқий бошлади. Шунда Темур:

Абдол зи бим чанг бар мадҳаб зар,

яъни қаландар кўрқувдан Қуръонга чанг солди, дейди ва уни авф этади. Кўп илтифотлар кўрсатади. Темур ўзи шеър ёзмаса-да, аммо А.Навоий айтганидек, форс ва турк тилларида халқ мақолларини ўринли ишлатишда машҳур ва тенги йўқ эди.

“Зафарнома”да Самарқанд ва бошқа шаҳарларда олиб борилган қурилишлар, ҳунармандлар ҳақида маълумотлар кўпдир. Бу шаҳарларга дунёнинг ҳамма мамлакатларидан келтирилаётган товарлар хусусида ҳам маълумотлар берилади. Хулоса шуки, “Зафарнома” фақат Амир Темур ва унинг олиб борган юришлари-ю сиёсати ҳақидагина эмас, балки умуман ўрта асрлардаги сиёсат, иқтисод, давлатлар, элатлар, атамалар номларини кўплаб мужассамлаштирган шоҳ асардир.

Амир Темур ўзидан кейин давлатга раҳбарлик қиладиган авлодларига “Тузуқлар” ёзиб қолдирган шоҳдир.

Бу асар “Тузуқи Темурий” (“Темур тузуқлари”), “Воқиоти Темурий” (“Темурнинг бошидан кечирганлари”) каби номлар билан Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган ва мамлакатимизда ҳамда Англия, Франция, АҚШ, Финландия, Дания, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Яман ва бошқа давлатларнинг кутубхоналарида сақланаётган жуда кўп хорижий тилларга таржима қилинган асардир. Бу китобни машҳурлиги, дунёга ёйилишининг боиси, унда давлатни идора қилиш тамойиллари, усуллари, айниқса, сипоҳни ташкил қилиш ва жангларда ғолиб чиқиш каби қатор сиёсий-ҳуқуқий ва ҳарбий ғоялар ўз ифодасини топганлигидир. Китоб кўпроқ сиёсатчилар, шоҳлар ва шаҳзодалар учун зарур эди. Шунинг учун ҳам кўпгина машҳур шоҳлар китобни ўз кутубхоналарида асраб, ундан давлатни идора қилиш санъатини ўрганганлар. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг авлоди Шоҳ Жаҳон (1628-1657), Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1842) ҳамда Бухоро амири Абдуллаҳаджон

(1885-1910) ва бошқалар ҳаттотларга буюриб, ундан кўчирмалар олганлар. Алишер Навоий ҳам Ҳусайн Бойқарога Амир Темурнинг “Тузуклари”ни ўқиб туришни маслаҳат берган.

"Темур тузуклари" ҳақида фикрлар хилма-хил бўлиб, улар орасида тафовутлар ҳам мавжуд. Бу китоб биринчи бор турк тилида Амир Темур томонидан ёзилган, деб ҳисобланса, баъзилар эса уни Амир Темур эмас, бошқа муаллиф томонидан ёзилган, деб ҳисоблашади.

Унинг дастлабки нусхаси ҳанузгача топилмаган. Шунинг учун ҳам у кўпгина мунозараларга сабаб бўлмоқда. Масалан, А.А.Семенов, Ч.Ръе, Э.Г.Браун каби олимларнинг фикрича, "Темур тузуклари" даставвал турк тилида ёзилган ва бир нусхаси Яман ҳокими Жаъфар пошонинг кутубхонасида сақланган. Шарқий манбаларда бу асар чиндан ҳам Амир Темурнинг таржимаи ҳоли, унинг давлати ҳақида китоб деб қаралади. Сомий ўзининг "Комус-ул-аълом" (Истамбул, 1891 й.) асарида "Амир Темур "Тузукот" унвонли қонунлар мажмуасини қаламга олиб, унда ўзининг таржимаи ҳолини баён этган", - деб ёзилган. Француз тарихчиси Шармуа Амир Темур ва Тўхтамиш ўртасидаги курашнинг тарихини ёзади ва рус тарихчиси М.И.Иванин (1801-1874 йй.) "Тузуқлар"ни Темур ўзи ёзган, деб ҳисоблашади. Аммо бир қатор олимлар (Э.Г.Браун, Ч.А.Сторн, В.В.Бартольд ва бошқалар) уни Амир Темур ёзмаган, у сохта асар, деган фикрни илгари суришади. АЮ.Якубовский эса, ушбу асар XVIII асрда ёзилган, деб айтади. Ҳиндистонлик олим Абдулҳамид Лоҳудийнинг (1654 й. вафот этган) "Подшонома" деган асарида шундай ёзилган: "Ҳижрий 1047 (мелодий 1637-38) йили Мир Абу Толиб ал-Ҳусайн ат-Турбатий деган шахс Шоҳ Жаҳонга "Тузуки Темурий"нинг форсийча таржимасини тақдим этган. Подшо таржима билан танишиб чиқиб, уни Декан фавждори (қози калони), истевдодли ёзувчи Муҳаммад Афзал Бухорийнинг (1651 ёки 1652 й. вафот этган) қўлига тутқазган. Шарафуддин Али Яздийнинг (1454 й. вафот этган) машҳур "Зафарнома" асарига солиштириб ва камчиликлари бўлса тузатиб, ҳаттот ва муҳаррирлари ўзидан қўшган ортиқча жойлари бўлса, ўчириб ташлашни буюрган. Демак, "Темур тузуклари"

тўғрисида фикр ва мулоҳазалар турличадир. Лекин, биз учун энг муҳими, Амир Темур ва унинг империяси ҳақидаги катта асар муаллифи Шарафуддин Али Яздийнинг фикри қимматли ва ишончлидир. У ўз асарида шундай деб ёзган: "...шу тартибда ул ҳазрат (Амир Темур) ҳаётининг улуғ воқеалари ва кечинмаларини ўз ичига олган туркий манзума ва форсий асар, алоҳида-алоҳида назм ва наср тарзида тузилан эди". (Таржима "Темур тузуклари", 7-бетда келтирилди). Демак, дастлабки "Тузуклар" туркийда ёзилганлиги ва бу асар Амир Темур томонидан ўқилганлиги, айтилиганлигига шубҳа йўқдир. Асар бошидан то охиригача Амир Темур номидан ҳикоя қилинади.

"Темур тузуклари" шоҳлар, амирлар билан бир қаторда тарихчи, сиёсатчи олимларнинг ҳам диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келди ва келмоқда. Шунинг учун ҳам у 1783 йил изоҳлар билан Англияда, 1785 ва 1981 йиллар Ҳиндистонда, 1868 йил Эронда босмадан чиқди. Жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини жалб қилган ва француз (1787 й.), инглиз (1830 й.), урду (1845 й.), рус (1894, 1934 йй.), турк (эски ўзбек) тилига тўлиқ бўлмаган нусхаси (1835, 1857 йй.) чоп этилди. Аммо бу асар Амир Темурнинг она юртида ўзбек тилида 1991 йилдагина тўлиқ нашр қилинди.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгандан кейин Соҳибқирон ҳақида Б.Аҳмедовнинг "Соҳибқирон Темур", Ҳ.Дадабоевнинг "Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати", "Темур тузуклар", (А.Соғуний ва Ҳабибулло Караматов таржималари), "Амир Темур ва ватанпарварлик тарбияси", Ҳ.Бобоевнинг "Амир Темур ва темурийлар салтанати", "Тузук Темурий", "Зафарнома", "Дастур ул-амал", "Қиссаи Темур", (сўз боши, табдил, луғат ва изоҳ муаллифлари Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Қурбонбековлар) ва яна бир қатор асарлар чоп этилди. Юқорида кўрсатилган "Темур тузуклари"ни биз тўлиқ ўзбек тилидаги таржимаси дея ишонч ҳосил қилган кезларимизда машҳур тарихчи олим Ҳайдарбек Бобабеков менга Санкт-Петербургга борганлигини ва Салтиков – Шьедрин номидаги Россия миллий кутубхонасида ТНС 107-рақамли кўлөзмани кўрганлигини ва бу кўлөзма 1836 – 1837 йилларда "Зафарнома" ("Тузук

Темурий”) асарини Набижон Махдум Хотиф Хўжандий томонидан ўзбек тилига таржимаси қилинган тўлиқ нусхаси эканлигини гапириб берди. Биз уни нашр этиш кераклиги ҳақида ўйлаб, 1997 йилда Ҳ.Бобобековни Санкт-Петербург шаҳрига хизмат сафарига юбордик (мен ўша вақтда Тошкент Давлат юридик институтининг ректори эдим). Ҳ.Бобобеков Санкт-Петербург сафаридан келганидан кейин биз Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Қурбонбековлар китобни “Қиссаи Темур” (“Малфузоти темурий”) номида нашр этдик. Ўйлаймизки, “Темур тузуклари” нинг ҳозиргача аниқланган тўлиқ нашри мана шу китобдир. Бу ҳақда китобнинг сўз бошида тўлиқ маълумотлар берилган.

"Темур тузуклари" - Темур кодекси, яъни Амир Темурнинг давлатни ва уни идора қилиш қонун-қоидаларининг тамойиллари тўпламидир. Ундан биз ўрта асрлардан ҳукмрон сиёсий қарашлар, қоидалар, қонунларни ва улар ҳақидаги тамойилларни ўрганамиз. Шунинг учун ҳам биз ҳуқуқшунослар учун бу асарнинг баҳоси йўқ. Афсуски, шу кунга қадар шундай тарихий манба ҳуқуқшуносларнинг диққат-эътиборидан четда қолиб келди. Эндиликда биз ушбу масалага жиддий ва илмий асосда ёндашиб, ўзимизнинг давлатчилик ва қонунчилик тарихимизни ўрганишга алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Китоб асосан икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда - Соҳибқирон Темурнинг етти ёшидан (1342 й.) то унинг сўнгги кунигача бўлган ҳаёти, сиёсий фаолияти тасвирланади. Бошқача айтганда, Амир Темурнинг аста-секин Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга киритиши ва ундан кейин машҳур юришлари асосида Тўхтамишхон (1376-1395), Турк султони Боязид Йилдирим (1389-1402) каби жаҳонгир шоҳларни мағлубиятга учратгани ва жуда катта ҳудудда Темурийлар империясига асос солгани аниқ ва қисқа ҳикоя қилинади. Иккинчи қисм эса, Соҳибқирон Амир Темур номидан шаҳзодаларга қарата айтилган васиятлар, панд-насихатлардир. Унда Соҳибқирон ўз ворисларига қарата давлатни идора қилиш санъатининг нозик сирлари, тамойиллари ҳақида, амирлар, вазирлар ва бекларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, қўшин бошлиқлари, уларнинг хизматларини тақдирлаш, сипоҳийлар ва уларнинг маошлари каби масалалар хусусида васият қилади.

Темур ўз "Тузуқлари"да аниқ ва равшан қилиб, давлатни идора қилишда ўн икки тамойилга асосланганлигини ҳикоя қилади. Ана шу принципларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз. Соҳибқирон бу ҳақда шундай деб ёзади: "Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забт этувчи иқтидорли набираларимга йўл-йўриғим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу-зийнат бердим..." (53-бет). Салтанат тахтига зебу-зийнат берган Амир Темур тамойиллари қуйидагилардан иборат эди. Биринчидан, ислом дини ва шариат қоидаларига риоя қилганлиги, уни қўллаб-қувватлаганлигида эди. Унинг ўзи "Тузуқлар"да шундай деб ёзади: "Биринчиси - давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим - тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим". Демак, Амир Темур ўз империясини тузишда, бошқаришда янги диний идеологияни яратмасдан, тайёр ота-боболарининг дини - исломни танлайди. Асосий қонун қилиб ана шу ислом дин заминида вужудга келган шариатни қабул қилади ва қонун-қоидага асосан идора этиш Амир Темурни нақадар саводли, тадбиркор ва ўткир соҳибқирон эканлигидан далолат беради.

Навбатдаги иккинчи муҳим тамойил эса давлатнинг, мамлакатнинг устунларини ташкил қилган турли табақалар ва тоифалар билан биргаликда бамаслаҳат иш кўриш, сиёсатни юргизиш бўлди. Амир Темурнинг улуғлиги ва донишмандлиги шундаки, у фақат қўшинга, зўрликка эмас, биринчи навбатда оммага, халққа таянган ҳолда давлатни бошқаради. Муҳим ишларни улар билан келишган ҳолда олиб боради.

"Иккинчиси шулким, - деб ёзади у, - ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забт этдим, уларни идора қилдим. Давлат, салтанат устунларини ўшалар билан қувватлаб, мажлисларимни шулар билан зийнатладим" (53-бет). Соҳибқирон ўз ворисларига васият қилар экан, жамиятни турли табақаларга ва тоифаларга бўлиниши ва уларнинг тутган ўринлари муҳим

эканлигини, давлатни бошқариш уларсиз мумкин эмаслигига ишора қилади. Синфий кураш эмас, балки табақалар ўртасида келишув сиёсатини олиб боришни васият этади.

Учинчи тамойил маслаҳат, тадбиркорлик, фаолият ва хушёрлик-эҳтиёткорлик билан ғаним қўшинларини енганини, бошқа давлатларни ўз империяси таркибига қўшиб олганида эди. Гап шундаки, Амир Темур учун тадбиркорлик, кенгаш бшан иш кўриш, эҳтиёткорлик бир қонун эди. Ана шу ўз вақтида бошқалар билан мслаҳатлашиб олиш, уларнинг фикрини билиш, эшитиш, тинтлаш ва ундан кейин хулоса чиқариш, ҳатто ўз душманларига ҳам мурасага, тинч-тотувликка даъват қилиш ҳамма вақт Амир Темурнинг иши ўнгидан келишига, кўп сонли қўшинни кам сонли жангчилар билан енгил имкониятларини беради. Амир Темур бу ҳақда шундай деган эди: "Учинчиси шулдурки, маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик. фаоллик ва хушёрлик - эҳтиёткорлик билан ғаним қўшинларини енгил, мамлакатларни ўзимга бўйсундирдим. Салтанатим ишларини мурасаю - мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни билмасликка олардим. Дўсту душман билан мурасаю мадора қилдим" (54-бет). Унинг ҳар бир сўзи заминида олам-олам фикрлар, тадбиру чоралар ётади. Дўсту душман билан мурасаю мадора орқали иш кўришда Амир Темур хатога йўл қўймайди. Қирк ўлчаб, бир кесади. Шунинг учун ҳам у жангларда доимо зафар қозонади.

Тўртинчиси - давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқариш Тўра ва тузукка, яъни давлат мулозимлари ва қонунларга таяниб иш кўрган. Ўзининг салтанат ва мақомини ҳам ана шу қонунчиликка асосланган ҳолда бошқарганлигини айтади. Тузилган қонунларга кўра, Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият ҳаммаси ҳам ўз лавозими ва мартабасига кўра яшади, деб уқтиради Амир Темур. Дарҳақиқат, Амир Темурнинг ҳукмронлиги тўра ва тузукка, яъни давлат ва ҳуқуққа таянган ҳолда амалга ошди. Шунинг учун ҳам, унинг куч ва қудрати беқиёс бўлди. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият (омма) ҳаммаси ўз ваколатларига - ҳуқуқ ва бурчларига кўра ҳаракат қилди. Бу ерда биз

Амир Темур давлатини фақат ҳарбий диктатурага эмас, кўпроқ ҳукукий давлат тамойилларига асослаганинига кўраимиз.

Бешинчиси - амирлар ва сипоҳийлар билан яхши муносабатда бўлган, уларга иззат ва ҳурмат кўрсатиб, мартаба ва унвонларини ҳурматлаган. Уларнинг турмушлари, ҳаётларидан бохабар бўлиб, дирҳам ва динарларни улардан аямаган. Шунинг учун ҳам Амир Темурнинг амирлари унга жон-дилларидан хизмат қилганлар. Уларнинг қаҳрамонликлари натижасида соҳибқирон жангларда ғолиб чиққан.

Олтинчиси - адолат ва инсоф билан иш кўрган, Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат қилган. "Ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим", - деб ёзади Амир Темур. Ҳайр-эҳсон ишлари билан одамлар кўнглидан жой олган. Сиёсат ва инсоф қондаси ила сипоҳийларни ва раиятни (оммани) умид ва кўрқинч орасида сақлаганлигини ёзади. Золимлардан мазлумларни ҳимоя қилган, Золимларни шариат судларида муҳокама қилдириб, адолат юзасидан одамлар ўртасида ҳукм чиқартирган. Бу ерда шу нарса характерлики, Амир Темур ёзади: "Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказгаиларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим". Уларнинг мартабаларини янада оширган.

Еттинчиси - сайидлар, уламою машойих, оқилу донолар, муҳандислар, тарихчиларни эътиборли шахслар деб иззат ва ҳурмат қилган. Улар билан суҳбатда бўлган ҳамда улардан маслаҳатлар сўраган. Аксинча, бузуқи ва оғзи шалоқ ғийбатчи одамларни ўз мажлисига яқинлаштирмаган, уларнинг гапларига қулоқ солмаган.

Саккизинчи - азму жазм билан иш тутган, яъни ишни амалга оширишга қарор қилган бўлса, унга бутун вужуди билан киришиб, охирига етказган. Нимаики деган бўлса, унга амал қилган. Одам Атодан Ҳотам ул-анбиёга (пайғамбарнинг охиргиси Муҳаммадгача) ўтган шоҳлар ва пайғамбарларнинг ишларини, қонун ва қоидалари-ни суриштирган, ўрганган. Яхши томонларини қабул қилган.

Тўққизинчи - раият (оддий халқ) ҳол-аҳволидан доимо огоҳ бўлган. Уларнинг улуғларини оға қаторида, кичикларини эса фарзанд ўрнида кўрган. Ҳар шаҳар ва қишлоқнинг урф-одатига, қонун ва қоидаларига ҳурмат билан қараган. Улардан хабардор бўлиш учун тарихчи-хабарчиларни ёзма равишда турли халқлар ҳаётидан хабардор қилиб туришларини талаб қилган. Ҳокимлар, сипоҳлар томонидан раиятга жабру ситам етказилган бўлса, уларни адолат, инсоф юзасидан жазолаган.

Ўнинчиси - турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифаларидан ўз паноҳига кирган кишиларга ҳурмат билан қараган. Дўстлик қилган кишиларга нисбатан мурувват, эҳсон, иззату иқром ҳаққини адо этган. Кимки душманлик қилиб, кейин ундан пушаймон бўлиб, тавба қилган бўлса, душманлигини унутган. Унга мурувват кўрсатган.

Ўн биринчиси - фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, кўни-қўшнилар ва у билан дўстлашган кишиларни давлат мартабасига эришганда ҳам уларни унутмаган. Уларга ҳамма вақт бирдек иззат ва ҳурмат кўрсатган. Дўсти-душман билан келишиб яшаган.

Ўн иккинчиси - дўст-душманлигига карамай, ҳар жойда ҳам сипоҳийларни ҳурмат қилан. "... чунки, - дейди у, - улар боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини маърақа-майдон, ҳалокатга отиб, жонларини қурбон қиладилар". Агарда душман сипоҳийларидан қаҳрамонлик кўрсатиб, Амир Темурга нисбатан қилич кўтарган бўлса ҳам, унга мурувват қилган. Лекин ўз соҳибига хиёнат қилиб, унга мурожаат қилганларга нисбатан мурасасиз бўлган. Ундайларни ўзига нисбатан ёмон душман деб билган. Шундай қилиб, Амир Темур ўз ворисларига васият қилар экан, у шундай хулосага келади:

"Яна тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину ойин (қоида) асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги - тўсиғи йўқ уйга ўхшайди" (57-бет).

Амир Темурнинг бундай фикрларини нақадар биз ўзимизнинг ҳозирга

сиёсий ҳаётимизга таққослаганда тўғри ва ҳаётийлигини кўрамиз.

Давлатни идора қилиш тамойиллари, тадбирлари ва кенгашлари тўғрисида.

Амир Темур буюк сиёсатчи даражасида ўзга давлатларни забт этиш, уларни ўз имшриясига қўшиб олишда, асосан, тадбирлар ва кенгашларга кўра амалга оширган. Шу боисдан ҳам, унинг тадбирлари ва кенгашлари ҳамда уларда масалаларнинг ҳал этилишига ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Амир Темурнинг ўзи бу ҳақда шундай деган эди: "Ўзга мамлакатларни забт этиш, уларни идора қилиш, ғаним лашкарларини синдириш, душманни тузоққа тушириш, мухолифларни (кўнглини овлаб) дўстга айлантириш, дўст-душман орасида муомала, мурсою мадора қилиш хусусида ушбу тадбир ва кенгашларни қўлладим" (14-бет). Шундоғ экан, Амир Темур қўллаган тадбирлар, кенгашлар қандай қилиб амалга оширилган ва уларда қандай масалалар кўрилган экан, деган саволлар туғилиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз "Темур тузуклари"да келтирилган тадбирлар ва кенгашларга батафсил тўхтаймиз. Бу ерда шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Амир Темур ҳам барча дунёга машҳур ҳукмдор, каби ўзининг устозлари маслаҳатларига таяниб иш кўрган. Амир Темурнинг устози (Пири) Зайниддин Абубакр Тойбодий<sup>1</sup> деган исмли Хуросондаги энг обрўли, замонасининг машҳур олимларидан биридир. Амир Темур ҳар гал бирор-бир мамлакат томон юриш қилишдан олдин, албатта, пири билан маслаҳатлашган ва унинг насиҳати бўйича иш қилган.

Шу боисдан ҳам Амир Темурнинг зафарли юришларида пирнинг ўрни салмоқлидир. Бу ҳақда Сохибқирон шундай деган: "Пирим Зайниддин Абубакр Тойбодий менга ёзмишларким, "Абулмансур Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилган, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрлик; 4) эҳгиёткорлик. Чунки, кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган жоҳил одамга қиёс қилиш мумкин; унинг айтган сўзлари ва қилган ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтирган. Шундай экан, салтанатни

---

<sup>1</sup> Зайниддин Абубакр Тойбодий - улу<sup>1</sup> шайхулислом бўлиб, Сиротнинг Тойбод еишло<sup>1</sup>идан. Амир Темурнинг пири (устози). Фасис Хавофийнинг (XV аср) "Мужмал-и Фасисий" асарида ёзилишича, Темур у билан биринчи бор 1381 йил учрашади. Тойбодий 1389 йил 28 январда вафот этади.

бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юрғизган, токи оқибатда надомат чекиб пушаймон бўлмагайсан. Шунинг ҳам билишинг керакким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлмай, яна бир қисми эса, билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур. (Хуллас) бажарилиши шарт бўлган тадбирларнинг таърифидан ва зикридан сўнг (шунинг таъкидлаш лозимки) қатъийлик, сабр, чидамлик, соғлиғу сергаклик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилур. Вассалом,"(14-15-бетлар). Пирнинг ёзган хатини тўлиқ келтиришимизнинг боиси шундаки, биринчидан, ундаги ғоялар, маслаҳатлар Амир Темур учун бир дастур ҳужжатга, тамойилга айланадики, Соҳибқирон уларга умрининг сўнгги кунигача амал қилган. Иккинчидан, бу насиҳат мазмуни ҳозирги президентлар, ҳокимлар учун аҳамиятлидир. Салтанат ишларида мактубдаги ўғит Амир Темурнинг таъбири билан айтганда, "энг тўғри йўлбошчи эди".

Пирнинг ўғитларидан Амир Темур жуда тўғри хулосалар қилиб, ўз сиёсатини амалга оширишда фойдаланади. У ёзади: "...Шунга кўра, давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса, қилич билан бажо келтирилишини англадим..." (15-бет). Демак, "қонхўр", "золим" деб юритиладиган Амир Темур давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат билан, қолган бир улушини қилич ёрдамида ҳал қилган. Шунинг учун ҳам уни биз ҳақли равишда ўта эҳтиёткор, донишманд ва маърифатпарвар шоҳлигидан хабардормиз. Амир Темур юқоридаги сўзларни шунчаки айтиб қолмасдан, у амалий сиёсатда уларни қўллаган. У қайси бир мамлакат томон юриш қилмасин, қон тўкилишини истамаган. Энг аввало элчилар юбориб, шоҳларнинг тинчлик йўли билан таслим бўлишларини талаб қилган. У беҳудага қирғин бўлишига йўл қўймасликка ҳаракат қилган.

"...Тажрибамда кўрилганким, - деб ёзади Темур, - ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир..." (15-бет). Амир Темур ҳокимият учун курашга отланар экан, у тадбиркорлик, азму қатъийлик, хушёрлик ҳамда кенгаш билан иш кўриш каби ҳислатларга амал қилди. Шунинг учун ҳам,

ташқи душманлар томонидан босиб олинган, кучсизлантирилган ва тарқоқ ҳолда қолиб кетган Ватанни аста-секин қўлга киритиб, бўлажак буюк империяга замин тайёрлайди. Соҳибқирон Қарши қалъасини қўлга киритиш учун Амир Мусо ва Малик баҳодирлар қўмондонлик қилаётган ўн икки минг отлик аскарга қарши жанг қилади ва оқибатда ғолиб чиқади. Фаним лашкарини саросимага солиш, енгил унинг сонининг кўплигига эмас, балки тадбиркорлик ва кенгаш билан иш кўрганликдадир, деган хулосага келади ва унинг ўзи кучлар тенг бўлмаган бир неча маротаба ўтказилган шиддатли жангларда зафар қозонади (15-бет).

"...Гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир..." (15-бет). Темур ҳамма ишда ҳам кенгашиб олишни бир қоидага айлантиради. У олдидаги ишни қилиш-қилмасликни, ундан кўрадиган фойда ва зарарнинг миқдорини билишга ҳаракат қилади. Айниқса, у ишнинг хатарли томонларига кўп эътибор бериб, бошқаларнинг фикр ва мулоҳазаларини билишга ҳаракат қилган. Бошқача қилиб айтганда, Амир Темур амалга ошириладиган ишларни маслаҳат тарозисига қўйиб, тегишли хулосалар чиқариб олади. Темурнинг ўзи ҳам бошқа хонларга, амирларга маслаҳатлар берган. Масалан, Дашти Жете<sup>1</sup> амирлари Туғлуқ Темурхон<sup>2</sup>га қарши исён кўтарганларида Туғлуқ Темурхон Амир Темурга мурожаат қилади ва ундан маслаҳат сўрайди. Амир Темур унга шундай маслаҳат беради: "...Агар ғанимни тор-мор этгали лашкар юборса, икки хатар, ўзи борса, бир хатар борлигини билдириб, унга йўл-йўриқ кўрсатдим. Менинг кенгашим билан даштга, исёнчилар устига ўзи бориб эди, барча ишлари мен айтганимдай бўлиб бажарилди" (16-бет).

Амир Темур кенгашни икки турга бўлади. Бири - тил учида айтилгани бўлса, иккинчиси эса юракдан чиққан кенгашдир, деб ҳисоблайди у. Тил учида

---

<sup>1</sup> Жете - Чигатой улуси (1269 й.) икки есимга бўлинган эди. Етгисув, Чу восаси ва Шарей Туркистонни ўз ичига олган.

<sup>2</sup> Туғлуқ Темурхон бин Ўлхўжа бин Дувахон (1348-1362 йй.) Мўғлистон салганатида суқронлик еилган. 1360-1361 йилларда икки марта Мовароуннасрога юриш еилган.

айтилган маслаҳатларни шунчаки тинглаган бўлсам, деб уқтиради Амир Темур, юракдан айтилган маслаҳатни "қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим" деб ҳдсоблайди у. Демак, кенгаш, маслаҳатнинг ҳаммаси ҳам тўғри ёки сидқидилдан айтилган бўлмас экан. Кенгашда давлат бошлиғини Амир Темур хушёрликка, зийракликка чақиради. Кенгашларда кўрилаётган масалалар устида музокаралар, тортишувлар бўлганда, сабр-тоқат билан уларни тинглаб, хулосалар ҳосил қилишга даъват қилади. "... Қайси киши ақлига сиққан бир ишни куйиниб гапирса, - дейди у, - суйиб эшитар эдим. Кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга ҳам қулоқ солар эдим... (16-бет). Демак, Амир Темурнинг фикрича, бошқаларнинг гапларига, маслаҳатларига қулоқ солиш, уларни тинглаш ва энг муҳими, улардан тегишли хулосалар чиқариш шоҳдан катта жасоратни, сабр-тоқатни талаб қилади. Давлатни идора қилишда; лашкарларни жанг мақдонларига чорлашда шошма-шошарликка, манманликка зинҳор йўл қўйиб бўлмаслигини ва бундай оғир сиёсий, ҳарбий масалаларни фақат кенгаш ва тадбир орқали амалга оширилсагина, тўғри бўлишлигини, хатога йўл қўйилмаслигига эътибор беришга даъват қилади.

Амир Темур бирон-бир ишни қилмоқчи бўлса, аввал кенгаш қурган, кейин Қуръондан фол очган. Қуръоннинг ҳукмига биноан иш кўрган. У ўзининг тузукларида империяни ташкил қилиш учун ўтказган 31 муҳим кенгашлари ҳақида алоҳида-алоҳида жуда катта аниқлик билан ёзади. Ана шундай муҳим кенгашларнинг биринчиси Туғлуқ Темурхон билан учрашиш натижасида қурилган кенгашдир. Кенгашларнинг аҳамияти шундаки, уларда жуда кўплаб тарихий воқеалар, Амир ва хонлар, давлатларнинг шаҳар ва қишлоқларнинг номлари тилга олинади. Айниқса, давлат, ҳуқуқ ва ҳарбий соҳаларга тегшили атамалар кўплаб ишлатилганки, уларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти беқиёсдир. Масалан, Туғлуқ Темурхон билан учрашиш натижасида бўлган кенгашни оладиган бўлсак, Хоннинг саркардалари Бекчик, Ҳожибек эркинит, Улуғ Туктемур керайт каби Жетенинг бошқа амирларидан ташкил топган уч фавж, яъни ҳарбий бўлинма тузилгани ва уларни Мовароуннаҳрни талон-тарож қилиш учун Ҳузор (ғузор) га келиб тушганлиги

хақида хабар берилади. Амир Темур бундан хабар топиб, уларнинг хузурида бўлади. Мамлакатни мўғуллар зулмидан тинчлик йўли билан қутқариб қолади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деган: "...Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг отлик аскар қила олмаган юкни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан"(19-бет). Дарҳақиқат, Туғлуқ Темурхондек ҳукмрон билан учрашган Темур унга маслаҳатлар бериб, хоннинг ҳурматиغا сазовор бўлади ҳамда унинг амри билан Мовароуннаҳр вилоятига Жайхун дарёсининг қирғоқларигача бўлган ҳудудга ҳукмрон этиб тайинланади.

Иккинчи кенгаш ҳам Туғлуқ Темурхон билан боғлиқ бўлиб, хон Темур билан тузган битимдан қайтиб, Мовароуннаҳрга қайта қўшин тортиб келади ва Темурнинг ўрнига ўзининг ўғли Илёсхўжани ҳукмдор қилиб тайинлайди. Темурни эса унга бошқўмондон (сипоҳсолар) ва маслаҳатчи қилиб тайинлайди. Бу воқеа ҳижрий 762 (ҳижрий 1360-61 йй.) рўй беради. Бундай қилишликнинг сабабини хон Темурнинг бобоси Қочувли баҳодир ва ўзининг бобоси Қобулхонларнинг ахдномаларини асос қилиб кўрсатади. Бу ерда шу нарса характерлики, биринчидан, Амир Темурнинг бобоси - Қочувли баҳодир Қашқадарё вилоятининг ҳокимларидан бўлганлигини ва, иккинчидан, ўша вақтларда маҳаллий ҳукмдорлар билан мўғул хонлари ўртасида ҳокимиятни тақсимлаш тўғрисида ёзма ахдномалар битилганлиши ҳамда бу ахдномалар пўлат тахталарга ёзилганлиги хақида хабар беради (20-бет). Ана шу ахдномада қуйидаги сўзлар ёзилган: "Хонлик Қобулхон авлодининг қўлида, сипоҳсоларлик эса Қочувли баҳодирхон болаларида бўлсин, улар бир-бири билан ёвлашмасин".

Демак, Амир Темур авлодлари ҳеч қачон хонлик қилмаганлар. Хонлик мўғуллар ҳукмронлик қилган йилларда фақат уларнинг авлодларига мансуб эди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, Амир Темур мўғуллардан эмас, маҳаллий аҳолига, яъни барлослар уруғига мансубдир.

Иккинчи кенгашда, Амир Темур биринчи бор тузукларида "ўзбек, ўзбекия" деган ибораларни ишлатади. Қизиғи шундаки, Амир Темур ҳикоя қиладикки, ўзбекларнинг жабру зулми Мовароуннаҳрда ошиб кетганлигини (бу ерда ўзбеклар деганда Амир Темур Дашти Қипчоқдан Самарқанд томон бостириб

келган Ботухон замонидан қолган амирларни назарда тутади) айтади. Улар биргина Саййид ва Сайидзодалардан етмиш кишини асир олиб, банди этганлар. Илёсхўжа давлат ва сиёсат ишларида лаёқатсиз бўлганлиги туфайли ўзбекларга қарши бирор-бир жиддий қаршилик кўрсата олмайди. Натижада ташаббусни Амир Темур ўзи қўлга олиб, босқинчиларни хайдайди. Бундан ташвишга тушган душманлар Туғлуқ Темурхонга хат ёзиб, унда Амир Темурни хоинликда айблашади. Хон бу ёлғон ва бўхтонларга ишониб, Амир Темурни ўлдириш ҳақида ёрлиғ юборади. Бу ёрлиғдан Амир Темур хабардор бўлиб, қуйидаги тадбирни қўллайди. У Барлос уруғидан баҳодирларни ўз хизматига таклиф қилиб, куч тўплаш бошлайди. Унинг биринчи ёрдамчиларидан - Ики Темур, амир Жоку барлослар бўлдилар. Мовароуннаҳр аҳолисининг каттаю кичиги Амир Темурни қўллаб-қувватлайдилар. Амир Темур лашкарлар сонини кўпайтириш учун Самарқанд тоғларига қараб юради. У билан олтмиш нафар жангчи бўлади. Кейинчалик Хоразмга қараб юради. Илёсхўжа бундан хабардор бўлиб, Хива ҳокими Тўқал баҳодирга Амир Темурни тутиб ўлдиришни буюради. Амир Темур олтмиш баҳодир ва унга қўшилган қайноғаси Амир Ҳусайн билан минг отлик Хива ҳокими лашкари билан жанг қилади. Бу жангда Амир Темурнинг 60 лашкаридан ўнтаси, душманнинг минг лашкаридан фақат эллик киши тирик қолади. Зафар Амир Темур томонида эди. Амир Темурнинг бу қаҳрамонлигидан барча душманлар ҳайратда қоладилар.

Учинчи кенгашда, сарсону саргардонликда Хоразм саҳроларида юрган кезларда Алибек Чун ғурбоний - маҳаллий ҳокимлардан бири Амир Темурнинг ҳолдан тойган гуруҳини (улар етти кишидан иборат эдилар) ушлаб, уни бургаси кўп бир қоронғу уйга қамаб қўяди. Бу қамоқхонада у 62 кун ушлаб турилади. Тадбир билан Амир Темур бандиликдан қутулиб, яна куч тўплашга киришади.

Тўртинчи кенгашда Амир Темур, асосан, Мовароуннаҳрнинг пойтахти Самарқандни қўлга киритиш ва Жете, Илёсхўжа қўшинларига қарши урушга тайёргарлик тадбир - чораларини кўради. Ана шу масалаларни ўз тарафдорлари билан кенгашганда улар унинг фикрини тўғри топишади. Амир Темур ҳокимият учун курашни давом эттиради.

Амир Темур ўзининг тарафдорларини Бухорода ва унинг атрофида қолдириб, Самарқандга тунда пинхона кириб, тўнғич опаси Қутлуғ Туркон онанинг уйига бориб жойлашади. У Самарқандда қирқ саккиз кун яшириниб, шаҳар аҳолисини сиёсий курашга кўтариш учун чора-тадбир излайди. Аммо Самарқанддалиги ошкор бўлганлиги сабабли, шаҳардан чиқиб кетишга ва тарафдорлари билан кенгашиб Бохтарзамин (қадимти Бақтрия, Балх) ва Қандахор (Афғонистон) томон юришга қарор қилади. Шу тариқа Амир Темурнинг ҳокимиятни қўлга киритиш мақсадида куч тўплаш учун атроф шаҳар ва вилоятларга хуруж қилиш кунлари бошланади. Афғонистондаги Хирманд дарёсининг бўйида тўхтаб, юрт ясатади ва бир неча кун дам олишга қарор қилади. Гармсир вилоятидан минг отлик турк ва тожик жангчилари унга қўшиладилар. Сеистонни ўз тасарруфига киритиш мақсадида ҳаракат бошланганда Сеистон ҳукмдорлари элчи юбориб, тинчлик йўли билан Амир Темур ихтиёрига ўтадилар. Амир Темурни Сеистон душманларига қарши курашга даъват қиладилар. Аммо кейинчалик ўз ваъдаларидан воз кечиб, сеистонликлар Амир Темурга қарши бостириб келадилар. Бу ерда энг характерли жойи шундаки, Амир Темур ва унинг лашкарлари сеистонликлар билан қаҳрамонларча жанг қилаётганларида бир ўқ келиб Амир Темурнинг ўнг билагига, иккинчи ўқ эса, ўнг оёғига тегади. Амир Темур жангда ғалаба қилса-да, уни ташлаб Гармсирга қайтади ва у ерда даволанади <sup>1</sup> (25-бет).

Амир Темур ўз ҳаётини ҳавф-хатар остида бўлишига ҳамда барча қийинчиликларга қарамасдан, у кечаю-кундуз асосий мақсад - Ватанни мўғул истилочилардан озод қилиш, куч тўплаб, Илёсхўжа кучларига асосий зарба бериш йўлларини, чора ва тадбирларини тинмай ахтаради. Ана шу орзулар, умидлар билан Афғонистон ҳудудида куч тўплаб юрган кунларида Жете қўшинлари Термиз вилоятини талон-тарож қилишмоқда деб хабар келади. Амир Темур Жайхун дарёсининг бўйида Элчибуғо майдонида тўхтаб, қулай фурсатни қутади. Шу ерда Жете қўшинида хизмат қилаётган амирлардан

---

<sup>1</sup> Бу жанг 1362 йилда бўлган. Темурнинг ўнг оёғи билан ўнг оёғи яраланганлига сабабли, у осееланиб юрган

Сулаймон барлос, яъни Ҳиндука барлос, яъни барча барлослик амирлар ўз аскарлари билан Амир Темурга қўшиладилар.

Еттинчи ва саккизинчи кенгашда Амир Темур биринчи бор ўз лашкарлари билан Жете лашкари ўртасида ҳақиқий жанг майдонига сафланади. Икки томондан жанговар ҳолатда саф тортган сипоҳлар ўртасидан сув ўтган бўлиб, Амир Темур аввал ғаним аскарларига қарата ширин сўзлар айтиб, улардаги ғазаб ўтини ўчирмоқчи бўлади. Жете лашкарларининг сардори амир Абу Саъидга қарата маслаҳат тариқасида Амир Темур кўп яхши, илиқ гапларни айтади. Абу Саъид уруш қилмасликка мойил бўлганда, бошқа амирлар эса бунга рози бўлмайдилар, улар Амир Темурга қарши урушини талаб қиладилар. Бу ерда шу нарса характерлики, Амир Темурнинг биринчи мартаба жиддий катта душман лашкарлари билан жангга кириш олдидан ўзини йўқотмасдан, ҳатто ўз рақибини яхши гаплар, панд-насихатлар билан ўз томонига оғдиришга уриниши, бу билан ҳар икки ўртада беҳудага қон тўкилишининг олдини олиш учун кўрган доноларча тадбири бўлди. Лекин душман билан жанг қилиш муқаррар бўлади. У қатъийлик билан "Салтанатни эгаллашга даъвогарлик қилиб, хуруж қилган экансан, салтанат шаъни ва мартабасига лойиқ иш тутишинг зарур. Жангга кириб ё зафар кучиб қолиб бўлмайсан, ёхуд ўлдирилмайсан", (28-бет) деган чақириқлари билан кўп сонли ғаним лашкарларига қарши ўз лашкарларини етти фавжга бўлиб, уларни уч фавжга бўлиниб турган душман лашкарлари устига навбатма-навбат юборади. Жанг авжига чиққанда Амир Темур амр қиладики, пистирмада ётган Ҳировул фавжлари душман лашкарлари устига ўқ-ёй ёғдиришга ўтсин деб. Шиковул ва Чоповул қанотидаги фавжларга эса, хужумга ўтишларини буюради. Ўзи эса жаронғор ва баронғор фавжлари билан бирга ҳаракат қилиб, биринчи ва иккинчи ҳамланинг ўзидаёқ душман лашкарларини тум-тарақай қилиб ташлайди. Бу ерда эса, биринчидан, Амир Темурнинг ҳарбий тактика ва стратегия қоидаларини жуда яхши билишини кўрамиз, иккинчидан, ўз лашкарларини жанговар фавжларга бўлиб, душманга нисбатан олиб борилган жангда вазиятнинг тўғри баҳоланганлигини кўрамиз ва ниҳоят, учинчидан,

турлича, Амир Темурнинг ўз сўзлари билан айтганда ҳарбий атамаларни кўрамиз. Масалан, Ҳировул - кўшиннинг илғор қисми кетидан борувчи бўлинма. Шиковул эса, кўшиннинг сўл қанотини кўриқловчи қисм. Чоповул эса тўсатдан хужум қилувчилар. Жаронғор кўшиннинг сўл қаноти бўлса, баронғор кўшиннинг ўнг қанотидир. Амир Темурнинг душман устидан қозонган бу ғалабаси бутун Туронзаминда тарқалгандан сўнг, у аввал Қаҳалқа қалъаси - Термизга яқин қадимги қалъалардан бири, кейин Бадахшон ва бошқаларини қўлга кирита бошлайди. Амир Темур Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга киритиш йўлида шу қадар кўп тадбир ва кенгашлар, маслаҳатлар ўтказардики, баъзан ақл бовар қилмасди. Масалан, Бадахшондалигида жосуслар юбориб, Жете армияси ҳақида маълумотлар олиб келишни буюради. Улар хабар келтирадиларки, Жете амирлари йигирма минг отлик аскар билан Пули Сангин (Ҳисорда Вахш дарёсига қурилган тош кўприк) оралиғида турганлигини хабар қиладилар. Бу хабардан Амир Темурнинг саркардалари орасида кўрқув аломатлари пайдо бўлади. Бундан хабар топган Амир Темур деярли ҳар бир амир билан яккама-якка суҳбатлашиб, уларнинг ҳар бирига яраша ваъдалар қилади. Масалан, Амир Жоку, Ики Темур, Амир Сулаймон ва Жалолиддинларни мансабпараст бўлганликлари учун хилватга таклиф қилиб, "давлатимга шерик бўласизлар" деб уларга ваъда қилган бўлса, молу-дунёга ҳирс қўйганларга эса бойлик ваъда қилади.

"Уларнинг ҳаммасини умид ва кўрқинч орасида сақладим..." деб ёзади Амир Темур (32-бет). Оддий жангчиларни эса яхши сўз, кийим-кечак, озиқ-овқатни сероб қилиб, уларнинг ҳам кўнгилларини олади. Кўрқув остида тўзиб кетаётган лашкарларни кўрилган тадбир ва чоралар натижасида яна ўз атрофида бирлаштиради ва уларнинг жангаворлик руҳларини янада кўтаради. Амир Темур лашкарларидан кўнгли хотиржам бўлганидан кейин, у душман билан яна жанг қилиш тадбирларини туза бошлайди. Бу ерда энг характерли жойи шундаки, Амир Темур биринчи навбатда ўз тарафдорларининг, амру, жангчиларининг ҳолу аҳволидан хабардор бўлган. Уларнинг истак ва талабларини ўз вақтида, айниқса, жанг олдидан тўла қондирган. Шунинг учун ҳам, унинг амирлари,

жангчилари унга содиқ бўлган ва зафар устига зафар қозонган. Ҳатто, душман лагеридан қочган лашкарлар, амирлар Амир Темур хизматига бирин-кетин кела бошлайдилар. Унинг доврўғи Мовароуннаҳр ва Хуросонда тез тарқалади.

"Тузуқлар"да Жете ва Илёсхўжа лашкарларига шикаст етказиш ҳақида қилган ўн учинчи кенгашда (32-бет) қўлланилган тадбирлар, кенгашлар муҳимдир. Душман жангчилари кўнглига ғулғула соладиган руҳий тазйиқлар (психологик атака) Амир Темур томонидан ниҳоятда усталик ва эҳтиёткорлик билан олиб борилади. Масалан, катта сонли Илёсхўжа сипоҳи турган жойга Амир Темур тўсатдан келиб, тунда тоғ тепалигини эгаллаб, атрофга кўплаб гулханлар ёқишга амр қилади. Бундан ваҳимага тушган душман туни билан уйқудан қолиб, кўрқинчда тонг оттиради. Тонг отгандан сўнг Илёсхўжа ўз лашкарлари билан фавж-фавж бўлиб, кета бошлайди. Бу ҳолни кузатиб турган Амир Темур амирлари дарҳол уларнинг ортидан қувишга ижозат сўраганларида, шошмасликни уларга маслаҳат бериб, душманнинг асл мақсадини билмагунча ҳужум қилмасликка амр қилади. Илёсхўжа Амир Темур лашкарларига тузоқ қўйиб, тепалиқдан пастликка тушишлари билан уларга қарши жанг қилиш ниятида эканлиги ошкор бўлади. Хийла режаси амалга ошмаган Илёсхўжа орқага қайтиб, жангга киришади ва бу жангда енгилиб, Мовароуннаҳрни тарк этиб, Хўжанд шаҳрида Сирдарёдан нариги томонга ўтиб кетади. Мовароуннаҳр ва унинг пойтахти Самарқанд шаҳри Амир Темур қўлига ўтади. Амир Темур салтанат тепасига келар экан, эндиликда унинг олдида оғир вазифа - маҳаллий мансабпарастликка берилиб кетган амирлар, бекларнинг бошларини бир жойга қовуштиришдек ўта оғир иш, бошқача қилиб айтганда, феодал тарқоқлик оқибатида ҳалокатга учраган мамлакатни ягона марказлашган, кучли давлатга айлантиришдек вазифа турар эди.

Буни яхши тушунган Амир Темур шундай деган эди: "...салтанатимнинг мустақиллиги ва мустаҳкамлиги борасида кенгашлар ўтказдим. Кенгашларим ўзини шавкатли буюк амир (амири азим уш-шаън) деб ҳисоблаган ва бошқа амирлардан ўзини улуғроқ билаётган амирларни итоат эттириб, бўйсундиришга қаратгандим..." (34-бет). Булар орасида мансабга хирс қўйган амирлардан бири -

амир Қозоғоннинг набираси Амир Хусайнни у ўз давлатига шерик деб билдиради. Амир Темур амирлар билан бирма-бир суҳбатлашиб, улар билан шартномалар тузиб, ҳаммасини ўз таъсирига олади.

Амир Темур Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга киритиши билан курашни, юришларни тўхтатмайди. Аксинча, унинг келажақда ягона империя тузиш учун ҳаракат бошлайди. Амир Темурга баъзи амирлар "Бу давлатга ҳаммамиз шерикмиз" деб қилган даъволарига У шундай жавоб қилади: "Худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай бўлгач, Оллоҳ таолонинг муқаддас мулки - ер юзига эгалик қиладиган (кадхудо) киши ҳам битта бўлиши керак" (35-бет). Бўлажак Соҳибкирондаги бу туйғу яна Қуръондан масжидда фол очганида ушбу қутлуғ оят чиққанлиги: "Инно жаалнока халифатан фил арз" бўлди. Яъни "Биз сени ер юзида халифа қилдик". Ҳамда авлиёлардан Бобо Али "Ҳой Темур, Тангри таоло буюрганки, агар ерда ва кўкда икки худо бўлса, жаҳоннинг иши бузилур" дейиши бўлди, деб ёзади Амир Темур ўз "Тузуқлари"да. Бундан шу нарса аён бўладики, Амир Темур салтанат тепасига келган дақиқалардан бошлаб, Оламнинг эгаси яқка Оллоҳ бўлганидек, дунёда ҳам яқка ҳокимлик бўлиши керак, деган сиёсий қараш асосида истиқболда барча атрофдаги давлатларни, амирликларни ўз тасарруфига ўтказиш ва ягона сиёсат юрғатиш, марказлашган давлат қуриш ниятида бўлади. Ана шу буюк сиёсий ғоя етакчилигида Амир Темур навбатма-навбат аввал Мовароуннаҳр амирларини, кейин эса бошқа мамлакатларнинг амир ва бекларини ўзига итоат қилдира бошлайди. Бу улкан ишда Амир Темур ҳамма вақт тадбир ва кенгаш орқали иш кўрди. Унинг сиёсий қарашларининг ўзига хос томони ҳамда уни бошқа ҳукмдорлардан ажратиб турадиган томони шунда эдики, ҳар бир масалани, у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, ниҳоятда унга катта аҳамият берган ҳолда тинчлик, келишувлик, битимлар асосида ҳал қилган. Масалан, Амир Боязид Жалоир - Хўжанд вилоятининг ҳокими Амир Темурнинг насиҳатларига қулоқ солмай, унга бўйсунидан воз кечади. Оқибатда, Хўжанд вилоятининг одамлари унга қарши чиқиб, уни ушлаб Темурнинг олдига олиб келганларида, унга ўтган ишлар тўғрисида ҳеч нарса демай, илтифотлар кўрсатади. Натижада

Амир Боязид Жалоир ўз қилмишларидан уялиб пушаймон бўлиб, Амир Темурга содиқлик билан хизмат қилади. Ёки бўлмаса, бошқа бир мисол Амир Темурнинг ўзи шундай ҳикоят қилади: "Элчи Буғосулдус Балхда ўз салтанати туғини кўтарган эди. Бобоси Амир Қозоғон тахти шу ерда бўлганлиги учун Балх тахтига даъво қилаётган Амир Ҳусайнни Элчи Буғога қарши қайрадим" (35-бет). Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, Амир Темур марказлашган империя тузишда деярли ҳамма тадбир ва усулларни қўллайди. Шу жумладан, яхши гапириб, тинчлик йўли билан, катта-катта ҳадялар бериб алдаш, зўрлик ўтказишнинг усулларидан ҳам унумли фойдаланган. Хуллас, ким бўлишидан қатъий назар, токи Амир Темурга итоат этмагунча тинч қўймаган. Аммо Амир Ҳусайн билан қариндошчилик ва бир-бирига берган ваъдаларига биноан музокаралар олиб боради. Амир Ҳусайннинг Амир Темурга нисбатан душманлиги анча узоққа чўзилади. Ўрталарида бир неча маротаба тўқнашишлар ҳам бўлиб ўтади. Оқибатда Амир Темур уни ўлдиртиради. Амир Ҳусайннинг қатл этилиш Хуросон ҳокимлигини ташвишга солиб қўяди ва тезлик билан мудофаага ҳозирлик кўради. Бу ерда шу нарса характерлики, Амир Темур хуросонликларга қарши курашда ҳарбий ҳийла ишлатади. Бу ҳийла шундан иборат эдики, Амир Темур аскарларини Балхда қолдириб, ўзи бир қисми билан орқага - Самарқандга қайтади. Бундан хабардор бўлган Хуросон ҳокими Гиёсуддин хотиржам бўлади. "Ана энди хуросонликларнинг кўнгли мендан хотиржам бўлди, уларнинг устига бостириб боришнинг айна пайти" (41-бет), деб ҳисоблайди ва билдирмасдан душман устига тунда бостириб келиб, осонлик билан Хуросонни ўзига қаратади.

Хуросон амирлари бўйсунгандан кейин Амир Темур навбатдаги кенгашни ўтказди. Кенгашда: уч томонга - Сеистон, Қандаҳор, Афғонистонга лашкар юборишни маслаҳат берадилар. Лекин Амир Темур бошқа йўлни танлайди. У лашкар ўрнига қуйидаги мазмунда юқорида номлари зикр қилинган вилоятлар ҳокимларига мактуб юборади: "Агар менга қўшилсанглар (кутуласизлар), курашсанглар йиқиласизлар. У ҳолда тақдирингизда нима бўлса, ўшани кўрасизлар". Унинг бу тадбири ҳам тўғри чиқади, мактубни

олган ҳукмдорлар сўзсиз Амир Темур тасарруфига ўтадилар. Амир Темурнинг куч ва қудрати шу даражада юксалдики, у мамлакатларни забт этиш учун лашкарларини эмас, мактубларини юборши кифоя бўлиб қолади. Бу ҳол унинг нақадар сиёсатнинг нозик сирларини билган Соҳибқирон, яъни кўплаб давлатларнинг ягона ҳукмдорига айланганлигидан далолат беради.

Амир Темур Ўрусхонни<sup>1</sup> енгиш ва Дашти Қипчоқни ўз қўл остига ўтказиш мақсадида ҳам муҳим кенгаш ва тадбирлар белгилайди. Дашти қипчоқда Тўхтамиш хонлик талашиб, Ўрусхондан енгилиб, яна ёрдам сўраб келганда, Амир Темур бу гал ўзи Ўрусхон билан жанг қилишга қарор қилади. Шу фурсатда Ўрусхондан элчи келади. Элчи ҳурмат билан кутиб олиниб, қайтариб юборилади. Бу борада Амир Темур шундай тадбир қўллайди. У қарор қиладики, лашкарлар элчининг изидан ҳаракат қилсинлар ва у етиб, Амир Темур ва унинг давлати ҳақида Ўрусхонга хикоя қилаётган бир пайтда қўққисдан уларнинг устига ҳужум қиламиз. Шундай ҳам қилинди. Чорасиз қолган Ўрусхон қаршилик кўрсатолмай, қочишни ихтиёр қилади. Дашти Қипчоқ, яъни Олтин Ўрда, Оқ Ўрдалар ҳам Амир Темур империясига қўшиб олинади.

Навбатдаги катта кенгаш Гилон, Журжон, Мозандарон, Озарбайжон, Ширвон, Форс ва Ироқ мамлакатларини забт этишга бағишланвди. Бу мамлакатни ҳам аввал тинчлик йўли билан, яъни таклиф қилиб, олмоқчи бўлади. Мозандарон ҳокими Амир Али Амир Темурга мурожаатнома жўнатиб, уни тан олишини, лекин Мозандаронни ўзларида қолдиришни сўрайди. Амир Темур буни яхшилик деб билиб, Мозандаронга тегмасдан. Гилон ва Журжонни ўз тасарруфига олади. Сўнгра эса Ироққа лашкар тортади. Даставвал Исфохонни забт этиб, кейин ўз аҳолисига қайта топширади.

Амир Темур даставвал Ўрусхонга қарши Тўхтамишхонни қўллаган бўлса, кейинроқ эса у унинг вафосизлигидан, бебошлигидан норози бўлди. Биринчи

---

<sup>1</sup> Ўрусхон - Ое Ўрда хони (1361-1376). Жўжи авлодидан, 1376 йил Ўрусхон Ое Ўрда билан Олтин Ўрдани бирлаштириш мақсадида кенгаш чаеиради. Сурултойда Манеишлое (Маңит еишлои) амири Тўйхожа ўли унга сарши фикр билдиради. Оеибатда у сатл еилинади. Унинг ўли Тўхтамиш сасос олиш ниятида Амир Темурга мурожаат еилади ва унинг ёрдамида икки маротаба Ўрусхонга сарши жанг еилади. Лекин енгалади. Жангларнинг бирида у Ўрусхоннинг ўлини ўлдиради. Ўрусхон Темурга Тўхтамишни топширишни талаб еилади. Аммо Темурнинг ўзи Ўрусхонга сариш юриш еилади ва уни енгач (1376 йил), Тўхтамиш Дашти Сипчоё хони этиб тайинланади.

маротаба унга қарши Амир Темур 200 мингдан ортиқ кўшинда беш ой давомида сахро орқали катта қийинчилик билан Тўхтамишхоннинг кучлари билан тўқнашади. Тўхтамиш жангда енгилиб қочади. Лекин унинг куч-қудрати хали тамоман синдирилганича йўқ эди. Кейинчалик у куч тўплаб, Дарбанд ва Широқ орқали Озарбайжонга кўп сонли кўшин билан кириб келади. Бу вақтда Амир Темур Ироқи ажам, Ироқи арабни забт этиб бўлган эди. Тўхтамишнинг босқинчилигидан хабардор бўлган Амир Темур беҳисоб лашкар билан Дарбанд йўли орқали яна такроран Дашти Қипчоққа қараб юриш қилишга қарор қилади. Юриш олдидан лашкарларни кўриқдан ўтказади. Аскарлар сони шу қадар кўп эдики, улар тўрт фарсанг масофага чўзилган эдилар. Сўнг Амир Темур дарёдан ўтиб, қуйидаги мазмунда хат юборади: "Кимки менга келиб кўшилса, улуғланади, кимки мен билан курашмоқчи бўлса, йиқилади". Ҳижрий 797, мелодий 1394-95 йилда у Дашти Қипчоққа бостириб кирди, бешинчи ва олтинчи иқлим вилоятлари, улусларини ўзига бўйсундириб зафар қозонади.

Ҳиндистон учун бўлган кенгашда эса, Амир Темур бекларидан қуйидаги фикр ва мулоҳазаларни эшитади: Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир - Темурнинг набираси шундай дейди: "Агар Ҳиндистонни олсак, унинг олтинлари билан бутун ер юзини эгаллаймиз". Амирзода Муҳаммад Султон - Темурнинг набираси эса "Ҳиндистонни оламиз-у, бироқ (бунга) тўсиқлар бор: биринчиси - дарёлар, иккинчиси - ўрмону тўқайлар, тўлиқ қуролланган сипоҳийлар ва одамга ов қилувчи кутурган филлар кўп". Шунга ўхшаш кўплаб мулоҳазалар билдирилади. Амир Темур уларнинг барчасини тинглаб, Қуръондан фол очишга ва ана шу фолнинг натижасига биноан иш тутажанини айтади. Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Қуръон очилганда ушбу оят чиқади: "Эй пайғамбар, кофирларга ва мунофиқларга қарши жиҳод қилгил" (66-сура, 9-оят). Уламо мазкур оятнинг мазмунини тушунтириб берганидан кейин амрлар жим бўлиб қоладилар.

Ҳиндистонга юришда кўпчилик амирлар розилик бермаётганини сезган Амир Темур уларга нисбатан дарғазаб бўлмасдан, аксинча, янада хуш муомалада бўлиб, уларни ўз фикрига кўшилишларига эришган. Амир Темур буюк саркарда

сифатида ҳар қачон юришлари олдидан, айниқса, жангга кириш олдидан ўз амир ва лашкарларига имкони борича яхши гапириб, шароит яратишга ҳаракат қилган. Ҳиндистонга юришда ҳам у ана шу тадбирни қўллаб, уни забт этади ва жуда катта бойликни қўлга киритади. Ҳиндистон юришида Темур қўшинининг сони 92 мингга етган эди. Султон Маҳмуд ва Маллухонлар - Дехли ҳокимлари эллик минг отлик ва пиёда аскар, занжирбанд филлар билан Дехли қалъасини мустаҳкамлаб, Амир Темур билан жангга ҳозирланадилар. 1399 йилда Амир Темур Ҳиндистонни забт этиб, ўз она юрти - Самарқандга қайтади.

Ҳиндистон сафари чарчоқлари тугамасдан, Ироқ ҳукмдорларидан Амир Темурга гуржистонликлар ўз аҳдларини бузиб, чегарага риоя қилмай қўйганлиги ҳақида хабар келади. Гуржистонликларнинг бундай ҳаракатлари тасарруфига бошқа давлатларнинг халқларига таъсир қилиши ва империянинг ғарбий чегараларида тартибсизликлар бўлишидан хавотирланган Соҳибқирон яна узок давом этган сафарга отланишга амр қилади. Гуржистонликларга қарши юришда Хуросон, Қандаҳор, Сеистон, Кермон, Табаристон, Гилон, Мозандарон ва Форс вилоятларидаги лашкарлар иштирок этишади. Бу воқеа 1399 йилда содир бўлган эди. Умуман, Амир Темур Гуржистонни беш марта ишғол қилган (1386-87, 1392, 1394, 1402). 1404 йил декабрида эса Гуржистон подшоси Георгий VII Амир Темур билан сулҳ тузган) эди. У Гуржистонда тартиб ўрнатилганидан кейин Миср ва Шом мамлакатлари томон юришга қарор қилади.

Амир Темурнинг жанглари орасида энг машҳури - Йилдирим Боязид билан бўлган жангдир. “Темур тузуклари”да Боязидни Рим мамлакатининг қайсари деб ҳисоблайди. Амир Темур Боязиднинг кучи кўплигини ва унинг таниқли шоҳ эканлигини эътиборга олиб, унга энг аввал хат билан мурожаат қилишга қарор қилади. Аммо у Боязиддан рад жавобини олади. Унинг саросимага тушиб, жанг қилишга келаётганидан Амир Темур хабардор бўлади. Қора Юсуфдек амирларнинг бебошликлари ортиб кетган эди. Ҳижрий 804 йилнинг ражаб ойида, мелоднинг 1401 йил феввалида Озарбайжондан Қайсар Боязид устига юриш қилади. Бу урушда ҳар икки томондан сараланган жуда катта сонли қўшин иштирок этади. Масалан, биргина Боязид лашкарларининг сони тўрт юз

мингдан ортиқ отлик ва пиёдалардан иборат эди. Амир Темурда ҳам ундан кам эмас эди. Уруш Амир Темур фойдасига ҳал бўлди. Боязиднинг енгилиши ва унинг қудратли қўшинининг енгилиши Фарбий Европа мамлакатларини унинг тасарруфига ўтишидан сақлаб қолади. Бу энг узок чўзилган ва оғир жанглар натижасида зафар қозонган юриш эди. У етти йил давом этган.

Амир Темур қаерга юриш қилмасин ва қандай ишни бошламасин, у доимо атрофидаги амир, уламолар билган кенгашиб, тегишли тадбирлар асосида ҳаракат қилар эди. Юқорида кўрганимиздек, у ўзининг рақибларини жуда усталик билан ўзига тобе қилар эди. У ҳар қандай оғир, тангликлардан ҳам зафар билан чиқиб кетар эди. Чунки, Соҳибқирон ҳамма ишларини маслаҳат, кенгаш асосида олиб борар эди.

Вазир ва амирларни танлаш ва уларни жой-жойларига қўйиш ҳамда мамлакатни идора қилиш тузуги.

Амир Темур ҳукуматни, хусусан, вазирларни танлашга катта эътибор беради. Унинг фикрига кўра, вазирликка даъвогар шахс тўрт сифатга эга бўлиши керак. Биринчиси - асиллик, тоза насиллик; иккинчиси - ақл-фаросатлилик; учинчиси - сипоҳи раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалада бўлишлик; тўртинчиси - сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик. Кимда-ким ана шу тўрт сифат эгаси бўлса, уни вазир ёки маслаҳатчи этиб тайинлаш, мумкин деб ҳисоблайди Соҳибқирон. Мамлакат ишларини, раият ва сипоҳ ихтиёрини унга ишониб топширса бўлади, дейди у. Ўз навбатида ҳукмдор томонидан бундай вазирга тўрт имтиёз бериш керак, деб ҳисоблайди: ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтидор. Ана шундай икки томондан кўрсатилган сифатлар ва имтиёзлар берилгандагина вазир ўз вазифасини мустақил, ишончли бажаради, деб ҳисоблайди Амир Темур.

Камолотга эришган вазир мулкӣ ва молиявий ишларни тўғрилиқ билан, асли-наслининг тозалигини кўрсатиб, ажойиб тарзда бажаради. "Олгулик жойидан олиб, бергулик ерга беради". Рухсат этувчи ва таъқиқловчи буйруқларида унинг тозалиги кўриниб туради. Халққа, салтанатга душманлик ва жабр-зулм қилмайди. Хоҳ сипоҳдан, хоҳ раиятдан бўлсин, ҳар ишнинг номини

яхши сўзлар билан тилга олади. Бундай кишилар бировдан ёмонлик ахтармайди, бошқалар айтса, эшитмайди. Агар бировдан ёмонлик кўрган бўлса, унга нисбатан шундай муомалада бўладики, ёмонлик қилган киши ўз ёмонлигидан қайтади. Унинг олдига узр сўраб, бош эгиб келади.

Соҳибқироннинг фикрига кўра, агарда вазир уйдирма гапларга кулок солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайида бўлса, бундайларни вазирликдан тушириш лозим. "Наслию зоти ёмон, ҳасадчи, кинакек сақловчи, қора кўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин" (75-бет). Агарда бундай одам вазирлик қилса, тез орада салтанат ишлари издан чиқиб қулайди, деб ҳисоблайди. Бунга мисол тариқасида ўтмишдан Маликшоҳ Салжукий (1072-1092) ўз вазири Низом ул-Мулкнинг мартабасини оширганлигини келтириш мумкин. Вазир ниҳоятда одил ва фозил киши бўлган. Унинг ўрнига эса, аксинча, зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлайди. Бу шумқадам вазирнинг кирдикорларидан оқибат натижада давлат ишлари юришмай, салтанат емирилади. «Тузуклар»да бундайлар ҳақида тарихдан кўплаб мисоллар келтирилади. Шунинг учун ҳам Амир Темур вазирларнинг шахсига, уларнинг келиб чиқиш наслига, зотига катта эътибор беришни тайинлайдики вазирларнинг ҳатти-ҳаракатларидан, босган қадамларидан салтанатнинг тақдири ҳал бўлади, деб ҳисоблайди.

Амир Темурнинг фикрига кўра, айниқса, молия, мулкия ишлари билан шуғулланувчи вазир ниҳоятда пок адолатли бўлиши керак. Чунки, у тўғрилиқ билан вазирлик ишига киришиб, давлатнинг молия ишларини диёнат, савоб билан, нафси бузуқлик қилмай, омонатга хиёнат этмай бажарар экан, ундай вазирни энг олий мартабаларга қўтариш зарур. Ва аксинча, бузуқлик ишлари билан вазирликни бошласа, кўп ўтмай, ундай салтанатдан хайри барака кўтарилади. Доно вазир шулдирки, деб ҳисоблайди Амир Темур, ўз ўрнига қараб, гоҳ қаттиққўллик, гоҳида эса мулойимлик билан иш юритади, гоҳида эса ортиқча қаттиққўллик ҳам қилмайди, мулойимлик ҳам. Ана шундай иш тутган вазир салтанат ишларини тўғри юритади, деб ҳисоблайди. Бордию, - дейди Амир Темур, - вазир ортиқча кўп мулойимлик қилса дунё талаб, таъмагир

одамлар уни ютиб юборадилар. Агар ортиқча қаттиққўллик ишлатса, ундан қочадилар ва унга бошқа мурожаат қилмайдилар. Демак, вазирлар иш юритишларида ўринли мулойимлик ва қаттиққўллик ишлатишларини талаб қилган. Шу ўринда Амир Темур муҳим масалалардан бўлган давлатнинг уч белгиси тўғрисида жуда аниқ ўз фикрини билдиради: "...давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашкар билан тикдир" (76-бет). Бундан аниқ кўришиб турибдики, Амир Темур давлат салтанатини хазинасиз, лашкарсиз тасаввур қилолмайди. Ҳар қандай мустақил давлат ана шу юқоридаги белгиларга эга бўлиши шарт, акс ҳолда эса ундай давлат мустақил бўла олмайди, дейди у ва вазирларни раиятга, элга, ватанга хизмат қилишда ҳалоллик, поклик, адолатлилик тамойилларига амал қилишга даъват этади.

Амир Темур вазирларнинг вазифаси нақадар шарафли ва меҳнаткашлар учун ҳаётий зарурлигини алоҳида кўрсатади. Уни эшитган ва билган мисоллари орқали тушунтиради. У шундай ҳикоя қилади. Адолатли вазир Низом ул-Мулк ҳажга бормоқчи бўлиб турганда авлиёлардан бири унга шундай деган экан: "Маликшоҳ давлатининг хизматида бўлиб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таолонинг бандаларга етказиб турган ёрдамнинг ҳаж қилиш билан баробардир" (76-бет). Яна бир ҳикоя келтиради: "...ҳазрати пайғамбаримиздан, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, сўрабдилар: "агар сиз набий ва расул этиб юборилмаганингизда қайси иш билан шуғулланардингиз?" Улар шундай деб жавоб берган эканлар: "Султонлар хизматида бўлишни ихтиёр этиб, Тангри таолонинг бандаларига фойда ва яхшилик етказар эдим" (77-бет).

"Шу сабабдан, - деб ёзади Амир Темур, - халққа ёрдаму мадад бериш мақсадида, мен ҳам Туғлуқ Темурхоннинг ўғли Илёсхўжага вазирлик ҳамда сипоҳсоларлик қилишга рози бўлгандим. Тангри таолонинг бандаларига ёрдам қилганимдан бўлса керакки, Оллоҳ таоло мени салтанат мартабасига етказди" (77-бет). Яхши вазирларни Амир Темур "Қилич ва қалам соҳиби" деб аташни таклиф этади. Бу ўринда Соҳибқироннинг нақадар ҳақ эканлигини биз Алишер Навоийнинг фаолиятида кўраимиз. У Хуросон султони Хусайн Бойқаронинг

маърифатпарвар вазири сифатида ободончилик, тинчлик ва давлат салтанатини мустаҳкамлашда беқиёс, улкан ишларни амалга оширди.

Амир Темур адолатли вазирларнинг фаолиятларини таърифлар экан, у айтадики, билимдон ва шушёр вазир шундай бўлурки, бир тўғри тадбир қўллаб, ғаним қўшинини пароканда қилиб юбора олади, мураса-ю мадора, хушмуомалалик билан сипоҳни бирлаштириб, ғаним лашкарларини ўзига ром қилиб олади. Агар салтанат ишларида жумбоқ учраса, уни тез ечиб, ишни юргизиб юборади, дейди. Ҳақиқатан ҳам Соҳибқироннинг олдиндан тўғри башорат қилиб айтганларини вазир А.Навоий фаолиятида намоён бўлишини кўрамиз. Масалан, Ёдгор Мирзо қуролланган катта куч билан салтанатга хавф солганда, у тадбир ишлатиб, қон тўкмасдан, ғаним лашкарларини тарқатиб юборади. Ёки Ҳирот аҳолиса исён кўтарганда унга қарши куч ишлатмасдан, қўзғолончилар орасига ўзи бориб, улар билан мулоқотда бўлиб, айбдорларни адолат юзасидан жавобгарликка тортиб, оломон талабини қондиради ва ўзининг ана шу ҳаракати билан оммавий қон тўкилишининг олдини олиб қолади. Амир Темур вазирларининг сифатларини таърифлаш бобида яна шундай фикрни ҳам айтган эди:

"Агар подшоҳ золим бўлиб, вазир одил бўлса, подшоҳнинг жабр-зулмини (тўхтатиш) чора-тадбирини кўради. Лекин вазир золим бўлса, салтанат ишлари тез муддатда парокандаликка учрайди" (77-бет).

Амирлар ва ҳукмдорларни танлаш ва уларни ўз вазифаларини белгилаш бобида Амир Темур фикрларни илгари сурган. У ўз навкарларидан уч юз ўн уч кишига амирлик мансаби беришга буйруқ беради. Соҳибқирон вазирлар каби амирларга ҳам катта эътибор билан қараб, уларни асосий жанг майдонларида синаб танлайди. У ўзининг амирларини асли тоза, пок насли, ақл-фаросатли, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, олдини ва орқасини ўйлаб иш кўрадиган баҳодирлар деб таърифлайди. У шундай тизим ўрнатадики, бирининг ўрнига иккинчиси, бошқача қилиб айтганда, бири бўлмаса, бошқаси ишни бошқариб кетаверган. Масалан, амирлар тўғрисидаги тузукларда агарда

амирлардан жангда бирортаси ҳалок бўлса, унинг ўрнини ўринбосари эгаллайди ва уни "амирликка номзод" (мунтазир ул-аморат) деб атаганлар.

Амир Темур ёзишча, тажрибадан шу нарса аниқ бўлдики, жангнинг сир-асрорини, ғаним аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, қўл-оёғи бўшашмасдан, лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, агар қўшин сафига раҳна тушса, уни тезда тузатадиган кишигина амирлик ва ҳукмдорликка лойиқ деб ҳисоблайди. Демак, амирлар, асосан, ҳарбий кишилар бўлиб, улар лашкарларни бошқариш, жангга ҳозирлаш каби ишларни яхши билган мардлар бўлган. Амирларнинг энг каттаси - амир ул-умаро, яъни амирларнинг амири бўлиб, шохнинг йўқлигида унииг вазифасини бажариб, сипоҳга буйруқ бера оладиган даражадаги шахс бўлиши керак. Шу тариқа Амир Темур уч юз ўн уч кишидан тўрт нафарини беклар беги этиб, бир кишини эса, амир ул-умаро этиб тайинлайди. Файратли, ор-номусли бўлган яна ўн икки кишига ушбу тартибда даража берганлигини айтади.

Биринчи кишига минг кишига буйруқ бериш ҳуқуқини берган бўлса, иккинчи амирга икки минг кишига, шунга ўхшаш учинчи амирга уч минг кишига амир ва х.к., ўн иккинчи амиргача кўпайтириб, ўн икки минг кишига буйруқ берган. Биринчиси, иккинчисининг ўрнига, иккинчиси эса учинчисининг ўрнига ва х.к. ноиб этиб тайинланади. Ўн иккинчи амир эса амир ул-умаронинг ноиби этиб тайинлаган. Амир ул-умаро эса Амир Темурнинг ноиби ҳисобланган. Агарда қайси бир амирга бирор кор-ҳол бўлса, унинг ўрнини ноиби эгаллаши ҳам белгиланади.

Бундан ташқари, Амир Темур яна буюрадики, ўша уч юз ўн уч амирдан юзтаси - ўн боши, юзтаси юзбоши, юзтаси - мингбоши бўлган. Жанг пайтларвда амир ул-умаро - амирларга, амирлар - мингбошиларга, мингбошилар - юзбошиларга, юзбошилар - ўн бошиларга бошлиқ деган буйруқ ҳам берган. Шу билан бир вақтда ўнбошининг ишини юзбошига, юзбошининг ишини мингбошига, мингбошининг ишини амирга, амирникини эса, амир ул-умарога буюрмаслиги ҳам тайин этилади. Ана шундай темир занжир тимсолида ташкил қиллнган сипоҳнинг жанговарлиги доимо юқори даражада бўлган.

Амир Темур давлатнинг белгилари, байроқлари, ноғора-туғларига жиддий эътибор берган. Уларни амирларга тақдим этиш қоидалари қатъий қилиб белгилаб қўйилган эди. Унинг фармонида биноан ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ (алам) ва бир ноғора берилган. Амир ул-умарога эса байроқ ва ноғора, туман туғи ва чортуғи тақдим этган. Мингбошига эса бир туғ ва карнай (нафир) берилган. Юзбоши ва ўнбошиларга эса ҳар бирига биттадан бурғу тақдим этилган. Тўрт беклар бегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу берилган.

Соҳибқироннинг вазирларни хизмат қилиш тузуги (қоидалари) ҳақидаги фикр ва ғоялари ҳам анча қизиқарлидир. Амир Темурнинг тўрт вазири бўлиб, уларнинг вазифалари махсус қонунларда аниқ кўрсатиб қўйилган эди. Уларнинг ҳар тўрттлови ҳам ҳар куни девонхонада ҳозир бўлганлар. Биринчиси - мамлакат ва раият вазири. Бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муаммоларни, раият аҳволини, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ-ўлпонлар, уларни тақсимлаш, кирим-чиқимларни, (мамлакат) ободончилигининг, аҳолининг фаровонлиги ишларини ва хазинани қандай қилиб тартибга солинганини Соҳибқиронга билдириб турган.

Иккинчиси - у сипоҳ вазири бўлиб, сипоҳийларнинг маошини ва танҳоларини бошқарган, тарқоқ ҳолатига тушиб қолмаслиги учун доимо сипоҳдан хабардор бўлиб туриш керак ҳамда уларнинг барчасидан Соҳибқиронни хабардор этиб турган.

Учинчиси - эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молу-мулкни, келиб-кетаётган ҳорижий мамлакатлар савдогарлари-дан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорваларини, уларнинг ўтлоқ-яйловларини бошқарувчи ва буларнинг барчасидан келадиган солиқларни, даромадларни жамлаб, омонат тариқасида сақлаб турадиган вазир. У ғойиб бўлган ва йўқолганларнинг молу-мулкни меросхўрларига беради. Тўртинчиси - салтанат шиларини юритувчи вазир. У бутун салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинадиган таом ҳаражатлар, (хатто) отхона ва (саройдаги) бошқа жонзотларга қилинган ҳаражатларгача аниқ билиши керак.

Амир Темур ўз тасарруфига ўтказилган мамлакатларни ва улардан келадиган даромадларнинг ҳисоб-китобини бошқариш учун уч вазирдан иборат давлат ҳайъати (холиса) тузади. Улар сарҳадлар ва тобе мамлакатлар муаммолари, даромадларини идора қиладилар. Уларнинг ҳар еттитаси тепасида девонбеги турган. Уларнинг ҳаммаси девонбеги раҳбарлигида бугун молиявий ишларни амалга ошириб, Соҳибқиронни воқеийликлардан хабардор этиб туришлари керак. Бундан ташқари, яна бир кишини арзбеги қилиб тайинлаб, у сипоҳ, раият ҳамда арз-дод қилиб келувчиларни қабул қилиш; муҳим ишларнинг қайси бири битган ва битмаган, буларнинг барчасидан Амир Темурни хабардор қилиб туриши керак эди.

Садирлар, бош садир вақф ерларини бошқарувчи суюрғол тариқасида берилган ерлар ва вақфларнинг аҳволини, улар вазифаларини қай даражада адо этаётганликларини текшириб, Соҳибқиронга арз қилиб турган. Амир Темур қонунчиликка, хусусан, шариатга, уларни билувчи қозиларга ҳам катта эътибор берган. Ислон қозилари шариат ишларининг боришини кузатса, аҳдод қозиси дунёвий ишлар ҳақида Амир Темурга арз қилиб турган. Демак, қозилар икки турдан иборат бўлиб, биринчиси лашкарлар учун махсус қозий, иккинчиси раият учун алоҳида суд (қозий) тайинланган. Раият учуи тайинланган қозий шариатга оид ишларни ҳал этувчи қозийга ва урф-одат ишларини кўриб ҳал этувчи аҳдос қозийга бўлинган.

Салтанат ишлари, мамлакатни идора этиш, ундаги ўзгаришлар, алмаштиришлар, силоҳийлар ва амирларнинг тайинланиши, турли кенгаш, тадбирларга хос мажлисда кўрилиб, бу мажлисларда махфий ва сирли ишларни пинҳон тутувчи махсус котиб (муншийн маҳрам) ҳозир бўлган. Махфий дафтарга кўрилган масалаларни ёзиб борган.

Бундан ташқари, мажлис котиблари (мажлиснавистон) тайин қилинган. Улар навбатма-навбат ҳозир бўлиб, мажлисда кўрилган ва ҳал қилинган муҳим масалалар ва айрим тафсилотларини (дафтарларга ёзиб олиб, сақлашлари лозим эди) Соҳибқиронга арз қилинган масалалар, чиқарган ҳукмлар, мажлисларда кўрилган давлат ишларига молик ишларни дафтарларга ёзиб борганлар.

Салтанатнинг ҳар бир идорасида кирим-чиқимларни, кундалик ҳаражатларни ёзиб бориш учун бир котиб тайинланган.

Амир Темур улуслар, қўшинлар ва туманлар амирларининг ҳуқуқларига катта эътибор берган. Юриш вақтида ҳар бир улус ва туман амири ҳар бир чодирликдан (хиргоҳ) бир отлик, ҳар бир олачуқ (чайла)да бир отлик, ҳар бир уйдан бир отлик аскар ажратиб, ўзлари билан кетиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Улар қайси мамлакатга келиб тушсалар, улфатлари ўша ернинг суғориладиган майдони (обхўри) ва ўтлоғи (алафхўр)да бўлган. Улусларнинг амирларига ярғу ва байроқлар берилган.

Амир Темурнинг қирқ аймағи бўлган, улардан ўн иккитасига тамға берилган, Улар Соҳибқироннинг ишончли навкарлари бўлиши керак. Бу аймақларнинг номлари қуйидагилар: барлос, тархон, арғун, жалоир, тулкичи, дулдай, мўғул, сулдус, туғой, қинчоқ, орлот, тотор. Барлос уругидан Амир Темурнинг ўзи шу аймақдан бўлганлиги учун тўрт кишини амир ул-умаро қилиб тайинланган: Амир Худайдодга Бадахшон мамлакатини инъом этади. Амир Жоку, Амир Ики Темур ва Амир Сулаймоншоҳга ҳам биттадан сарҳад мамлакатни тортиқ қилади. Барлосликлардан яна у юз кишини мишбоши қилиб, Амир Жалолиддинга эса, ўнинчи амир даражасини берган, Амир Абу Саййидни эса, туққизинчи амир даражасига кўтарган.

Тархон улусидан Амир Боязидни еттинчи амир даражасига кўтаради. Арғун улусидан Тошхўжани саккизинчи амир қилиб, улардан яна йигирма кишини мингбоши, юзбоши, ўнбоши этиб тайинлайди. Жалоир улусидан Тўқ Темур ва Шер Баҳромни саккизинчи, туққизинчи амир этиб тайинлаган.

Дулдай улусидан Тобон баҳодир ва Сон баҳодирга амирлик мартабасини беради.

Мўғул улусидан Темурхўжа ўғлини амир этиб тайинлайди.

Сўлдус улусидан Элчи баҳодир амир этиб тайинланади.

Тўғай улусидан Али Дарвеш амир бўлади.

Қипчоқ улусидан Сори Буғога амирлик берилади.

Арлот улусидан Амир Муайядин - Темурнинг синглисига уйланган эди, амир ул-умаро этиб тайинланади. Сўлойчи баҳодирни ҳам амирликка кўтаради.

Тотор улусидан Кунакхонга амирлик мартабасини беради.

Тамға берилмаган яна йигирма саккиз аймақ бошлиқларига улус амирлигини беради ва улар Темур хизматида бўладилар.

Амир Темур бошқаришда йирик масалалардан оддий масалаларгача тартибга солади. Масалан, салтанат саройида ўтириш ва ўрин олиш тузугини ишлаб чиқади. Бу қонунга кўра куйидагича тартиб ўрнатилган эди. Темурнинг ўғиллари, набиралари ва қавму-қариндошлари ўз даража ва мансабларига кўра, ойсимон шакли тахтни ўраб ўтиришлари керак. Саййидлар, қозилар, уламо, фузало, шайхлар, улуғлар ва атроф (олий табақа вакиллари) ўнг томондан ўрин олган. Амир ул-умаро, бекларбеги, амирлар, нўёнлар, улус, туманлар ва кўшинларнинг сардорлари ва амирлари, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўз мартабаларига яраша чап қўл томондан жой олганлар.

Девонбеги ва вазирлар тахт қаршисидан жой олганлар. Қолганлари тахтнинг орқа томонларига жойлашадилар. Хировул амири тахтнинг рўпарасидан ўрин олса, ички, хусусий ясовул катта чодир эшик олдида, тахтнинг пояси тўғрисида тик турган. Додхрҳлар эса ўнг ва чап томонларида так турганлар.

Ўрин олиш қоидаларини назорат қилиш тўрт амирга тоширилади. Мажлис қоида билан бошлангандан сўнг минг товоқ ош, минг дона нон келтирилган ва йиғилганларга берилган, буни шоҳона зиёфат (шилон) деб атаганлар. Минг товоқ ошни эса, мумтоз ва хос кишилар базмига олиб келиб, шундан беш юз товоғини улус амирларга, саркардаларга, оқсоқолларга, ҳар қайсисининг номига атаб тарқатилган.

Амир Темур вазирлар ва амирлар, сипоҳи тузгандан кейин ўз империясининг чегараларини кенгайтириш мақсадида бошқа давлатларни забт этиш ҳаракатларини "етти йилгача" чўзилган "юришларининг" сабабини шундай тушунтиради. "Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фисқ-фасод кучайиб кетаркан асл подшолар адолат ўрнатиб, фисқ-фасодни, зулмни йўқотиш

ниятида ана шундай мамлакатга ҳужум бошлаши лозим..." (91-бет), Демак, Амир Темурнинг фикрига кўра, агарда бирои-бир мамлакатда шоҳлар бузилса, жабр-зулм кучайиб кетгач, одил, маърифатли шоҳлар бундай мамлакатга бостириб кириб, адолатли тартибни ўрнатишлари керак. Мовароуннаҳрни адолат ўрнатиш ниятида золим элатлардан тортиб олдим, - деб ёзади Амир Темур (91-бет). Бу ерда элат деганда Темур ўзбек улусини (қабиласини) назарда тутди. Чунки, ўрта асрларда халқлар, элатлар Ўрта Осиё айрим улусларнинг номлари билан юритилган, ҳозирга кундаги ўзбеклар, Ўзбекистон тушунчаси Ўзбекистон республикаси ҳудудидаги барча қадимга улусларга (улар ҳақида юқорида эслатиб ўтдик, биргина Темур давлатида 40 дан ортиқ эди) мансуб кўпчилик туркий тилда гапирувчи уруғ, қабилаларни ўзида бирлаштиради. Шунинг учун "ўзбекия" деганда Амир Темур туркий тилда гаплашадиган улуслардан бирини назарда тутган, улар Қипчок кенгликларидан келиб Самарқандни босиб олган эдилар. Шунинг учун ҳам Амир Темурнинг ўзи барлос улусидан бўлганлиги учун айрим улусларни Мовароуннаҳрдан ҳайдаганлигини айтади.

Амир Темур ўзга мамлакатларга қилган юришларини оқлаб, қайси бир давлатда шароит заифлашган бўлса, шу мамлакатга кириб, уни тиклашга, қонун-қоидани жорий қилишга даъват қилади. Мисол тариқасида ўзининг Ҳиндистонга юришини шундай таърифлайди: "...Мен Ҳиндистон пойтахтини Фирузшоҳнинг набираси султон Маҳмуддан, Маллуҳон ва Сорангдан тортиб олдим, дину шариатни тарқатдим ва у диёрнинг бутхоналарини буздим" (92-бет). Демак, ўзга мамлакатларни забт этшида Амир Темур у ерларда шариатни, яъни мусулмон қонунчилигини ўрнатганини ёзади. У Ироқи ажам, Форс ва Шом мамлакатларини ҳам турли-туман динсизлардан (илҳод) ва зинддиқликдан тозалаганини айтади.

Жаҳонгирлик қилишга киришганида Амир Темур тўрт нарсани доим хотирасида сақдаганини тузукларида ёзади.

Биринчиси - қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлса, доимо у кенгаш ва тадбир билан иш кўрган.

Иккинчиси - хатога йўл қўймасдан, кўп ўйлаб, ишларни сергаклик ва эҳтиёткорлик билан қилган. Ҳар ернинг, эл-улусининг табиати ва мижозларини хотирасига келтириб, уларнинг табиатига мувофиқ йўл тутиб, шунга қараб унга ҳоким тайинлаган.

Учинчиси - уч юз ўн уч асил зотли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофига бирлаштирган. Уларнинг барчаларининг сўзлари, ишлари, райлари ягона бўлган деб ҳисоблайди Темур.

Тўртинчиси - бугунги ишни эртага қолдирмасдан, "юмшоқлик қилишга тўғри келса, мулойимлик қилган, қаттиққўллик ишлатиш вақти етса, қатъий чоралар кўрган. Шошмаслик керак ерда - шошилмаган, шошиларли ишларни кечиктирмаган. Қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда куч ишлатмаган (93-бет).

Амир Темур ўз империясини бошқариш ва янги-янги мамлакатларга юриш қилиш учун туну кун ўйлаган, турли тадбирлар ва чоралар ахтарган. У доимо изланишда бўлган. Энг муҳими шундаки, у имкони борича қилич ишлатмасдан, давлатлар ўртасидаги масалаларни чораю тадбир билан ҳал қилишга ҳаракат қилган. Бу фикр "Тузуқлар"да асосий ғоя сифатида деярли ҳамма бобларда мавжуддир. У қўл остидаги одамларни, мамлакатларни идора этиш учун кўп ўйлади, доно кишилар билан маслаҳат қилди. Амир Темурнинг маслаҳатчилари пайғамбар Муҳаммаднинг сўзлари ва ўзининг амри эди. Тузуқларда Пайғамбарнинг сўзларига мурожаат қилади. Масалан, Пайғамбарнинг оқибатли ва оқибатсиз бўлиш тўғрисидаги фикрини келтирган: "Зинодан туғилган киши ўзига яхшилик қилган одамга ёмонлик қилмагунча дунёдан кетмайди". Пирининг қуйидаги сўзларини алоҳида таъкидлайд: "Худонинг ва худо пайғамбари ҳукмига амал қилгин, расулиллоҳнинг зурриётига ёрдам бер, худони неъматларини еб, яна унга ва унинг пайғамбарларига душманлик қилган подшоҳларни худонинг мулкидан чиқар. Худонинг мулкида адолат билан иш тутғилким, шундай демишдирлар: "Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди" (93-бет). Бу сўзлар Амир Темур сиёсатининг асосини ташкил этади. У қайси мамлакатда бўлмасин, Ислом таълимоти асосида адолат

қилишга ҳаракат қилади. Золим ҳукмдорлар, шоҳларни ҳокимиятдан четлаштириб, уларнинг ўрнига адолатли амир ва вазирларни тайинлайдики, уларнинг бош вазифаси ўз мамлакатларида шариат қонун-қоидаларини жорий қилиш, мамлакатни обод қилиб, дини исломнинг тараққиётига ўз хиссаларини қўшиш эди.

Амир Темур мулку мамлакат, сипоҳу раият аҳволидан хабардор ва огоҳ бўлиб туриш масалаларига жуда катта эътибор берган. Биринчидан, қайси мамлакат унинг ихтиёрига ўтган бўлса, шу мамлакат халқларининг одатларини, сайидлар, уламолари, ўқимишли кишиларини ҳурмат қилган. Бу борада у икки йўлга ёки икки тамойилга амал қилади. Биринчиси, агарда қайси бир мамлакат тинчлик йўли билан Амир Темурнинг тасарруфига ўтган бўлса, юқорида айтганимиздек, бундай давлатлардаги ҳокимларни, амирларни Амир Темур ҳурмат қилиб, уларнинг ўзларини шу давлатлар, шаҳарлар, вилоятларнинг бошлиғи этиб тайинлаган. Иккинчиси, агарда мамлакатлар тинчлик йўли билан таслим бўлмаса қилич ёрдамида қўшиб олинса, бундай мамлакатларнинг бошлиғи этиб, оқил, одил ва фозил кишиларни тайинланган. Учинчидан, қўл остидаги мамлакатларни идора этиш учун улар ҳақида узлуксиз маълумотлар, хабарлар олиб туриш -алоқа тизимини жорий этади. У шундай фармонлар қабул қиладики, уларга биноан ҳар бир сарҳад, вилоят, шаҳар ва лашкарларда махсус хабар ёзувчи (хабарнавислар) тайинланади. Уларнинг вазифаси -ҳокимият, раият, сипоҳ ва бегона лашкарларнинг ҳатти-ҳаракатларидан Амир Темурни огоҳ этиб турадилар. Энг муҳими, Амир Темур хабарчилардан ростлик-тўғрилиқ билан ёзиб туришларини талаб қилади. Ёлғон хабарлар учун ўлим жазоси чоралари белгиланган эди. Империянинг ҳамма бурчакларидан Амир Темурга кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой хабарлар келиб турган. Табиийки, бу хабарларни кимлар, қандай қилиб, ўрта асрларда шундай катта бир империяда амалга оширган, деган савол тугалади. Буни Амир Темур қуйидаги тартибда амалта оширади. Мингта тез юрар туя ва мингта чопқир отларга минган хабарчилар, мингта тез юрар пиёдалар, чопарлар Амир Темурнинг хабарчилари эди. Улар ҳамма ерларда,

мамлакатларда ҳаракат қилиб, биринчи навбатда душманларнинг ҳаракатлари, ниятлари тўғрисида Амир Темурга қимматли маълумотлар бериб турганлар. Масалан, Тўхтамишхоннинг Ўрусхондан енгилгани ҳақидаги хабар Тўхтамишхоннинг ёрдам сўраб мурожаат қилишидан олдин етиб келгани учун у Ўрусхонга қарши юриш чора ва тадбирларини тузиб қўйган эди. Ёки Ҳиндистонга юриш олдидан унинг хабарчилари Ҳиндистон давлатининг ҳар бир вилояти ва шаҳарларидан ҳокимлар, сипоҳлар, раият тўғрисида маълумотлар олиб келганлиги натижасида уни босиб олиш Амир Темур учун қийин бўлмаган. Ҳиндистон ишлари билан банд вақтида хабарчилар ахборотларига қўра Рум қайсари ва гуржистонликларнинг бебошликларидан хабардор бўлади. Тезлик билан улар томонига юриш қилиб, уларнинг қаршиликларини бостиради.

Амир Темур турли мамлакатларнинг аҳолисини йўл-йўриққа солиш ва маош тайинлаш, авлиёлар ва дин пешволарининг мазорларини тузатиш, вақф ва назр ишларини тартибга солишда тузукларини, яъни қонунларини жорий қилади. Бу қонунга биноан фатҳ этилган давлат сипоҳийлари ўз ихтиёрлари билан паноҳига келса, Амир Темур уларни навқар қилиб олган. Шу давлатларнинг раияти ёмон ҳодисалардан, қатл этилишдан, асиру банд этилишдан ҳимояланган. Уларнинг молу мулки, буюмларини талон-тароғликдан сақлаган. Ўша мамлакатлардан олинадган ўлжа, солиқлар миқдорини аниқ ҳисобга олишган. Саййидлар, уламо, машойих, фузало, акобирлар азиз тутилган (96-бет). Амир Темур, айниқса, деҳқонлар ҳаёти билан яқиндан шуғулланиб, уларга шарт-шароитлар яратиб беришни амирлардан талаб қилган. "Фақир мискин, бирон касб қилшига ожиз шол-кўрларга нафақа белгилансилар. Мударрислар ва шайхларга бирон вазифа берсинлар" (97-бет), - деб "Тузуклари"да қатъий ёзиб қўяди.

Амир Темур, айниқса, маърифат ишларига жиддий эътибор берган. Авлиёлар, дин пешволарининг мазорлар ва мақбараларга вақф ерларидан тушган даромадлар ҳисобига маблағ ажратишга буйруқ беради. У ерларни тилам, таом ва чироқ билан таъминлашга амр қилади. Биринчи навбатда, Али ибн Абу Толибнинг (656-661 йй.) қабрини обод қилши учун Нежаф билан Хуллани вақф

этиб тайинлайди. Имом Хусайининг (Алининг кенжа ўғли. 680 йил 10 октябрда урушда ўлдирилган), Абдулқодирий Жилоний йирик сўфий-қодирия тариқатнинг асосчиси 1166 йилда вафот этган, Имоми Аъзам Абу Ханифатўла исми Абу Ханифа ан Нўъмон ибн Собит - Ҳанафия мазхабининг асосчиси (699-767), Халифа Мансур томонидан қамалган ва зиндонда калтақдан ўлган. Имом Мусо Козим - шиаларнинг еттинчи имоми (799 й. вафот этган), Имом Муҳаммад Тақи - шиаларнинг тўққизинчи имоми (885 й. вафот этган), Салмон форсий - Муҳаммад пайғамбарнинг эронлик саҳобаси (655 й. вафот этган), Мадоин, Бағдоддан 26 чақирим жануби-шарқда жойлашган шаҳар, Имом Али ибн Мусо - саккизинчи имом (821 й. вафот этган) каби араб ва форс мамлакатларидага имомларнинг мазорларини обод қилишга фармон беради. Эрон ва Турон мамлакатларидаги авлиёлар ва сўфийлар қабрларининг зиёратхонага айланшни ва обод бўлишига амр қилади. Бунга ёрқин мисол қилиб Туркистон шаҳрида қурилган Аҳмад Яссавий мақбарасини келтириш кифоядир. Хуллас, Амир Темур қайси бир мамлакатни забт этмасин, бу ерларда адолат ва маърифат ишларини ривожлантиришга амирлар, хукмдорларнинг диққат-эътиборларини жалб қилади. Шунинг учун ҳам уни Доро, Чингизхон каби золимлар, диктаторлар билан тенглаштириб, бир қаторга қўювчиларнинг фикрига қўшилиб, бўлмади. Амир Темурнинг сиёсий фаолиятида ва қарашларида юқорида кўрганимиздек, адолат тарозисига қўядиган бўлсак, ёмонлик эмас, фақат яхшилик, уруш эмас, тинчлик, босқинчилик ва талон-тарожлик эмас, ободончилик устунлик қилади. У ҳақиқатан ҳам тадбиркор, инсонпарвар шоҳ бўлган. Бу ҳақда кўплаб ҳикоялар, афсоналар, қарашлар мавжудки, улар ҳозиргача омма орасида яшаб келмоқда. Масалан, ҳикоя қилинади: "Қарши қалъасини забт этиб, музаффарлик туғи ихтиёр этдик. Навкарларни хонадонларга тақсимлаб, ўзимиз сой бўйида яшил чодир тикдик.

Субҳидам атрофга разм солмоқда эдим. Иттфоқо, аёл кишининг от етаклаб, сой томон кетмоғига назарим тушди. Шунда бизни ўй чулғади. Мулозим Йўллаб, ул ожизанинг эркагини топтириб келтирдик.

Савол айладик:

- Нечук, жавзангизни от суғоргали йўллайсиз? От суғормоқ эркак кишининг хизмати-ку?

- Соҳибқирон, - жавоб айлади ул киши, - от боқиш ҳам, от суғориш ҳам эркакнинг юмуши эканини биламан. Аммо уйимга қоилонсифат -гўрт навкар тушибдур. Уларнинг ниятин билмасман. Шул боисдан аёлимни от суғормоққа йўллаб, уйда қолган икки бўйдор қизимни кўриқламоқ истадим...

Биз мулоҳазага берилдик. Ва ўз хатоимизни англаб, ҳамишаликка қарор бердик: Бундан буёғинда навкарлар хонадонларга жойлаштирилмасин..."

Амир Темурнинг номини дунёга машхур қилган ҳамда уни Соҳибқирон, яъни шоҳларнинг шоҳи деган унвонга сазовор бўлиши заминида унинг шавкатли амирлари, лашкарлари туради. Гап шундаки, у ҳокимият учун курашга кирган кунидан бошлаб, ана шу сипоҳини тузиш ва унинг куч, қудратини доимо юксалтиришга алоҳида эътибор берди. Унинг аркони давлати, мулозимлари орасида энг обрўли ва энг мақтовга сазовор шахслар - ҳарбийлар, жангларда зафар қозонган амирлар эди. Шу боисдан ҳам, Амир Темур ўзининг "Тузуқлари"да авлодларига васият тариқасида сипоҳ ҳақида, унинг тизими, тартиби, маоши, кийим-кечаги-ю, қурол-яроғигача бўлган масалаларни батафсил ҳикоя қилган. Амир Темурнинг сипоҳ ҳақидаги таълимотлари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Шу боис уни ўрганиш, билиш ҳозирги замон армиясини бошқаришда муҳим аҳамиятга эгадир. Уни ҳарбий мактаб, академияларда ўрганишга, давлат раҳбарлари, вазирлари кундалик иш фаолиятларида қўллашга эътибор берсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Амир Темур сипоҳни тузишда асосан ўз замонида машхур бўлган ўнликлар, юзликлар, мингликлар тизимига амал қилади. Унинг лашкарларининг энг қуйи бўғинини ўнликлар ташкил этган бўлса, энг юқориғи бўғини эса Амир ул-умаро раҳбарлик қилган сипоҳ эди. Унинг энг тепасида якка ўзи чексиз ҳуқуққа эга бўлган ҳолда қўмондонлик қиларди. Энг муҳими шундаки, сипоҳ ташкил қилишда Амир Темур уларга ўнбоши, юзбоши, мингбоши амирлар танлашда шунчаки таниш-билиш ёки (ҳозирги замонда дипломларга эга бўлган,

махсус ўқишларни битирганларни тайинламасдан) у бу масалада бевосита жанг майдонида ўзининг маҳоратини кўрсатган шахсларни танлайди. Бу ҳақда Амир Темур шундай дейди: “Черик тузиб навкар олмоқда уч қоидага амал қилдим: биринчидан - йигитнинг куч-қувватига, иккинчидан қилични ўйната олишига, учинчидан ақл заковатига-ю камолатига эътибор қилдим. Шу уч фазилат жамулжам бўлса, навкарлик хизматига олдим...” Ана шу йўсинда танланган навкарларга раҳбарлар этиб сайлаш қоидасини Амир Темур қуйидагича ҳикоя қилади: “Амир қилдимки, қачонки асл сипоҳлардан иш кўрган, жанг жадал билан суяги қотган ўн киши йиғилса, булардан қайси бирининг шижоат, ботирлиги, ортиқроқ бўлса, қолган тўққизтасининг розилиги ва мақуллаши билан уни ўзларига бошчи сайлаб, отини ўн боши деб атасинлар”. (69 бет). Кўриниб турибдики, Амир Темур ўз сипоҳини тузишда табиий қонунчиликка амал қилади. У ҳар бир жангчини танлашда унинг суяги жангу жадалларда қотганига эътибор беради. Яна энг муҳими шундаки, уларнинг бошлиғи қилиб, ўзларининг ораларида ҳаммаларидан ҳам ботирлиги, шижоати ортиқроқ жангчини танлаб қолган тўққизтасининг розилиги асосида ўнбоши қилиб тайинлайди. Бу ерда Амир Темур томонидан сипоҳни бошқаришда табиий танлаш ва ўз касбини мутахассислигига асосий эътибор берилади. Ундан ташқари раҳбар қўмондонларни танлаш ва жой-жойига қўйишда асосий меъзон қилиб, жанг майдонини, яъни амалий ҳаётни ҳамда ўзига ҳос ҳарбий демократик яъни бошқаларнинг розилиги мақуллашларига асосланади. “Ўн нафар ўн боши жам бўлса, ўз ичларидан энг иш кўрган, жанг майдонларида товланиб, тажриба орттирган, баҳодирликда номи чиққан бировини амир қилиб, уни юз боши деб номласинлар” (69-бет). Ана шу тартибда мингбоши (Амири ҳазора) ва бошқа қўмондонларни тайинлашни жорий қилади.

Амир Темурнинг ўрнатган қонун ва қоидасига биноан лашкарлар орасида бирор-бир кимса ўлса ёки қочиб кетса, унинг ўрнига янги кишини тайинлаш қуйидаги тартибда ўтказилган: оддий жангчи ўнбоши, ўнбоши юзбоши, юзбоши эса мингбоши бўлишига ҳуқуқ берилади. Барча ўзгаршилар ва янги тайинланганлар ҳақида ва унинг сабабларини шахсан ўзи хабардор

қилишларини талаб қилган. Бундан ташқари, Амир Темур жанг майдонларида ҳамда салтанат ишларини бошқаришда мингбошининг ҳукми юзбошига, юзбошининг ҳукми ўнбошига ва ўнбошининг ҳукми бажарилишини қўл остидаги жангчиларга қатъий қилиб белгилаб қўяди. Агарда кимда-ким бу қонидани бузса, у қонуний жазога тортилиб, ўз лавозимидан бўшатирилган ва ўрнига янги шахс тайинланади.

Қўшин тузишда юқоридаги тамойилларга, қоидаларга қатъий амал қилиш натижасида Амир Темур ўрта асрларда мисли кўрилмаган жанговорликларни қўлга киритган ва энг оғир шиддатли жангларда ҳам доимо зафар қозонган. Бу эса интизомли, малакали сипоҳ тузилишига асосий сабаб бўлди.

Амир Темур фақатгина ўз сипоҳини ташкил этиш ёки унинг жанговорлигини ошириш ишлари билангина эмас, балки у сипоҳнинг ички масалалари, хусусан, сипоҳга улусда озиқ-овқат, маош, турли моддий инъомлар қилиш, танҳо тақсимлаш, яъни айрим амирларга, мингбоши, юзбошилари хазинадан кўрсатган қаҳрамонликлари учун бойлик, ер-сув бериш, Амирлик мансабини бериш, навкарларни энг қуйи даражадан олий мартабагача тайинлаш қоидаларини, тузукларини ишлаб чиқади. Сипоҳига бериладиган маош масаласини кўриб чиқадиган бўлсак, у Амир Темурнинг амрига биноан қуйидагича ташкил қилинган эди.

Оддий сипоҳ ўз вазифасини ўринлатиб бажарганда унга минган отининг баҳоси берилган. Баҳодирларининг маоши икки от баҳосидан - тўрт от баҳосигача. Ўнбошилар маоши қўл остидаги оддий сипоҳийдан ўн баробар ортиқ бўлган. Юзбошиларники эса, ўнбошиларникидан икки баробар юқори, мингбошиларники эса юзбошиларникидан уч баробар зиёда бўлган. Сипоҳийларга маош белгилашда Амир Темур моддий рағбатлантириш тамойилига қатъий амал қилади. У аскарларининг маошини тенглаштирмасдан кўрсатган хизматларига қараб зиёда қилиб берган. Бундан ташқари, алоҳида қаҳрамонлик кўрсатганлари учун улуфа, танҳо каби рағбатлантириш-ларни ҳам жорий қилади. Амир Темур ёзади: "Амр қилдимки, амир ул-умаронинг маоши ўз қўл остидагиларидан ўн баробар ортиқ бўлсин. Шунга ўхшаш, девонбеги ва

вазирларнинг маошлари эса амирлар маошидан ўн баробар кўп бўлсин. Ясовуллар, чоповуллар, қалақчилар маошлари ўз хизматларига яраша, мингдан ўн минг (танга)гача бўлсин" (70-бет).

Аҳли мажлис бўлмиш саййидлар, олимлар, фозил кишилар, ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссахонлар, хабарчилар, тарихчилар, хуллас, барча-барча давлат мулозимларига ўз ҳолларига қараб маош белгиланган, суюрғол тайинланган. Пиёдалар, хизматчиларга юз тангадан минг тангагача маош беришни жорий қилади.

Агарда сипоҳийлардан қайси бири жангда хатоликка йўл қўйса, унинг маоши ўндан бирга камайтирилган. Маошни олиш, белгилаш, қатъий ҳисоб-китоб билан девонбегалар орқали амалга оширилган. Девонбегилар ўз навбатида Темурни хабардор қилиб турганлар. Сипоҳийларнинг ҳар бирида махсус фармонга кўра маош олиш ёрлиғи берилган. Ёрликда уларга берилган маош миқдори аниқ қилиб ёзиб қўйилган.

Амир Темур давлат аппаратини, биринчи навбатда, қўшинини моддий жиҳатдан таъминлаш манбаи (солиқлар) тизими ва улардан хизматчиларга маош белгилаш, маош миқдорлари ҳамда умуман, хазинадаги кирим ва чиқим ҳисоб-китобларини катта аниқлик билан олиб борилишини жорий қилади.

Масалан, сипоҳга танҳо ва улуфа тақсимлаш тўғрисида махсус тузуклар ишлаб чиқаради. Бу қонун-қоидага биноан пиёдалар, қалақчилар ясовуллар, чоповулларни бир йиллик маошларини ҳисоблаб, танҳо хазинасидан олиб беришни буюрган. (72-бет.)

Ўнбоши, юзбошиларга эса маошни шаҳар омонлиги (шаҳар аҳолисидан йигилган солиқ) хазинаси ва подшолик мулки даромадидан нақд пул ҳисобида ёзиш жорий қилинади. Амирлар ва амир ул-умароларга эса сарҳад ерларидаги вилоятлардан бири тиюл<sup>1</sup> қилиб белгиланган.

Давлат муозимларининг маоши қатъий қилиб белгиланар экан, Амир Темур уларни оддий халқдан ортиқча солиқлар, олишларини таъқиқлаб қўяди. Масалан, Амир Темурнинг махсус фармони билан амирлар, мингбошилар

---

<sup>1</sup> Тиюл- хирож, солиё йиғиб олиш учун топширилган вилоят, ер-мулк.

раиятидан моли жиҳот (нақд пул ёки махсулот билан тўланадиган солиқлар) йиққанларида, хирождан ортиқча соварий (подшо ва хонлар ўз вилоятларидан ўтаётганларида талаб қилинадиган тортиқлар ёки совринлар), Қўналға (чопарлар ва элчиларга қўноқ (тунаш)хақи бериш) ва Шилон (подшоҳлар ва амирларнинг овқатланиши учун тўпланадиган солиқлар) талаб қилишлари таъқиқланади.

Амир Темур солиқларни раиятдан йиғишни ўз фармонларида тайин қилиб қолмасдан, балки у солиқ йиғувчиларни оммага ортиқча жабр-зулм қилмасликлари учун алоҳида қонунлар жорий қилади. Масалан, тиюл қилиб белгиланган мамлакатга иккита вазир тайинланади. Бири белгиланган миқдорда аҳолидан солиқ йиғишни ва уни хазинадаги кирим дафтарида аниқ қилиб белгилаб борса, иккинчиси эса солиқлар натижасида йиғилган даромаднинг ҳисоб-китобини олиб, чиқим (харажатлар) миқдорини кўрсатар эди, ҳамда тегишли тартибда маош беришни жорий қилади. Амир Темур амирларига тиюл тариқасида бириктириб қуйган вилоятларни хар уч йилда текшириб кўришни топширди. Агарда шу вилоят аҳолиси шикоят қилмаса, солиқ миқдоридан ортиқча аҳолидан ҳақ олинган бўлмаса, мамлакат обод, раият рози бўлса, яна уч йилгача текширилмаган. Аксинча омма норозилик билдирса, солиқ йиғишда қонун бузилган бўлса, вилоят аҳолиси (уч йилгача) барча солиқлардан озод этилади. Амир Темур шундай деб ёзган: "Яна буюрдимки, хирожни раиятдан калтаклаш ва савалаш йўли билан эмас, балюн огоҳлантириш кўрқитиш ва тушунтириш йўли билан ундирсинлар. Қайси ҳоким ҳукмнинг таъсири чўп ва калтаклаш таъсиридан камроқ бўлса, ундай ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздир" (72-бет). Демак, Амир Темур фақат давлат мулозимлари: амирлар, саркардалар, баҳодирлар, жангчиларнинг турмушидан, ҳаётидан огоҳ бўлиб, уларнигина ўйлаб қолмасдан, раият - омманинг турмуши, шароитининг огирлашиб кетиши, уларга нисбатан ҳокимларнинг зўравонликлари, қонунсиз тажовузлари бўлмаслигини қаттиқ назорат остига олган. Уни амалга ошириш давлат аппарати механизмларини ишлаб чиққан. Шу сабабли ҳам, ўз замонининг кўп сонли, қуролланган қўшинини халқлардан йиғиладиган солиқлар эвазига сақлаб туришга халқ ва давлат, халқ ва армия ўртасидаги муносабатнинг

огирлашишига йўл қўймаган. Бу жиҳатлари билан Амир Темур нафақат урушларда ютиб чиқувчи буюк саркарда сифатида намоён бўлиб қолмасдан, балки халқнинг арзу додига кулоқ солувчи донишманд, маърифатли шоҳ ҳам бўлган, десак хато бўлмайди. Амир Темурнинг ҳокимлари, вазирлари ва амирлари аҳолини калтаклаб, савалаш йўли билан бошқармасдан, кўпроқ огоҳлантириш, тушунтириш йўли билан бошқарганлар.

Амир Темур сипоҳни ташкил этишда, асосан, юқорида кўриб чиққан имиздек, табиий танлаш қоидаларига асосланган бўлса-да, аммо шу билан бир қаторда ўзининг Барлос уруғидан чиққанларга ҳамда шахзодаларга ҳам имтиёзлар берган. Масалан, тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгир валиаҳди, яъни меросхўри бўлган. У вилоят ҳокими бўлиб, 12 минг отлик аскарига улфа олган. Иккинчи ўғли - Умар Шайхга эса, вилоят ва ўн минг отлик аскарга улфа олиш буюрилади. Учинчи ўғли - Мироншоҳга эса, вилоят ва тўққиз минг отлик аскарга улфа олиш ҳуқуқи берилган.

Тўртинчи ўғли - Шоҳруҳга бир вилоят ва етти минг отлик аскарга улфа олиш юклатилади.

Набираларига эса уларнинг қобилиятларига қараб, биттадан вилоят, уч мингдан етти минггача отлик аскарларга улфа олиш ҳуқуқини беради. Қариндошчилиги бор кишиларга эса, уларнинг ҳар бирининг қобилиятига яраша биринчи даражали амирликдан еттинчи даражали амирлик мартабаларини беради. Уларнинг қайси бири ўрнатилган қонун-қоидани бузса, ҳаддидан ошса, жавобгарликка тортилганлар.

Амир Темур ўз сипоҳининг яроқ-жабдуқлари ва анжом-жиҳозлари ҳақида доимо ғамхўрлик қилган. У шундай қонун жорий қиладики, юриш вақтида оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши ўзи билан бирга чодир (хийма), олган. бир қлиич, арра, бигиз, бир қоп (жувол), жуволдуз, болта, ўнта игна ва орқага осиладиган чарм халта олиши керак бўлган. Баҳодирлардан эса, ҳар беш киши бир чодир. Ҳар бири бир темир совуғ (жавшан), дубулға, бир қилич, садоқ-ўқдон, камон ва бешта от олган. Юзбошилардан эса ҳар бири бир чодир, ўнта от, қурол-аслаҳадан қилич садоқ, камон, гурзи, чўқмор, коскан (каска) зирих

(совут), багтар (темирдан ясалган усти бахмал ёки мато билан ўралган кийим) олган. Мингбошилар эса, ҳар бири бир чодир, бир соябон; қурол-аслаҳадан - жавшан, дубулға, найза, қилич, садоқ-ўқдон ва ўқ- ёйдан кўтарганича олган. Биринчи амири бир чодир, бир ўтов, бир жуфт соябон, қурол-аслаҳадан кўпроқ олишни буюради. Шунга ўхшаш иккинчи, учинчи... то амир ул-умарогача; ҳар қайсиси ўз мартабаларига яраша қурол-яроғдан ва бошқа анжомлардан олиш буюрилади. Амирлар отдан эса, бирилчиси бир юз ўн от, иккинчиси бир юз йигирма, учинчиси бир юз ўттиз, тўртинчиси бир юз қирқ от, амиру умарога етгунча шу тартибда от олиш белгиланади ва у эса ўзи билан уч юздан кам от олмаслиги белгиланади. Пиёда аскарлар эса ҳар бири ўзи билан бирга бир қилич, бир камон, кўтарганларича ўқ-ёйдан олганлар. Аммо тузукларда курсатшшича, жанг пайтида юқорида белгиланганлардан кам бўлмаслиги қатъий қилиб белгилаб қўйилган.

Амир Темур уруш ва тинчлик пайтларида сипоҳни қўриқлаш, эҳтиёт қилиш масалаларини ҳеч қачон эсдан чиқармаган. У шундай тартиб ўрнатадики, сипоҳни ва ўрданинг тўрт томонида тегишли фарсанг масофада қоровуллик қилиш тартиби қуйидагича белгиланади. Биринчидан, сипоҳийлар, амирлар, мингбошилар, юзбошилар ва ўнбошилар девонхонага, базм-мажлисларга қулоқсиз (бош кийимсиз), бўқда (ханжар), қиличсиз ҳозир бўлмаганлар. Иккинчидан, ўн икки минг аскар урушу-тинчлик вақтида қуролланган ҳолда девонхонанинг тўрт тарафидан қуршаб турганлар. Улардан ҳар кеча навбатма-навбат минг киши соқчиликка ажратилади. Ҳар юз соқчига бир юзбоши тайинланиб, шартлашилган махфий сўз айтилади. Соқчиларни тайинлашидан кўришиб турибдики, Амир Темур Ўрдани ва сипоҳни ниҳоятда душмандан эҳтиёт қилган. У айниқса, уруш пайтида лашкарларининг атрофини қўриқлашга алоҳида эътибор бериб, бутун бир жанговор тартибни ишлаб чиқади ва уни жорий қилади. Уруш пайтида ўн икки амирдан ҳар бири, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўн икки минг қуролланган отлик сипоҳи билан бир кеча-кундуз давомида ҳар қайсилари ўз хонларини қўриқлаш учун ҳозир бўлганлар. Бу ўн икки минг отлик лашкарни тўрт фавжга бўлиб, бир фавжини баронғирга,

бошқасини жавонғорга, биттасини Ўрданинг олдига, бошқасини эса унинг орқа тарафига тайин қилади. Қўйилган соқчиларга ҳушёрлик билан барча воқеийликлардан Ўрдани хабар қилиб туриш тайинланади. "Яна ҳукм қилдим, - деб ёзади Темур, - атрофимда жойлашган лашкар ва ўрдуга, ҳар бирида (алоҳида) биттадан қутвол<sup>1</sup> тайинласинлар ва ўрдуни қўриқлаш, соқчилик қилиш ишлари шулар устига юклансин... Агарда ўрду аҳлидан бирор кимсанинг нарсаси ўғирланса, улар жавобгарликка тортилсинлар" (84-бет). Бундан ташқари, у қўшин орасидан тўрт фавж чопқунчилар тайинлашни буюради. Улар тўрт фарсанг масофада лашкар ёнида юриб, қўриқлаб борадилар.

Лашкарнинг учдан бир қисми сарҳадларни қўриқлаш ишига тайинланган, учдан икки қисми эса доимо салтанат хизматига ҳозир бўлиб турган.

Амир Темур сипоҳнинг тузилиши, унинг қурол-яроғи, қўриқланиши, маошлари билан бир вақтда навкарларнинг ўз бекларига ва аксиича, бекларнинг ўз навкарларига бўлган муносабат масалаларининг ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатларини ҳам тартибга солади. Амир Темур навкарларидан тўғри, адолатли бўлишларини талаб қилади. Навкарлар ўзларини доимо бекларнинг хизматчилари деб билганлар. Амир Темур ўз бегига ихлос қўйган ва сидқидилдан хизмат қилган навкарнинг бойлиги, давлати, ноз-неъматини кундан-кун ортиб боради, деб ҳисоблайди: "...Қайси навкар ўз хизмати, ҳақ-бурчини унутиб, иш вақтида (меҳнатдан) юз ўғирар экан, ундай навкардан юз ўғирмоқ керак. Қайси навкар иш вақтида баҳона излаб, жангу жадал пайтида ижозат сўраб, қочишни мўлжалласа, бугунги ишни эртага қолдирса (Булод ва Темур ўғлон бошимга иш тушганда ўзларини шу қабилда тутиб, мени ташлаб кетганлари каби) бунга ўхшаш навкарлар, номларини ҳам тилга олишга муносиб эмасдирлар. Бундай кишиларни парвардигори оламга топшириш зарур" (87-88 бетлар). Иккинчи томондан, амиру бекларга қарата Амир Темур уқтирадики, навкарларини улуғлаб кўтарган бўлсалар, уларни хўрламасинлар, билган ва таниган бўлсалар уни унутмасинлар. Агарда аҳён-аҳёнда навкарнинг иззат-

---

<sup>1</sup> Ёутвол - салъа бошлиғи, комендант.

нафсига тегиб, уни хўрлаган бўлсалар, кейинчалик унинг икки ҳисса иззатини оширсинларки, то ўз гинасини кўнглида сақламасдан, чиқариб юборсин. Агарда навкар бегидан ажраб кетиб' яна қайтиб келса, унинг айбини кечиришлигини ҳам уқтиради-ки, Амир Темур ёзадики, ғаним томонидан навкар ўз бегини ҳимоя қилиб, бизга нисбатан қилич кўтариб, жанг қилган бўлса ва кейинчалик бизнинг хизматимизга келса, бундай навкарларни қабул қилиш керак. Уларни ҳурматлаш ва кўп илтифотлар кўрсатиш керак, деб ҳисоблайди. Ўзининг ҳаётий тажрибасидан мисоллар келтиради. Масалан, Менгли Буғо, Ҳайдар Андхуди ва амир Абу Саййидлар олти минг отлик аскар билан Балх дарёси бўйида Амир Темурга қарши жанг қилганлар. Улар кейинроқ Туғлуқ Темирхондан ноумид бўлишиб, Амир Темурнинг паноҳига хизматга ўтадилар. Амир Темур уларга кўп яхшиликлар қилиб, Ҳисори Шодмон, Андижон ва Туркистон вилоят-ларини инъом қилади.

Амир Темурнинг фикрича, энг ҳавфли ҳамда унинг узрини кечириб бўлмайдиган навкар - бу жанг майдонида ўз бегига хиёнат қилганидир. Бундай кишиларни қабул қилиш мумкин эмас, чунки ундайлар оғир кезларда эски бекларига хоинлик қилгандаридек, уларни унутганларидек, янги бекларини ҳам унуттадилар". "...бундай кимсани, - деб ёзади у, -хизматга йўлатмасинлар. Ҳаётнинг ўзи бундайларни қилмишига яраша жазосини беради" (88-бет). Яна уқтирадики, қайси бир навкар юриш вақтида ўз бегидан юз ўгирса, ундан ажралиб, сизнинг олдингизга хизмат истаб келса, ундай навкарга ишониб бўлмайди. Лекин, юриш вақтида эмас, тинчлик вақтида келиб хизмат қилишни ихтиёр этса, унга иззату эҳтиром билдирса бўлади, навкарлардан жанг пайтида ғайрат билан қилич чопишганлар ҳақида ғаразгўйларнинг улар тўғрисидаги фикрларига эътибор бермасликка чақиради. Ёки бошқа бир жойда Амир Темур ёзадики, сипоҳий фавжлардан ёки амирлардан қайси бирлари душман билан келишиб, у билан дўсту ошно бўлиб яшашни ихтиёр қилар экан, ундайларни юртдан чиқариб, ҳеч ердан ўрин бермасликка чақиради. Бундайлар тўғрисида ўз тажрибасидан кўрганлари тўғрисида хикоя қилади. Масалан, Кеш (Шаҳрисабз) лашкарларининг саркардалари ундан юз ўгириб, душман амир Ҳожи барлос

қўшинига қўшилганлар. Шундаи кейин Амир Темур уларга ишонмай қўйган. Ёки бошқа жойда навкар бирон-бир мамлакатга хоким қилиб қолдирилса-ю, у мамлакатни душманга тонширса, бундай навкарни фақат ўлим жазосига ҳукм қилишни ва аксинча, давлатни душмандан ҳимоя қилган содиқ навкарни ҳар томонлама мартабасини улуғлаш кераклигини айтади. Шунга ўхшаш навкарлар, амирлар, давлат мулозимлари ҳақида Амир Темур мисоллар тариқасида ўз фикр ва мулоҳазаларини, бошқача қилиб айтганда, муносабатини аниқ белгилаган. У хоинлар, сотқинлар, ифвогарларни ёқтирмаган, уларга ишонмаган бўлса, ростгўй, содиқ хизматчилар, жангчиларни қадрлаган ва уларга иззат-эҳтиромлар кўрсатган. Улуғ саркарданинг одамларга, давлат мулозимларига ана шундай эътибор ва ҳушёрлик билан қараши унинг шону шуҳратининг, давлатининг янада юксалишига сабаб бўлди.

Дўсту-душманга муомала қилиш бобида Амир Темур чуқур мулоҳазалар қилади. У бу масалада бир текис йўл тутди. Жанг майдонларида Амир Темурга қарши қилич яланғочлаб жанг қилган ғаним беклари, амирлари кўрқув остида юрганларида уларга иззат-иқром кўрсатади. Бундан ҳайратланган, уялган, аввалда душман бўлган навкарлар, беклар Соҳибқиронга сидқидилдан хизмат қиладилар. Амир Темур ана шундай сиёсати билан душманлар лагеридан ўзининг ўрдасига минглаб софдил навкарларни ўз ихтиёрлари билан ўтишларига муваффақ бўлган саркарда эди. "Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, муруввати эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, ҳижолат териға ғарқ бўлдилар..." (90-бет). Амир Темур нодон дўстлар тўғрисида шундай деган: "...ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ экан" (90-бет). Амир Темур Амир Худойдоднинг қуйидаги фикрларини тасдиқлаб, келтиради: «Душманингни лаълу' жавоҳирдек сақлагил, қачонки бирон- тошлоқ ерга келиб қолсанг, уни олиб тошга шундай ургинки, толқони чиқиб, ундан нишон ҳам қолмасин". У яна шундай дейди: "Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб, яхшилик ва мурувват кўрсатгил" (90-бет) ва ҳ.к. Амир Темурнинг сиёсий қарашлари замирида олам-олам фикрлар, маънолар

мавжуддирки, ўқувчи уларни ўқиганда унинг буюк ақл эгаси эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Амир Темур ўзининг жуда катта ҳудудида жойлашган империясини ва кўп минг сонли қўшинини идора қилиш учун юқорида кўриб ўтган тадбир ва чоралари, “Тузуқлари”дан ташқари ўғиллари, набиралари, қавм-қариндошлари, амир ва вазирлари жазолаш йўли билан салтанатда интизом сақлаш ҳақида махсус қонунлар, фармонлар жорий қилади ва аксинча улардан яхши хизмат қилганларни тақдирлаш, мукофотлар бериш тузугини ишлаб чиққан эди.

Жазолаш масаласида агарда ўғилларидан бирортаси салтанатга даъво қилиб чиққудай бўлса, уни уриб-сўкиш, ўлдириш ёки мучасидан бирор жойини камайтиришга рухсат бермасдан, уни доимо кўз остида сақлашни ва панд-насихат орқали бу йўлдан, фикрдан воз кечишга эришиш керак, деб ҳисоблайди. Агарда набиралари ёки қавм-қариндошлари душманлик қилса, уларни маошларидан маҳрум қилиб, дарвеш ҳолатига солишни буюрган. Амирлар орасида иш устида нифоққа борадиганлар бўлса "...улардан амирлик мартабаси ва ерлари тортиб олинсин. Агар давлатга зиён еткизгудек иш қилган бўлсалар, улар бошқа амирларга тобеъ этилсинлар. Агар споҳийлик ишларида ялқовлик қилган бўлсалар (ишларидан бўшатиб), ёзиш-чизиш билан шуғулланувчилар орасидан иш берилсин. Агар шундан кейин ҳам хатоликка йўл қўйсалар иккинчи бор хизматга олмасинлар" (73-бет).

Салтанат саройини ишончли ва эътиборли кишилари - вазирлар хусусида эса Амир Темур қуйидагича буйруқ берган. Агарда вазирлар ўз фаолиятларида давлатга қарши чиқсалар, хиёнат қилсалар, уларни жазолашга, ўлдиришга шошмасликни уқтиради. Аввал хабар берувчиларнинг ўзлари кимлигини ва ундан кейин сўзлари ростми ёки ёлғонми эканлигини аниқлаш керак. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг кўрсатмаларини маҳак<sup>1</sup> тошига уриб текшириб кўришга даъват қилади. Бу борада шуни айтиш керакки, Амир Темур жиноят ва жазо масаласида ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш кўришни, аввал объектив

---

<sup>1</sup> Масак тоши - олтинни унга уриб, тоза ёки сохталига аниеланадиган тош.

фактларни аниқлашга ва ундан кейингина қилган жиноятига яраша жазо белгилашга, ҳукм чиқаришга чақирганлиги муҳимдир. Биз бу ўринда яна бир бор уни нафақат ҳарбий ишларни яхши билган, балки ҳуқуқий масалаларда ҳам жуда тийран фикр соҳиби эканлиги кўрамиз. Амир Темур ўз ворисларини огоҳлантириб айтадики, кўп ҳолларда ҳасадчилар, таъмагирлар, ғийбатчилар кўролмай, ёлғон тўқиб, чиндай қилиб одамлар орасида тарқатиб, ўзларининг разил мақсадларига эришадилар. Давлат ичида талай олчок, ёмон одамлар бордирки, давлат душманларини яхшилаб, яхшиларни ёмонлашади. Ва ўртага низо солишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг мақсади салтанат кўрғонига раҳна солишдир, деб ҳисоблайди у. Бунга ёрқин мисол қилиб, Амир Ҳусайн унинг вазирларидан бирини алдаб, Амир Темурга содиқ бўлган Амир Ики Темур ва Амир Жоқуни унга қарши қўйиш мақсадида фисқу-фасод гап чиқаради. Бундан хабардор бўлган Амир Темур Амир Ҳусайннинг мақсадини англагандан кейин бу уйдирма гапларни эшитмаганликка олганини ҳикоя қилади (73-бет). Бу борада Темур хатога йўл қўйганлигига ҳам иқроф бўлади. Амир Аббосга нисбатан ҳасадгўйларнинг гапига ишониб, уни ўлимга ҳукм қилади. Охир оқибатда уларнинг хиёнаткорона иғволарининг асл мақсадини англаб, кейинчалик қилган ишидан ўкинган ва кўп пушаймон бўлган.

Мамлакат хазиначилари бўлмиш молия вазирлари, молия ишларида эҳтиётсизлик қилсалар, яъни бойликнинг бир қисмини ўзлаштириб олсалар, ўзлаштириб олгани ўзига тегишли улуфа миқдорига тенг бўлса, мазкур маблағ унга совга-инъом ўрнида берилсин. Агар ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортиғи оладиган маошидан ушлаб қолинсин, агар маошидан уч баробар ортиқ бўлса, ҳаммаси хазинага тортиқ сифатида олинсин, деб фармон беради. Амир Темур вазирларини ҳаддан ортиқ сийлашга ҳам қарши бўлади. Чунки бундай ҳолларда унинг ўзининг обрў эътиборига путур етади, деб ҳисоблайди. Амир Темур уқирадики, вазирларнинг душманлари кўп бўлади. Сабаб олам аҳлининг барчаси дунёталабдир, деб ёзади у. Вазирлар ҳасадгўйлар-нинг гапларига, иғволарига кулоқ солмасликлари керак, деб ҳисоблайди. Бунга мисол тариқасида Темур қуйидаги воқеани ибрат қилиб

келтирадилар: "Чигатойнинг бир вазири бўлган экан, ғаразгўйлар уни хазинадан бир неча минг олтин ўғирлади, деб хонга хат ёзган эдилар. Хатни хонга кўрсатганларида, у мазкур вазирни хузурига чақиртириб, унга хитоб қилиб дебди: "Сен назари паст одам экансан. Мендек подшоҳнинг вазири бўла туриб, мамлакатимдан шунча оз нарса олибсан." Доно вазир (хоннинг) бу қадар катта эҳсонидан мамнун бўлибди ва бор давлатининг барчасини келтириб, хонга пешкаш қилибди. Бу билан хон олдида ўз мартабасини ва обрў-эътибори сақлаб қолибди" (74-бет).

Амир Темур зулмкорларга, оддий кишиларга асоссиз жабру ситам ўтказадиганларга нисбатан мурасимсиз бўлган. Агарда, - дейди у, - қайси бир сипоҳий ҳаддидан ошиб, ўз қўли остидаги кишига зулм ўтказар экан, уни тутиб, мазлўм қўлига топширишни буюради. Токи додига ўшалар етсинлар. Агарда қадхудолар (қишлоқ, жамоа оқсоқоли) ва калонтарлар (шаҳар ҳукмдорларидан) кичикроқ даражадаги одамга зулм қилган бўлсалар, қилган зулмига яраша, ҳар кимни кўтаришича жарима солсинлар, деб буйруқ берган. Агар ҳокимлар томонидан халққа жабр-зулм қилиниб, уларни хароб қилган бўлсалар, қилган ишларига яраша жазо беришни талаб қилади. Амир Темур бу масалада яна шундай деган. Агар бирор кимсанинг гуноҳи исботлангандан сўнг увдан жарима олсалар, бошқа яна дарра урмасинлар. Агар дарра уриш билан жазоласалар, ундан жарима олмасинлар. Демак, Амир Темур бир жинойт учун икки хил жазо тайинлашга қарши бўлиб, жинойт ва жазо миқдорларининг тенглигини ёқлайди.

Соҳибқирон ўғриларга иисбатан қаттиққўл бўлган. Уларни "Ясо" - "Чингизхон қонунларига" асосан жазолашни буюради. Бошқа жинойтларни эса шариат нормаларига кўра жазолашни буюради. "...Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинлар. Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзни кўр қилса, кулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қилса, девондаги шариат қозиси ёки ахдос қозисига (урф-одат, кундалик ишларнинг бажарилишини назорат қилиб турувчи) олиб бориб топширсинлар. Шариатга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси

ҳукм чиқарсин. Урф-одат ишларини эса аҳдос қозиси тафтиш қилиб, сўнг менинг арзимга етказсин" (74-бет).

Хулоса шуки, жиноят ва жазо масалаларига Амир Темур ниҳоятда жиддий қараган. Биринчидан, жиноят жазосиз қолмаслигини, иккинчидан, жиноят шариат, урф-одат “Тузуклари”га ва “Ясо” қонунларига биноан олиб бориш, учинчидан, жиноят билан жазо ўртасидаги миқдор даражасининг бирлиги, яъни жиноятга яраша жазо тайинлашни талаб қилади. Энг муҳими, қозилардаи кўрилган ишлардан ўзгаш оғоҳ этиб тўришларини талаб қилади. Бу билан яна бир бор биз Амир Темурнинг давлатида қатъий қонунлар салтанати, биринчи навбатда, шариат амал қилганлигини кўраимиз.

Амир Темур ўғрилар, жиноятчиларни жазолаш чора ва тадбирларини пухта ўйлаб чиққан бўлса, иккинчи томондан эса, у ўзига содиқ одамлар, амирлар, вазирлар, сипоҳ ҳамда раиятни тақдирлаб инъом ва совгалар бериш тузугини жорий қилган. Агар амирлардан бири бошқа бир мамлакатни фатҳ этса, у ғаним лашкарини енгса, уни уч нарса билан мукофотлаган. Фахрли хитоб, туғ ва ноғора бериб, баҳодир деб атаганлар. Иккинчидан, уни давлат ва салтанат шериги деб билиб, кенгаш мажлисига киргизилган. Учинчидан эса, унга чегара ва вилоят топширилган ҳамда ўша ерлик амирлар унга буйсунганлар. Агар амирлардан яна бири тўра (хон ўғлини) ни жангда енгса ёки бирор амирзодага шикаст етказса ёки бирор ўлка ҳокимини мағлуб этса, уни ҳам юқоридаги йўсинда мукофотлашни буюради. Жангда қаҳрамонлик кўрсатган ҳар бир амирнинг мартабасини улуғлаган. Агарда ўнбоши, юзбоши, мингбошилар душиманни енгсалар, ўнбошини шаҳар ҳокими қилиб, юзбошини бирор мамлакат ҳокими қилиб тайинлаган. Бундаи ташқари, амирлардан биронтаси бирор-бир мамлакатни ғаним лашкардан тозаласа, уни озод қилса, унга шу мамлакатни уч йилгача инъом тариқасида берган. Оддий аскарлар қаҳрамонлик кўрсатсалар, унга инъом тариқасида чумак, қимматбаҳо тошлар қадалган ўтоғи, камар, турна, қилич ва бир от берган ҳамда уни ўнбошилик мартабасига кўтарган. Иккинчи, учинчи мартаба баҳодирлик кўрсатса, юзбоши, мингбоши этиб тайинлаган. Оддий жангчидан то амиргача рағбатлантиришнинг бундай пухта ўйланган

тизимини жорий қилиш билан Амир Темур жанг майдонларида баҳодирларнинг куч ва қувватларининг юксалишига, уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорликларини ошириш билан эришади. Ҳар бир жангчи ўз мақсадларини амалга ошириш учун баҳодирларча жанг қилиб, Амир Темур лашкарларини енгилмас кучга айлантирган эдилар.

Амир Темур вафотидан кейин у қурган катта ҳудуддаги империя зўрликка асосланиб ташкил этилган давлатлар каби инқирозга учраши табиий ҳол эди. Улуғбек ва унинг отаси Шохрух, улардан кейин Хусайн Бойқаро ва А.Навоийлар ҳамда Бобур ва унинг авлодлари империянинг яхлитлигини сақлаб қолиш учун қанчалик курашмасинлар натижа бермайди.

Амир Темур давлатининг парчаланишининг асосий сабаблари: биринчидан, шахзодалар ўртасида марказий ҳокимият учун кураш бўлган бўлса Иккинчидан, ички зиддиятлар натижасида ташқи душманларнинг ҳокимиятни қўлга киритишлари учун курашлари зўраяди. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Фарғона водийсида ҳокимиятни сақлаб қолиш учун ўз ўлкаси ва қариндошлари билан курашишига тўғри келган.

Хуросонда эса Абу Саидга қарши Хусайн Бойқаро курашади. Бу эса ўз навбатида Мовароуннаҳрга Шайбонийхоннинг кириб келишига ва темурийлар салтанатини тугатилишига олиб келган.

Амир Темур ва темурийлар бунёд этган давлат ва маданият обидалари Туронда бугунги кунгача ўз қадрини ва қимматини йўқотмаган. Бунинг исботи “Темур тузуклар”, “Зафарнома”дек бебаҳо китоблар, ҳашаматли иморатлар ва ҳ.к.

## Мирзо Улуғбек (1394-1449)

Улуғбек 1394 йил март ойида Эронда Султония шаҳрида туғилган. Унинг исми Муҳаммад Тарағай Амир Темур 1405 йил Хитойга юришда йўлда вафот этади. Тахтни ўғли Шохруҳга валиахд этади. Турон ва Эрон шоҳи Амир Темурдан кейин Шохруҳ бўлади. Аммо темурийлар ўртасида тахт учун кураш кучаяди. Шохруҳ ҳаммасини бартараф этиб, Самарқандда ўғли Улуғбекни ҳоким этиб тайинлайди. – (1411 й) ва ўзи Хирот шаҳрини пойтахт этиб, иперияга ҳукмдорлик қилади. Улуғбек эса Шохруҳ давлатининг Туркистондаги ҳокими эди.

Улуғбекнинг ёшлик йилларидаги тарбиячи-устозлари ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган. Шу нарса маълумки, унинг тарбияси билан бувиси Сароймулкхоним шуғулланган. 1405-1411 йилларда Улуғбекка Амир шоҳ Малик ҳарбий-сиёсий тарбия берган.

Шунингдек, Улуғбек ёшлик йилларидан Мавлоно Аҳмад, Қозизода Румий каби олимлар билан яқин муносабатда, бўлган. Энг муҳими, Улуғбек туғилган кунидан то Амир Темур бобосининг вафотига қадар ҳарбий юришларда бирга бўлган. Қисқаси, у Амир Темурнинг уч йиллик, беш йиллик, етти йиллик мағриб ва машриққа юришларида астроном олимларнинг, жуғрофик фанларни яхши билувчи олимларнинг иштирокида катта бўлган. Демак, Улуғбек уларнинг суҳбатларидан хабардор бўлган, уни ёшлиқдан юлдузлар, самовий жисмларнинг ҳаракатлари қизиқтирган десак хато бўлмайди.

Улуғбек 17 ёшида Самарқандда ҳокимиятга эга бўлган бўлса, 20 ёшида ўз замонининг таниқли олимига айланади. У Куръонни деярли ёддан билган, тарих, фиқиҳ фанларидан яхши хабардор бўлган. Унинг энг севган фани, албатта, астрономия эди. Бу ҳақда замондоши олим Фиёсиддин Жамшид Коший унинг билимдонлигига юқори баҳо берган. Улуғбек Самарқандга атрофдаги олимларни, шоирларни тўплаб, 1417 йилда мадраса ва (Академия) қурилишини бошлаб юборади. Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад, Қозизода Румий,

Ғиёсиддин Жамшид Коший каби номлари жаҳонга машҳур олимлардан 100 дан ортиғи Самарқандда тўпланган эдилар. 1420 йилда мадрасанинг очилиши бўлади ва унинг биринчи мудариси этиб Шамсуддин Махаммад Хавафий тайинланган. Абдурахмон Жомийдек бўлажак шоирлар, олимлар Қозизода, Улуғбек, Али Кушчи каби олимлардан маърузалар тинглаганлар.

Улуғбек давлат идора ишлари билан бирга Самарқандда илм-маърифат ишларини ривожлантиради. У “Зижи” (уни “Зижи Улуғбек”, “Зижи жадиди Гурагоний” дея атаганлар), “Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола”, “Рисолаи Улуғбек” (ягона нусхаси) Ҳиндистондаги Алигарҳ университети кутубхонасида), “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) асарларини астраномия, математика ва тарихга оид асарларни ёзиб қолдирган.

Улуғбек яқин 40 йил давомида давлатга бошчилик қилади. Абсерватория ва мадраса қурдириб, олимларга раҳбарлик қилади. У ҳам ўз замонининг буюк давлат ва фан арбоби эди. Унинг 1449 йилда фожиали ўлиmidан кейин унинг шогирдлари, олимлар Самарқандни тарк этишади. Улар ўзлари билан “Зиж”ни олиб кетиб, дунёга тарқатадилар. Али Кушчи 1473 йилда Истамбулда расадхона қурдиради ва Улуғбекнинг “Зиж”ини чоп этади.

Улуғбекнинг олимлиги, унинг асарлари дунёга машҳурлиги ҳақида китобларда маълумотлар етарли бўлганлиги учун биз Улуғбек ҳақидаги фикрларимизни А.Навоийнинг қуйидаги сўзлари билан мухтасар этмоқчимиз:

Темурхон авлодидан эди Мирзо Улуғбек

Ки олам кўринади султон анигдек.

## Хусайн Бойқаро (1438-1506)

Султон Хусайн 1438 йил июл (ҳижрий 842 йил, муҳаррам) ойда Хиротда туғилади. Унинг отаси Фиёсиддин Мансур Бойқаро Мирзонинг ўғли бўлган. Бойқаро Мирзо эса Амир Темурнинг Умар Шайх (1356-1394) ўғлининг ўғли. Демак, Султон Хусайн Амир Темурнинг эвараси бўлган.

Хусайн Бойқаронинг дунёқараши атрофда темурийлар ўртасида ҳокимият учун кураш кескинлашган тарихий шароит Хирот ҳукумдори Абдулқосим Бобур саройида шаклланади. 1457 йилда Абулқосим Бобур вафотидан кейин Хусайн Марв ҳукумдори Санжар Мирзо Марвий саройига хизматга келади ва унинг ёш қизига уйланади. Кўп ўтмасдан улар, яъни қайнотаси билан низолашади. Шундан кейин у кўп йиллар давомида Хоразм, Астробод, Мозондаронда, тожу тахт учун курашда иштирок этиб юради. Ниҳоят, Хирот ҳукумдори Султон Абдусайид Мирзо (1424-1469) вафотидан сўнг қулай вазиятдан фойдаланиб, тахтни эгаллайди.

1469 йили 24 март куни унинг номига жума куни Жомеъ масжидида Хутба ўқилди. Китобларда ёзилишига қараганда, Хусайн Бойқаро тахт учун курашаётган шахзодалар орасида энг тадбиркор, жасоратли, одил эди. Алишер Навоий унинг дўсти Самарқандда эди. Уни чақириб олади ва аркони давлат хизматига жалб этади. Кейинчалик А.Навоий вазирлик даражасига кўтарилади.

Хусайн Бойқаро А.Навоий масалаҳати билан мамлакатда тинчлик, барқарорлик ўрнатади. Ободончилик ишлари ривожлантириб ва маданият юборилди. Йўллар, ариғлар, кўприклар, боғлар, шипохоналар (Шифоия) қурадилар. Саройга кўплаб олимларни, санъатшунослар, хунармандлар, шоирлар таклиф этилади. Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдилар.

Хусайн Бойқаро шоҳлик қилган вақтда мамлакат обод бўлади. Тинчлик ўрнатилади. Хуросонда нисбатан тарақиёт юз берган бўлса, Мовароуннахрда тинчлик бузулган, Муҳаммад Шайбонихон юришлари бошланган эди. Султон

Хусайн хасталигига қарамасдан Шайбонийхонга қарши Мовароуннаҳрга юришни бошлайди. Аммо хасталиги оғирлашиб, юриш тўхтатилади. 1506 йилда 5 май куни Хусайн Бойқаро касаллиги туфайли вафот этади. Султон Хусайннинг вафоти темурийлар салтанатининг емирилишини янада тезлатади.

Дархақиқат, Алишер Навоийнинг “Сабъаи Сайёр” достонида ёзилишича, Султон Хусайн Бойқаронинг шохлик мартабаси-илохий, наслий, шажаравий ва маънавий асосга эга:

Қай шаҳ улким, азаддин этти илох,  
Ани офоқ шаҳлари уза шох.  
Дин ливоси, алам тирози ул,  
Аҳли дин ичра Шоҳи ғозий уз.  
Шох султон Хусайн бин Мансур,  
Ким, бериб нусрати жаҳонга сурур.  
Хонлар узра етиб атоси анинг,  
Ҳам ато хону ҳам анга ана хон,  
Йўқ жаҳонда анинг киби Яна хон.  
Анга Чингиз улуғ ато келган,  
Анаси худ Аланқуво келган.

Яъни: Оллоҳ бул шохни азалдан дунё шохларининг шоҳи этиб қуйган. У – дин байроғи, ғалабаси жаҳонга сурур берган Мансур ўғли шох Хусайндир. Отаси Темурий хонлар авлодидан. (Хусайн Бойқаронинг отаси –Мансурнинг отаси-Бойқаро, унинг отаси бўлса Умаршайх, унинг отаси- Темур эди). Дунёда унинг каби Яна ҳеч бир хон йўқ. Чунки унинг ота авлоди ҳам, она авлодли ҳам хонлардандир. Унинг отаси Чингизхон, Улуғ момоси - Аланқувадир.

Мирза Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида ёзилишича Аланқува қадимги Мўғул хонларидан Дибун Баённинг хотини бўлган. У уч Ўғил кўриб, учинчи ўғли Бузанжар тақдирича Оллоҳ илохий нур сочиб буюк саркарда ва хукмдор бўлиш толеини битган эди. Шу тариқа Бузанжар Буюк Мўғил

хонлари сулоласига асос солади. У Чингизхоннинг туққизичи бобосидир, Демак, Хусайн Мирзо Бойқаронинг шажараси ҳам Темурий, ҳам Чингизий сулолага боғланади.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида бу масалага янада ойдинлик киритади:

“Султо Хусайн Мирзо бини Мансур, бинни Бойқаро, бинни Умар Шайх, бинни Амир Темур. Мансур Мирзо Билан Бойқаро Мирзо подшоҳлик қилғон эмас. Онаси Феруза бегим эди. Темур бекнинг набираси. Султон Хусайн Мирзо Мирон шох Мирзонинг ҳам набираси бўлур эди. Султон Хусайн Мирзо Карамут – Тарофай эди, асл подшоҳ эди”.

Дарвоқе, буни Алишер Навоийнинг Султон Хусайн Бойқаро тарифида битган Қуйидаги шеърини сатрлари ҳам тарихий ҳақиқатга ва мантиқий асосга эғалигини тўла тасдиқлайди:

Фахр йўқ анга салтанат оти,  
Ул бўлиб салтанат мубоҳи.  
Шоҳлар қуллуғини кўриб марғуб,  
Анга дарвешлик бўлиб матлуб.  
Гарчи шаҳарни зирдаст айлаб,  
Ўзни дарвешларга паст айлаб.  
Аждаҳо зўр вақти илгида мўр,  
Қила олмай валек мўрға зўр.  
Тилни гардун қошинда пажмурда,  
Палша лек ўлмай андин озурда,  
Туфроқ айлаб фалакни кин чоғи,  
Лекин аҳли ниёз туфроғи.

Яъни: Султон Хусайн Бойқаро Мен шохман, деб мақтанмайди. Салтанат унинг учун фахр – ифтихор манбаи эмас. Аксинча, у туфайли салтанат фахрли нарасага айланади. Унга шоҳлар қуллик қилса, у дарвешликни маъқул кўради. Угарчи шоҳларни ҳукмига бўйсиндирса-да, Ўзини дарвешдан ҳам ҳақр деб билади. Қудрати жўшган жоғда аждарҳо унга чумолидай дек гап. Аммо у

чимолига жабр қилмайди. Фалак фили унинг қошида майибу мажрухга айланиб қолади, лекин у пашшага ҳам зиён етказмайди. Жанг қилса, фалакнинг чангини чмқариб юборади, бироқ ўзи мухтожлар оёғи остидаги тупрокдек хокисордир...

Юқоритда зикр этилган маълумотларга караганда, Султон Хусай Бойқаро Темурий шахзодалар орасида шижоатли, жасур, мард, одил, баланд химмат ва тадбиркор салтанат сохиби бўлган. Унинг хукмронлик даврида (1469-1506) адолат барқарор бўлиб, Хуросон фукароси бирмунча осойишта ва фаровон хаёт кечирган. Айниқса, Алишер Навоийнинг саъй-харакатлари натижаси ўларок, мамалакатда йирик сув мншоотлари, қирққа яқин жомеъ масжиди, мадараса ва хамом, кутубхона, табобатхона, карвонсарой, работ, кўприк, боғлар ва маданий-маиший бинолар қурилиши кенг кўламда олиб борилган. Бу даврда илм-фаннинг барча жабхаларида қалам тебратган олиму- шоирлар Абдурахмон Жомий, Шайхим Сухайлик, Хусайн Али Туфайлий, Осафий, Биноий, Сайфи Бухорий, Мир Хусайн Муаммой, Мула Муҳаммад Бадахший, Юсуф Бадиий, Охий, Шох Хусайн Камий, Хилолий Ахлий инсон руҳига хамлханг, нозиктаъб мусиқашунослар Устод Саид Аҳмад ғижжак, Устод Шоҳкули ғижжак, Устод Қул Муҳаммад удий, Устод Хусайн удий, Устод Шайх Фоний, наққошлик ва хаттолик соҳасида номдор алломалардан Хожа Мирак наққош, Мавлоно хожи Муҳаммад; етук устоз мусаввир Камолиддин Беҳзодлар ўзларининг маҳоратлари ва бетакрор асарлари билан Хуросоннинг пойтахти Ҳиротнинг доврўғини жаҳонга ёйган эдилар. Ўша даврда араб ва форс тилларига эътибор берилиб, турк тили таҳқирланаётган шароитда, Хусайн Бойқаронинг ёзувда турк тилини давлат мақомига кўтариш борасида махсус фармон чиқариши илм-фан, саънат ва маданиятнинг барча жабхаларида улкан бурилишлар юз беришида туртки бўлди. Айниқса, Ҳиротда етим-есирлар ва камбағаллар даволаниши учун “Доруш-Шифо” қурилиб, табиб Хусайннинг ичакни кесиб даволашда чумолидан фойдаланиш усулини ихтиро қилганлиги табобатнинг жаррохлик соҳасида катта янгилик эди. У ичакни кесиб, уни қайтадан бир-бирига улаш жараёнида ичакнинг чокини

чумолига тишлатиб, чокни тишлаб турган чумоли бўйнини қайчи билан кесиб ташлай верган. Шундай усулда чокнинг охиригача чумолига тишлатиб чакқач, ичакни жойига ўрнатиб, коринни тиккан,. Жароҳнинг бу усули ҳозирги замон жарроҳлари учун ҳам муҳим Амалий аҳамиятга эгаллиги шубҳасиздир.

Султон Ҳусайн Бойқаро кўлидан келганича, мамалакатда илм-маърифат, маданият равнақи учун ҳаракат қилди. Унинг ўзи ҳам ўша давр адабий муҳитининг йирик намоёндаларидан эди. Ҳусайн Бойқаро ҳар икки тилда, яъни форсий ва туркий тилларида ғазал ёзиш иқтидорига эга бўлса-да, бироқ асосан турк тилида “Ҳусайний тахаллусида ғазаллар ёзган. Алишер Навоий “Мажолисун нафоис” асарида қуйидагиларни ёзади: “Ул ҳазратнинг хўп ашъори ва марғуб абёти бағоят кўпдир ва девон ҳам мараттаб бўлубтур”.

Султон Ҳусайн Бойқаро даврида мамалакатда ободончилик, бинокорлик, деҳқончилик ишлари кенг кўламда ривожланади. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, шоҳаншоҳ ўз ҳукмронлиги остидаги Хоразмда бинокорлик, деҳқончилик ишларини тараққий қилдириш учун у ерга уч минг хонадонни кўчирма қилиш ҳақида фармон беради. Аммо Алишер Навоий адолатсизлик билан чиқарилган бу фармонга эътироз билдириб, фармонни ўзгартиришни сўрайди. Лекин шоҳаншоҳ эътирозни қабул қилмайди, қайта-қайта шоҳ хузурига кириб, илтижо қилаверади. Охирида шоҳаншоҳнинг чеҳрасида малоллик зоҳир бўлганини сезган амир Алишер Навоий, “Шоҳим ҳар бир иш ўринсиз содир бўлса, тўққиз мартагача айтишга ҳақлидурсиз” – деган сўзингизга биноан, қайта-қайта илтижо қилмоқдамен” дейди. Шундан сўнг Ҳусайн Бойқаро Хоразмга уч минг эмас, балки минг хонадонни кўчирма қилиш ҳақида янги фармон беради.

Шундай қилиб, Султон Ҳусайн Бойқаронинг замонида Ҳуросон давлати чегаралари шимолда Хоразм, жанубда Қандаҳор, шарқда ғазна ва Балх, ғарбда Домғон ва Бистомгача чўзилган бўлиб, Ҳирот шаҳри илм-фан, санъат ва маданият марказига айланди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сўзи билан айтсак, “Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ғаройиб бир замон эди. Хуросон, хусусан, Ҳирот шаҳри фазилат аҳли ва беназир одамларга тўла эди. Бир

ишнинг бошини туган ҳар киши у ишнинг энг юксак мақомга чиқармоқ  
ғайрати ва орзуси билан меҳнат қиларди”.

Энди Султон Ҳусайн Байқаро ҳукмдорлигининг илк даврига тўхталадиган  
бўлсак, бу даврда мамлакат ҳудудини ичкч ва ташқи душманлардан  
тозаланганини, сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий жиҳатдан қудратли  
бўлган маъмурий давлат бошқаруви барпо этилганини кўрамиз. Султон  
Ҳусайн Байқаро ўз салтанати қамровидаги барча вилоят, туманларда  
маъмурий додхоҳлик мансабларига одил ва фозил кишиларни белгилайди,  
масжид ва мадраса ишларини етук уламо-ю фузалолар кўлига топширади.  
Таниқли тарихнавис олим Турғун Файзиевнинг тарихий манбаларга таяниб  
ёзишича, “Султон Ҳусайн Байқаро 1470 йил 23 август пайшанба куни Ҳазрат  
Хўжа Абдулло Ансорий қабрини зиёрат қилиш мақсадида Гозиргоҳга  
ташриф буюради. Зиёрат асносида қози Мавлоно Камолиддин Шайх Ҳусайнни  
ўз ҳузурига чорлаб “ Ҳирот дорус-салтанатида Султон Сайид замонидаги  
дастурни кўллаш лозим бўлади ва агар мен томондан ёки биродарим ёки  
фарзандим томондан шаръий чегарадан

<sup>1</sup>Турғун Файзиев. Ҳусайн Байқаронинг сирли ўлими. Т., 1995, 28-бет.

ташқари чиқилса, унинг ижроси кечиктирилмаслиги лозим”<sup>1</sup>, дейди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг гувоғлик беришича, Султон Ҳусайн  
Байқаро давлатни бошқарув сиёсати ва малакат ичида тартиб ўрнатиш  
борасида шариат аҳкомлари, яъни адолатли қонун-қоидаларидан кенг  
фойдаланади. Буни Алишер Навоийнинг «Ҳайратул Аброр» достонидаги ушбу  
сатрлар ҳам тўла тасдиқлайди:

Адл эшигин кушод айлади,

Тахт уза ўлтурди-ю, дод айлади.

Тузди бузуқларни иморат била.

.....

Бидъату фисқ аҳли бўлиб мунзавий,

Адли шариат қўлин этти қавий.

Султон Хусайн Бойқаронинг “шоҳи шариат паноҳ”, яъни ҳар бир ишда шариат қонунчилигига қатъий амал қиладиган ҳукмдор эканини эшитган бир бева кампир унинг олдига арз билан келди. Шоҳ тахт учун курашиб юрган пайтларда кампирнинг ўғлини жангда ҳалок этган экан. Она боласининг ҳунини талаб этиб ундан: “Эй, шариатпаноҳ шоҳ! Агар адолат билан иш қўриладиган бўлса, мен сен билан шариат қонуни бўйича даволашаман. Шартим шуки жаҳлнинг чиқмайди, саволларимга шариат муҳокамаси – қозихонада жавоб бер, - деди:

Шариат буқим, айланма ҳукми итоб,  
Маҳкамаи шаръда бергил жавоб.

Шоҳ унга: “Агар даъвоин асосли бўлса, мен ҳам шариат қонунига биноан бўладиган жазога розгман», - деди мардлик ва баландҳимматлик билан:

Шаҳ деди: “Гар даъво эса қонима,  
Шаръий эса миннатидур жонима”,

Қонун устиворлиги ва қонун шоҳу гадо учун баробарлиги шу-да. Кампир билан шоҳ қози олдиғак бордилар. Қози иккита гувоҳ талаб қилди. Гуноҳ гувоҳлар иштирокида исбот бўлди. Қози шариат қонуни асосида қотил ё хун баҳосини тўлаши, ё бўлмаса унинг жонидан қасос олиниши керак, дея адолатли ҳукм чиқарди:

Деди: қасос айласанг олингда бош,  
Сиймни ол, гар ғаразингдур маош.  
Манн эдим ул амрда беихтиёр,  
Ҳар не сен этсанг манга не ихтиёр.

Кампир шоҳнинг мардлиги ва одиллигини кўриб, хурсанд бўлади, унинг қонидан кечиб, олтин-кумушни олиб, “Золи зар”, яъни “Зарга кўмилган ёки тилла кампир” деб ном чиқаради.

Бизнинг, “Ҳайратул аброр” достонида келтирилган бу ҳикоят уйдирма эмас, у тарихий ҳақиқат бўлиб, Султон Хусайн Бойқаро халқ орасида шариат паноҳ подшо сифатида шуҳрат қозонмаганида оддий бир фуқаро – кампир даъво қилиб подшоҳни қозихонага етаклашга ҳадди сизмасди, албатта.

Шариат қонун-қоидасига хийнат қилиш ва уни бузишни хаёлига келтирмаган Султон Ҳусайн Бойқаро бир бева кампир олдида қозихонада ўз айбини виждонан бўйнига олганига минг арра ишонса бўлади. Негаки, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг гувоҳлик бершича, Ҳусайн Бойқаро ўз ўғилларидан бири, бир кишини ўлдириб қўйгани туфайли ўғлини даъвогарлар қўлига топшириб, қозихонага юборган экан.

Юқорилардан аён бўладики, Султон Ҳусайн Бойқаро давлатида фуқароларнинг мол-мулки ва ҳаётининг дахлсизлигини таъминлаш ва ички тартибни сақлаш муҳим вазифалардан ҳисобланган. Буни машҳур тарихнавис Зайниддин Восий: “Бедоеъ ул вақоеъ” асарида тасдиқлаб ёзишича: “1498 йилда Ҳирот шаҳрида безори, ўғри бевошлар кўпайиб кетди. Иш шунгача бориб етдики, кечалари ҳар кўча ва маҳаллада албатта, бирор ўлик ёки мажруҳ кишини топардилар. Бундай фасод ва тартибсизлик ҳаддидан ошиб кетди”. Бунга жавобан Султон Ҳусайн Бойқаро эса шариат қонуни асосида қаттиқ жазо чораларини кўришга мажбур бўлди: “баъзиларини миҳлаб ташладилар, баъзиларини қултиғидан осиб, оёғидан тош бойлаб иккига бўлдилар. Лекин анна шу жараёнда ноҳақлик ҳам юз беради. Алишер Навоий жиноят содир этган киши ким бўлишидан қаътий назар қилмиши учукн шариат қонуни олдида жавоб бериши, керак юеб ҳисоблайди ва ҳеч қандай жиноятни жазосиз қолдирмайди. Шунда Алишер Навоий ҳузурига бир одам арз қилиб келади ва ичиб маст бўлиб олган кишилар унга ва хотинига жароҳат етказганликларини айтади. Аниқлашича, бу ножўя ишни қилган кишилар Султон Ҳусайн Бойқаро ўғилларидан бири шаҳзода қўлида хизмат қилар эканлар. Алишер Навоий дарҳол ўша шаҳзодага мактуб йўллаб, бўлган воқеани баён қилади ва айбдорни қаттиқ жазолашни талаб қилади.

Султон Ҳусайн Бойқаро давлати ижтимоий-иқтисодий, маданий ва ҳарбий жиҳатдан юксалиши, адолатли, шариат қонунларига асосланиши билан бир қаторда сиёсий ва маъмурий бошқарув ишларидаги курашлар ниҳоятда кучли бўлганидан далолат беради. Шундан бўлса қаракки, давлат маъмурий бошқарувидаги кишилар вақти-вақти билан алмаштирилиб турилган. Айниқса,

вазирликка мансабига турли тасодифий кишилар қўйиб қўйилган. Жумладан , Султон Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтига ўтирганда аввал қозилик қилиб юрган Шаҳобиддин Исмоил ўғли Низомулмулкни вазирликка тайин этади. Кейинроқ эса Шохрух салтанатининг атоқли кишиларидан хавофлик ғиёсиддин Пираҳмаднинг ўғли Маждиддин Муҳаммад ҳам вазирликка тайин этилди. Ҳусайн Бойқаро Маждиддин давлат девонида ҳукмдорнинг барча буйруқларини бажартирувчи “Парвона” вазифасига кўтариб қўйди. Маждиддин девондаги бутун ишларни юритар, қарорларни ёздирар, ҳукмдор муҳри ёнига ўз муҳрини босиш ҳуқуқига эга эҳди.

Юқоридаги вазифалардан ташқари, 1474 йилда Хожа Афзалиддин Муҳаммад Кирмоний ҳам вазир лавозимига тайинланди. Низомулмулк Билан Афзалиддин бирлашиб олиб, саройда Маждиддинни ёмонлаб унга қарши фиску фасодни кучайтириб, фитналар чиқармоққа бошлашди. Оқибатда, Маждиддин Алишер Навоийнинг талаби билан девондан четлаштирилди. Лекин у девондан ҳайдалганидан кейин орадан ўн йил ўтгач, яна таниш-билишларига анчагина ақча сафлаб, девондаги аввалги рутбасига, яъни котибликка эришади. У девонга қайтаркан , бу даврда Ҳусайн Бойқаронинг давлатни бошқаришда беғамликка берилиб, ободончилик ва маданий соҳадаги ишлардан ҳийла четлашиб, айш-ишратга берилганлигини пайқаган айёр Маждиддин яна Султоннинг назари диққатини тортиш ва саройда бирор катта мансабни эгаллаш мақсадида пайт пойлаб юрар эди. У ўз мақсадини амалга оширишда саройдаги айш-ишратлар, амалдорларнинг ўз мансабини суистеъмол қилиши, исрофгарчиликлари мамлакатнинг молиявий аҳволини ниҳоятда тенглаштириб қўйганлигидан усталик Билан фойдаланди. Заҳириддин Муғаммад Бобурнинг “Бобурнома”да ёзилишича Ҳусайн Бойқаро Сарой ва девон кишиларидан хазинага икки минг ақча истаганида, топиб беришолмаган пайтда, бу ерда ҳозир бўлган Маждиддин айёрона мийиғидан кулиб қўяди. Султон Ҳусайн Бойқаро бунинг сабабини сўраганда, у бир четга ўтиб, ўз фикрини сўйлашга изн сўрайди. Ночор аҳволда турган Султон Ҳусайн Бойқаро фикрларини эшитади: унинг айтишича, хазинани тўлатиш, аскар

сонини орттириш, халқни ҳам мамнун этиш мумкин, фақат унга юксак бир лавозим берилса, етарли – шарт эди. Ниҳоят, Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни пойтахтдан узоқлаштириш мақсадида Астрободга ҳоким этиб тайинлади, Бу билан у, биринчидан Мажиддин бошлиқ Алишер Навоий душманларининг талабини қондирди; иккинчидан, унинг обрўи ва тадбиркорлигидан фойдаланиб, мамлакатнинг Каспий денгизи бўйидаги Астрабод чегара вилоятларида ўз ҳукмронлигини яна мутаҳкамламоқчи бўлди. Шундай қилиб, Алишер Навоий пойтахтдан узоқлаштирилгач, Ҳусайн Бойқаро ваъдаси бўйича Мажиддинга истаган вазифаси – вазирликни берди. У ваъда берганидай қисқа бир пайтда ҳазинани ақчага тўлатди, Эл ҳам хурсанд, ўлка ҳам бойий бошлади...

Мажиддиннинг бундай тадбиркорлигидан Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам маъмурларнинг талаши ва зулмидан қутилган деҳқонлар, шаҳардаги косиб-ҳунармандлар ҳам мамнун эдилар. Чунки Мажиддин ўзидан олдин юксак лавозимларда ўтириб, пора олган барча амалдорларни сўроқ қилиб, уларнинг ўзидан юқори тилга олинган икки минг туман ақчани тўплади. Энди ҳеч бир маъмурият амалдори ўз мансабини суиистеъиол қилолмас, бозорда ҳеч ҳам бошқа бирисини таҳқирлаб молини тортиб ололмас, бозорда истаганича, қонунсиз солиқ сололмас эди.

Мажиддин ҳар куни тушгача давлат ишларини бажарар, Султон Ҳусайн Бойқаро номидан арзчи(шикоят)ларни тинглар ва ўрганар, расмий мактуб ва ҳужжатларга муҳр босар, унслан руҳсатсиз идора ва молия ишида ҳеч ыир киши бир нарса деёлмас эди. Ўз жонидан қўрққан Афзалиддин Кирмоний ҳам хазинага ақча тўплаб, келаман деган баҳона билан Мажиддиндан изн олиб, Астрабодга, Алишер Навоий ёнига кетди. Мажиддин тушдан сўнг эса ўша даврнинг атоқли, танилган кишилари билан суҳбатлар қилар, уларга тухфалар қилар эди. Аммо у бекларни ёқтирмас, шу боис ҳам улар билан муносабати ёмонлашган борарди. Шунинг учун ҳам унга қаршилар кўпайиб, уч йилдан кейин унинг ўрнига яна Низомулмулк вазирликка тайинланди. Бироқ вақт ўтиб Мажиддин аввалги вазифасига қўйилган бўлса-да, бироқ Султон Ҳусайн

Бойқаронинг муносабати олдингидай эмасди. 1492 йилда Маждиддин яна вазирликдан олиниб, бўйнига занжир солинибқамалди ва сўроқ қилинди. Низомулмулк ва унинг турговчилари вазир Маждиддиндан ҳар бир динорнинг ҳисобини сўраб айбини бўйнига қўйишди. Маждиддин найрангли сўроқлардан сўзини қутқариш учун барча савол-сўроқ оғзаки эмас, балки ёзувли бўлишини талаб этди. Охирида у ката бир маблағни тўлашни ўз елкасига олиб, уни тўлаши керак бўлган ҳужжатга қўл қўяди ва эркинликка чиқади. Сўнгра бир фаранг карвонига яширинча қўшилиб, Кирмонга қочади, у ерга Маккага ҳаж нияти билан йўлга чиқди ва ниятига етолмасдан 1494 августда Тобукда абгорликда вафот этди.

Маждиддинга қарши уюштирилган найранглар вазир Низомулмулк ва унинг тарафдорлари ғалабаси билан яқунлангач, мамлакат бошқарувининг барча ишлари унинг қўлига ўтган эди. Саройда айш-ишрат, теурийлар орасида ўзаро низо-адоватлар Яна авж олади. Алишер Навоий Астрабоддан Хусайн Бойқарога ва унинг амалдорларига ёзган мактубларида уларни инсоф ва адолатга чақирар, давлат идора усулида мутаҳкам тартиб яъни адолатли қонун-қоидалар ўрнатиш ва айрим ислохотлар ўтказишга ундар эди:

“Қуллуқ арзадошт улким, бир неча сўз хотирға келиб эрди, арз қилмоғи вожиб кўринди. Аввл улким, интизом қилисаким, эрта уйғониб намоз қилилса...

Яна улким, алласабоҳ ҳарамдин чиққач, девонда ўлтириб додхоҳ сўрулса, доғи додхоҳ сўрарда ўзлук била машғуллуғ қилилса, агар бир мазлумға бировдин зулме ўтган бўлса, золимга андоғ сиёсат қилилсаким, ўзга золимларга мужиби интибоҳ бўлса...

Яна улким, аркони давлатға ҳар ишким буюрулур,агар бутмоғи, бир кун муяссардур, агар икки ё уч кун – андоқ муқаррар бўлсаким, бот бутардек иш ҳамул кун арз қилиб, жавоб олсалар. Кечроқ бутаришни тонгла ё индин миодидин ўткармасалар. Агар баъзи ҳукм йўсуни била миодидин ўтказиб, арага еткурмасалар. Агар баъзи ҳукм йўсуни била миодидин ўтказиб, арзга еткурмасалар, аларға андоқ хитолббўлсаким, ўз ишларидин ғофил бўлмасалар.

Яна улким, умид улурким, ҳақ таоло чоғирдин куллий тавариқ бергай...

Яна улким, мулк ва мол ишидин, бас додхоҳ ишидин фароғат ҳосил бўлса, маломат дафъи учун кутубхонага кирилса, кутубхона аҳли билан машғуллук қилилса...

Яна улким, шаҳ эҳтисоби амридаяшши эҳтимом қилинса, андоқким, шаробхона, байтуллуф, қиморхона – буларга ўхшаш номашруъ умрни куллий манъ қилинса. Муҳтасиблар ҳафтада икки қатла бозор аҳлининг нархларидан вуқуф топсалар.

...Дағи ҳар масжиднинг имомига тайин қилсаларким, ул маҳалла аҳлининг ўғул ва ушоғига мактаб тутуб ўқитсалар...”

“Муншаот”га киритилган Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога ёзган мактубларида ҳукмдорни шариат қонун-қоидаларига амал қилишга, энг асосийси арокхўрлик қилмасликка чақирилган: “Аммо бировниким, Тенгри таоло бир сурук бандалари устига ҳоким қилди – анга ҳеч амр итоати адлча бўлмас ва наҳйдин ижтинот чоғир таркича бўлмас... Ва чоғирни “умм ал-хабойис” (яъни ярамасликлар онаси – муаллифлар) дебдурлар. Алишер Навоийнинг уқтиришича, адолат ва ичмасликҳукмдор учун бош масала бўлиши керак. Чунки яхшлтк ва эзгуликнинг катгаси – адолат ва ёмонликларнинг аксари ичкилик орқасида рўй беради: “Жамъи ямонлиқ андин (яъни ичкилик орқасидан – муаллифлар) мутаваллид бўлурким (яъни туғиладиким – муаллифлар), борча яхшилик ваямонлиқ бу икки нима (адл ва чоғир тарки – маллифлар) зимнида мундариждур. Ва илтимос улким, агар муяссар бўлур – куллий (бутунлай – маллифлар) ва агар муяссар булмаса, улга мақдурдур (яъни имкони бор қадар – маллифлар), бу икки ишда кўшшиш қилғайсиз”.

Кўринадики, Алишер Навоий подшоҳга давлатни бошқарув ишлари билан боғлиқ панд-маслаҳатларни бериш билан бирга айниқса, ёз ойлари бўлгани учун ичкиликни камайтиришни илтимос қилади: “Хаёлингга келган давлатҳохона сўзунг бўлса, айт. Сўз будурким, ҳаво исиди, улча имкони бор чоғир ичарда риоят вожибдур”. Алишер Навоий мактуб сўнггида Ҳусайн

Бойқарога навкарлар аҳволдан воқиф бўлиб туриш ҳам подшоҳнинг вазифаси эканини эслатади-да, бу ҳам хушёрлик талаб қиладиган, яъни ичмасликни тақозо этадиган иш эканини яна таъкидлайди:

“Май ичсанг ҳам хушёр бўл. Аммо уларнинг (навкарларнинг – муаллифлар) аҳволини ҳам воқиф бўлмоқ вожибдурким, беқоидв воқеъ бўлмағай ва барча хушёрликка вобастадур”. Мактубни Форсча: “Май мехўру-у, хушёр ме бош” деган сўзлар билан якунлайди.

Бироқ Ҳусайн Бойқаронинг ўзи майхурликка муккасидан кетганлиги учун ҳам на шоҳаншоҳ, на унинг амалдорлари Алишер Навоийнинг мактубларидаги панд-насихатларига ҳечам кулоқ солмадилар. Оқибатда, базмаро майхўрлик авж олган дақиқаларда Ҳусайн Бойқаро қаттиқ мастликда ўз хотини Хадичабегим билан вазир Низомулмулкнинг фитнасига учиб, Бадиуззамоннинг ўғли ўнбир ёшли Мўмин Мирзони зудлик билан қатл этишга буюрилган фармонга муҳр босади. Бу фармон шу кечасиёқ нобакор жаллодлар Ер Али бахши, Абдувоҳид Ясовул ва яна икки ишончли кишилар томонидан шошилиш равишда ижро этилади. Эртаси тонг чоғида мастликдан ўзига келган Султон Ҳусайн Бойқаро, тундаги маишат асносида фармонга муҳр босгани ёдига тушиб, Низомулмулкни чақириб, фармоннинг мазмунидан огоҳ бўлгач, дарҳол Муҳаммад Мўмин Мирзога ҳеч бир зиён заҳмат етказилмасин, деган мазмунда кўрсатма ёздириб, Ихтиёриддин қалъасига юборади. Аммо вақтўтган, ҳукм шошилиш равишда ижро этилибшаҳзоданинг боши танидан жудо қилинган эди. Шундай қилиб ўн бир ёшли шаҳзода Муҳаммад Мўмин Мирзо ичкилик, қабихлик, мунофиқлик вахусуматнинг қурбони бўлади.

Муҳаммад Мўмин Мирзонинг хиёлоткорона қатл қилиниши, Бадуаззамонни ўз отасига нисбатан хундор душманга айлантиригина қолмасдан, балки Султон Ҳусайн Бойқаронингбошқа ўғилларининг ҳам қаҳр-ғазабини кўзғатиб, оталарига нисбатан ишончсизлик, меҳрсизлик ҳамда адоват-низони янада кучайтириб юборади. Алишер Навоий жуда кўп вақтини теурий шаҳзодаларга шариат қонунлариамал қилиш борасида панд-насихатларга, уларни мураса-ю мадорага келтиришга сарфлаган.

Мўмин Мирзо қатл этилган пайтда улуғ амир Алишер Навоий муқаддас Машҳад шариф зиёратида эди. У машъум воқеадан уч кун ўтгач, Ҳиротган қайтаркан, Бадиъа мадрасасига дафн этилган Муҳаммад Мўмин Мирзонинг қабрини зиёрат айлаб, Қуръон тиловат қилиб, кўп йиғлаган экан. Тарихчи Хондамирнинг ёзишига қараганда, улуғ Мутаффақир Алишар Навоий “Муҳаммад Мўмин Мирзо фожоасининг келажак асорати ҳақида гапириб, шундай деган эканлар: “Мўмин Мирзо фожеаси худди Шайх Маждиддин Бағдодий қатилидан сўнг кўп ўтмай, Турондан Эронгача бўлган ерлар Чингизхон отининг туёғи остида қолиб култепага айланди. Жафокаш халқ қатли туфайли улуғ бир фитна вужудга келиб, мамлакат вайрон бўлиб, фуқаро бошига чексиз мусибат ва қмрғин тушмоғидан қўрқадурмен,..” Дарвоқе, орадан озгина фурсат ўтиши билан душман лашкари Хуросонга бостириб кириб, мамлакатни вайрон, фуқарони чексиз мусибатларга гирифтор қилади...

Муҳаммад Мўмин Мирзонинг қатлидан сўнг Ҳасайн Бойқаронинг вазири Низомулмулкка нисбатанихлоси қайтиб, кина-қудурат кучаяди. Ниҳоят, Султон Ҳусайн Бойқаро сирдош дўсти, ҳамфикр биродари Алишер Навоий билан маслаҳатлашиб, йигирма йилдан зиёдроқ даврда вазирлик мансабида ишлаб, мамлакатдаги бемаъни ишлар, жанжаллар ва фожиаларга бош қош бўлиб, эл-юртнинг осойишталиги ва ободончилигига катта зиён етказган Низомулмулк ҳамда унинг ўғиллари Хўжа Умид ул-Мулк ва Хўжа Камол ўғли-сарой воқеанависи Абдул Авазни ҳамда қариндоши Низомиддин Қурд ва унинг ўғилларини ҳисобга олиш ҳақида фармон беради. Қамоққа олинганларнинг мол-мулки мусодара қилиниб , ўзларини Ихтиёриддин қалъасига қамайдилар. Лекин Низомулмулкнинг ўғиллари тунда қалъадан қочишга муваффақ бўладилар. Бироқ эртаси Яна қўлга олинадилар.

Маҳбусларнинг ҳибсдан қочганлигини эшитган Султон Ҳусайн Бойқаро бағоят дарғазаб бўлиб, жинойтчиларни зудлик билан қатл этиш ҳақида Ҳирот шаҳрининг бошлиғи Аҳмад Мирзо ҳамда амир Абдухолик номига фармон юборади. 1498 йил июль ойининг бошида Ихтиёриддин қалъасида жаллод Низомулмулкнинг кўзи олдида икки ўғилини ўлдиради. Сўнгра

Низомулмулкни қалъа дарвозаси ёнига чиқариб, тириклайин терисини шилиб олади. Хўжа Ёмод ул-Ислом , Хўжа Абдул Азиз, Низомиддин Қурд ва Маҳмуд Шох Фаррхийларни эса Ҳиротга бостириб келаётган Султон Бадиуззамонга хайрихоҳликда айблаб қатл қиладилар.

Султон Ҳусайн Бойқаро давлатининг маънавий раҳномаси бўлган Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида вафот этади. Алишер Навоий ўлимидан кейин Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг Ҳиротдаги ҳокимияти жуда оз умр сурди. 1505 йилда Муҳаммад Шайбонийхон қўшини Амударёдан ўтиб, Маймана ва Фарёб вилоятларини босиб олиб , фуқароларнинг мол-мулкни талон-тороғ қила бошлайдилар . Султон Ҳусайн Бойқаро бу хабарни эшитгач, салтанат тақдирини ўйлаб, дарҳол арқони давлатни йиғиб кенгаш ўтказди . Арқони давлат кенгаши Бадиуззамон Мирзони зудлик билан Ҳиротга таклиф қилишга қарор қилади. Шаҳзоданинг ҳузурига саройнинг энг обрўли аъёнларидан Хўжа Шамсиддин Муҳаммад муншини элчи қилиб жўнатадилар. У шаҳзода ҳузурда Шоҳан-шоҳ шафқат ва марҳамати беқиёс ҳамда саховати ва муруввати беназир эканлигини баён қилиб, Бадиуззамонни отаси билан учрашишга кўндиради ва ота-ўғилни эса яраштириб қўядилар. Шоҳаншоҳнинг оғир хасталиги эса кундан-кунга кучайиб борар, табибларнинг муолажаси фойда бермас эди. Ниҳоят 1506 йил 6 майда Хуросон салтанати соҳиби Султон Ҳусайн Бойқаро 69 ёшида оламдан ўтади. Шоҳаншоҳнинг бемаврид ўлими арқони давлат ва қўшин учун мушкул вазиятни вужудга келтирган, ташқаридан Муҳаммад Шайбонийхондек ёвнинг бостириб келиш хавфи кун сайин яқинлашиб келаётган қалтис вазиятда Бадиуззамон Мирзо билан Музаффар Ҳусайн Мирзо қўлларини Қуръони каримга қўйиб, салтанатни бир-бирлари билан аҳиллик ва ҳамжиҳатликда бошқариш, зимдан адоват ва таадий қилмасликка аҳду паймон қилиб қасамёд қиладилар, Темурий шаҳзодалар Муҳаммад Шайбонийхон қўшинига қарши узоқ курашадилар. Аммо, тарихчи Хондамирнинг ёзишича, 1515 йилга келганда Хуросонни қўлга олган Муҳаммад Шайбонийхон темурийлар ҳукмронлигини бутунлай тугатади. Султон Ҳусайн Бойқаронинг 14 ўғиллари барчаси жангу-жадалларда оламдан

ўтган, фақат Бадиуззамон Мирзонинг ўғли Муҳаммад Замон Мирзо тирик қолган эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1516 йилда Муҳаммад Замон Мирзони уч-тўрт ой Қабулда юксак эҳтиромлар билан қриши олиб, саройнинг гўзал кизларидан бирига уйлантиради. Сўнгра Муҳаммад Замон Мирзони ворислик масаласига эътибор билан қараб, уни Балх вилоятига ҳоким қилиб тайинлайди.

Шундай қилиб Султон Ҳусайн Бойқаронинг салтанати ёхуд ижтимоий адолат хусусида келтирилган баёнимизга хулоса қилиб, унинг 38 йиллик Ҳузросон давлатида ҳукронлик даврини икки қисмга бўлиш мақсадга мувофиқ: Шоҳликни биринчи палласида мамлакат ҳудуди ички ва ташқи душманлардан тозаланади, сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожланган адолатли шариат қонунларига асосланган қудратли бўлган ҳокимият барпо этилади. Иккинчи палласида эса, давлатни бошқаришда бағамлик, маишат парастлик оқибатида ижтимоий адолат қонун-қодаларини менсимаслик, адолатсизлик аломатлари яққол сезила боради, бу нуқсонларнинг оқибати ўлароқ, саройда фиска-фасодларнинг кўпайиши, хиёнаткорлик, шоҳаншоҳ билан шаҳзодалар орамида низолар ва хусумат-адоватнинг авж олиши ва ниҳоят ўзаро қирғин-барот жанглар интиҳосида, кундан-кунга салтанатнинг инқирози яқинлашаётганлиги мушоҳада қилишимиз қийин эмас, албатта.

Султон Ҳусайн Бойқаро салтанатида унга давлатни ижтимоий адолат қонунлари асосида бошқаришда камарбаста ва маънавий раҳнома бўлган ҳазрат Алишер Навоий асарларидаги одил шоҳ ғояси ҳаёлий тасаввур, ҳаётдан йироқ бир орзу эмас. Зеро, Султон Ҳусайн Бойқаро давлати ёхуд ижтимоий адолатга ва шеърӣ қонунларга асосланганлиги унинг бардавомлиги замини ҳисобланади. Шу боис Ҳусайн Бойқаронинг давлатни бошқариш қонун-қоидалари – бугунги биз қураётган ҳуқуқий демократик жамиятга ва халқимизнинг миллий давлатчилиги анъаналарининг тикланишига маънавий мадад бўлиши шубҳасиздир. Чунки Алишер Навоий билан Султон Ҳусайн Бойқаро ўзбек миллий давлатчилиги энг гуллаган давр вакиллари, аниқроҳи,

анна шу давлатчилик ривожига бевосита ва билвосита катта ҳисса қўшган  
табаррук зотлардир. Буюк бобокалонларимизнинг давлат ва қонун  
вобасталигига доир қарашлари бизга бугун суву ҳавадек керак.

## Алишер Навоий

Алишер Навоий хижрий 844 йилда (милодий 1441 йилда) ҳозирги Афғонистон давлати ҳудудида жойлашган Ҳирот шаҳрида дунёга келди. Унинг отаси Фиёсиддин Кичкина темурийлар саройига яқин шахслардан бўлиб, ҳар хил давлат лавозимларида хизмат қилиб келган. Масалан, у Сабзавор шаҳрининг ҳокими бўлиб хизмат қилган.

Алишер Навоий отадан ёш етим қолиб, Абулқосим Бобур қармоғида тарбияланади ва 15 ёшида Ҳусайн Бойқаро билан унинг саройида хизмат қила бошлайди. 1456 йилда Алишер Навоий ҳамда Ҳусайн Бойқаро биргаликда Абулқосим Бобур билан Машҳадга жўнайди. 1457 йилда Абулқосим Бобур вафот этади. Алишер Навоий у ерда қолиб, ўқишни давом эттиради. Дўсти Ҳусайн Бойқаро эса тахтни эгаллаш, куч тўплаш ниятида Марв шаҳрига кетади. А.Навоий риёзиёт каби фанлар билан шуғулланиб, билимини оширади. У икки тилда, яъни форс ҳамда ўзбек тилида шерълар ёзиб, шоир сифатида кенг жамоатчиликка танилади. Шоир ўзбек тилида ёзган шеърларида «наво» - куй сўзидан олиб «Навоий», форс тилида ёзган шеърларида эса "фано" - вақтинча, ўткинчи сўзидан олиб "фоний" тахаллусини қўллайди.

А.Навоий Ҳиротда тож-тахт талашлари бирмунча сусайгач, бу ерга қайтади. У мамлакатда юз бераётган бахтсизликлар, қирғинларнинг сабабчиси бўлган мавжуд сиёсий тизимни қоралаб, унга нафрат билан қарайди. Оддий меҳнаткашларнинг оғир аҳволдан хабардор бўлиб, келажакда мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишини истайди. Лекин Хуросон тахтини эгаллаб олган Абусаид Мирзо барча илғор фикрли мутафаккирларни, илм-фан эгаларини қаттиқ таъқиб остига олади, уларнинг кўпларини ўзга шаҳарларга сургун қилади. Маълумки, бу вақтда Алишер Навоийнинг дўсти Ҳусайн Бойқаро Абусаид Мирзога қарши курашмоқда эди. Ундан ташқари, шоирнинг тоғалари бадахшонликлар кўзғолонига хайрихоҳлик билдирган эдилар. Бу ҳол албатта, золим шоҳ Абусаид Мирзонинг Алишер Навоийга нисбатан ғазабини

қўзғатар эди. Хуллас, шоир Ҳиротдан қадимий шаҳар Самарқандга сургун қилинди. Шу тариқа Алишер Навоий сиёсий кураш жабҳасига кириб келади.

Алишер Навоий Самарқандда яшаган даврида кўплаб атоқли олимлар билан танишиб, улар суҳбатида бўлади. Бу пайтда Самарқандда машҳур фикшунос олим Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий яшаб ижод қилар эди. Бу олимдан мадрасада кўплаб олимлар, шоирлар таълим олишар эди. Жумладан, Фазлуллоҳ Абуллайсий ўз даврининг энг машҳур ҳуқуқшуноси деб эътироф этилган. Афсуски, ана шундай ажойиб билимдон ҳуқуқшунос олим ҳаёти ва ижоди ҳақида адабиётларда деярли ҳеч қандай маълумотлар берилмайди. Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий Алишер Навоийни яхши кўрганидан ўғлим деган ва унга таълим берган. Шоирнинг ўзи бу ҳақда "Мажолисун-нафоис" асарида, Хожа Фазлуллоҳ фикҳ илмида машҳур эди, уни атоқли "Абу Ханифаий соний дерлар эди" деб ёзади. Алишер Навоий ўзининг билимдонлиги билан Самарқанд жамоатчилиги орасида ҳам ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлади.

Бошқа мамлакатларни босиб олиш иштиёқида юрган Абусаид 1 Мирзо 469 йилда вафот этади. Алишер Навоийнинг дўсти Ҳусайн Бойқаро учун бу жуда қулай фурсат эди. У осонлик билан Ҳирот шаҳрини эгаллайди ва Хуросон давлатини мустақил деб эълон қилади. Шу куннинг эртасигаёқ Абусаид Мирзонинг ўғли Султон Аҳмад аскарлари билан бирга дўсти Алишер Навоийни Ҳиротга чақиртириб, уни катта тантаналар билан кутиб олади. Алишер Навоийни муҳрдор лавозимига тайинлайди. У олдиндан орзу қилиб келаётган истак ва орзуларини, яъни адолатни ўрнатишга киришади.

Алишер Навоий давлат ишлари билан шуғуллана бошлайди, биринчи галда мамлакат халқларининг тинч ҳаётини бузган шаҳзодалар ва амалпарастрлар ўртасида тахт учун кетаётган қон тўкишларнинг олдини олиш ва бу билан мамлакат сиёсий ҳаётида рўй бераётган сиёсий тарқоқликка чек қўйишга уринади. Алишер Навоий шаҳзода Ёдгор Муҳаммаднинг фитнасини фош қилиб, уни бартараф қилади, бу билан шоир мамлакатда бўлиши керак бўлган қирғиннинг олдини олади. Ёки бўлмаса, амалдорларнинг жабру ситамига қарши Ҳирот меҳнаткашлари кўзғолон кўтарганларида Алишер Навоий бевосита улар

билан ўзи музокара олиб бориб, айбдор амалдорларни давлат ишларидан четлатиб, уларни жазолайди ва натижада исён бостирилиб, юзлаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолади.

Алишер Навоийнинг обрўси меҳнаткашлар орасида тез кўтарилиб, уларниш хурмат ва иззатларига сазовор бўла бошлади. Лекин Ҳусайн Бойқаронинг Алишер Навоий таъсирида бўлишидан ташвишга тушган душманлар, улар орасга низо солиш учун бор кучларини ишга соладилар. Улар Алишер Навоийни саройдан четлатиб, ўзларининг разил ниятларини амалга оширишни истар эдилар. Бунинг устига Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийнинг хизматларидан ва унинг омма орасидаги эътиборидан мамнун бўлиб, шоирни 1472 йилда энг юқори мансаб - амирлик (вазирликка) лавозимига тайинлайди.

Алишер Навоий олдиндан орзу қилиб келаётган кстакларини, яъни мамлакатда содир бўлаётган қирғинларнинг олдини олиш, меҳнаткашлар ҳаётини яхшилаш илғор кучларни кўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатда адолатли тартибни ўрнатишга ҳаракат қилади. Алишер Навоийни мансаб, шон-шуҳрат қизиқгирмасдан, балки мамлакатда яшаётган халқнинг ҳаёти, унинг тақдири қизиқтирарди. У давлатни, шоҳни, унинг мулозимларини ана шу оддий меҳнаткаш халқ манфаатига хизмат қилдирмоқчи бўлди. Бу ҳақда академик В. Зоҳидовнинг қуйидаги фикрлари характерлидир:

"Навоий давлат ишида турганида ҳам бир нафас бўлса-да, халқни эсидан чиқармади, - деб ёзади В. Зоҳидов, - давлатни халқ манфаатларини кўзловчи, халқ орзуларини амалга оширувчи воситага айлантиришга, давлат арбобларини халқ хизматчисига айлантиришга тиришди ва бу ишда унинг ўзи намуна бўлди. У давлат ишларини интизомга солишга, ҳукумат идораларини., саройни ярамаслардан, халқ ҳисобига зарбоф тўн киювчи, айшу ишрат қилувчи ифлослардан, амалластардан, фитначилардан тозалаш, уларни фош этиш, қамчилаш учун қўлидан келганича ҳаракат қилди."<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> В. Зоҳидов. Улуғ шоир ижодининг салби. Т., 1970, 16-бет.

Алишер Навоий Ҳиротда кўпгина илм ва санъат аҳлларини ўз атрофита тўплаб, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатди. мамлакатда ободончилик, маърифат ишларини ривожлантиришда улар билан маслаҳатлашди. Абдурахмон Жомий, Савд Ҳасан Ардашер каби машҳур сўз санъатининг усталари Алишер Навоийнинг яқин дўстлари ва маслаҳатчилари эдилар. Таниқли тарихчи Хондамир, ҳаттот Султон Али, рассом Бехзод кабилар бевосита Алишер Навоийнинг ҳомийлигида, тарбиясида вояга етдилар. Уларни илм-фан томон дадил боришларига даъват этди. Олим ва санъатшуносларни халқ учун йирик ва мазмунли асарлар яратишга даъват қилди. Бу улуғ ва шарафли ишда Алишер Навоий ҳамма вақт ўзи бошқаларга ўрнак бўлди. Абдурахмон Жомий, Саид Ҳасан Ардашер, Мирхонд, Ховдамир, Бехзод, Қулмуҳаммад, Амир Бурхониддин, Атоуллоҳ Нишопурий, Қози Ихтиёриддин, Ҳасан Турбатий, Амир Жалолиддин, Асиллий, ғиёсиддин Муҳаммад каби қатор шоирлар, олимлар, санъаткорлар, ҳаттотлар Ҳиротда яшаб, Алишер Навоий билан ҳамнафас бўлдилар. Алишер Навоий уларни ҳар томонлама ҳимоялаб, ўз қаноти остига олди., ўзининг ҳаёлий адолатли давлати ва шоҳини яратишга киришади. Шоир вазирликдан 1476 йилда кетгандан сўнг кўп вақтини ижодий ишга бағишлайди. Шоир ўз истак ва орзулари томон дадил интилади. Бутун куч ва билимини, инсон номини, унинг фазилатларини улуғлашга сарф қилди. Алишер Навоий атрофида содир бўлаётган барча адолатсизликлардан руҳан азобланиб, инсониятнинг келажақда тенглик, тинчлик, дўстлик... ҳукмронлик қилган жамиятга эришишини истаб, ижод қилади.

Алишер Навоий ҳамиша ўз идеалларига содиқ бўлиб қолди. У шахсий ҳаётидан доимо кўпчилик манфаатини устун қўйди ва бошқаларни ҳам шундай қилишга даъват қилди. Шоир адолат учун курашда ҳаётини, мулкини сарф қилди. Бу ҳақда шоир ўзи "Вақфия" асарида батафсил ҳикоя қилади. Бундан ташқари, шоир Ҳиротда ва бошқа шаҳарларда қатор йирик-йирик иншоотларни қурдириб халқ хизматига топширади. Масалан, "Ихлосия", "Шифоия", "Низомия" мадрасалари, "Халосия" хонақаҳи, Марв шаҳрида солдирган "Хусравия" мадрасасини бунга мисол қилиб келтирсак бўлади. Бу мадрасаларда юзлаб кишилар тарбияланиб, илм оладилар. Амир Бурхониддин,

Атоуллох Нишопурий, Қози Ихтиёриддин, Ҳасан Турбатий, Амир Муртоз, Устоз Муҳаммад Низомий, Амир Жамолиддин Асилий, Амир Садриддин Машҳадий каби қатор олимлар бу мадрасаларда дарс бердилар. Алишер Навоий, Хондамирнинг ёзишча, шу мадрасаларнинг кўпгина талабаларига пул тўлаб ўқитган. Уларнинг орасидан кейинчалик йирик олимлар етишиб чиққан.

"Унсия" шоир томонидан Ҳиротда қурдирилган бинолардан бири бўлиб, унда шоирнинг ўзи яшаб, ижод қилган. Бу бинода шоир катта замонавий кутубхона ташкил қилади. Унда кўплаб олимлар, шоирлар ижод қиладилар. Масалан, машҳур тарихчилар: Мирхонд ва Хондамир ўз асарларини шу кутубхонада ёзадилар. Ундан ташқари шоир кўплаб кўприқлар ва равоглар қурдиради. Хуросон ва Астробод йўлидаги "Работи ишқ", Тус ва Ҳирот йўлидаги "Работи Сангбаст", Нишопур ёнидаги "Работи Деробод" кабилар шулар жумласидандир. Хуллас, шоир бутун куч ва қувватини мамлакатда илм ва фанни тиклаш ва ривожлантиришга ва шу билан ўз халқининг маданиятини, билимини янада оширишга сарфлайди.

Шу билан бир вақтда шоир ўзининг машҳур "Хамса"сини яратишга киришади. Алишер Навоий "Хамса"ни, яъни бутун бир беш дostonни деярли икки йилда ёзади. Маълумки, унинг устозларидан бири бўлган Низомий Ганжавий "Хамса"сини ёзиш учун ўттиз йилдан ортиқ вақт сарф қилган. Бу ерда биз шоирни нақадар илм ва фанга, келажакда инсонларга адолатли жамиятга эришишларини истаганини орзу қилганини яққол кўрамиз. 1483 йилда шоир "Хамса"нинг биринчи - "Ҳайратул-аброр" ("Яхши кишиларнинг ҳайратланиши") дostonини, 1484 йилда "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъаи Сайёр" ва ниҳоят 1485 йилда "Садди Искандарий" дostonини ёзиб тугаллайди.

Хулоса шуки Алишер Навоий ҳам шоир, ҳам давлат арбоби эди. У шоир бўлганда ҳам шунчаки оддий шоир бўлмасдан, ўзидан олдин ўтган буюк шарқ шеърийат даҳолари - Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомийлар қаторидан жой эгаллаган. "Хамса"дек асар ёзиб, шеърийат санъатининг юксак чўққисига кўтарилган шоирдир. Сиёсат оламида эса, Навоий

Хуросон давлатида шохдан кейин иккинчи ўринни эгаллаган, шохга давлатни идора қилиш санъати юзасидан фойдали маслаҳатлар бериб, давлатни марказлаштириш, тинчлик ва маърифат ишларини ривожлантиришда фаол катнашган, раҳбарлик қилган давлат арбоби бўлган.

Алишер Навоий дўсти Хусайн Бойқаро аркони давлатида вазирлик вазифасини бажаришда биринчи навбтда, мамлакат ичида тинчликни таъминлаш, вилоятларни ўғрилардан, босқинчилардан қўриқлашга сафарбар қилди. Гап шундаки, Алишер Навоий ўзининг сиёсий қарашларида шохни боғбонга, чўпонга ўхшатган бўлса, оммани, мамлакатни боққа ўхшатади. "Ҳайратул-аброр"да у шундай деган:

Бунда раият галаву сен шубон,  
Ул шажари мусмиру сен боғбон.

Кўйни шубон асрамаса ойу йил,  
Оч бўрилар туъмасқдур, бори бил.

Демак, Алишер Навоий ўз даврининг буюк сиёсатчиси сифатида давлатнинг бош вазифасини, яъни мамлакатда қонунчиликни, тартиб ўрнатишни аниқ тушуниб етган ва унга умрининг сўнгги кунигача амал қилган давлат арбоби эди. У ўз даврининг машҳур давлат арбоби бўлиши билан бир вақтда буюк мутафаккири эди. Шоир сиёсат, давлат ва қонунчиликка оид махсус асарлар ёзиб, Туронда сиёсий- ҳуқуқий таълимотларнинг ривожланишини янги поғонага кўтарган шахсдир. Масалан, унинг биргана "Тарихи мулуки Ажам" асари қадимги Эрон ва Турон худудида давлатнинг ташкил топиши ва ривожланишига бағишланган. Алишер Навоий Ажамда Одам Атодан то ўрта асрларгача бўлган катта тарихий даврда бу ерларда ҳукмронлик қилган шохларнинг исмлари (улар 65тадан ортиқ), табақалари (Пешдодийлар, Каёнийлар, Ашконийлар, Сосонийлар) ҳақида ҳикоя қилади. Каюмарс биринчи шох эканлиги, Хушанг, Баҳром, Афросиёб,

Жамшид каби шоҳларнинг, Рустамдек ҳарбий саркардаларнинг фаолиятларига юксак баҳо беради.

Алишер Навоийнинг дунёқарашида келажақда идеал давлат орзуси катта ўрин олган эди. Гап унинг бутун бир ҳаёлий давлати - "Садди Искандарий" достонидаги Искандар давлати ҳақида бормоқда. Мутафаккир сиёсий қарашларида мавжуд феодал давлатларни танқид қилиб, таракқийпарвар аҳамиятга эга ишларни амалга ошириши билан чекланмасдан, янада илгарилаб Искандар давлатидек идеал давлатни ўз достонида яратди. Унда шоир бўлажак идеал давлат сиёсати, давлатни идора қилиш шакли, давлатни бошқаришда фан ва техниканинг аҳамияти, халқаро ҳуқуққа оид масалалар, уруш ва тинчлик каби мураккаб сиёсий вазиятларни таърифлайди. Ана шу қўйилган масалалар бўйича ўзининг аниқ нуқтаи назарини белгилайди.

Энг муҳими, Алишер Навоий жамиятни давлатсиз, қонунсиз, шоҳсиз тасаввур қилолмайди. У жамиятда интизом, қонун-қоида бўлишини эътироф этади:

Ало, токи шоҳсиз чу бўлғай жаҳон,

Замон аҳлига бўлмағуси амон, -

дея Алишер Навоий марказлашган, мустаҳкам интизомга асосланган давлатни, унинг тепасида эса маърифатпарвар шоҳ бўлишини орзу қилади.

Алишер Навоий катта сиёсий кураш йўлини босиб ўтиб, бой тажрибага эга бўлганидан кейин унинг ижтимоий-сиёсий қарашларида янада илгарилаш юз беради. Мутафаккир феодал давлати ва ҳуқуқининг доирасида чекланиб қолмасдан, ўзининг ватанида марказлашган адолатли давлатни барпо этиш ғоясида қолиб кетмасдан, янада илгарилаб, бутун дунёда ягона марказлашган адолатли давлат бўлиши, унинг тепасида эса, адолатли шоҳ туриши керак, деган ғояга етиб боради. Шоирнинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг ривожланишида катта юксалиш юз бериб, у мавжуд дунёдан, давлатдан ҳаёлан узилган ҳолда, ҳаёлот асосида бутун бир давлат - "Садди Искандарий" достонидаги Искандар давлатини яратади. Алишер Навоий унда ўзининг сиёсат,

давлат, ҳуқуқ ҳақидаги истак ва орзуларини, ғояларини мужассамлаштирган. Алишер Навоийнинг фикрича, келажакда бутун дунёда адолатсиз давлатлар тутшиб, уларнинг ўрнида марказлашган давлат ташкил топиши, унинг тепасида эса Искандарга ўхшаган шахс туриши керак.

Алишер Навоий давлат, давлат мулозимлари, вазирлар, амирлар, қозилар ва ясовул, черик ҳақида ўз асарларида ёзиб, улар тўғрисида ўзининг аниқ фикр ва муносабатини билдирган. Масалан, «Хамса»нинг ҳамма дostonларида, айниқса, «Садди исқандарий», "Тарихи мулуки Ажам", "Тарихи мулуки Анбиё ва Ҳукамо", "Вақфия", "Маҳбуб-ул-қулуб" ва бошқа асарларида Алишер Навоийнинг давлат ҳақидаги таълимоти шу билан характерлики, биринчидан, у давлат арбоби бўлганлиги учун масалани яхши билган. Иккинчидан, у давлат ҳақида анъанавий диний назарияларни такрорламасдан, илмий асосда ўз қарашларини баён қилган. Учинчидан, уларни ўрганиш ҳозирги кунда ҳам биз учун аҳамиятлидир. Ана шу нуқтаи назардан ушбу бўлимда биз Алишер Навоийнинг умуман давлат, давлат бошлиғи ва унинг мулозимлари тўғрисидаги таълимотини кўриб чиқамиз.

Алишер Навоий, умуман, давлатни, шоҳни икки қарама-қарши табақаларга - адолатли ва адолатсиз давлат табақаларига ажратади. Адолатсиз давлат, шоҳ инсонларга зулму зўрликни олиб келса, адолатли давлат, шоҳ кишиларга бахт-саодат олиб келади, дея адолатсиз шоҳларни уларнинг қўл остиларидаги мулозимларини жамиятда содир бўлаётган барча бахтсизликларнинг сабабчиси деб, ғазаб исқанжасига олади, Адолатли шоҳларни инсонларга тенглик, озодлик, дўстлик олиб келувчи бирдан-бир куч деб қараб, уларнинг бўлишлигини истайди, орзу қилади. Адолатли шоҳ шоир идеалига айланади.

Золим ва жоҳил, фосиқ подшоҳлар зикрида шоир шундай дейди: "Одил подшоҳ кўзгу ва бу анинг учасидур. Ул ёруқ субҳ, бу анинг қоронғу кечасидур. Зулм анинг кўнглига марғуб ва фисқ анинг хотирига маҳбуб. Мулк бузуғлиғидин замирига жамъият ва улус паришонлиғидан хотирига амният. Ободлар анинг зулмидин вайрона, кабутар тоқчалари бойқушга ошёна".

Золим подшоларнинг адолатсизлигидан ободлар вайрона, мамлакат халқларининг тинчликлари бузилган, адолат ўрнини разолат эгаллаган. Хуллас, золим ва жоҳил подшолар зулмидаи бечора халқ азобда, қийноқда қолган, дея шоир қайғуради ва бундай подшолар ҳеч қачон тахтга ўтирмасинлар, дейди:

"Тенгри мундлик балоларни адам чоғидин вужуд тахтгоҳига келтурмасун ва йўқлуғ зиндонидин борлиғ шаҳристонига еткурмасун".

Адолатсиз подшоларни шоир юқорида кўрганимиздек, қораласа, инсониятнинг улар зулмидан қутулишини истади. Адолатли подшоларни олқишлайди, орзу қилади у:

"...Одил подшоҳ ҳақдин халойиққа раҳматдур ва мамоликка мужиб амният ва рафоҳият. Қуёш била абри баҳордек қора туфроқдин гуллар очар ва мулк ахли бошиға олгун била дурлар сочар. Фуқаро ва нотавонлар анинг рифқ ва мадоросидин осуда, залама ва авонлар анинг тиғи сиёсатидан фарсуда. Ҳиросатидин қўю қўзи бўри хавфидин эмин ва сиёсатидин мусофир кўнгли қарочи ваҳмидик мутмаин...".

Одил подшо халқларга қуёшдек ҳаёт бағишлайди. Унинг тиғи сиёсатидан қўй, қўзилар бўри хавфидан омон қолади. Фуқаро ва нотавонлар эса золимлар хавфидан омон. Шу тариқа, шоир адолатсиз шоҳларни қоралаб, ўлимга ҳукм қилса, адолатли шоҳларни олқишлаб, орзу қилади.

Алишер Навоий давлат аппаратини ягона организмдан иборат бўлишини очиб беради. Шоирнинг айтишича, давлат бошлиғи - шоҳ қандоғ бўлса, унинг қўл остидаги мулозимлари ҳам худди шундай бўладилар. Агарда шоҳ адолатсиз бўлса, унинг вазири, беклари, миршабу-қозилари ҳам адолатсиз бўладилар ва аксинча, агарда шоҳ адолатли бўлса, унинг мулозимлари ҳам адолатли бўладилар. Шоир бу ҳақда шундай дейди: "Шоҳға ҳам кимки, мулозим ва тобиъ бўлғай, иши ва таври шоҳ ишига мушобиҳ воқеъ бўлғай, иши ва таври шоҳ ишига мушобиҳ воқеъ бўлғай. Агар шоҳга адолат шоир улуси шоирида ҳам адолатдин осор... Ҳукамо шоҳни дебдурлар: дарёйи захҳор ва қавму хайлин дарё теграсидаги анҳор. Дарё суйиға не кайфият ва не хосият,

анҳорга ҳам ул кайфият ва хосият, Ул аччиқ - бу аччиғ; ул чучук - бу чучук; ул тийра - бу тийра; ул сузук - бу сузук.

Маснавий:

Ариғларки, ул баҳрдин айрилур,  
Биликлик аларнинг суйин бир билур,  
Чу бирдур сув дарё била наҳр аро,  
Эмас таъмида ҳожат можаро.

Шоир шоҳни дарё деса, унинг мулозимларини, улусларини шу дарё атрофидага анҳорларга ўхшатади. Дарё суви ифлос бўлса, анҳор сувлари ҳам ифлос, дарё суви тоза бўлса, анҳор сувлари ҳам тоза, улар ўртасида фарқ йўқ дея, шоир мантикий хулосага келади. Шоҳ адолатли бўлса, унинг мулозимлари ҳам адолатли бўлади ва аксинча, адолатсиз бўлса, улар ҳам адолатсиз бўладилар. Бу ерда энг характерли жойи шундаки, шоир мутлоқ монархия шаклидаги давлат аппаратида чекланмаган ҳуқуққа эга бўлган шоҳларнинг (подшоларни) давлатни идора қилишдаги бош ролини аниқ ифодалаб беради. Шу сабабли ҳам, бундан кейин шоҳ ҳақида гап кетганда, уни бутун давлат аппаратига тегишли эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Шоҳ деганда давлатни, давлат аппаратини ёки унинг ўзини таъбири билан айтганда, аркони давлатни тушунади.

Алишер Навоий асарларида қатор адолатли ва адолатсиз шоҳлар образлари яратилиб, шоир адолатли подшолар орқали ўз истак ва орзуларини ифодаласа, адолатсиз подшолар орқали мавжуд тарқоқ феодал давлатлари ва уларнинг даволаб бўлмас иллатларини қоралайди, очиб ташлайди. Масалан, шоир асарларидаги Искандар, Хоқон, Мехинбону, Шоҳ ғозий кабилар адолатли подшолар образлари бўлса, Доро, Маллу, Хисрав каби подшолар адолатсиз подшолар образларидир.

Машҳур қадимги Хитой подшоси Хоқон (Фарҳоднинг отаси) адолатли подшолардан бўлган, унинг мулки беҳисоб, мамлакати обод, унинг давлатида фан ва маданият тараккий этган. Ўзи эса илм-фан аҳилларини ҳурматлаб, қўллаб-қувватлаган, қаерга бормасин, адоват ўрнига адолат уруғини

сочган подшо. Унинг давлатида машхур Моний, Бонийларга ўхшаган кўли гул санъаткорлар бўлиб, Хитой моллари эса жаҳон бозорида машхур бўлган.

Бу чиний хуллага бўлгон рақамкаш

Юзин бу тарҳ ил қилди мунаққаш:

Ки Чин мулкики рашки нақши чиндур,

Саводи ғайрати хулди бариндур.

Шаҳи эрди муаззам хони онинг,

Дема хони онинг, хоқони онинг.

Ики оламча мулки вусъбат ичра,

Ети гардунча тахти рифъат ичра,

Сипоҳи ер юзида қум ҳисоби,

Не қум, гардун уза анжум ҳисоби.<sup>1</sup>

Адолатли хоқоннинг молу мулки ҳам беҳисоб, лашкарларининг сон-саноғи йўқ. Ўзини эса:

Замона тоқи офоқ айлаб они,

Бори хонлар аро тоқ айлаб они.<sup>2</sup>

Хоқон фақатгина ўз халқини бахтли қилиб қолмасдан, бошқа мамлакат халқларини ҳам бахтли қилади. Масалан, у ўғли Фарҳод билан Юнонистонга Сукротни ахтариб келганларида, юнонистонликлар орасидан энг ҳурматли инсонпарвар ва доно кишини давлат тепасига тайинлаб, Юнонистон мамлақатида адолат ўрнатади.

Қилиб шаҳ барчага лутфу иноят,

Этиб ҳар хайл мақдурин риоят.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 7-жилд. 29-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 7-жилд. 30-бет.

Кўп айлаб аҳли ҳикмат эҳтиромин,  
Қилиб ҳар қайсининг таъйин мақомин.

Чу айлаб дастбусидин сарафроз,

Алар айлаб дусу мидҳат оғоз,<sup>3</sup>

Арманистон подшоси Шириннинг холаси, Меҳинбонуни олсак, у Арманистон халқининг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида тоғлардан ариқлар қаздириб, сув олиб келади, мамлакатнинг ободончилик ишлари билан шуғулланади. Шоир уни доно, инсонпарвар, адолатли подшо деб тасвирлайди.

ЁКИ: Шоҳ Ғозийни олсак, кўп урушлардан сўнг ҳокимият тепасига келиб, мамлакатда адолатли сиёсат ўрнатади.

Тузди бузуғларни иморат била,

Зулмни дафъ этти адолат била,

Бидъату фисқ аҳли бўлиб мунзавий,

Адли шариат қўлин этти қавий.<sup>1</sup>

Шоҳ ғозий кунлардан бир куни сайрга чиққан эди. Бир нотаниш Шефта золе (кекса она) унинг этагидан маҳкам ушлаб, фарёд қилиб, унга шундай дейди:

Нолаву афюн чекибон тортиб оҳ

Дедики: "Эй шоҳи шариат паноҳ.

Қилғум агар адл этса маръий букун,

Сенинг ила даъвийм шаръяй букун.

Шарт буким, айлама маҳкам итоб,

Маҳкамаи шаръда бергил жавоб".<sup>2</sup>

---

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 7-жилд. 48-бет.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 6-жилд. 55-бет.

Агар адолатли шоҳ бўлсанг, мен билан юриб, қози олдида жавоб берасан,  
деганида шоҳ Ғозий иккиланмасдан:

Шоҳ деди: "Ғар даъви эса қонима,

Шаръий эса миннатидур жонима",<sup>3</sup> -

деб, розилик беради.

Қози олдида она шоҳ Ғозийни урушда ўғлини ўлдирганлиги сабабли, ундан қасос олишни талаб қилади. Адолатли шоҳ Ғозий она талаби билан ҳақ эканлиги бош эгиб, қасос тўлашга тайёрлигини билдиради.

Деди: "Қасос айласанг олингда бош

Сиймни ол, гар ғарзингдур маош.

Мен эдим ул амрда беихтиёр,

Ҳар не сен этсанг манга не ихтиёр",<sup>1</sup> -

деб, фарзанд даъвосини қилаётган она олдида шоҳ Ғозий моли билан ўз бошини қўйиб, ўғлинг қасоси учун хоҳласанг молни ол, хоҳласанг, менинг бошимни ол, дея тиз чўқади. Шунда она подшонинг адолатлигидан ҳайратда қолиб, ўз даъвосидан батамом воз кечиб, бундай дейди:

Тушти аёғига бўлуб узрхоҳ.

Дедики: "Эй хисрови анжум сипоҳ.

Ғар йигитим қилди фидо жон санга,

Мен қари жони доға қурбон санга.

Мендин агар бўлди аён изтироб,

Лутф ила авф этки, мен ўлдим хароб".<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup> Шу жойда, 56-бет.

<sup>3</sup> Шу жойда, 57-бет.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 6-жилд. 57-бет.

<sup>2</sup> Шу жойда.

Даъвогар она жавобгар шоҳ оёғига ўзини ташлаб, ўғлим сенга қарши урушган бўлса, менинг жоним сенга қурбон бўлсин, дея уни олқишлайди.

Шоир бундан ўзи ҳам ҳайратланиб, шундай дейди:

Ваҳ, бу не изҳори ҳижолат бўлур,

Бу не деган лутфу адолат бўлур.<sup>3</sup>

Алишер Навоий мана шу бир кичкина ҳикояда, яъни шоҳ Ғозий ва фарзанд қасосини олмоқчи бўлган она ўртасидаги муносабатда шоҳ Ғозийнинг ҳақиқатан ҳам адолатлилигини таърифлаб, унинг адолати олдида даъвогар она ҳам бош экканлигини жуда яхши тасвирлайди.

Ниҳоят, Алишер Навоийнинг севиқли образи Искандарга келсак, Искандар фақатгина идеал, адолатли шоҳ бўлиб қолмасдан, дунёни қайтадан адолатли асосда қуриш учун киришган ва уни амалга оширган ҳаёлий подшодир. Искандар ўз душманларига ҳам ёмонликни раво кўрмайди, аксинча, уларга яхшилик билан жавоб беради. Масалан, жаҳон ҳукмдори машҳур Эрон подшоси Дорро Искандарга қарши уруш эълон қилганида, жанг қизгин кетаётган бир вақтда у ўз хизматкорлари томонидан оғир ярадор бўлиб, ўлим тўшагига йиқилади. Бундан хабардор бўлган Искандар дарҳол етиб келиб, Доронинг молу мулкига талон-тарож қилиш ўрнига унинг бошини кўлига олиб, жаҳон ҳукмдорининг аянчли ўлиmidан фарёд қилиб, раҳм қилади.

Кўрарким, етур жисми қон ичра фарқ,

Топилмай анинг бирла қон ичра фарқ.

Боши узра ўлтурди гирён бўлуб,

Анинг ҳолиға кўнгли вайрон бўлуб.

Олиб қўйди ўз қўйнига бошини,

---

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 6-жилд. 57-бет.

Узориға ҳар ён тўкуб ёшини.<sup>1</sup>

Доро Искандарга ўлим тилаб, унга қарши уруш қилган бўлса, Искандар Дородек душманнинг бошини қучоғига олиб, уни ҳурматлайди. Искандарнинг бундай олижаноблигидан дунёда менга тенг подшо йўқ деб юрган Доро ҳам тан бериб, унга давлатини, ҳаттоки, ўз севган фарзанди - қизини ҳам топширади.

"...Бўлибсен ажаб вақт меҳмон манга,

Ки йўқтур нисоринг бажуз жон манга.

Бу соат нетиб мезбонлиқ қилай?

Қабул айласанг, жонфишонлиқ қилай!

Енгилдим, нетиб бўлғамен мезбон,

Ки худ бир нафас мен санга меҳмон!.." <sup>1</sup> -

деган илк сўзлар билан Доро Искандарни қарши олади. Искандар Доронинг васиятларини ижро қилиб, унинг мулкига эга бўлади. Эрон мамлақатида адолатли давлат барпо қилади.

Кашмир подшоси Маллу ўзининг "Олиб бўлмас" қалъасига ишониб, Искандарга итоат этмайди. Искандар Кашмирга юриш қилиб, илм-фан ёрдамида Маллу қалъасини ҳам эгаллайди. Маккор Маллу унинг олдида жон бериб, Искандарга мол-мулкини ўз ихтиёри билан топширади. Искандар эса, унга худди Дорога нисбатан қилган иззат-эҳтиромини кўрсатади, бу ерда ҳам адолат ўрнатади.

Шоирнинг юқорида кўрсатилган адолатли подшолари ҳамма вақт ғалабага эришадилар. Ҳаттоки, уларнинг душманлари ўзлари таслим бўладилар. Барча халқлар уларни қўллаб-қувватлайдилар. Масалан, Искандар қаергаки бормасин, у доимо ғалаба қилади.

Адолатсиз подшолар қанчалик қудратли бўлмасин, қанчалик ҳийлагар, маккор бўлмасин (Маллу), уларнинг барчаси жангда таслим бўладилар ёки ўзларини

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 10-жилд. 91-бет

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 10-жилд. 92-бет.

хизматчилари томонидан ўлдириладилар. Эрон подшоси Доро ҳисобсиз кўшин билан Искандарга қарши юришида хизматчилари томонидан хоинона ўлдирилади. Ҳисравни олсак, ўзининг сохта муҳаббатини Ширинга изҳор қилиб, Меҳинбону қалъасини қуршаб, ниятларини амалга ошириш ҳаракатида юрганда ўз ўғли томонидан ўлдирилади.

Кашмир подшоси маккор Маллу эса ўт билан ҳавони қамаган сеҳрли ғорда ўзи ҳалок бўлади.

Алишер Навоий ўз асарларида адолатли подшолар ҳақида орзу қилар экан, юқорида айтанимиздек, унинг мулозимлари, улусларини ҳам уларга ўхшаш бўлишлигини кўрсатади. Масалан, Ҳоқонни олсак, унинг вазирини билимдон вазир (вазири кардон) ёки мулкоро (мамлакатга оро берувчи) деб юритишган. У ҳамма вақт Ҳоқон билан бирга бўлади.

Искандарни олсак, у ҳамма вақт олимлар, донишмандлар (Арасту, Сукротлар) маслаҳатига. Хуллас, шоир адолатли подшолар ҳақида сўз юритар экан, уларнинг мулозимларини, биринчи навбатда, вазирларини ҳам уларга ўхшаш меҳнатқаш, адолатли бўлишлари ҳақида гапирди.

Маълумки, Алишер Навоийнинг ўзи ҳам вазир бўлган. Ҳусайн Бойқаро ҳамма вақт унинг қимматли маслаҳатларига муҳтож бўлган. Алишер Навоий эса подшо Ҳусайн Бойқарога доимо маслаҳатлар берган. Масалан, шоирнинг Ҳусайн Бойқарога маслаҳат тариқасида ёзган машҳур "Муншоот"лари (хатлари) бунга ёрқин мисол бўлади.

Алишер Навоий бу хатларида Ҳусайн Бойқарони адолатли, маърифатпарвар шоҳ бўлишга, халқнинг арзу додига қулоқ солшига, илм аҳллари билан суҳбатда бўлишга чақиради.

"Яна улким, алласабоҳн ҳаромдин чикқач, девонда ўлтуруб додхоҳ сўрулса, доғи додхоҳ сўралда ўзлук била матғуллуқ қилилса, агар бир мазлумға бировдин зулм ўтган бўлса, золимға андо сиёсат қилилсаким, ўзга золимларга мужиби интибоҳ бўлса.

Яна улким, додхоҳ иши тугагондин сўнграким шелон ҳам бартараф бўлур, ичкихона таъйин қилиб, анда ўлтуруб, аркони давлатни тилаб, мулк ва мол иши айтилса, ўзлук била барчага етилса.

Яна улким, аркони давлатга ҳар ишким, буюрулур, агар буғмоғи бир кун муяссардур. Агар икки ё уч кунандоқ муқаррар бўлсаким, бот бутардек иш ҳамул кун арз қилиб, жавоб олсалар. Кечроқ бутар ишни тонгла ё индин ё миодидин ўткармасалар. Ҳар кун не миқдор бўлганин келиб арз қилсалар, Агар баъзи ҳукм йўсуни била миоддин ўтқариб, арзға еткурмасалар, аларға андоқ хитоб бўлсаким, ўз ишларидин ғилоф бўлмасалар.

...Яна улким, мулк ва мол ишидин, бас додхоҳ ишидин фароғат ҳосил бўлса, малолат дафъи учун китобхонага кирилса, кутубхона аҳли била машғуллуқ қилилса. Навбобдин ҳар қайси муносиб кўрунса, таворих ўқимок буйрулса, батахсис "Зафарнома" агар машойих сўзи ё баъзи даввовин дағи ғуфту-шунуфт бўлса номуносиб эрмас..."<sup>1</sup>.

Хусайн Бойқарони адолат қилишга, давлат ишларини яхши йўлга қўйишга, айшу ишратга кўп берилмасдан, ўз қўл остидаги хизматчилари ва фуқароларининг арзу-додига қулоқ солишга, давлат ишларини яхши йўлга бошлашга, топшириқларни ўз вақтида бажарилишини назорат қилиб туришга ундайди.

Хуллас, Алишер Навоий адолатли подшолар атрофидаги мулозимлар (вазир, беклар) ҳақида гапирар экан, шоир уларни подшонинг энг яқин ёрдамчилари, улар унинг камчилигини тўлдириб, халқ олдидаги обрўсини янада ошириб, бирини икки қилувчилар, дейди.

Шоир Исломпаноҳ<sup>2</sup> беклар зикрида бундай дейди:

"Мундоқ шоҳга мусулмон бек набий хизматида тўрт ёрдин биридек. Нормуродларнинг паноҳи ва подшоҳнинг давлатгоҳи. Шоҳға дунёда чин сўз дегувчи ва анинг охирати ғамин егувчи. Ёмонлар андин ҳаросон ва яхшилар душворлиғи андин осон. Эл моли тама кўнглида нобуд ва аёли ҳаёли замирида номавжуд.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 13-жилд. 129-130- бет.

<sup>2</sup> Исломпанос деганда шоир адолатли бекларни кўзда тутди.

Муроди раоё амнияти ва мақсуди бароё жамъияти. Ул мусулмонларға ризоҷўй ва мусулмонлар анга дуогўй. Ўзининг зоти тузук ва саъйи шоҳ эшигида тузуклук.

Шоҳ эшиги мундоқ бекдин ҳоли бўлмасун ва давлат сипеҳрида умри куёшга завол бўлмасун"<sup>3</sup>.

Шоир адолатсиз шоҳларнинг мулозимлари ўзларига ўхшаш бўлишлиги тўғрисида, жумладан, номуносиб ноиблар зикрида бундай дейди:

"ЁЎҒОНЧИ худнамо ноиб нисбати мусалламаи каззоб миллати нубувват тухматин ўзига солғон ва Жаброил ва ваҳийдин дегони бори ёлғон. Муига ҳам шоҳ хусусияти, изхори, ғайри воқеъ ёлғон бори. Ёлғон ҳукм еткурурига боис тамаи шум ва ўтрук парвона еткурурига сабаб ҳирси мазмум..."<sup>4</sup>.

ЁКИ ясоғлиқ ва қора черик зикрида (сафдаги қора аскар тўғрисида) шундай дейди:

"Ясоғлиқ деган қора черик, яъжуж ва маъжуж хайдига шерки Эмгақди аларға ором йўқ, ясоқ тортардин бир нафас ком йўқ. Ишлари талай олғонни таламоқ, ёт юртда чугурткадек сабза ва яфроғни яламоқ..."<sup>3</sup>.

Кузот зикрида (қози ҳақида) эса бундай дейди:

"...Омий қозики май ичкай - ултургулуклар ва дўзах ўтига етмасдин бурун куйдургулукдур..."<sup>4</sup>.

Айниқса, шоирнинг Шаҳна ва зиндонийлар ва асослар зикрида (миршаб ва турма қоровуллари ҳақида) айтганлари диққатга сазовордир.

"Доруға ва шаҳна ва асос ўғри ва хунийға мумид ва фарёдрас. Зиндон ахли - дўзоҳ ахли. Асослар малоикаи азоб, шоҳна молики дўзоҳдек ҳукмрон ва олижаноб..."<sup>5</sup>.

Миршаб ва қоровулларни дўзоҳ малоикаларига ўхшатади. Турмаларни эса дўзоҳга ўхшатади.

Хуллас, Алишер Навоий давлатларни, асосан, икки гуруҳга бўлиб, адолатли ва адолатсиз давлатлар, шоҳлар деб қарайди. Адолатли давлат унинг идеали бўлса, адолатсиз давлат жамиятда барча ноҳақликларнинг сабабчиси деб билади. Адолатли

---

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 13-жилд. 11-12-бетлар.

<sup>4</sup> Шу жойда, 12-бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 13-жилд. 16-бет.

<sup>4</sup> Шу жойда, 18-бет.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 13-жилд. 29-бет.

давлатни орзу қилса, келажакда барпо қилинишини уқтирса, адолатсиз давлатни қоралаб, келажакда йўқ қилинишини талаб қилади.

Алишер Навоий шоҳ ва унинг мулозимлари, улуслари ўртасидаги мантиқий боғланишни жуда яхши очиб беради. Бу билан шоир давлат аппаратини ягона танадан (организмдан) иборат бўлишини тушуниб етади. Ва бу бирликда шоҳнинг асосий ўринни эгаллашини тушунтириб беради.

Шоир адолатли давлатни истаб, орзу қилар экан, подшоларга қарата, адолатли бўлинглар, ўз халқларинг манфаатини бўрилардан ҳимоя қилинглар, деб ҳитоб қилади:

Қўйни шубон асрамаса ойу йил,  
Оч бўрилар туьмасидур бори бил.

Боқмаса деҳқон чаманин туну қун,

Нахли тарин англа қуруғон ўтун.

Бўрини доғи галадин дур қил,

Сув берибон боғни маъмур қил.

ғам есанг ул гала манофеъ берур,

Боғ гулу меваи нофеъ берур.<sup>1</sup>

Оддий халқни шоир боққа, бир қўтон қўйга ўхшатади, подшоҳларни боғбон деҳқонга, уларни сув бериб боғни обод қилишга, қўйларни бўрилар панжасидан ҳимоялашга чақиради. Бу билан шоир ислом динини пошоларни худонинг ердаги вакили ёки сояси, одамларни уларнинг ҳукмига иккиланмай бўйсунитишларини талаб қилувчи теологик таълимотга қарши ўларок, халқ, омма подшо учун эмас, аксинча, подшолар халқни душманлардан ҳимоялаш учун хизмат қилишлари керак деб, подшо худонинг ердаги сояси ҳам, вакили ҳам эмас, подшо ва гадо тенгдир, дейишга журъат этди.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 6-жилд. 49-бет.

Бил муниким, сен доғи бир бандасен,

Кўпрагидин ожизу афгандасен.

Эрмас алар туфроғу сен нури пок,

Хилъат аларғау санга тийра хок<sup>1</sup>.

Алишер Навоий жамиятни синфларга эмас, турли табақалардан иборатлигини эътироф этади. Давлат эса ана шу табақаларнинг ўртасида турувчи, уларни мурасага келтирувчи, уларнинг тинчлигини, фаровонлигини золимлардан, ўғрилардан, душманлардан кўриқловчи куч деб билади. Шунинг учун ҳам у халқ подшо учун эмас, подшо ва унинг мулозимлари халқ учун хизмат қилиши кераклигини уқтиради. Адолатли подшо, адолатли бўлганда ҳам, бутун дунёда ягона бўлишини орзу қилади.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 6-жилд. 48-бет.

## Захириддин Мухаммад Бобур

Тарих саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллаган буюк ватандошларимиздан бири – ёзувчи ва шоир, етук олим саркарда ва давлат арбоби Захириддин Мухаммад Бобур (1483-1530)дир.

Бобур 1483 йил 14 февралда Фарғона вилояти (улуси)нинг пойтахти Андижонда туғилган. Унинг отаси Умаршайх Мирзо Амир Темурнинг набираси Султон Абусаид Мирзонинг катта ўғли бўлиб, Фарғона вилоятининг ҳокими эди. Онаси – Қутлуғ Нигорхоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи эди.

1494 йилнинг ёзида Умаршайх Мирзо бевақт вафот этгач, 12 ёшли Бобур тахтга ўтиради. У хали жуда ёш бўлишига қарамасдан, мамлакатни доноларча бошқара бошлайди. Маълумки, ўша даврда Амир Темур яратган салтанат таназзулга юз тутган эди. Бобур Амир Темур давлатини қайта тиклаш мақсадида Самарқандга уч маротаба юриш қилади.

Дастлаб 1495-1496 йилларда Самарқандни ишғол қилади, лекин укаси Жаҳонгир Мирзо ва тоғаси Али Дўст Андижонда фитна уюштиргач, орқага қайтади. Иккинчи маротаба 1499-1500 йилларда Самарқандга юриш қилади, аммо Шайбонийхондан енгилиб, Тошкентга чекинади. Унинг сўнгги марта 1504 йилда Самарқандни Эрон шоҳи Исмоил Сафавий ёрдамида босиб олиши муваффақиятсиз чиқади. Шундан кейин, Бобур юзага келган зиддиятли сиёсий шарт-шароит туфайли ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлади ва Афғонистон томон йўл олади.

Бобур 1504 йилда Қобулни эгаллаб, у ерда муқим топади, Афғонистонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлайди ва ижод билан шуғулланади. У ўзга юртда доимо ватанини кўмсаб яшайди. Бобурнинг ватанга қайтиш орзуси амалга ошавермагач, Ҳиндистонни эгаллашга қарор қилади ва 1519-1525 йилларда Ҳиндистонга бир неча бор юриш қилади. Ниҳоят, 1526 йилнинг апрель ойида Панипат жангида Султон Иброҳим Лўдийни енгиб, Дехли ҳамда Агра шаҳарларини эгаллайди ва Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солади.

Шундай қилиб, Бобур ҳаётининг сўнгги йилларини Ҳиндистонда ўтказди ва 1530 йил 26 декабрда вафот этади.

Бобур Мирзо таниқли саркарда ва давлат арбоби бўлиши билан бирга, буюк ёзувчи ва шоир ҳам эди. У қисқа умр кўрган бўлишига қарамасдан, жаҳонга машҳур бўлган "Бобурнома", "Мубаййин", "Аруз рисоласи" ва "Хатти Бобурий" каби асарларни яратишга ҳам улгурди.

Албатта, Бобур яратган асарлар орасидан энг нодири "Бобурнома" комусий асаридир. Машҳур венгер шарқшунос олими Ҳерман Вамбери бу асарни "Шарқ Цезарининг комментарийлари"<sup>1</sup> деб баҳолайди.

"Бобурнома" уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда 1493 йилдан 1504 йилгача Мовароуннахрда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақида баён қилинади. Иккинчи қисм 1504-1524 йилларда Афғонистон (Қобул улуси) даги воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ. Учинчи қисмда эса, 1525-1529 йилларда Шимолий Ҳиндистондаги сиёсий воқеа ва ҳодисалар ҳақида ёзилган.

"Бобурнома" да 1509-1518 йиллар, 1521-1524 ва 1529-1530 йиллардан бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар йўқолганлиги сабабли берилмаган. Маълумки, Бобур ўз асарларида бошқа масалалар қатори, сиёсий ва ҳуқуқий масалаларга ҳам тўхталиб ўтган. У ўзининг давлат ҳақидаги қарашларида давлатларни икки турга бўлиб кўрсатади:

1. Адолатли, марказлашган давлат.
2. Адолатсиз, тарқоқ давлат.

Бобур доимо адолатли, марказлашган давлат тарафдори бўлган ва давлатни одил, адолатпарвар подшо ёки шоҳ бошқариши керак деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, давлат бошлиғи ҳамиша оддий, меҳнаткаш халқ ҳақида ўйлаши ва ғамхўрлик қилиши зарур:

"Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,  
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма".<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Бобур З.М. Бобурнома. Т., Шарқ. 23 –б.

<sup>1</sup> Бобур. Танлаган асарлар. Т., "Ўситувчи". 1976, 74-бет.

<sup>2</sup> Бобур З.М. Бобурнома. Тошкент. «Шарқ» 2002, 331-бет.

Бобур давлат бошқарувида диний эътиқод ва виждон эркинлиги масалаларига ҳам катта эътибор берган ҳамда ўғиллари Ҳумоюн Мирзо ва Комрон Мирзоларга ҳам ушбу масалалар юзасидан оқилона маслаҳатлар берган. Жумладан, ўғли Насириддин Муҳаммад Ҳумоюнга аталган васиятида шундай деб ёзган: "...Эй фарзанд! Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан иборат. Субҳонолло таолло ҳаққи сенга буюрилдики, ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарагин, ҳар бир мазҳаб ва тариқатга адолатли бўл.

Хусусан, сигирни қурбон қилишдан сақлангинки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоғи ва бу вилоят аҳли подшоҳга яхши назар билан боғланади. Подшоҳ фармонида буйсунган халқни хароб қилмагин.

Адолатни ихтиёр қилгин. Шунда шоҳ раиятдан, раият шоҳдан хотиржам бўлади. Ислоннинг тараққиёти эҳсон тиғи билан яхшироқдир, зулм тиғи билан эмас. Аҳли суннат ва шиаларнинг икир-чикирларидан кўзингни юм. Чунки ислонга қаршилар бор. Турли эътиқоддаги халқларни тенг тутгинки, шунда салтанат турли ташвишлардан холи бўлади.

Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг иш юритишлари доимо ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг маъмур ва пухта бўлади...."<sup>2</sup>

Бобурнинг ҳуқуқий қарашлари асосан унинг "Мубаййин" асарида ўз ифодасини топган. "Мубаййин" – Ислон дини асосларини баён этувчи йирик асар бўлиб, беш қисмдан иборат:

1. Эътиқодиййа;
2. Китобу-с-салот;
3. Китобу-з-закот;
4. Китобу-с-савм;
5. Китобу-л-ҳаж.

Маълумки, Бобур ўз салтанатида асосан шариат қонун-қоидаларига амал қилиб иш тутган, лекин баъзи бир соҳаларда маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб, янги қонун-қоидаларни ҳам қўллаган ва ислоҳотлар ўтказган.

Масалан, у ўша даврда Ҳиндистонда амал қилган солиқлар тизимини ўзгартиради:

1. Мукассама – етиштирилган ҳосилнинг бир қисми натура шаклида тўланади.
2. Муваззаф – кадастрда қайд қилинган ердан олинадиган солиқ.

Закот моллари тўртга бўлинган:

- 1) нақдина – пул солиғи;
- 2) савойим – ҳайвонлардан тўланадиган солиқ;
- 3) тижорат – ер солиғи;
- 4) савдогарчилик асосида тушадиган даромаддан олинадиган солиқ:
  - а) нақдина – мусулмон савдогарлардан олинадиган пул солиғи;
  - б) тижорат амволининг баёни – мусулмон бўлмаган савдогарлардан олинадиган пул солиғи.

Бобур савдодан олинадиган тамға солиғини бекор қилади. У солиқлар адолатли даражада бўлиши ва бу солиқлардан йиғиладиган маблағлар давлатнинг ва шу давлат аҳлининг равнақи учун хизмат қилиши тарафдори бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзидан сўнг бой илмий мерос қолдирган ва биз, бу меросни чуқур ўрганмоғимиз ҳамда авайлаб-асрамоғимиз лозим. Зеро, Бобур яратган қадриятлар, мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёни кетаётган ҳозирги бир даврда, ўсиб келаётган ёш авлод учун юксак маънавий-маърифий аҳамиятга эга.

## Хулоса

Шундай қилиб, Турон Тур исмли шоҳнинг номидан келиб чиққан энг қадимги мамлакат, давлатлардан биридир. У тахминан тўрт минг йил аввал давлат сифатида ташкил топган. Унинг пойтахти Самарқанд шаҳри бўлиб, унинг чегараси шарқда Хитой деворигача, Жанубда Ҳиндистонгача, Фарбда Эронгача ва Шимолда чекланмаган катта ҳудудга эга эди. Тарихий манбаларга кўра Турон ва Эрон ўртасидаги чегара, асосан Амударё ҳисобланган. Араблар кўпинча уларни фарқламадан “Ажам мулуки” (Ажам давлати) деб атаганлар.

Ўзбекистон ана шу қадимги Турон давлатининг қонуний меросхўридир. У жўғрофик жиҳатдан унинг марказий қисмида жойлашган; этник жиҳатдан эса барча асосий туркий уруғлар в қавмларни бирлаштирган.

Турдан кейин Туронда илк бор кучли марказлашган давлатга асос солган шоҳ – Алп Эр Тунга (Афросиёб) бўлди. У Эронни ҳам Туронга кўшиб, эронийларнинг дастлабки сулоласи бўлмиш – Пешдодийларнинг тугатилишига сабабчи бўлган эди. Тарихий китобларда Эрон Туронни босиб олганлиги ва уни ўзининг бир қисмига (Сатрапига) айлантирганлиги тўғрисида кўп ёзилган. Аммо тарихий ҳақиқат шундан иборатки, Туронни биринчи бор эронийлар эмас, аксинча Афросиёб Эронни ўзига кўшиб олган эди. Бу ҳақда тарихий асарларда деярли ҳеч нарса ёзилмаган.

Афросиёбнинг Эронга юриши эронийларнинг унга қарши курашлари узоқ йиллар давомида Турон ва Эрон ўртасидаги урушларга сабаб бўлади. Натижада эронийлар Афросиёб устидан ғалаба қиладилар ва Турон Эроннинг бир қисмига (Сатрапига) айланади. Бухоро, Самарқанд каби шаҳарлар аҳолиси эронийларга хирож тўлайдилар. Форс тили кейинчалик давлат тили даражасига кўтарилади. Туронликлар ҳаётида катта ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар содир бўлади. Туркий қавмлар, уруғлар Фарбдан Шарққа қараб юрадилар.

Шаркий Туркистонда давлат марказлашади ва бу давлат тарихда Хунлар давлати номи билан машҳур бўлади. Хунлар (V эрамизга қадар IV эрамизда) деб хитойликлар ва туронликларни айтганлар. Хитой манбаларида Хйун-йу,

Хйун-ну, Хун, Хон Фарбда эса Гунлар деб атаганлар. Урхун, Жайхун, Сойхун, Хон сўзлари туркийда ана шу Хунлар номи билан боғлиқ. Тарихий китобларда, айрим ҳолларда Хунларни туронликлардан ажратиб ўрганиш ҳоллари учрайди. Бу давлатнинг асосчиси Мочин исмли шахс бўлган. Уни кўпинча Ўғизгон деб ёзишади. Қайси ном билан аталмасин уларнинг асосини туронликлар ва туркийлар ташкил этади.

Туркистонда кейинчалик Хунларнинг мавқеи кучаяди. Улар Хитой давлати билан тўқнашишлари натижасида Оқ Хунлар (Охунлар шулардан бўлса керак) Фарбга қараб юрадилар ва Кушонлар империясига асос соладилар. Қора Хунлар Европа томон юриш уюштириб, Гунлар, Эфталитлар (IV-V), Турк хоқонлиги (VI аср), Қорахонийлар давлатлари ташкил топади. Улар Волга (Этил), Дон, Днепр, Дунай дарёлари бўйларигача етиб борадилар ва IV асрда Отилахон бошчилигида ҳозирги Венгрия давлати марказида Хунлар империясини қуришга муваффақ бўлади. Хунлар шарққа юришларида Хитой ва мўғуллар уруғларига таъсирларини ўтказган. Шу маънода айрим тарихий китобларда мўғулларни ва хитойлиларни улар билан аралаштириб юборадилар. Улар ўртасидаги фарқлар гўё йўқолгандек кўринади.

Александр Македонскийнинг Эрон ва Туронга юриши ҳам бизнинг тарихимизда ката ўзгаришларга сабаб бўлади. Энг муҳими, эронийларнинг ҳукмронликларини тугатиб, Турон заминида туронийларнинг келажақда давлат мустақилликларини қайта тиклаш имконини яратади. Юнонларнинг ҳукмронликлари (Юнон-Бактрия) узоққа чўзилмаган. Хунлар, яъни туркий қабилаларнинг ҳаракати Шарқдан Фарбга қараб силжийди. Оқ Хунлар (Охунлар) тарихда маълум ва машҳур Кушонлар империясига асос соладилар.

Кушонлар номи билан машҳур бўлган давлат туркийларнинг давлати бўлган. Унга Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг катта қисми кирган. Кушон давлатида дунёвий аҳамиятга эга бўлган будда динига асос солинган десак хато бўлмайди, бунинг исботи Далварзин тепадан топилган Будда хайкали ва Афғонистондаги талибонлар томонидан бузиб ташланган Будда хайкаллар ва ҳ.к.

Фарғона (Даванъ, Паркана, хитойлилар маркази, Қувасой бўлган) кейинчалик Қанғ давлати (Хоразм) барчаси Кушонлар имперясига бирлаштирилган. Дунё Искандарнинг юришидан кейин учга: Рим, Кушон, Хитой давлатлари таъсирига ўтган эди.

Ўрта Осиёга Арабларнинг юриши ва Исломни кириб келиши туронийлар ҳаётига навбатдаги ўзгаришларни киритди. Турон Араб халифалигига қўшиб олинади ва халифаликнинг бир қисмига айланади. Арабларнинг сиёсий ҳаётидаги ҳукмронликлари узоққа чўзилмайди. Шарқда Турк Хоқонлиги ривожланса бошқа жойларда Қорлоқлар, Ўғизлар, Тохирийлар, Самонийлар, Қорахонийлар, ғазнавийлар, Салжукийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари ривожланади. Оқибат натижада, майда бекликлар Хоразмшоҳ давлатига бирлаштирилади.

Араблар Мовароуннаҳрда ўз мавқеиларини тез орада йўқотган бўлсаларда (давлатчилик нуқтаи назарда), аммо улар бу ерда Ислом мафкураси ва ҳуқуқини ўтказишга муваффақ бўлган эдилар. Ислом бугунги кунга қадар бизнинг халқларимизнинг маънавий ҳаётларида асосий дин сифатида амал қилмоқда. Арабларнинг Ўрта Осиёга ҳукмронлик йилларида Бухоро, Самарқанд, Туркистон, Хоразмга келганлар маҳалий аҳолига қўшилиб кетган. Айримлари Қашқадарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида ҳозиргача ўзларини араблардан деб ҳисоблайдиган қишлоқлар мавжуд.

Мовароуннаҳр аҳолиси Исломни қабул қилибгина қолмасдан, балки уни ривожланишида ва атрофга тарқалишида муҳим роль ўйнаганлар. Бунинг исботи Имом Бухорий, ат-Термизий, Бурхониддин Марғиноний каби ҳадисшунос ва ҳуқуқшунос олимлар яратган кўплаб асарларидир. Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларда қурилган мадрасаларда Шарқ ва Ғарбдан келган минглаб талабалар таълим олганлар ва ниҳоят Амир Темур ва темурийлар даврида Исломни ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Муҳаммад Хоразмшоҳ Мовароуннаҳрда кучли давлат ташкил этишга муваффақ бўлди. Унинг ихтиёрида Эрон давлатининг катта қисми, Хуросон, Ироқ, Туркистон бўлиб, Ислом дунёсидаги энг ката давлатга айланган эди.

Аммо у катта империяни бошқаришда, ички карама-каршиликларни бостиришдан анча чарчаган бир даврда Шарқда жаҳонгирлик иштиёқида ёнаётган Чингизхоннинг босқинига тўғри баҳо беролмасдан, унинг хатларини ва таклифларини эътиборсиз қолдиради. Савдогаларини қатил этишга буюради.

Чингизхон шуни баҳона қилиб Туркистонга, (Мовароуннаҳрга) юриш қилади. Бухоро, Самарқанд каби кўплаб шаҳарларни вайрон этади, ўт қўяди, аҳолисини “қатли ом” этишга буюради. Кўплаб одамларни қулликка олиб кетади. Бу Хоразмшоҳнинг мағлубиятигина бўлмасдан, бутун туронийларнинг фожиаси эди.

Муҳаммад Хоразмшоҳ Чингизхондан кучлироқ, кўпсонли армияга эга бўлишига қарамасдан, кучларни бир жойга жамлаб, душманга қарши курашни ташкил этиш ўрнига шаҳарларни мудофа қилиш учун алоҳида-алоҳида ҳарбий қисмларни қолдириб, ўзи Ироқ томон чекинади. Чингизхоннинг катта ўғли билан тўқнашгандан кейин Чингизхоннинг ўзи билан тўқнашишга журъат қилаолмайди. Бундан ташқари ўғли Мангубердиннинг қолиб мамлакатни мудофаа қилиш керак, деган фикрини ҳам қўллаб-қувватламайди. Шоҳсиз қолган мамлакатни мўғуллар осонгина босиб олишга муваффақ бўладилар.

Чингизхон ва у билан келган мўғул улуслари Мовароуннаҳрда ўзларидан юқори маданиятга учрайдилар. Аввал форслар, сўнгра араблар, кейин эса мўғуллар бу ерларда ўз тилларини, динларини тарғиб қилолмасдан, балки уларнинг ўзлари маҳаллий аҳоли тили ва динини қабул қиладилар. Чингизхоннинг юриши Туронда Хоразмшоҳлар сулоласининг тугатилишига ва Чигатой улусининг тикланишига олиб келган эди. Эндиликда Туркистон ёки Мовароуннаҳр ўрнига Чигатой улуси (давлати) деб юритиладиган бўлган эди.

XIV асрнинг биринчи ярмида мўғулларнинг улуслари инқирозга учраган, кўплаб шаҳар ва вилоятларда ҳокимият учун кураш кескинлашади. Сарбадорлар ҳаракати тобора кенг тус олиб, мўғуллар мамлакатни идора эта олмай қолган эдилар. Анна шундай пароканда мамлакатда иқтисодий, сиёсий

тушкинликлар даврида туркий уруғларнинг Барлос қавмидан Амир Темур сиёсат майдонига чиқади.

Амир Темур шоҳсиз, қонунсиз қолган, тарқоқ холдаги мамлакатни ягона давлатга бирлаштириш, қонунларни жорий этиш, мамлакатлараро савдосотиқни ривожлантириш кераклигини яхши билган эди. У тадбиркор, хушёр, саводли шахс бўлганлиги туфайли қийинчиликларни бирма-бир енгиб, тахтга ўтиради. “Тузуқлар”ни жорий этиб, у Туркистон билан бирга 27 та мамлакатда қонунийликни ўрнатди.

Амир Темур Тўхтамышхонни енгиб, руссларни мўғуллар истилосидан озод бўлишларига ёрдам беради. Мўғуллар улусларининг тугатилишини таъминлади. Боязитни енгиб, Фарбий Овропа халқини Усмон турклари томонидан истило этилишини тўхтади. Ўз миннатдорчиликларини билдириш учун Испания, Франция, Англия қиролликларидан ўз вақтида Амир Темур ҳузурига элчилар келган эди. Темурийлардан Мирзо Улуғбек, Ҳусайин Байқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар империяни сақлаш учун курашадилар, аммо XVI асрнинг биринчи ярмида тахт учун кураш темурийлар салтанатини тугатилишига олиб келган эди.

Туронда зардуштийлик (“Авесто”), Будда динларига асос солинди ва улар насроний, Ислом каби динларнинг шаклланишида ўз таъсирини ўтказди. Қадимги Юнон фалсафий-сиёсий дунёқарашининг, хусусан, Афлотун, Арасту каби машҳур мутафаккирларнинг дунёқарашларининг шаклланишида шубҳасиз “Авесто”нинг хизмати ката бўлган.

Турон дунёда давлатчилик маданиятини ривожлантиришда ҳам ўзининг ўрнига эга бўлиб, Зардушт, Тур, Афросиёб (Алп Эр Тунги), Отилахон, Аспарух, Хоразмшоҳ, Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек, Бобур каби давлат арбобларининг хизматлари каттадир.

Дунёга номлари машҳур бўлган олимлар: Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Абу ИСО Муҳаммад ат-Термизий, Абу Наср Фаробий, Абу Бакр Наршахий, Абу Бакр ал-Хоразмий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Хожиб,

Мухмуд Қошғарий, Бурхониддин ал-Марғиноний, Ахмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Али Қушчи, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир ва кўплаб бошқалар Ўзбекистон худудида яшаб ижод қилганлар. Улар жаҳон халқлари цивилизациясига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган буюк алломалардир.

**Ўзбек қабилалари:**

**Буркут, қиёт, қушчи, қўнғирот,  
утун, ўтачи, найман, жот, чинбой,  
қарлиқ, дўрмон, қурловут, туб, ойи,  
манғит, нўкуз, уйғур, хитой, тоймас,  
эчки, туман-минг ва бошқалар.**

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ҳ.Бобоев “Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи” ТДЮИ нашриёти 2003 йил.
2. С.Носирхўжаев “Сиёсатшунослик-давлат тарихи” 2003 йил.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ислон Каримов. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда. Т. “Ўзбекистон”, 1999 й.
2. Ислон Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Ўзбекистон”.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., “Ўзбекистон” 1992 й.
4. Асқар Маҳкам. “Авесто” Т.: “Шарқ”, 2001 й.
5. Шарофиддин Али Яъдий, муаллифлар: Ашраф Ахмад, Ҳайдарбек Бобеков “Зафарнома” “Шарқ”-1997 й.
6. Б.Ахмедов и др. Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. «Фан» - 2003 г.
7. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. –Т.: «Чўлпон» - 1993 й.
8. Б.Ахмедов ва бошқалар. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т.: - “Чўлпон”1994 й.
9. Абуль-Гази- Багадур хан. Родословное дерево тюрков. Мусульманские династии. С.Гэнли Лэн-пуль. Москва –Ташкент-Бишкек- “Туркистан” 1996 г.
10. Абдуқодир Зоҳидий таржимаси. Зиё гўкалп. Туркчилик асослари. Т.: - 1996 й.
11. Плетнева С.А. Половцы. Москва – “Наука” 1990 г.
12. Малявкин А.Г., Уйгурские государства в IX-XII в.в.
13. Ҳ.Бобобеков ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Т.: - “Шарқ”. 2000 й.
14. Э.В. Ртвеладзе, А.Х.Саидов, Е.В.абдуллаев. Очерки по истории цивилизации дреаного Ўзбекастана: Государственность и право. Т.: - “Адолат” –2000 г.
15. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Т.: -“Юлдузча” 1990 й.
16. Фасих хавафи. Муджмал-и фасихи “Фан”- 1980 г.
17. Темур тузуклари. Т.: “Ф.Фулом” нашриёти- 1991 й.
18. Ҳ.Бобоев. С.Ҳасанов “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. “Адолат” – 2001 й.

19. Ҳ.Бобоев. Ўзбекистон сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Т.: - 1987 й.
20. З.Муқимов. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. Т.: -2003 й.
21. Алишер Навоий. Тарихи мулуки Аджам.
22. Маъсуда. “История”. Т.: - “Наука” – 1996 г.
23. Абулқосим Фирдавсий. Шохнома. Т.: - 1984 й.
24. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: - “Мерос” 1993 й.
25. Хожа Самандар Термизий. “Дастур-ул Мулк”. “Ғ.Ғулом”- 1997 й.
26. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома” “Юлдузча”- 1989 й.
27. Амир Темур Кўрагон. “Зафарнома” Т.: - 2000 й. Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Қурбонбековлар.
28. Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Бизким, ўзбеклар... “Шарқ”- 1999 й.
29. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Т.: -1989 й.
30. Ҳамид Зиёев. Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси. Т.: - 2000 й.
31. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билик. “Пекин”- 1984 й.
32. Бартольд В.В. Ближайшие задачи изучения туркистана. Сач Т. IX. М., 1977 г.
33. История Ўзбекистана в Источниках известия путешественников, географов и ученых XVI первой половины XIX в. «Фан»- 1988 г.
34. Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Қурбонбеков. Амир Темур Кўрагон. Қиссаи Темур («Малфузоти темурий»). Т.: -2000 й.
35. Ҳ.Бобоев, З.Ғофуров. Ўзбекитсонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. “Янги аср авлоди”. Т.: 2001 й.
36. Амир Темур. Конференция ҳақида ҳисобот. Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум материаллари (Самарқанд, 1996 йил, 27-29 сентябрь) Т.: -1997 й.
37. Л.В.Страева. Государства Исмаилитов в Ираке в XI-XIII в.в. “Наука”, М.: -1978 г.
38. История государства и права Ўзбекистана. “Ўқитувчи” Т.: -1969 г.
39. Ватан туйғуси. Тошкент -“Ўзбекистон”- 1996 й.
40. История Ўзбекистана. “Фан”, Т.: - 1967 г.

41. Ислам. Энциклопедический словарь. “Наука” М.: - 1991 г.
42. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи. Т.: -2003 й.
43. Адбурразоқ Самарқандий. Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн.
44. Гийасаддин Али. Дневник покада Тимура в Индию М.: - 1958 г.
45. Б.Г. Гафуров. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Душанбе, “Ирфон”, 1989 г.
46. Махсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-Мақсуд ёки мухтасар ул виқоянинг ўзбекча шарҳи. “Адолат”, - 1996 й.
47. Абдулхай Абдурахмонов. Саодатга элтувчи билим. Т.: -2002 й.
48. Бобир. “Мухтасар”. Т.: - 1971 й.
49. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т.: -1996 й.
50. Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухарий. “Адбулланом” Т.: -1969 й.
51. История ат-Табарий. “Фан” Т.: - 1987 й.
52. Абу исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. “Адолат”, Т.: - 1999 й.
53. Средняя Азия в древности и средневековье “Наука”, Москва – 1977 г.
54. Абдулваҳоб Халлоф усулул фикҳ. “Адолат”, - 1997 й.
55. Коран. Перевод Академика И.Ю. Крачковского. М.: - 1990 г.
56. Толстов С.И. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т.: - 1964 й.
57. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т.: - 1998 й.
58. Дастур ул-Амал. Т.: - 2000 й.
59. Шишкин И.Б. Устен великой номазги. Москва, “Наука”, 1981 г.
60. История политических и правовых учений. Москва. 1999 г.